


Кеннет Грехем

Толзордан ЭСГАН ШАМОЛ



Кусса

ТОШКЕНТ
«О'ЗБЕКИСТОН»
2016

УЎК: 821.111-3
КБК 84(Ингл)
Г83

Инглиз тилидан **ТИЛАВОЛДИ ЖЎРАЕВ** таржимаси

Грехем, Кеннет

Г83 Толзордан эсган шамол [Матн]: қисса (К. Грехем; инглиз тилидан Т. Жўраев таржимаси. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2016. – 264 б.

ISBN 978-9943-28-683-2

Машхур инглиз адиби Кеннет Грехемнинг дунё болалари қўлдан қўймай мутолаа қиласиган мазкур қиссаси Англияниң ўзида қайта-қайта нашр этилиб, жаҳон тилларининг деярли барчасига таржима килинган. Асарнинг пайдо бўлиш тарихи жуда оддий ва қизиқ. Ёзувчининг ёлғизгина ўғли ёзги таътил пайтида бувисининг хузурига йўл олади. Бу вактинчалик айрилиқ, соғинч отани ҳар куни ўғлига мактуб ёзишига ундайди. Унинг йўллайдиган мактублари шунчаки арзи ҳол бўлиб қолмай, бу ғаройиб воқеалар асосида қўлингиздаги мазкур асар дунёга келди. Таржимон Тилаволди Жўраев асарни инглиз тилидан моҳирона таржима қилган. Шу сабаб воқеалар яқин ўргада рўй бергаётгандек туюлади ва китобхонни ром этиб, ўзига хос оламлар сари бошлайди.

**УЎК: 821.111-3
КБК 84(Ингл)**

ISBN 978-9943-28-683-2

© Т. Жўраев (тарж.), 2016
© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2016



СУБХИДАМ ЁҒДУЛАРИГА ЧУЛҒАНГАН ХАЁЛ

Инсон ҳаёт экан, борлиғу оламнинг ҳеч нарса-га алмашиб бўлмас бебаҳо мўъжизалари ёнидан кўпинча бепарво ўтиб кетади; аксарият ҳолларда лаҳзаларнинг қадрини сариқ чақачалик эътироф этишга бўйни ёр бермайди; Яратган томонидан берилган умр мазмуни ва яшашдан мақсад уни кўпам безовта қилмагандек кўринади. Одатий, барчани бирдек безовта этган, бир томонга зир-зир чоптирган, қулоқларни бир томонга динг эт-тириб нигоҳларни ўша томонга қадашга мажбур этган умумий майда-чуйда ташвишлардан халос бўймоқликнинг қандайдир имкони йўқ, имкони топилганда эса кеч бўлган, кўп нарсалар бой бе-рилган, кўлдан чиқиб кетган, баъзилар нималарни йўқотаётганиларини ҳам англаб-англамаган, айримлар эса афсус-надомат қаърига чўкканича қайтиб чиқмоқликнинг йўлини тополмай сарсари кезаётгандек туюлади. Кўринаётган ва туюлаёт-ган нарсалар фонида, умумий оқим етовида ким-нинг кимлигини билмоқлик душвордир, бунинг зарурати ҳам йўқдир. Зеро, хас-чўпларни оқизиб долғаланган дарёнинг кенг ўзанларда тиникиши жараёнида барча лойқаликлардан халос бўла бо-риши турган гап. Аммо ўз бебаҳо умри поёнига етаётганини ҳис этган, англаған кўнгилнинг эв-рилишлари нечоғли эканлигини бир он тасаввур

қилганингизда, айниңса, у сизнинг яқинингиз бўлганида бўғзингизга нималардир тиқилади. Ёш бола каби, ҳаёт ҳодисалари қаршингизда энди-энди янги кирраларини очаётгани, барибир уларнинг нималигини англаб етолмаётгандек, ғалати ва мажхул бир ҳолатга тушиб қоласиз. Албатта, бунинг нималигини тўқис тушунтириш ёки изҳор этиш ёинки тасвирлаш қаламидан сехрли таёқча каби турфа мўъжизалар яратган сўз усталарига ҳам насиб этмаган бўлса керак. Бу ўз йўлига, гап бунда эмас, гап шундаки, ҳаёт билан видолашаётган кўнгилнинг энг теран нуктларида ҳаётнинг бебаҳолиги, унинг субҳидам нурларига чўлғанган ҳаёллари, илк муҳаббатнинг тахир таъмлари, айрилиқ ва изтироблар – бари-бари жамланиб акс садо бера бошласа ажабмас; ажабмаски, бу ҳодисалар илохий сониялар орасида рўй бериб абадият кенгликларига ястаниб кетса. Тилаволди Жўраев, мен бу ерда «ката-та ёзувчи», «моҳир таржимон», «билгич олим», «ажойиб санъаткор» деган сифатларни қўлламоқчи бўйдиму қўллай олмадим, нега деганда унинг феноменини, такрорланмас шахсиятини, ўзига хос оламини ва шулар каби, инсонийлигини, мустаҳкам иродасини сўз билан ифодалаш ўзим учун қийинлигини, бунда сўзга нўноклик ёинки ифода йўсинини тополмаганим сабаб бўйламаслигини ҳис этдим. Мен у ҳақда ёзмоқчи бўлганимда бирга ўтказган кўпдан-кўп кунларимизни эсладим, батафсил тасвирласа бўладиган воқеалар кўплигини, уларнинг қайси бирини бўлмасин, танлаб олиб ёзиш мумкинлигини ўйладиму, лекин бу унинг хотирасини ифодалаб беришга жуда озлик қилишини, оддий ҳаётий ҳодисаларнинг бунга кучи етмаслиги-

ни пайқаб қолдим. Тасаввур этганимда бадиий тафкури жайдари воқеа-ҳодисаларни тасвиrlашга мослашган ёзувчилар учун бундай йўсин асқатиши мумкинлигини эътироф этгандай бўлдим, яна ким билсин, ўшанда ҳам ҳар қандай йўсин-пўсин видолашаётган, аммо видо сўзларини, видо фикрларини ҳали тўлиқ айта олмаган инсоннинг ҳолатини акс эттиришга ожиз эканлигини ҳис этдим. Тила-волди ака операциядан кейин бир йилга яқин оғир хасталик билан яккама-якка, ич-ичидан, қалбининг энг теран ерларидан курашди, назаримда, уни жисмоний оғриқдан ҳам кўра яна бир бошқа нарса безовта этаётгандек, у ўша билан куршаётгандек туюларди. У тахминан, бу ҳаёт нима, унда мазмун борми, бу жойдан кўчиб нариги томонга ўтсак нималарга дуч келамизу, бизни нималар қарши олади, ҳаёт ва абадият субстанциялари ҳақидаги тасаввурлар, қарашлар, илоҳий фикрлар нечоғли тўғринотўғрилиги ҳақида баҳслашар эдигу, энди ўзимиз борганда уларнинг қай бирига дуч келамиз экан, дуч келганимизда шаккок қарашларимиз учун жавоб бермасмиканмиз ёинки уларнинг барчаси сўниб, йўқликка дўнармикан деганга ўхшаш қарама-қарши фикрлар билан курашаётганга ўхшарди. Унинг озиб ич-ичига ботиб кетган ёноқлари тафкур учқунлари сачраб турган кўзларини янада катталаштириб, равшанлаштириб, теранлаштириб юборгандай эди, уларга боқиб тафаккур соҳибларига фикр қилиш учун ҳар қандай шароитда имкон мавжудлигига, улар бу имконни кўлдан чиқармасликка уринишларига беихтиёр имон келтириш мумкин эди. Унинг тафаккур окими Ер юзида инсониятнинг пайдо бўлишидан қадим халқлар,

уларнинг урф-удумлари, фаришта паноҳида юрганлару иблис измидан чиқмайдиганларгача барча-барчасини илғаб олишга, кириб боргани сайин яна-да чуқурроқ, ичкарироқ киришга ундар эди, мана шу ундов таъсирида мўл-кўл ғоялар, килинажак ишлар учун хамиртурушлар тайёр бўларди. Аммо уни фақат тасаввурот ва хаёлот дунёсида юрган эди дейиш нотўғри бўлар, нега деганда, у амалиёт кишиси, ҳамма нима ишни қилиб юрган бўлса у ҳам шуни қиласидек кўринган, бироқ қадим-қадим халқларга ибтидо давридаёқ ёпишиб келган иллатлардан азият чеккан, шунинг азобини тортган, кўролмаслик ва пайини қирқишлиар барча таназзуларнинг боши эканлигини англаған ҳолда буларни ҳам ўз бошидан ўтказган, аммо барчасига қўл силтаб узоқ-узоқларга кетишни, қолаверса, бу ҳаётни тарқ этишни асло истамаган қалб эгаси эди.

Бир гал, ўлимидан уч-тўрт ой аввал бўлса керак, унинг ўзига ҳам кўп нарсалар аён бўлиб қолган кезларида:

– Наҳотки, қўлимдан ҳеч нарса келмаса? – деган эди ғуссоли тарзда, шу асно ажабланаётгандек. – Индамасдан ўлиб кетавераманми?

Шундан сўнг у яна табибларга ўзини қаратди, тиббиёт китобларини титкилади, мўъжизаларга ишонгани, ўз қўли ва юраги билан инсонларни ҳайратга соладиган асарлар яратгани учун мўъжиза кутиб яшади. Унинг кўзларида мабодо шу мўъжиза рўй бергудек бўлса энди авваллари англанмаган жуда кўп нарсаларни англағани намоён бўлар, агар шундай бўлса, одамларга айтадиган гаплари бисёрлиги нигоҳларида белги бериб туради! Агар шу ажойиб ҳодиса рўй бергудек бўлса... афсуски,

инсоннинг яралиши ўзи мўъжизалар сирасига киргани билан унинг ҳаёти давомида, айниқса, ўзи истаганда мўъжиза юз бериши қийин кечар экан, шекилли.

Унинг шахсида ёзувчилик истеъоди, олимлик салоҳияти, таржимонлик маҳорати, қўшиқчилик ҳаваси мужассам бўлган эди. Кўп нарсани билгани, боз устига юрагида битмас-туганмас завқ-шавқ булоғи қайнаб тургани учунми, бу нарсаларнинг ҳеч бири бир-бирига халакит бермас, қайтанга бир-бирини тўлдириб, бойитиб, мукаммалаштириб бораверарди. Бу унинг ижоди, шахси билан унча-мунча таниш бўлганларга яхши маълум. Инглиз, немис, рус тилларидан бемалол таржима қила олгани учун кўнглига ёқкан асарларни она тилимизга ўгириб, бадиий тафаккуримиз бойишига хизмат қилди. Жумладан, инглиз тилидан улуғ фантаст ёзувчи Герберт Уэллиснинг «Доктор Моро ороли»ни таржима қилиш жараённида асарнинг матнига қатъий ёндошган бўлса, қўлингиздаги мазкур «Толзордан эсан шамол» қиссаси таржимаси даврида ўзининг ижодкорлик, ёзувчилик иқтидори жиловини ҳам баралла қўйиб юборгани яққол кўзга ташланди. Шу сабабли халқимиз оғзаки ижодининг бой маҳсуллари, мақоллар, иборалар Кеннет Грехемнинг лексиконига бебилиска кириб кетиб қолдики, ўқувчи мутолаа жараённида беихтиёр муаллифнинг инглиз эканлигини ҳам, орада бепоён уммонлар ажратиб турганини ҳам унутиб қўяди. Табиат тасвирларини ўқиб, ахир буларни кўрганман-ку, дейди, кўрсичконнинг хатти-ҳаракатлари, қурбақанинг ҳовлиқмаликлари, бўрсиқнинг тепса-тебранмасликлари ҳам миллий лиbosларини ечиб ташлай-

ди. Буни яхши биладиган мутахассислар қандай баҳолашларини билмадиму, таржимон санъатда жуғрофий чегаралар бўлмаслигини ёқлаган ҳолда айрим пайтларда ўзбекча жой номларини ҳам қўйиб юборади. Асарда тил унут бўлади, табиат мусиқаларига илоҳий сас-сабарлар қўшилган ҳолда ажиб бир уйғунлик касб этадики, улар беихтиёр қалбингизда акс садо беради. Шунда сиз бу акс садонинг бежиз эмаслигини пайқаб қоласиз. Моҳир санъаткор қалбининг энг нозик қатламларини қўзғатиб-титратгани самараси ўлароқ юзага келган ва сизу бизга доимий эшитилиб турган овозидир. Унда субҳидам ёғдуларига йўғрилган хаёллар, ички ёруғликлар, киприкка илашган «суюқ ҳаяжон»лар мужассам бўлгандир. Шу сабабли, у бежиз эмас, унда илоҳийликка дахлдорлик, руҳониятга уйғунлик мавжуд. Бу овоз, китобни қўлдан қўйманг, хар қандай китобни қўлдан қўйманг, теварак-атрофингиздаги бехуда шовқинларни, тасодифий айюҳанносларни йўқотиб, руҳингизга, ақлингизга, қалбингизга озуқа берадиган товушларга кулок солинг, деяётгандек бўлади. Унинг биз учун ҳам, келажак учун ҳам энг муҳим аҳамияти ана шунда бўлса ажабмас.

Шойим БЎТАЕВ



І б о б СОХИЛДА

*ёхуд Кўрсичқоннинг ёргуғ оламни
илк маротаба қўргани*

Кўрсичқон эрта тонгдан ғимир-ғимирини бошлиди: ахир, табиат келинчаги баҳор ташриф буюраётир, уйни сал-пал эпақага келтириб қўйиш керак. Йўқса, кўнгил хира тортади. У дастлаб ҳаммаёқни супуриб-сидирди, ялтиратиб артди. Сўнг оҳакли пақирчани олиб, стулга, шотига чиқиб, рўпак билан деворларни оқлади. Кўзларига чанг кириб ачишди, томоғи ғиппа бўғилиб, қўллари толди, белидан мадор кетди, бошидан-оёғигача оҳак сачраб, ўзи ҳам «олабўжи» бўлиб қолди.

Еру кўкни тўлдириб баҳор нафаси кезар, ҳатто Кўрсичқоннинг пастқам кулбаси ҳам кўклам ҳавосидан энтикаётганга ўхшар, дилни аллақандай ширин ҳис-туйғулар қитиқларди. Олам фараҳбахш исларга тўла-ю, лекин Кўрсичқоннинг кўнгли қоп-коронғи уйдек бўм-бўш эди. Кўнглига чироқ ёқса ёришмасди. У тўсатдан: «Шу ҳам инсофдан бўлдими?! Баҳор ташвишларининг падарига минг лаънат!», деб ғудранди-ю, устига тузукроқ кийим кийиб олишни ҳам унутиб, ташқарига отилди. Йўл-йўлакай пақирча билан рўпакни ҳам қаёққадир улоқтириб юборди. Жилов-жабдуқ нелигин билмайдиган асов куч уни бир ёқларга тортқилаб

борарди: у ҳар куни ўтадиган торгина кавак йўлидан шахду шижаат билан йўргаларди-ю, ўзича: «Анави такасалтанг олифталар каби баланд жойларда яшасам-ку, қандикка тиқилиб, гўр азобини бошимдан кечирмасдим!» деб ўйларди ва баттар жиғибийрон бўларди. Афсуски, у ҳар куни минг бир азобни енгиб ўтишга мажбур эди: тупроқни виз-виз этказиб тимдалар-юмдалар, тирнокларининг ости худди зирачча киргандек лўқ-лўқ сирқирай бошлигач, бирпас ишдан тўхтар эди; кейин яна олға интилар, кавак йўлга тиқилар, уринар, суринарди, орқа оёқлари зўриқиб чиранарди, тупроқни юмдалаб-тимдалайверарди. «Мана, ҳозир ёруғликка чиқиб оламиз! Бизнинг елкамизга ҳам офтоб тегади, ха!» деб ўзига-ўзи далда берарди...

Нихоят, тумшуғига гуп этиб мусаффо ҳаво урилди, ёруғликдан кўзлари қамашиб кетди – у ер юзига чиқиб қолди-ю, қуёш қиздириб турган майсазор оралаб шундай югурдик!

– Оҳ, қандай яхши, зўра-а! – дерди ўзига-ўзи тўлқинланиб. – Менам юрган эканман-да, аҳмоқ бўлиб! Уй оқлаш қаёқда-ю, ям-яшил олам қаёқда!

Куёш аъзойи баданига жон киритарди, ғир-ғир эсаётган шаббода терлаган манглайнин майингина сийпаб ўтарди – агар дунёда ҳузур деган гап чин бўлса, шунчалик бўлади-да! Айниқса, сайроқи, қувноқ қушларнинг жўр овозини айтмайсизми: бай-бай-бай, нақд ухлатиб қўяман дейди-я! Ер остида ётавериб қулоқлар ҳам том битиб қолган эканми, нима бало, бирдан очилиб кетди-ку!

Баҳор ифори, ҳаёт нашидаси кўксини тўлдирган Кўрсичқон ўзини қаёққа уришни билмасди. У бутун кучини тўрт оёғига тўплаб, ўтлоқнинг нариги томонига югурди.

– Ҳой, ўпкангни бос! Мунча шошяпсан, шошмагин! Тўхта! – деди қўйқис яшил-девор панасида ётган кекса Қуён. – Нима, бу йўл энангни маҳрига тушганми?! Қани, аввало, йўлкирани чўзиб қўй-чи!

Кўрсичқон шу тобда ниҳоятда шахду шиддатга минган эдики, уни бирор тўхтатиши амримаҳол эди: у кекса қуённи ўмгани билан бир урди-ю, юматиб юборди.

– Эй, нима тўполон? – дейишиб инларидан бошларини чиқаришди қуёнчалар.

– Барра кабоблар! Пиёз билан қовурилиб ем бўлгур, сабзихўрлар! – деб уларни калака қилди Кўрсичқон ва яшил ўтлоқ бўйлаб қочди.

Каловланиб қолган қуёнчалар бири қўйиб-бири олиб вайсай бошладилар:

– Нега бақрайиб қолдинг, тентак! Бирор нима десанг, ўлармидинг!

– Ўзинг-чи, ўзинг! Тилинг калимага келмай қолди-ку!

– Ҳў-ўй, кимнинг тили калимага келмай қолди?!

Хуллас, қуёнлар ўртасида даҳанаки жанг бошланган пайтда ғанимат фурсат аллақачон бой берилган эди.

Атроф бағоят гўзал эди, кўзни қувонтиарди. Кўрсичқон ям-яшил ўтлоқ, боғчалар, далалар узра ўёқдан-буёқка тинимсиз дикир-дикир сакрарди. Қаёққа қарамасин, ҳамма ўзи билан ўзи овора эди. Күшлар ин қуарди, ғунчалар очилар, куртаклар япроқ ёзарди. Хуллас, ҳамма турмуш ташвишлири билан андармон ва бахтиёр эди. Ички бир овоз: «Уйни ким оқлайди?» деб Кўрсичқонни мулзам қилмоқчи бўларди гўё. Лекин ўша овозни эшиг-

масликка ҳаракат қилар, мудом ўз қилмишини оқларди: э-э, бутун дунё заҳмат чекиб, нимага эришдики, энди яна нимага эришарди?! Ундан кўра, беш кунлик фоний дунёда ялло қилиб қолганинг фойда, ҳузур-ҳаловат фойда! Ҳордик чиқаришнинг энг яхши йўли – эшакдек ишлаб ётган одамларни мириқиб томоша қилсанг-да, соя-салқинда мушукдек кериши-иб ётсанг!.. «Эй Кўрсичқонбой, сен ўзингни оқлагандан кўра, уйингни оқласанг дуруст бўларди!» деб дашном берди ички овоз яна. Аммо, унинг қулогига шу тобда гап кирмасди.

Кўрсичқон айланиб-ўргилиб лим-лим оқаётган дарё соҳилидан чиқиб қолди: ана томошаю, мана томоша! Бунақа дарёни у етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди: мовийлигини қаранг-а, худди осмонни олиб тушиб, ерга пояндоз мисоли тўшаб қўйганга ўхшайди-я! Боз устига, илон изидек эгри-бугри. Қулқуллаб, офтоб нурида жимиirlаб оқиб ётибди. Сув сатҳида гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай оқиб келаётган ҳар хил нарсалар бирдан соҳилга улоқтириларди-ю, аммо улар энди қутулдим деганда яна азим дарё эрмагига айланарди; қудратли қаноти билан бир ямлаб бағрига тортиб олар ва юмалатиб-думалатиб оқизиб кетарди. Дарёning бутун вужуди жимиirlар, мавжланар, сиртдан ялтюлт қилса, ботинан гулдуурап эди. Бундай тилсимотни илк бора кўраётган Кўрсичқоннинг оғзи ланг очилиб, анграйи-иб қолди. Кейин у худди но-таниш катта одам кетидан эргашиб кетаётган ёш бола каби дарёга эргашиб бораверди: йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди. Ахийри ҳолдан тойди ва қирғоққа ўтириб қолди. Дарё эса ҳамон шивирларди, гўё сирли бир эртак сўйлаётганга ўхшарди. У

эртак, аслан, ернинг мағзидаги пайдо бўлган эса-да, дарё уни ўзи тўқигандек авайлаб-асраб эртакка ўч мечкай Денгизга тухфа қилмоқчи эди.

Кўрсичқон теран ўй-хаёлларга чўмиб, дарёга тикилиб ўтирас экан, бирдан нариги соҳилдаги қопқора тешикка кўзи тушиб қолди: ўша тешик сув сатҳидан сал баландроқда худди мўри мисоли кўзга яққол ташланиб турарди. Кўрсичқоннинг юраги орзиқиб кетди: қанийди айвони дарёга қараган битта уйинг бўлса, дунёнинг ташвишларини унутиб, чанг-чунглару шовқин-суронлардан холи яшасанг! У ҳамон ўша тешикдан кўз узмай ўтиради... Бир пайт тешик ичкарисида нимадир ялт этиб кўзга ташланди-ю, бирпасда сўнди-қолди. Худди митти юлдузчанинг ўзгинаси эди. Бир оздан сўнг ўша нарса яна кўринди. Тавба, у ерда митти юлдуз нима қиласди? Балки, тиллақўнғиздир?.. Йўғ-э, у ерда тиллақўнғизга пишириб кўйибдими! Тиллақўнғиз кичкина бўлади-ку... Ҳа-а, Кўрсичқон энди илғади – ялтироқ нарса юлдузча ҳам, тиллақўнғиз ҳам эмас, балки кўз экан! Ана, худди девордаги расмнинг рамкасига ўхшаб кўз атрофида битта башара пайдо бўлди. Мўйлови ҳам бор экан, тумшуғи қўнғир тусли; афт-башараси юм-юмалоқ, викорли. Негадир кўзлари ялт-юлт қиласди, кулоқлари жажжигина, юнги эса қалин, момикдай. Бу мукаррам зот Сувкаламуш эди.

Икки ҳуркак нигоҳ бир сониягина тўқнашди.

– Салом Кўрсичқон! – деди Сувкаламуш. Кўрсичқонга тикилганча.

– Салом, Каламуш! – деб алик олди Кўрсичқон.

– Буёққа ўтмайсизми? – деб таклиф қилди Каламуш. Бир оз сукутдан сўнг: – Гаплашамиз, отамлашамиз, – деб қўйди.

– Майлингиз таҳсинга лойиқ. Лекин бекордан-бекор эзмаланиб ўтиришдан нима фойда! – деди Кўрсичқон андак асабий оҳангда.

У бу ерларда биринчи марта бўлиши эди; дарёнинг ҳам, ерли ахолининг ҳам урф-одатини, удумини билмасди.

Каламуш лом-мим демади: соҳилга эгилиб, боғичи кўриниб турган арқонни бир силтаган эди, сув сатҳида қайиқча пайдо бўлди – Каламуш бир сакраб унга чиқиб олди. Кўрсичқон бундай матоҳ борлигини сезмаган эди: бу сирти кўкка, ичи оққа бўялган икки кишилик бежирим қайиқча эди. Ундан қай мақсадда фойдаланиш Кўрсичқонга номаълум эса-да, аммо бир кўришдаёқ ёқтириб қолди.

Каламуш чаққон-чаққон эшкак уриб, бирпасда бериги қирғоққа яқинлашди ва ҳадиксираб сувга тушаётган Кўрсичқонга қўлини узатди-ю:

– Кўлингизни беринг! Қани, тезроқ! – деди.

Кўрсичқон қайиққа қандай чиққанини билмай қолди: бир пайт мундоқ қараса, расмана қайиқнинг қуйруғида ўтирибди.

– Қойил-э, бугун антиқа кун бўлди-да, ўзиям! – деди у қайиқни суриб, эшкакни қўлига олаётган Каламушга қараб. – Биласизми, умримда биринчи марта қайиққа ўтиришим!

– Йўғ-э! – деди Каламуш ҳайратланиб. – Илгари ҳечам қайиқда сузмаганмисиз?! Яшанг-э, шоввоз! Шу пайтгача қаерда эдингиз?!

– Расмана қайиқда юзиш маза бўлса керак-а? – деб сўради Кўрсичқон бир оз ийманиб. Айни чоқда у бундай сайр маза эканини ич-ичидан сезиб турарди. У ўриндиққа суюнганча эшкакни, эшкак қулоқларини, бошқа асбоб-анжомларни кўздан кечирди.

Қайиқча сувда қалқиб-қалқиб сузид борарди.

– Мазами? Дунёда бундан ҳам ёқимлироқ яна нима бор?! – деди Каламуш мақтандырыс келиб завқ билан эшкак эшар экан. – Дүстим, менга ишона-веринг, дунёда қайиқда юзишдан аълороқ хузур-халоват бўлмайди! – деб гапини маъқулатмоқчи бўларди Каламуш. У ширин хаёлга чўмди. – Рости-ни айтсан, дунёда мазали нарсалар тўлиб-тошиб ётибди, фақат...

– Эй, ҳой, секинроқ! Хў-ўй, Каламуш! – деб қичкирди Кўрсичқон тўсатдан.

Аммо, фурсат ўтган эди: Кўрсичқоннинг огохлантириши зое кетди – қайиқ бор залвори билан қирғоқка урилди-ю, хаёлпараст эшкакчининг оёғи осмондан келиб қайиқ тубига ағдарилиб тушди.

– Маза мана бунақа бўпти! Кўрдингизми, ё қайиқда юзиш маза, ёки мана шунақа ағдарилиш маза! – деб хахоларди Каламуш ўрнидан туарар экан. – Қайиққа ағдариласанми ёки ундан учиб кетасанми – бунинг унчалик аҳамияти йўқ. Ҳамма гап шундаки, мен сизга айтсан, қандай ағдарилиш ҳам, юзиш-юзмаслик ҳам, бирор жойга бориш-бориласлик ҳам муҳим аҳамиятга эга эмас. Муҳими – бекор ўтирасанг бас! Чунки юзишни ўйласанг – ишинг қолиб кетади, лекин ишдан кўпи йўқ: ҳали унисига уннаб кетасан, ҳали бунисига... Фақат ишга бўйин ёр берса бўлди. Лекин бўйин ёр бермайди-да, қурмағур! Менга қаранг, ошнам, агар бошқа зарур иш бўлмаса, дарёда кечгача юзиб би-ир маза қилмаймизми-а?

Кутимаган таклифни эшитиб, суюнганидан Кўрсичқон чапак чалиб юборди. Сўнг кўксини тўлдириб нафас олди ва хузур қилиб ўриндиққа суюнди.

– Хўб ажойиб кун бўлди-да! – деб лукма ташлади. – Қани, кетдик!

– Шошилманг, азизим! – деди Каламуш қайик-ча тумшуғидаги арқонни қирғоқдаги ҳалқага ўт-казиб боғлар экан. Кейин у югуриб инига кириб кетди-ю, бирпасда майишганча оғир бир саватни күтариб чиқди. – Мана буни ўриндиқ остига тиқиб қўйинг! – деб илтимос қилди у Кўрсичқондан. Сўнг арқонни бўшатиб, эшкак уришни бошлади.

– Анави саватда нима бор? – деб сўради Кўрсичқон сабрсизлик билан.

– Нима бўларди, жўжанинг яхна гўшти! – деб тўнғилади Каламуш. Сўнг, мақтангиси келдими, нима бало, бидирлай бошлади: – Яхна тил, тўнғиз, мол гўшти, сирка, сапча бодринг, шакароб, шираванон, бутерброд, консерва, гўшт, занжабил, пиво, лимон сув...

– Бўлди, бас! – деб қичқирди Кўрсичқон сўлаги оқиб. – Вой-бўй, мунча кў-ўп?!

– Нимаси кўп экан?! – деб ростакамига ҳайратланди Каламуш. – Сафарга ҳамиша бир сават емиш олиб чиқаман. Лекин, оғзига қучи етмайдиган махлуклар мени доим, «Нонемас!» деб калака қилишади.

Унинг гап-сўzlари Кўрсичқоннинг қулоғига кирмай қолди. Чунки у янги таассуротлар уммонига ғарқ бўлган эди: сувнинг мавжланиши-ю, жилоси, хушбўй ҳидлару жозибадор товушлар, боз устига, қуёшнинг роҳатижон тафти уни тамомила маст қилиб қўйди. Кўрсичқон қайикдан қўлини чиқариб, сув сатҳига ҳар хил шакллар чизганча мудради. Сувкаламуш бўлса бир текис эшкак ураг, Кўрсичқонга халақит бермасдан сукут сақлади.

– Кийимингиз зўр экан-да, ўртоқ! – деб охири гап бошлади Каламуш. – Агар ишларим юришиб,

бойиб кетсам, албатта, қора бахмалдан шунақа нимча тикириб кияман!

– Нега мен боғдан келсам, сиз тоғдан келасиз?.. Ахир, хозир шунақа гапнинг мавридими! – деди Кўрсичқон энсаси қотиб. – Ундан кўра, атрофга бир назар ташланг: нақадар гўзал-а, дарёни айтмайсизми!

– Ҳа, дарё бизнинг ризқ-рўзимиз, саховатли онамиз, – деди Каламуш теран ўйга толиб.

– Ие, чиндан ҳам сизларни мана шу дарё боқадими? Қойил-э!

– Факат дарёning ўзи боқмайди: унинг ичидаги, ташидаги, атрофидаги ҳамма нарса бизники. Ростини айтсам, уруғ-аймоғим ҳам, туғишиган иним ҳам, оқ ювиб-оқ тараган ҳам, сув десам шарбат тутган ҳам мана шу дарё бўлади! У менинг суюнган тоғим, жоним-жаҳоним! Шунисига ҳам шукр! Бундан бошқа жаҳонни на қиласай? Устим бут, корним тўқ, емишим олдимда... Баҳору ёзу кузу қишида – йилнинг исталган фаслида дарё коримизга ярайди.Faқат февраль ойида дарё суви кўтарилиб, ертўла билан омборимни сув босади, ётоғимнинг дарчаси ёнидан лойқа сув ҳайқириб оқади – шунақа пайтлари сал-пал қўрқаман, холос. Кейин, худога шукр, сув шаштидан қайтади: лойқа босган ўзан тарам-тарам бўлиб қолади, ўша ердан олхўри ҳидига ўхшаш ажиб бўй таралади; қамишзору сувўтлар устига боқибекам одамлар озиқ-овқат қолдиқларини ташлаб кетишади. Эҳ, жуда маза-да!

– Ёлғизликда зерикмайсизми? – деб сўради Кўрсичқон ҳайратланиб. – Битта ўзингиз ким билан гаплашасиз?

– Бирорни бошимга ураманми? Сиздан гинахонлик қилиш ноўрин. Чунки сиз қўп нарсани бил-

майсиз, – деди Каламуш босиқлик билан. – Дарё хозир торайиб қолди, күпчилик кенг жойларга күчиб кетишияпти. Дарёнинг илгариги файзи йўқ. Қундуз, кўктароқ қуш, ўрдак-пўрдак, қарқара дарёга танда кўйиб олдилар. Худди ўзимнинг ташвиш им камлик қилаётгандек, уларга ҳам кўз-кулоқ бўлиб туришим лозим.

– Ҳув авави ерда нима бор? – деб сўради Кўрсичқон дарё соҳилини қоплаб ётган тўқайга ишора қилиб.

– У ерда қалин чакалакзор бор, – деди Каламуш истамайгина. – Биз у ёқقا кам борамиз.

– У ернинг аҳолиси ёмонми? – деб сўради Кўрсичқон ҳадиксираб.

– Нима десам экан... – дея мужмал жавоб берди Каламуш. – Хўш, мундок ўйлаб кўрсақ, олмахонлар ёвуз халқ эмас. Қуёnlар ҳам... Лекин, ҳаммасини мўмин-қобил деб бўлмайди – қуёnlар ҳар хил бўлади. Бўрсиқлар ўзимизнинг сувсарлар қавмидан бўлса-да, аммо босқинчилик уларга отамерос! Ўзлариям моховлар каби овлоқ чакалакзорларда яшайдилар: маҳалла-кўйга аралашмайдилар. Бир ҳисобда улар бир четда яшагани маъкул, – деди Каламуш маънодор оҳангда.

– Тўғри айтасиз. Одамнинг оласи ичиди бўлади, дейишади-ку! Демак, ҳайвонларнинг оласи ҳам ичиди бўлади.

– Ҳай, – деди Каламуш кўзларини пирпираби. – Ростини айтсан, мен шевада сўзлашадиган махлукларни унчалик ёқтирмайман. Масалан, авави сувсичқонлар, оқсичқонлар, тулкилар ва ҳоказолар сиртдан туппа-тузук кўринишади-ю, бироқ ўлардек маҳаллийчи бўлишади! Шу боис

мен улар билан шунчаки салом-алиқдан нарига ўтмайман. Чунки уларга чинакамига ишониб бўлмайди: дарров сотиб кетишади, ярамаслар!

Кўрсичқон ҳайвонот оламида ҳукм сурадиган ирим-сиirimларни яхши биларди: агар бўрининг номи тилга олинса – бас, албатта, унинг қулоги кўринади. Шунинг учун сухбат жараёнида ўшанинг номини тилга олиш шарт бўлиб қолса, «қаришқоқ» дейиларди. Яххиси, сухбат мавзусини ўзгартирган маъкул. Чунки, лаънати бўривой ўзининг лақабини ҳам билиб олган бўлиши мумкин-да!

– Чакалакзор ортида нима бор? Ху-ув уёклар кўкиш туманга ўралганми? Қандайдир тепаликлар кўриняпти... Чамаси, Кумкўрғонга ўхшайди-я? Ё саробмикан?

– Сароб эмас, чакалакзорнинг ортидан Катта дарё бошланади. Лекин мен у ёққа қадам босмаганман. Сизга ҳам маслаҳатим, оғайни, уёққа бора кўрманг, тилга ҳам олманг... Мана, ирмоққа етиб келдик. Энди тамадди қилиб оламиз!

Улар дарё ўзанини ортда қолдиришиб, сокин ирмоққа бурилишди. Ям-яшил қирғоқлар сувда жилваланиб акс этарди: ирмоқ тубида эса бақа тўни қоплаган тўнкалар, илонсимон томирлар қорайиб кўзга ташланарди. Рўпарадаги қубба томли тегирмон тарновидан кўпикланиб, олтиндек товланиб, шовуллаб сув тушарди. Сувнинг бир маромда шовуллаши дилга ором берарди; ора-сира унга жўр бўлаётгандай тегирмон парраги ғичирлаб қўярди. Атроф шу қадар тароватли эдики, Кўрсичқон қўлларини кўкка чўзиб, беихтиёр пичирлади: «Вой бўй-ўй, буни қаранг-а!»

Қайиқ қирғоққа түмшүғи билан урилиб тұхтагач, Каламуш нотавон Күрсичқонга күмаклашиб, соҳилга чиқарып күйди. Сүнг саватни күтариб туширди. Күрсичқон дастурхон тузашға майл билдирди. Каламуш қаршилик қылмади ва фурсатдан фойдаланиб: «Вой жоним-эй!» деб ажриққа узала чўзилди. Күрсичқон бўлса, ўзига бағоят масъулиятли вазифа ишониб топширилганидан ҳаяжонланиб, нознеъматларни ўз мақоми бўйича меҳр билан дастурхонга териб қўя бошлади ва ўзича: «Буни қаранг-а, шунақасиям бўлар экан-да!» деб пичирлади.

Нонуштага ҳамма нарса тахт бўлгач:

– Қани, оғайнини, бошланг! – деди Каламуш.

Күрсичқон жон деб амрга бўйсунди: «Подшоҳнинг амри вожибдир, тақсир!» деб Каламушга андак ялтоқлик ҳам қилгиси келди. Сирасини айтганда, у каллаи сахарлаб юмушга уннагани боис, нонушта қилишга фурсати бўлмаганди. Жиддий ишга қўл урилса, шунақа бўлади – қорин эсдан чиқиб кетади.

– Нега бир нуқтага тикилиб қолдингиз? – деб сўради Каламуш бир оз тамадди қилишгач.

Дастурхонга тикилиб қолган Күрсичқоннинг кўзлари ҳаракатга келди.

– Мен кўзимнинг қири билан сув бетида пайдо бўлаётган пуфакчаларни томоша қилаётибман. Қаранг, зўра-а!

– Қанақа пуфакчалар? – деди Каламуш. У имоишора билан бирорни дастурхонга таклиф этди.

Бирпасдан кейин сув сатҳида силлиқ калла кўринди: ҳашаматли Қундуз қирғоққа чиқди-да, пўстинини бир силкитди – сувини қоқди.

– Яширинган жойини қаранглар, нокаслар-эй! – деди у ҳазил аралаш. Сүнг салмоқланиб дастурхон

томон яқинлашаркан: – Каламушвой, нега мени ол-динроқ хабардор қилмадингиз? – деди ўпкаланиб.

– Ўзимиз ҳам билмай қолдик. Түғриси, түсатдан уюшиб қолдик, – деб ўзини оқлади Каламуш. – Та-нишиб қўйисинлар: бу зот менинг дўстим, жаноб Кўрсичқон!

– Ў-ў, бафоят мамнунман! – деди Кундуз ва дўстининг дўсти билан бир умр қадрдон бўлиб қолишга тантанали равишда вайда берди. – Қаерга борма, тўс-тўполон, қий-чув худди революция бўлаётганга ўхшайди! – деб нолиди Кундуз. – Нима бало, дам олиш учун дарёдан бошқа жойни ер ютганми! Ахийри, овлоқ ирмоққа бурилиб, бир-пас ҳордик чиқараман десам... бу ерни ҳам ўзлари эгаллаб олибдилар. Қойил-э!

Ҳозиргача бултурги хазонлар уюлиб ётган де-вор ортидан шитир-шитир товуш эшишилди: сал ўтмай букри елкалар ўртасига жойлашган калла кўринди.

– Ие, Бўрсиқвой-ку! Дўстим. Қани дастурхонга марҳамат қилсинлар! – деб қичқирди Каламуш.

Бўрсиқ бир-икки қадам олға босди-ю:

– Оббо, бу ерда ҳам улфатчиликми?! Э-э, бу дунёда тинчлик йўқ экан-да! – деб шарт бурилиб орқасига қайтди.

– Кўрдингизми, бу зоти олийлари нозиктаъб бўлиб қолганлар, – деди Каламуш хафа бўлиб. – Жамоани жини сўймайди, якка хўжалик бўлиб яшашни истайдилар. Хўш, дарёда яна кимлар бор?

– Қурбақага кўзим тушди, – деди Кундуз. – Яп-янги байдаркасида башанг кийиниб олиб, сайр қилиб юрибди.

Икки ошна кўз уриштириб олишди-ю, бирдан ҳаҳолаб юборишди.

– Дастреб, у елканли қайиқ спортига ишқивоз бўлганди, спортнинг бошқа турларини икки пулга олмай қўйди. Кейин эшкакли қайиқни кўнгли тусади – кечасию кундузи сувни шалоплатиб, маҳоратини оширади. Лекин, буниям уддасидан чиқа олмади... Ўтган йили нақдгина юзадиган уйга ишқи тушиб қолса бўладими?! Илож қанча, биз кейин нима бўлишини сабр-тоқат билан кутиб турдик... Мана, ундан ҳам кўнгли совибди. Ҳамма нарсадан бирпасда кўнгли қолади. Ҳайронманки, негадир бу Қурбақавойнинг ўз хотинидан кўнгли қолмаяпти-я! – деб асқия қилди Каламуш.

– Аммо, ўзи ажойиб йигит! – деб сўз қотди Қундуз. – Фақат салгина субутсизлиги бор. Айниқса, спорт масаласида унга асло ишониб бўлмайди. Бир замонлар унинг гап-сўзларига лаққа ишонишиб, миллий Олимпиада терма жамоасига ҳам аъзо қилиб олишган эди...

Даврада енгил кулги кўтарилди.

Хув нарида ям-яшил орол ястаниб ётганига қарамасдан дарёнинг асосий ўзани яққол кўриниб турарди. Бир пайт ўзанда кичик пойгачи қайиқ кўринди: пак-пакана битта маҳлук зўр ғайрат билан сувни шопириб, тинимсиз эшкак уради.

– Қойилман, куч ҳам бор экан-да! – деди Каламуш ўрнидан сапчиб туриб, – ҳойнаҳой, Қурбақа бўлса керак... Ҳа, Қурбақа экан! – Эшкакчи улфатлар ўтирган томонга қайрилиб қарамади ҳам, уфқ сари шитоб билан ўтиб кетди. – Намунча шошмаса, қайиқдан учиб кетай деяпти-ку! – деди у жойига ўтиаркан.

– Ҳозир учеб кетади! – деб қиқир-қиқир кулади Қундуз. – Мен сизларга Қурбақа билан тўғон кўриқчиси воқеасини айтиб берганманми?.. Айт-

маган бўлсам керак. Мана, эшитинг: бир қуни
Қурбақа...

Шу чоқ адашиб қолган пашша зиёфатдан
қайтаётган маст мисоли ўйноқлаб, ирмоқ устидан
ғиз-ғиз этиб ўтди-ю, бирдан сокин сув сатҳида
доирачалар ҳосил бўлди ва шалоп этган товуш
эштилди. Пашша қўққисдан ғойиб бўлди.

Таассуфки, Қундуз ҳам ғойиб бўлган эди.

Кўрсичқон сувга қаради: тавба, Қундузниңг
товуши ҳамон қулоқлари остида жаранглаб ту-
рарди-ю, аммо ўзи ерда ҳам, кўқда ҳам кўринмасди.
Шунақасиям бўлар экан-да! Сувда пуфакчалар
кўзга чалинарди, холос.

Каламуш майнин куйни хиргойи қила бошли-
ди. Ҳайвонот олами удумига кўра, бехос йўқолиб
қолган ҳамтовоқларни сўраб-сuriштириш хосият-
сизлик белгиси ҳисобланарди. Шу боис Кўрсичқон
тилини тишлашга мажбур бўлди.

– Чамамда, сафаримиз қариди, шекилли, – деди
Каламуш. – Энди дастурхонни ким йиғишира-
ди? – деб сўради у эринчиқлик билан.

– Ўзим йиғишираман, – деди Кўрсичқон чақ-
қонлиги тутиб.

– Қуръа-пуръа ташлаб ўтирмаймизми?

– Йўғ-э, ўзим йиғишираман, дедим-ку! – деб
Кўрсичқон шахдам ишга киришди.

Ҳамма буюмларни битта саватга жойлашти-
риш Кўрсичқон кутгандек осон эмас экан. Аммо
буғун ҳар қандай мушкул вазифани ҳам жон-жон
деб адо этишга рози эди: шу сабабли ҳатто саватни
тўлдириб, оғзини боғлаб кўйғандан кейин битта ли-
копча ажриқнинг устида қолиб кетганини кўрди-ю,
бироқ асло сўкинмасдан боғични қайта ечди. У са-

ват оғзини иккинчи марта құртугун қилиб боғлагач, Каламуш оёқ остида қолган ялтироқ санчқини күрсатди: Күрсичқон эринмасдан яна бөгичини ечди, асло жаҳли чиқмади. Боз устига, доривор қутисини қидириб роса хуноб бўлган бўлса-да, зинҳор-базинҳор таъби тирриқ бўлмади.

Қуёш уфққа оғди. Каламуш ўзича алламбало-ларни хиргойи қилганча уйқусираб эшкак уради ва қайиқни уй томон ҳайдаб борарди. Күрсичқон ниҳоятда мамнун эди: нонушта зўр бўлди, саёҳат кўнгилдагидан ҳам зиёда кечди. Бирдан унинг ғайрати жўш уриб, ўзини яна нималарга қодир эканини кўрсатиб қўйгиси келди ва:

– Оғайни, энди эшкакни менга берсангиз! – деб илтимос қилди.

Каламуш кулиб, бош ирғади.

– Ҳали эшкак эшишингизга тўртта қовун пишиғи бор, – деди беғараз оҳангда. – Аввало, бирмунча пайт машқ қилиш керак. Бу сиз ўйлаганчалик осонмас.

Күрсичқон алламаҳалгача жим бўлиб қолди: у Каламушнинг бамайлихотир эшкак ураётганини кўриб ҳам ҳавас қиласарди, ҳам ҳасад. Ҳасад одамларни не кўйларга солиши маълум, албатта. Лекин ҳасад ҳайвонларни ҳам ўйнатиб юборар экан: Күрсичқон сапчиб туриб, шартта эшкакка ёпишди; ўзича бир нималарни пичирлаб келаётган Каламуш қўққис хужумдан ағдарилиб тушди – шу бугун ҳисобидан иккинчи марта қайиқ ичига чалқанчасига йиқилди. Күрсичқон бўлса, виқор билан эшкакчининг ўрнини эгаллади.

– Ҳой, тентак, бу нима қилиқ?! – деди Каламуш ётган жойида. – Сиз эшкак уришни билмайсиз, қайиқни тўнтариб юборасиз-ку!

Кўрсичқон бор бўйича энганиб, эшкакни орқага олди ва бир силтаб сувга ботирмоқчи бўлди. Лекин бу иш ўзи ўйлагандек чиқмади: эшкаклар сув сатҳига етмади – фақат ҳавони шопирди, холос. Та янч нуктасини йўқотган Кўрсичқон қайиқ тубида ётган Каламушнинг устига гурс этиб қулаб тушди. Дарёга тушиб кетишидан хавфсираб шоша-пиша қайиқ ёндорига ёпишиди-ю, шу пайт шалоп этган товуш эшитилди – қайиқ тўнтарилди. Сувга ботиб қолган Кўрсичқон жон ҳалпида типирчиларди.

Сув жуда совук эди: муздай эди, муз-а! Кўрсичқон димиқиб-димиқиб қоларди, фақат сувнинг шалоплаганини эшитарди... У сув пуркаб, йўталиб, оҳ-вой қилиб сув сатҳига чиққан пайтлари қуёш кўзига шу қадар азиз кўриниб кетардик, асти қўяверасиз! Бироқ, Кўрсичқон яна тўхтовсиз ра вишда сув қаърига чўка бошларди... Ҳаётдан деярли умидини узиб қўйди... Ахийри битта кучли қўл унинг елкасидан ушлаб қолди: бу Каламуш эди. У пиқир-пиқир куларди, шу боис қўли ҳам кулгисига ҳамоҳанг тарзда силкинарди.

Каламуш эшкакларни Кўрсичқоннинг икки қўлтиғидан ўтказиб, нотавон ошнасини аста қирғоқ томонга итариб чиқариб майса устига ўтқазди. Ўёқ-буёғини ишқалади, юнгидан сувини сикди. Сўнг:

– Энди бир силкининг-чи! Озгина югурсангиз бирпасда иссиб кетасиз! Мен ҳозир саватимизни олиб чиқаман, – деди Каламуш ва дарёга тушиб кетди.

Қалт-қалт титраётган Кўрсичқон ич-этини еб, номус зўрлигидан шу топда ер ёрилса остига кириб кетишига ҳам рози бўлиб, соҳилда югурга бошлади.

Каламуш қайиқни тўғрилагунча хийла овора бўлди: сўнг ичидан сувини сепиб қуритди, охири

қайиқ тумшуғини қирғокқа чиқарып, дарёда сузид үрган ашқол-дашқолларни келтирип жойлады. Зил-замбидай бўлиб кетган саватни олиб чиқишига кўп уринди боёкиш.

Қайтиш учун ҳамма нарса тахт бўлгач, Кўрсичқон қўйруқдаги ўриндиққа ўтирип ва қайиқ жойидан жилиши билан:

– Жон дўстим, мен аҳмоқни кечиринг! Ножўя қилиғим туфайли ажойиб саватимиздан ажралиб қолишимиз мумкин эканини ўйласам, юрагим орқага тортиб кетяпти. Фақат жиннилар шунаقا иш қилиши мумкин. Илтимосим шуки, илгари қандай дўст бўлсан, шундай бўлиб қолайлик! – деди қулткулт ютиниб.

– Бемаъни дийдиёларни қўйинг! – деди Каламуш бепарво. – Каламуш оз-моз шилта бўлса, осмон узилиб ерга тушмайди. Мен шундоқ ҳам асосан сув билан тирикман. Сув – менинг ҳаётим!.. Менга қаранг, озгина фурсат менинида яшамайсизми? Тўғри, уйим оддийгина, Курбақаникайдай кошона эмас. Лекин сизга шарт-шароит яратиб беришга қурбим етади. Қолаверса, сизга эшкак уришни, юзишни ўргатар эдим – ҳали дарё халқидан қолишмайдиган бўлиб кетасиз!

Бу сўзлардан Кўрсичқон шу қадар таъсирандиди, анча вақтгача нафаси ичига тушиб, тили калимага келмай қолди. У киприклари остидан юмалаётган ёшларни дам-бадам артиб қўяди, холос. Каламуш дўстини хижолатга қўймаслик учун юзини четга бурди. Кўрсичқон бирпасда ўзига келди; у ҳатто ўзининг тасқара кўринишини калака қилаётган какликларга ҳам ўшқириб берди.

Уйга келишгач, Каламуш ўт ёқиб, Кўрсичқонни ўчоқ ёнига ўтқазди. Иссиқ чопон, шиппак келтирди.

Сўнг дарё тўғрисида ҳар хил ривоятлардан сўзлади. Ғаройиб ҳикоятлар Кўрсичқон учун мутлақо янгилик эди: чунки у доим ер остида яшарди-да! Тўсатдан рўй берадиган сув тошқинлари, дамба курилиши, чўргтан балиқлар, оғир шишаларни денгизга улоқтирадиган кемалар, хуллас, сув билан боғлиқ ҳамма нарса унга деярли нотаниш эди. Шу боис ўша оғир шишалар кемадан ташлаб юборилармиди ёки уларни кемалар отиб юборармиди, Кўрсичқонга унчалик аҳамияти йўқдек туюлди. Каламуш тўлқинланиб Қарқаралар ва уларнинг суҳбатдош танлашдаги устомонлиги тўғрисида, оқова қувурлар ичидағи ҳангомалар ва Қундуз билан биргалиқдаги тунги овлар ҳақида, Бўрсиқ ҳамроҳлигидаги дарбадарлик борасида эртаклар сўйлади.

– Бувимга ўхшар экансиз, – деди Кўрсичқон маънодор қилиб.

– Нега? – деб сўради Каламуш хайрон бўлиб.

– Шу мен ҳам болалигимда кўп эртак эшитардим, сўйлаб берарди бувим... Бувимнинг айтишича, мен қоп-қора тунда туғилган эканман.

– Нима бўпти?! Бирор кундузи туғилади, бирор кечаси туғилади – шунга ҳам ота-она айборми? – деди Каламуш қошларини чимириб.

– Йў-ўқ, мен бувимнинг мияси сал-пал айниб-роқ қолган эди, демоқчийдим, холос. Бўлмасам, у Кўрсичқонлар доим ер остида, қоп-коронғи ертўлана яшашини эсидан чиқариб қўймасди...

– Ҳм-м, гап буёқда экан-да! – деди Каламуш ниманидир тушунгандай оҳангда.

Кечги зиёфат ҳам зўр бўлди. Кайфиятлар чоғ, қоринлар ёстиқ боғлангандай дўмпайиб қолди. Зиёфат поёнида Кўрсичқон хийла оғирлашиб,

уйқусираб қолди: уни Каламуш юқоридаги энг шинам хоналардан бирига судраб чиқарди. Мехмон тамшаниб-тамшаниб бошини пар ёстиққа қўяр экан, алламаҳалгача унинг қулоқларига дарёning майин шовуллаши эшитилиб турди.

Бу кун Каламуш ошёнида кечадиган сонсаноқсиз кунларнинг дебочаси эди, холос. Келажак ҳар бир кун жазирама ёз фаслинни яқинлаштирар, кейингиси олдингисидан бирмунча узунроқ, жозибалироқ бўларди.

Кўрсичқон сузишни ҳам, эшкак уришни ҳам ўрганиб олди. Дарё инъом этадиган севинч ва қувончдан баҳраманд бўлди: қамишзор шовқинига қулоқ тутиб, майин-майин шивир-шивирларининг мағзини чақиши үрганди.

П 6 о б ОЛИС САФАР

ёки пачоқ ароба, ҳолинггавой...

— Каламушжон, сизга битта илтимосим бор, — деди Кўрсичқон қуёшли кунларнинг бирида.

Каламуш қирғоқда ўзича хиргойи қилиб ўтиради. Янги тўқиган жайдари қўшиғига шу қадар маҳлиё бўлиб қолган эдики, шу топда на Кўрсичқон, на бошқа нарса эсиға келарди. У тонг палласини ўрдак ошналари билан кўнгилхушлик қилиб ўтказди: ўрдаклар думларини тик қилишиб, бошларини сувга тиқишиша, у ҳам дарров шўнғирди-ю, уларнинг бағбақасини қитиқлаб қочарди. Бечора ўрдаклар зудлик билан сувдан бошларини чиқаришиб, сув пуркашар, аччиқланиб қанот

қоқишар эди ва шу тарзда норозилик билдиришарди. Нихоят, улар:

– Бас, чарчадик! Боринг энди, тошингизни теринг! Бизни ўз ҳолимизга құясызми-йүқми?! – дейишиді ялинишиб.

Каламуш хазил аралаш улардан узр сүради ва қирғоққа яхшилаб жойлашиб олди-да, ашула түқиди. Лекин ашуласини «Үрдаклар қўшиғи» деб номлади.

*Атрофлари қамишзор,
Сокингина ҳавзада.
Хиром этиб ўрдаклар,
Ўйнашади, маза-да!*

*Думлари тик гўё найза,
Оёқлар-чи, питиллар,
Сариқ тумшиуклар қайда?
Сув остини титкилар.*

*«Шилта, яшил сувўтлар,
Қизилкўзлар кўп жойда
Ризқ-рўзимиз сақланар,
Омбор – балчиқ ҳам лойда.*

*Сувга тиқиб бошимиз,
Думимизни қилиб тик,
Топилгунча ошимиз
Туришни одат қилдик».*

*Жарқалдирғоч чарх урап
Чугур-чугур осмонда,
Ўрдаклар-чи, жисм турар,
Кўзлар ўлжса томонда!*

– Мен сизга айтсам, Каламушжон, қўшиғингиз каминага унча ёқмаяпти, – деди Кўрсичқон муло-йим товушда. Унинг ўзида шоирликнинг «ш» ҳарфи ҳам йўқ эди. Буни ўзи очик-ойдин тан оларди.

– Ўрдаклар ҳам шундай дейишияпти, – деди Каламуш кулимсираб. – Жиддий танқидга учрадим: «Нега бизга халақит беради? Муддаоси нима ўзи? Қирғоққа ястаниб олиб, ўтирасак – ўпоқ, турсак – сўпоқ дейди! Яна бизни калака қилиб шеър ёзганига ўлайликми! Инсоф борми ўзи?! Кошкийди бу шеъри назмга ўхшаса, куп-куруқ сафсата, холос», дейишияпти ўрдаклар.

– Жуда тўғри айтишибди, – деди Кўрсичқон қишишиб.

– Нимаси тўғри экан! – деб бирдан ўшқириб юборди Каламуш.

– Мен ҳам шунаقا демоқчийдим, – деб дарров ён берди Кўрсичқон. – Танқидчи халқи қачон тўғри гапни тўғриликча айтган эдики, энди ўрдаклар айтишса! Улар ҳатто ёлғонни ҳам айлантириб айтишади! Келинг, қўйинг ўшаларни, бекорга асабингизни бузманг! Диidorи қурсин!.. Мен сиздан бошқа бир нарсани илтимос қилмоқчиман: мени жаноби Қурбақаникига олиб борсангиз! У ҳақда жуда кўп яхши гапларни эшитдим, энди ўзи билан танишиб қўйсам ёмон бўлмасди!

– Ўзингиз ҳам хўп бамаъни зотсиз-да, Кўрсичқонбой! Сиздек оғайнининг садақаси кетсанг арзиди! Қани, кетдик! – деди қўнгилчан Каламуш ва ҳозиргина ит-мушук бўлиб ўтирганини ҳам унубиб, сапчиб ўрнидан турди. – Қайиқни келтиринг, ҳозироқ жўнаймиз! Уникига эртаю кеч бориш мумкин – меҳмон борса, боши осмонга етади. Мард,

күнгли очиқ, меҳмонни күрса бас, ўзини томдан ташлашдан ҳам тоймайди. Лекин, ундан осонликча қутулиб ҳам бўлмайди!

– Демак, Қурбақа ажойиб улфат экан-да! – деди Кўрсичон эшкакларни қўлига олар экан.

Каламуш қайиқнинг қуйруқ томонига ўрнашиб олди.

– Бунақаси кам учрайди, ишонаверинг! – деб дўстининг гапини қувватлади Каламуш. – Камтарин, самимий, дали-ғули. Лекин битта айби бор – овсарлиги ҳам йўқ эмас. Ўзимиз ҳам доно эмасмиз-ку, тўғрими? Унинг яна битта камчилиги – сал мақтаниб туришни яхши кўради. Баъзан кеккайиброқ юради... Шундай бўлса-да, Қурбақанинг ижобий хислатлари кўп, буни инкор этиб бўлмайди.

Дарё бурилган ерда, дарёга туташ ярим оролда, ям-яшил ўтлоқ қўйнида қизғиши ғиштдан қурилган, шинам, данғиллама иморат кўр тўкиб турарди.

– Анави Қурбақанинг кошонаси бўлади! – деб кўрсатди Каламуш. – Чап томондаги лавҳани кўр-япсизми? «Хусусий томорқа, қайикда юриш мумкин эмас!» деган шиор осилган жойга қараб ҳайдайверинг: тўппа-тўғри қайиқ қўйиладиган бандаргоҳдан чиқасиз! Қайиғимизни ўша бандаргоҳда қолдирамиз. Ўнг тарафда отхона бор, рўпарада зиёфатхона – қадимий услубда қурилган. Қурбақа нуфузли бойлардан, Швейцария банкида ҳам пули бор. Иморатини кўряпсизми? Бунақаси Европада ҳам йўқ! Лекин, унинг ўзига буни айта кўрманг; мақтанавериб, қулоқ-миянгизни еб қўяди.

Қайиқ жилға бўйлаб силжий бошлади. Кўрсичон эшкакларни бортга сужди. Улар катта сарой соясига бориб тўхтадилар. У ерда ранг-баранг

қайиқлар қалашиб ётарди; баъзилари қозикларга кулликлаб қўйилган, бошқалари арқонларга осиб қўйилган эди. Сувда битта ҳам қайиқ кўринмасди. Саройнинг ўзи жуда бетартиб, ташландик ҳолда эди. Каламуш саройни бир қур кўздан кечирди-да:

– Тушунарли, – деди. – Демак, қайиқ спорти ҳам меъдасига тегибди. Қизик, ҳозир нима билан машғул экан? Кетдик, ўзини топайлик-чи?

Улар қирғоқقا чиқишиди. Гул-чечак қопланган майсазор бўйлаб одимлай бошладилар. Аммо, хеч канча юрмай Қурбақанинг манглайидан чиқиб қолишиди. Жиддий қиёфадаги Қурбақа тўқима беланчакда, тиззасидаги харитага тикилиб ўтиради. Мехмонларга кўзи тушган заҳоти ўрнидан иргиб турди ва:

– Ур-ра, қойил! – деб қичқириб юборди.

У янги меҳмон билан танишиб ҳам ўтирмади, дарҳол иккови билан ҳол-аҳвол сўраша бошлади. Шодлигидан терисига сифмай, дикир-дикир сакраб ўйинга тушди.

– Бормисиз, дўстларим! Яшанглар! – деб хитоб қилди. – Ҳозир сизга қайиқ юбораман деб турган эдим, азизим Каламушбек! Нима иши бўлса ҳам қолдириб, ўзини олиб келинглар, деб тайинламоқчи бўлиб турган эдим. Хайрият, ўзларинг келиб колдиларинг: Хизрни йўқласам бўлар экан! Нима ичасизлар? Юринглар, аввало, уйга кириб бирор нарса ютиб олайлик. Сизларга ёлғон-у, аммо ўзимга чин – роса вақтида келдиларинг-да!

– Олдин бир оз нафасимизни ростлаб олайлик, Бақабой, – деди Каламуш ўзини юмшоқ креслога ташлаб.

Кўрсичқон ҳам дўстининг ёнидан жой олди ва гап орасида Қурбақанинг уйига тан берганини изҳор қилди.

– Британия оролидаги энг зўр уй меники! – деб гапни илиб кетди Бақа. – Аслида, дунёдаги энг зўр уй меники десам ҳам хато бўлмайди! – деб илова қилди у.

Каламуш тирноғи билан Кўрсичқонни туртиб қўйди. Шу пайт унинг хатти-ҳаракатини Қурбақа кузатиб турган экан: иккови ҳам қип-қизариб кетишиди. Ўртага ноқулай жимлик чўқди. Бир оздан сўнг Қурбақа хаҳолаб юборди.

– Кечир, Каламушбек! – деди у. – Биласанку, сут билан кирган жон билан чиқади – сал-пал мақтаниб турмасам негадир баданимга қичима тошиб кетаверади! Лекин уйим чакки эмас, тўғрими? Майли қўйинглар энди шу гапларни. Ундан кўра, жиддий мавзуларда сұхбатлашайлик: менга муҳим бир ишда ёрдам бермасаларинг бўлмайди.

– Яна эшкак масаласими? – деб сўради Каламуш соддадиллик билан. – Сувни ҳаддан зиёд шалоплатиб, сачратиб юборсангиз-да, аммо эшкак уришга қўлингиз келиб қолибди. Агар сабр-тоқатли битта устоз топилса...

– Э-э, қўйисангиз-чи, ўша эшкак-пешкакларни! – деб гапни шарт бўлди Қурбақа. – Бу ёш боланинг иши экан. Ундей хунарни ташлаб юборганимга анча бўлди. Умримни беҳуда ўтказиб юрган эканман, аҳмоқ бўлиб! Сизларга ҳам ачинаман: умрингизни қаёқдаги ишларга сарфлаб юрибсизлар! Кучингизни нимага ишлатишни билмайсизлар. Мана, мен биламан! Тўғри, илгари мен ҳам билмасдим, энди билдим, қолган умримни нима-

га бағишлишни яхши биламан. Афсуски, умримнинг кўп қисмини беҳуда ишларга исроф қилиб қўйибман-а! Майли буёғига худо баракасини берса, ҳали кўп нарсага улгураман. Юринглар, мен отхонада сизларга бир нарсани кўрсатаман! Кўрса арзийдиган нарса ўзиям! Ишқилиб, дўстингиз қарши эмасмикин?

– Йўқ, бажонидил томоша қиласман, – деди Кўрсичқон.

– Мезбоннинг сазасини қайтариб бўлармиди! Улар бирин-кетин кўра тарафга юрдилар. Каламуш беихтиёр афт-башарасини буриштириди. Лекин, сир бой бермасликка тиришиб, Курбақанинг ортидан викор билан қадам ташлади. Сарой дарвозаси ёнида яп-янги арава туради. Ўзиям лўлининг чодирига ўхшарди – филдираклари яшил-қизил рангда, ўзи сап-сариқ.

– Кўринг, ҳавас қилинг, мен шу улуғ аравакашлар мамлакатининг фуқаросиман! – деди Курбақа чотини кериб, собит турганча қўлларини белига тираб. – Гап мундоқ бўпти! Хўш, кўнгил нимани тусайди? Оlamга саёҳат қилайликми? Чанг-тўзон йўллардан ё майсазор боғлардан, тик тепаликлардан ёки барханлар орасидан юрайликми? Ҳамма жойдан ўтамиз, ўта оламиз! Фақат саломатлик дош берса бас! Минг-минглаб қўналғалар, қишлоқлар, катта-кичик шаҳарлар ортимизда қолади. Бугун бир ерда бўлсак, эртасига кўз кўриб, кулок эшишмаган манзилга етиб борамиз! Кўрмаган ерларимизни кўрамиз: дунё бепоён, йўллар чексиз-чегарасиз. Билсангиз, бу арава жумлаи жаҳондаги энг зўр нақлиёт воситаси! Бундан зўри йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас! Ичини кўринг, ичига кирайлик. Ўзиям

шахсий буюртма бўйича жиҳозланди. Бу менинг ишим, менини! – деб кўксига муштлади Қурбақа.

Кўрсичқон араванинг ичкарисини кўргиси келиб, соҳибнинг кетидан соябонли аравага чиқди. Каламуш бўлса, қўлларини думғазасига тираганча жойидан жилмай тураверди.

Араванинг ичи Қурбақа таърифлаганча бор экан: ҳамма қулайликлар муҳайё, кўнгилдагидек жиҳозланган. Ётиб дам оладиган кичик-кичик ўрин-диклар, йиғма стол, ошхона печкаси, озиқ-овқат жавони, китоб кўйиладиган токчалар, қафасча, қафасчада қушча, идиш-товоқлар, чойнак-пиёлалар худди расмдагидек териб ташланган эди.

– Яна нима керак? Ҳамма нарса борми? Бор! – деди гердайиб Қурбақа жавончаларни бирма-бир очиб кўрсатаркан. – Мана, бисквит, қисқичбақа, балиқ дейсизми – ҳаммаси бор! Кўнглингиз яна нимани тусайди? Ана шифобахш сув, тамаки, шинни, шароб, май – истаганингиздан ичинг! Манави ерда қарта, домино ҳам бор! Ҳеч нарсани эсдан чиқарганим йўқ, хотиржам бўлаверинг! Хуллас, тушдан кейин олис сафарга жўнаймиз, – деб қўшиб кўйди у зинадан пастга тушаркан.

– Маъзур кўрасиз-у, таксир, тушдан кейин олис сафарга жўнаймиз дедингизми? – деб қайта сўради Каламуш похол поясини лабининг бир четида ғажиркан.

– Ўзингизни дарровпанага олманг-да, азизим! – деди Қурбақа хафа бўлиб. – Ахир, сафарга ёлғиз ўзимни юбормайсиз-ку, тўғрими? Мен сиз бормасангиз бир қадам ҳам босмайман. Гап та мом, вассалом! Энди жанжаллашиб ўтиришдан нима фойда? Биласиз-ку, жанжалга тоқатим йўқ.

Алмисоқдан қолган дарёда тентираб юравериш жонингизга тегмадими? Ёки ўша кавакдан чиқмасдан ўтиб кетмоқчимисиз? Қайиқни кўзингиз қиймаяптими? Э-э, қўйсангиз-чи! Кетдик, мен билан юрсангиз муроди мақсадингизга етасиз!

– Мен тупурдим унақа муроди мақсадларга! – деди Каламуш ўжарлиги тутиб. – Ҳеч қаёққа бормайман, вассалом! Алмисоқдан қолган бўлса-да, лекин ўзимнинг дарёмга содиқман. Ҳа, мен кавакда яшайман, қайфим бор, аммо қайлиғим йўқ. Нима бўпти? Менинг кўнглим шуларни тусайди, холос. Бошқа нарсани кўнглим тусамайди. Эшиздингизми?! Кўрсичқон ҳам ҳеч қаёққа бормайди! Мен, борма, десам – бир қадам ҳам жилмайди! Ишонмасангиз, ана, ўзидан сўранг! Тўғрими, Кўрсичқон?

– Албатта, – деди Кўрсичқон муросасозлик билан. – Сиз нима десангиз шу. Аммо, сафарга бориб-келсак ҳам чакки бўлмасди, чоғи? – деди у ботинмайгина. Чунки у сафарга боришни жуда-жуда истаб турарди: ичига олов тушган эди гўё. Сариқ арава, арава ичидаги лаш-лушлар аллақачон дилига васваса солиб қўйганди.

Каламуш ҳам Кўрсичқоннинг кўнглидан нималар кечаётганини билиб турарди. Шу боис ўзи иккилана бошлади. Аслида, Каламуш дўстларини ранжитишни ёмон кўрарди. Кўрсичқон эса унинг дўсти эди, ундан борини аямасди.

Курбақа меҳмонларни зимдан кузатиб турди-да:

– Юринглар, уйга кириб овқатланиб оламиз, – деб таклиф қилди у, бир нарсаларни чамалаб. – Жиддий ишларни шошма-шошарлик билан ҳал қилиб бўлмайди. Сафар ҳам жиддий масала. Бафуржа ўйлаб кўриш лозим. Ростини айтсам, сиз-

ларни бир хурсанд қиласынан, деб ўйлаган эдим. «Дўстинг учун заҳар ич!» деган мақолга умр бўйи амал қилиб яшаётганимни биласизлар-ку!

Курбақа дидли-фаросатли экан. Ҳатто тушлик ҳам шундан нишона эди: аъло даражада тайёрланиди. Овқатдан сўнг Курбақани таниб бўлмай қолди – гўё у Каламуш борлигини унутиб, бўшбаёв Кўрсичқонни алдаб-аврай бошлади. У табиатан мулоҳазали, гапга чечан эмасми, бирпасда саёҳат ишқига уни мубтало қилди-кўйди. Бечора Кўрсичқон бир жойда ўтира олмай қолди. Ишқилиб, сафар муаммоси тушлик охирига бориб ҳал бўлди ҳисоб. Улар ўртасида бўлиб ўтган сухбат ҳам, дастаклар ҳам бемаънироқ эканини Каламуш англаб туради-ю, лекин кўпчиликнинг кўнглига қарашга мажбур бўлди. Чунки унинг феъли-хўйи мулоҳийм эди, жангари эмасди. Ахир, сафарнинг ҳар бир кунини чўтга солиб, режа тузиб ўтирган дўстларининг юзига оёқ кўя олмайди-ку!

Музокара поёнига етгач, соф ғалабага эришган Курбақа меҳмонларни отлар турган қўрага бошлиди.

– Қари отни ушланглар, шуниси тажрибали, иссиқ-совуққа чидамли! – деди Курбақа.

Худо урмаган бўлса, олис сафар мушкулотлари келиб-келиб қари отнинг чекига тушадими?! Мана, энди тўйиб-тўйиб чанг ютади, яғири чиқиб кетади.

– Уни дарҳол аравага кўшинглар! – деб фармон берди Курбақа.

Салт отга қўрадан бошқа ҳаловатли жой бўлмайди, шу боис у тутқич бермасликка чандон уринди. Уни ушлагунча манави бечоралар ҳам қора терга ботиб кетишиди. Курбақа фурсатдан фой-

даланиб, арава жавонларини сафар анжомларига түлдирди; ерда ётган тўрва-халталарни, пичан ва пиёз боғламларини арава орқасига осиб қўйди. Бу орада от аравага қўшилди. Арава ўрнидан кўзғалди. Қизиғи шундаки, учови ҳам ўзи билан ўзи гаплашарди, тинмай вайсардилар. Ҳар қайсиси ўзи маъқул кўрган тарзда йўл босарди: бирори арава ёнида лўкиллаб борса, бошқаси арава шотисига ўтириб оларди. Хуллас, сафарнинг ўзи бир жаҳон бўлса, буларнинг ҳар бири биттадан мустақил олам эди.

Күёш тик кўтарили. Туш маҳали бўлди. Одимлардан кўкка ўрлаётган чанг-чунгдан маст қилгувчи бўй тараларди. Йўл ёқасидаги боғчаларда қушлар сафардошларнинг номини тилга олишиб чуғурлашар, хуштак чалишар, рўпарадан келаётган йўловчилар эса қуюқ салом-алик қилишарди. Аравани кўриб, ҳамду сано ўқийдиганлар ҳам топилиб турарди.

– Ў-ў, қасида ёзаман, қасида! Йўқ-йўқ, қасида эмас, мадхия ёзаман, мадхия! Қайтишларингга куй ҳам басталатиб қўяман! – деб чинакам ваъда берарди қандайдир сарой шоири ялтоқланиб.

Яшил девор тагида сабзи кавшаб ўтирган куёнлар бўлса:

– Ву-у, анавини қаранглар, анавини! – дейишиб чапак чалишарди.

Анча-мунча йўл юрдилар, ҳолдан тойдилар. Бироқ, руҳан тетик эдилар. Улар ҳазил-хузул қилишиб одамлардан холироқ жойга бориб тўхтадиларда, отни аравадан чиқаришиб, пичан беришди; ўзлари арава соясига ўтиришиб тамадди қила бошлашди. Курбақа ўзининг ишлари тўғрисида тинимсиз сафсата сотарди, жағи ором нелигин асло бил-

масди. Осмондаги юлдузлар тобора катталашиб борар, қаёқдандир пайдо бўлган тўлин ой уларнинг сухбатига жимгина қулоқ соларди. Нихоят, омонат ўринларга узала тушиб чўзилдилар. Қурбақа оёқларини узатиб, уйқусираган кўйи:

– Хайрли тун, йигитлар! Ҳақиқий эркаклар мана бунақа ҳаёт кечириши керак! Титиги чиқиб кетган дарё тўғрисида гапириб ўтиравериш уят бўлади, – деди.

– Мен дарё тўғрисида бирор нима дедимми?! – деди Каламуш ичи оғриб. – У факат хаёлимдан нари кетмаяпти, холос, – деб негадир ўзини оқламоқчи ҳам бўлди.

Кўрсичқон кўрпача остида пайпасланиб, қорон-фида Каламушнинг қўлини топди ва дўстона қисиб қўйди.

– Сиз нима десангиз шу, мен доим тайёрман, – деб пичирлади Кўрсичқон. – Хоҳласангиз, эрта тонгда қочиб кетамиз. Бир илож қилиб соҳилдаги кўнолғамизга етиб олармиз.

– Майли, қани кўрайлик-чи, охири нима бўлар экан, – деб жавоб берди Каламуш. – Сиздан миннатдорман, фақат охиригача чидаш керак. Қурбақани ўз ҳолига ташлаб кетиб бўлмайди. Лекин, у бошлиган иш ҳам узоққа чўзилмаса керак. Ширин тушлар кўринг, азизим!

Каламуш билиб башорат қилган экан: сафар кутимаганда интихосига етди.

Дастлабки куни узоқ йўл босилгани учунми ёки бехуда ишлар кўп бўлгани учунми, нима бало, Қурбақа шу қадар донг қотиб ухлаб қолдики, эрталаб уни тепиб ҳам уйғотиб бўлмади. Ахийри унинг уйғонишини кутиб ўтиришмасдан ўзлари ишга

киришиб кетдилар. Каламуш отга қаради, ўт ёқди, кечә оқшом ишлатилган идиш-товоқларни яхшилаб ювди. Күрсичқон қүшни қишлоққа бориб сут-қатиқ, тухум ва бошқа емишларни келтирди. Қаранг, са-фарга пухта ҳозирлик күрилган бўлса-да, аммо энг асосий нарсалар Қурбақанинг эсидан чиқиб қолган экан! Улар ишларни бирёклик қилишиб, ҳориб-чарчашиб энди оёқ узатиб ўтиришган эдики, ўзида йўқ хурсанд ҳолатда Қурбақа кўринди.

– Ҳаёт дегани бундок бўпти! Уйдаги ҳаёт хаётми, бошга битган бало-ку! – деб луқма ташлаб қўйди у.

Бугун улар кўм-кўк текисликлардан, торгина чанг йўллардан ўтдилар. Оқшом пайти яна бир жойга қўноқ бўлдилар.

– Биродарлар баробар бўлиши керак. Ҳамма теппа-тенг ишласин! – деб таклиф қилди Каламуш.

Кўрсичқон ҳам бу таклифни кўллаб-куватлади.

Эртаси куни эрталаб йўл ҳозирлиги кўрилаётган чоқда Қурбақанинг машқи пастроқ кўринди: у не-гадир табиат қўйнидаги ҳаётни мақтамасди. У ётоқ-жойда ғужанак бўлиб олиб, ўрнидан туришни ҳам истамасди – зўрға ўрнидан қўзғатиши. Арава хар кунгидай тупроқ йўлдан борарди. Куннинг ик-кинчи ярмида шоҳқўчага чиқдилар – бу сафар давомида учраган дастлабки расмана кўча эди. Сайёхат тақдирини ҳал қилиб, кейинчалик Қурбақа ҳаётида туб бурилиш ясаган фалокат айнан мана шу кўчада рўй берди.

Улар кўча бўйлаб равон юриб борардилар. Каламуш от ёнида, югандан ушлаб, гоҳ-гоҳида отга таскин бериб қўярди. Чунки от ҳаётнинг лаззатидан бебаҳра ўтиб бораётганидан доим шикоят қиласди.

– Бундан кўра, қирғизнинг оти бўлганим минг марта афзал эди. Ўшанда ҳеч бўлмаса, Гулсари каби номим оламга достон бўларди! – дерди от.

Курбақа билан Кўрсичқон арава орқасида қизғин сухбатлашиб келишарди. Тўғрироғи, одатдагидек, Курбақа гурунг берарди, Кўрсичқон бўлса онда-сонда: «Бўлмасам-чи!.. Буни қаранг-а!», деб хитоб қилиб қўярди, холос. Хаёли эса бошқа томонларда кезиб юрарди. Шу пайт йироқ-йироқлардан асаларининг ғувиллашига ўхшаш товуш эшитилди. Атрофда ҳеч нарса кўзга кўринмасди, факат чанг тобора қуюқлашарди. Ниҳоят, чанг-тўзон ичра балойи офатни эслатадиган бир нарса қорайиб кўринди. Булатга ўхшаш нарса шиддат билан шу тарафга яқинлашаверди: дам-бадам аллақандай ўкирикми-бўкирикми янгради. – «Би-бип-бип!» Лекин бунга ҳеч ким эътибор бермади, узилиб қолган сухбатни бамайлихотир давом эттиридилар. Кўқис улар бўрон гирдобига тушиб қолдилар: ёввойи шиддатдан йўлнинг чеккасига учиб, ариққа бориб тушдилар, даҳшатли даражада гумбурлаш товуши қулоқларни батанг қилиб қўйди. Навбатдаги «Би-бип-бип!» деган огоҳлантириш нақд уларнинг юрагини ёриб юбораёзди. Кўзларига элас-элас чалиниб қолган нарса шу бўлдики, ялтироқ ойна ичиди битта сўхтаси совуқ кимса рулга қапишиб ўтиради. Шундай қилиб, ниҳоятда ҳашаматли машина бир зумда кўздан ғойиб бўлди, ҳадемай уфқдаги қопқора нуқтага айланди-қолди. Қулоққа ғув-ғув этган товуш ғира-шира эшитилар, чангга тўлган кўзларга эса ҳеч нарса кўринмас эди.

Йўл бўйи тўқис оиласи ҳаётни орзу қилиб келаётган от бирдан офатга дуч келди-ю, сароси-

мага тушиб қолди: зўр бериб депсиар, тайсаллар, орқага тисарилар, орқа оёқларида тик туриб осмонга сапчир эди; тизгинига осилиб, уни тинмасдан силаб-сийпалаётган, инсофга чақираётган Каламушга асло бўй бергиси келмади. Бечора Каламушнинг барча ҳаракатлари зое кетди: арава йўл ёқасидаги ариққа қарс-қурс этиб ағдарилиб тушди. Ҳамманинг ўтакаси ёрилди! Афсус, сафдошларнинг миллий ифтихори бўлган сап-сариқ арава энди бир тутам ўтинга айланди-қолди.

Каламуш югуриб кўча ўртасига чиқди. У дағдаг титрарди, жазаваси тутиб депсиарди. Муштларини дўлайтириб, машина кетган томонга қараб бақира бошлади:

– Абраҳам, ярамас! Катта йўлни эгаллаб олган, каллакесар! Сен итваччани барибир судга бера-ман! Полицияга шикоят қиласман! Шошма, Шерлок Холмсга арз қиласам, отимни бошқа қўяман! Судма-суд сарсон қиласвериб, дунёга келганингга қасам ичириб юбормасам, ўзимни поезднинг остига ташлайман!

Үй соғинчи ҳам Каламушнинг ёдидан кўтарилиди. Ҳозир у бефаросат денгизчилар ботқоққа ботириб кўйган кема дарғасидек ҳис этарди ўзини. У йўл ёқасида нари бориб-бери келаркан, кема дарғалари ишлатадиган шалоқ сўзларни эслашга зўр бериб тиришарди.

Курбақа йўлнинг ўртасида эс-хушини йўқотиб, меровсираб, узоклашиб бораётган машинага тикилган кўйи оёқларини узатиб ўтирас эди. Энти-киб-энтикиб нафас оларди, юзида қандайдир телба табассум жилва қиласди, баъзан: «Би-бип!» деб кўярди оҳиста.

Кўрсичқон урина-урина отни аранг тинчтиди. Сўнг йўл четида ағанаб ётган аравани кўздан кечирди. Араванинг эшиклари, ойналари пачоқ бўлибди; ўқи эгилиб, яроқсиз ҳолга келибди, битта филдираги учиб кетибди; балиқлар атрофга сочилиб ётибди, қафасдаги қушча кўйиб юборишни илтижо қилиб, тинимсиз фарёд соларди.

Кўрсичқон аравани турғизишга уриниб кўрди, лекин кучи етмади. Каламушни ёрдамга чорлади, аммо барибир аравани қимирлатиб бўлмади.

– Бақабой, бу ёққа келинг! Ўзингиз бир иложини топмасангиз, биз чорасини тополмаяпмиз! – деб шовқин кўтардилар.

Курбақа ўтирган ўрнида ҳатто қимирлаб ҳам қўймади.

– Ие, унга нима жин урди? – деб Каламуш йўл томон юрди.

Сичкон ҳам унга эргашди.

Курбақа ҳайкал мисоли қотиб қолган эди-ю, лекин ҳамон юзида табассум ўйноқларди, нигоҳларини машина қолдириб кетган ўркач-ўркач чанглардан узмасди. Гоҳ-гоҳида: «Би-бип!» деб пи chirларди боёкиш.

Каламуш Курбақанинг елкасидан қаттиқ-қаттиқ силтади.

– Бизга ёрдам берасизми-йўқми?! – деди у тутоқиб.

– Гоятда зўр нарса экан, – деб минғирлади Курбақа. Аммо ўрнидан кўзғалишни хаёлига ҳам келтирмасди. – Тезлигини қара-я, тезлигини! Учар гиламга ўхшайди, худди эртақдагидек экан! Саёҳатга мана шунаقا нарсада чиқсанг борми, дунёдан беармон кетасан-да, ўзиям! Бугун бу ерда бўлсанг,

билмадим, эртага қаерларга етиб борар экансан?! Шаҳару қишлоқлар зув-зув ортингда қолаверади, олдингда янги уфқлар ястаниб ётади. Йўқ, уфқ ястаниб ётмайди, балки туради, муаллак туради. Эҳтимол, биз кўрмайдиган таянч нуқтасига таяниб турар. Пў-ўшт, пў-ўшт, би-бип!

– Майнавозчиликни йифиштиринг! – деб ўши кирди Каламуш қаловланиб.

– Дунёда бунақа нарсалар ҳам бор экан-да, тавба! – деди Курбака яна минғирлаган товушда. – Эсизгина ўтган умрим! Шунча йил нима қилиб юрган эканман? Ҳатто етти ухлаб тушимда кўрмаганман-а? Мана, энди ўнгимда кўрдим. Кўрдиму ошиқи мубтало бўлдим-қолдим. Ошиқ дардининг давоси висолдир. Мен ҳам унинг висолига етмасам, ўламан. Эҳ, армоним маним! Мана шу армоним ҳам ушалса, армонисиз ўтардим! Ўша машина рулига бир марта гина ўтирсам – бас, йўл ёқаларини ағдарилган тўйнтирилган араваларга тўлдириб ташлайман! Бемаъни мана шу араваларни кўргани кўзим йўқ. Куриб кетмайдими ҳар қандай арава!..

– Энди уни нима қиласиз? – деб сўради Кўрсичқон маъюс тортиб.

– Нима қиласиз?! Энди фойдаси йўқ, – деди Каламуш қатъий оҳангда. – Уни азалдан биламан. Ҳозир эс-хуши ўзида эмас, ўша машинада. Токи ўзига келгунча ойпарастлар каби кечалари ҳам уйқусида юриб чиқади. Уни ўз ҳолига қўйинг. Кетдик, яххиси, ўзимиз бориб аравани бир ёқлиқ қилайлик!

Арава синчиклаб кўздан кечирилгач, маълум бўлдики, уни ўрнидан турғизишдан фойда йўқ экан: барибир юрмасди, шалоғи чиқиб кетибди.

Каламуш тизгинни отнинг устига ташлаб, югандан ушлади ва жон-жаҳди билан қушча типирчилаётган қафасни бир қўлида кўтарган кўйи:

– Кетдик, – деб Кўрсичқонга ғамгин бош ирғади. – Энг яқин шаҳарга беш-олти чақирим бор. Яёв боришдан бошқа иложимиз йўқ.

– Қурбақани нима қиласиз? – деб хавотирланаб сўради Кўрсичқон. – Уни бу ҳолатда йўлнинг ўртасида ташлаб кетиб бўлмас? Яна бирорта машина-пашина босиб кетмасин!

– Баттар бўлмайдими! Жонимга тегди! – деди Каламуш алам билан.

Улар фалокат рўй берган жойдан озгина узоқлашган ҳам эдиларки, орқаларидан қадам товуши эшитилди. Бирпасда Қурбақа уларга етиб олдида, қўлтиқларига кирди. У энтикиб-энтикиб нафас оларди, кўзларини уфқа қадаган эди.

– Менга қаранг, бойвачча! – деди Каламуш Қурбақага зардали товушда. – Шаҳарга боришимиз биланоқ дарҳол полицияга учрайсиз: машина-нинг эгаси кимлигини аниқлайсиз, шикоят қиласиз. Кейин темирчига бориб шартнома тузасиз: у аравани шаҳарга келтириб тузатиб берсин! Бу ишларни битиришга анча-мунча фурсат зарур, лекин фурсат топилди. Биз Кўрсичқон билан тузукроқ меҳмонхонадан жой оламиз; арава тузалиб, эс-ҳушингизни йиғишириб олгунингизча кутиб турамиз.

– Қанақа полиция? Қанақа темирчи? – деди Қурбақа меровсираб. – Нима, мен ўша ғаройиб машинанинг ғаройиб эгасидан шикоят қиласанми? Аравани тузатиш керакми? Қуллук, минг марта қуллук! Арава энди менинг унут дафтаримдан жой олган. Эҳ, Каламушбек, мен билан саёҳатга

чиқишига рози бўлганингизни ўла-ўлгунимча асло унутмайман: акс ҳолда, бу оққушни, қуёш зиёси-ни, машина деб аталмиш бу ажойиботни кўриш ва бир умрга севиб қолиш менга насиб этармиди?! Моторнинг мафтункор мусиқасини эшитиб, тутуннинг афсунгар бўйини қандай туйган бўлардим?! Ҳаммаси учун сиздан қарздорман, дўстгинам! – деб оташин нутқини якунлади Қурбақа.

Каламуш ранжиб, юзини тескари бурди.

– Кўрдингизми, энди унга ҳеч қандай муолажа кор қилмайди, – деди Каламуш. – Шаҳарга боришимиз билан тўғри вокзалга бориб, уйга қайтамиз. Агар иккинчи марта ана шу мижғовга ҳамроҳ бўлиб бирор жойга борсам, ит бўлай! – деб қасам ичди Каламуш. У аламини кимдан олишни билмасдан захрини Кўрсичқонга тўкарди.

Улар шаҳарга етиб бордилар-у, вокзалга шошилдилар. Эҳтиёти шарт юк ташувчи ҳаммол қўлига икки пул беришиди-да, Қурбақани иккинчи даражали йўловчилар хонасида қолдиришди. Сўнг тўппатўғри меҳмонхонага боришиб, отни меҳмонхона отхонасига топширишди. Йўлда ҳалокатга учраган аравани нима қилиш тўғрисида ҳам кўрсатмалар берилди. Кейин бир амаллаб почта поездига ўтиришди-ю, Қурбақанинг уйи яқинидаги бекатда тушиб қолдилар. Ҳамон тихирлик қилиб келаётган Қурбақа уйқуси очилмаган ёш бола мисоли қийшиқ-шийшиқ қадам ташларди. Уни икки қўлтиғидан суюшиб, аранг уйга киритдилар. Хўжалик ишларини бошқарадиган оқсоч хотинга хўжасини кўшкўллаб топширдилар-да:

– Овқатлантириб, ечинтириб ётқизиб қўярсиз, – деб тайнинладилар.

Шундан сўнг кўнгиллари тинчиб, бандаргоҳдан қайиқни олиб чикдилар ва қадрдон уйларига равона бўлишди. Кўрсичқон бағоят мамнун эди. Каламуш ҳам ўз уйига – ўлан тўшагига омон-эсон етиб келганидан шод эди. Улар кечки овқатга ўтирган пайтда хуфтон бўлганди.

Эртаси куни Кўрсичқон кеч уйғонди. Кун бўйи бекордан-бекор санғиб юрди. Пешиндан кейин қармоқни олиб, балиқ илинтириш учун энди соҳилга ўтирган ҳам эдики, меҳмондорчиликка кетган Каламуш қайтиб келди. У Кўрсичқонга кўзи тушган заҳоти айтган гапи шу бўлди:

– Янгиликни эшитдингизми? Қурбақа бугун эрталаб биринчи поездда шаҳарга жўнаб кетиби. Маҳаллада дув-дув гап гўё Қурбақа ҳашаматли автомобиль сотиб олмоқчи эмиш. Ҳа!

III боб

ЁВВОЙИ ЧАКАЛАКЗОР

машъум багрига чорлар

Кўрсичқон анчадан буён Бўрсиқ билан танишишга орзуманд эди. Миш-мишларга қараганда, у жонзорларга кам қўшилса-да, дарё ахолиси ўртасида ўзига яраша нуфузга эга эди. Шу боис Кўрсичқон Бўрсиқ билан тезроқ танишишни истарди: бу борада Каламушга бир неча марта арз-додини айтганди-ю, бироқ ҳар гал рад жавобини эшитганди.

– Вақти-соати етса, Бўрсиқ ўз оёғи билан келиб қолади, ана ўшанда таништириб қўяман, – дерди Каламуш бўладиган ишни негадир пайсалга солиб. – Ўзидан-ўзи сумаланиб уйга кириб келаверади. Одати шунаقا. Аммо унга илтифот кўрсатиб

бўлмайди, эҳтиёт бўлиб гаплашиш керак. Таъби нозикроқ.

– Уни тушлик-пушликка таклиф қилсак-чи? – деди Кўрсичқон.

– Келмайди, – деди Каламуш лўнда қилиб. – Кўпчилик ўртасида ўтиришга тоқати йўқ.

– Бўлмаса, ўзимиз уникига меҳмонга борайлик! – деди Кўрсичқон.

– Йўғ-э, нималар деяпсиз?! – деди Каламуш капалаги учиб. – У жуда камсуқум, тортинчоқ – бирпасда хафа бўлади-қолади. Биз минг йиллик қадрдонмиз-у, лекин уйига умуман қадам босмаганман. Қолаверса, ўёқларга бориш бехосият иш. У Ёввойи чакалакзорда яшайди-ку!

– Нима қипти? Ўзингиз, у ерда ҳеч қандай хавфхатар йўқ, деб айтгандингиз, шекилли?

– Десам дегандирман, аммо менинг ҳамма гапларимга лаққа ишонавериш ҳам тўғри эмасда! – деди Каламуш гапни чалғитиб. – Боз устига, ҳозир мавриди эмас. Ҳозир уйида борми-йўқми – итим биладими! Йўл олис... Ҳадеб жоникаверманг, ҳайтовур, ўзи келиб қолар!

Кўрсичқон худди бир нарсадан қуруқ қолаётгандек беҳуда ошиқаётганини англади-ю, жоник масликка қарор қилди.

Ҳар куни янги, хилма-хил ўйин-кулги, ажабтовор саргузаштлар содир бўларди. Кекса Бўрсиқ ҳамманинг ёдидан деярли кўтарилиб кетди. Шу тарзда ёз ҳам ўтди. Аёз тушди, совуқ кунлар бошланди, лойгарчилик... Энди фақат уйга қамалиб ўтириш лозим эди. Дарёнинг суви кўтарилиди, ётоқхона дезраси ёнидан шовуллаб сув оқарди. Қайикда сайр этиш мавсуми тугади. Ана шундай муштипар кун-

лари беихтиёр Ёввойи чакалакзор, унда яшаётган сўққабош Бўрсиқ яна Кўрсичқоннинг ёдига тушди. Бўрсиқдан эса ҳамон дарак йўқ эди.

Киш кунлари Каламуш асосий вақтини уйқу билан ўтказарди: эрта ётарди, кеч турарди. Баъзан у ўзича шеър-пеър ҳам тўкирди, қораламасини дафтарга ёзиб қўярди: «Насиб этса, ўз ҳисобимдан китоб чикараман, иннайкейин, менга Нобель мукофоти беришади!» деб кўксига муштларди илҳоми жўш урган кезларда. Каламуш «ижоддан бўш пайтлари» уй-рўзғор юмушлари билан андармон бўларди. Ора-сира меҳмонлар келиб туришарди, ёйик ёзнинг мафтункор саргузаштлари бирин-кетин эсланарди, тафсилотлар, икир-чикирлар, мулоҳазалар нақл қилинарди. «Буларнинг ҳаммасини китоб қилиб ёзса арзиди. Келаси йили мен ҳам ўз ҳисобимдан китоб чикарсаммикин?» деб кўнглидан ўтказарди Кўрсичқон.

Табиатан хаёлпараст бўлган Кўрсичқон ширин орзулар уммонига ғарқ бўларди. Йўқ-йўқ, у машхур ёзувчи шуҳратини кўз олдига келтиради-ю, нақ ақлдан озиб қолай дерди! Ростдан ҳам, агар бир китоб ёзса борми, ниҳоятда зўр бўларди-да! Қанийди тасвирдаги воқеаларни жонли тарзда бир кўришнинг ҳам имкони бўлса: кўзни қамаштирадиган ранглар, бўёқлар, тирик қиёфалар ўқувчининг рўпарасида тантанали равишда ўтаверарди-ўтаверарди, бири бошқасидан кўркам, бошқаси бошқасидан ҳашаматлироқ... Ана, сафнинг олдинги қаторида хушбичим қора йўнғичқа ўтаётир; қуюқ кокиллари зилол сувга тегай-тегай деб майин тебранади, жилвагар юзининг сувдаги акси оламга табассум ҳадя қиласи. Мана, чанқоқ

дилларни қондириш учун Қизилбарг бўй кўрсатди: во ажаб, мунчалар латиф, мунчалар ғамгин, шафак нурига йўғрилган қирмизи булутнинг асл нусхасига ўхшайди-я! Қўл ушлашиб ийманибгина келаётгандарни кўрдингизми?.. Улар попуксимон тўпгулли испарак – зангор осмоннинг эгизаклари! Гали келиб, ҳаёт саҳнасига субҳидамда наъматак ташриф буюради: журъатсиз, ҳуркак оҳуга ўхшайди. Бу ёз келганидан нишона эмасми? «Ёз бўлди, ёз бўлди! Ғознинг қаноти қофоз бўлди!..» Бундай хушхабарни фақат жўровоз бўлиб оламга тарқатиш мумкин. Бироқ, ҳаёт саҳнаси ҳали тўқис эмас, подачини ўрмон илоҳаси бағридан бўшатгани йўқ – очик деразалардан хонимлар унга ичикиб-ичикиб термилишади холос. Бундан ташқари, уйқудаги гўзал санамни – ёзни уйғотиб, оташин бўса ва муҳаббат армуғон этгувчи шаҳзода – тубулғигул ҳамон кўринмасди: қачонки, хушбўй тубулғи қаҳрабо ёқаси гулли камзулини эгнига ташлаб бўйгинасини кўрсатса, ана ўшанда ҳақиқий ёз бошланади!

Хуллас, Кўрсичқон ёзмоқни ният қилган китоб ажойиб бўларди, ғаройиб бўларди!

Қишининг изғирини, совуқ ёмғир томчилари ойнага уриларди. Жондорлар иссиқ инларига биқиниб олишиб, беҳолгина мудраб ўтиришарди. Хаёlda эса эрта тонгда буғи кўтарилаётган дарё жонланарди: илк бора илиқ сувга ташаётганингда беихтиёр этинг жунжикади, бор куч-куватингни йиғиб сувга шўнғийсан-у, бирпасда қирғоққа қочиб чиқасан, исиб олиш учун ҳар тарафга югурасан... Ўркач-ўркач қоялар ортидан қуёш кўринади – бутун борлик ҳайратомуз ҳолатга киради, гўё кўзни қамаштирадиган ранглар ерда пайдо бўлиб, ернинг ўзгача сайқал бераётганидек туюлади.

Эх, хаёлдан нималар кечмайди дейсиз! Ёз-нинг дим кунлари ниҳолчалар соясида тушга-ча ҳолсизланиб ётасан: тушдан сўнг маза қилиб чўмиласан, қайиқда сайр қиласан, тупроқ йўлларда сарсари кезасан, ғарқ пишган буғдойзорларда ялло қилиб юрасан... Майли, буларни қўйинг! Серташвиш кунларга хотима ясад, дўстлик ришталари-ни янада мустахкамроқ боғлаш учун оромижон оқшомларда эртанги кун саргузаштларига ҳозирлик кўришнинг ўзи бир дунё эмасми?!

Узун-узун киши кечалари жониворлар ўчоқ атро-фини ўраб олишиб, минг турли бўлган-бўлмаган гапларни нақл қилишарди. Лекин барибир кун ўтмасди, кун ўтса-да, тун ўтмасди. Кўрсичқоннинг бўш вақти кўп бўларди, баъзан у нима қилишини билмай қоларди. Ўшандай кунлардан бирида Кала-муш оловга чотини тоблаб ўтириб мудраб қолдими ёки бўлажак шеърига қофия қидириб, ўзи билан ўзи овора бўлиб қолдими, ишқилиб, Кўрсичқон унинг кўзини шамғалат қилди-ю, Бўрсиқни кўриб келай деб Ёввойи чакалакзорга йўл олди.

Иссиқдан тоза ҳавога чиққач, Кўрсичқоннинг эти жунжикди. Ҳаво совук, осмонда қора кўроғшиндек оғир булут муаллақ осилиб турарди. Дараҳтлар-нинг барглари тўкилиб, ялонғоч бўлиб қолган эди. У умрида илк бора бепоёнликка дуч келаётганди. Табиат либосини ечиб, ҳар йили уйқуга кетар экан. Кўрсичқон бундай ҳодисанинг моҳиятини ҳали англаб етмасди. Ёз кезлари қуюқ япроқлар орасига яширинган бутазор ҳам, қақир ерлару шағал конлари ҳам энди сирли туюлмасди – гўё уларнинг сирларини бирор фош қилиб қўйган каби маъюс боқадилар. Айни пайтда келажакда яна мўъжиза

ваъда қиласилар. Табиатнинг «сўзсиз суврати»да ҳам буюк бир ҳикмат яширинганга ўхшарди. Та-биат зеб-зийнатсиз, ёзги либоссиз ҳам ўзига ром қилаётгани Кўрсичқонни бафоят завқлантиради. Ҳозир у табиатнинг қоқ суякларини кўриб турарди. Ялонгоч келбатидан ҳам қудрат ёғилиб, гўзаллик уфуриб турарди табиатнинг. Кўрсичқон бир-бирига уланиб кетадиган адоқсиз байрамларни ҳам, бе-гим кунларини ҳам унчалик ёқтирмасди. Шу боис, унинг назарида, қовжираган буталар, оқ қайнин ва қайрағочлар барибир гўзал эди. «Гўзаллик кийимида ҳам гўзал бўларди, кийимсиз ҳам гўзал бўлади», деб хаёлидан ўтказди Кўрсичқон Лондондаги Қирол музейида кўриб титраб кетгани «Чўмилаётган аёл» расмини эслаб. Шундан сўнг у негадир умрида би-ринчи бора маҳалласидаги битта келинчакни рос-такамига севиб қолганини ва пайт пойлаб туриб, уни шартта кўтариб жўхоризорга олиб кириб кетга-нини эслади-ю, лавлагидек қизариб кетди. Ўшандаги Кўрсичқон: «Беодоблик қилган бўлсан, кечиринг, ўтинаман!» деб хўнграб юборган эди... Шуларни ўйларкан, Кўрсичқон мийифида кулиб кўйди ва кайфияти бир оз кўтарилиб, Ёввойи чакалакзорга дадил одимлади. Ёввойи чакалакзор ўлжасини пой-лаб турган йиртқич мисоли унинг йўлларига муn-тазир бўлиб турганини бойёниш қайдан билсин.

У бегам-бепарво ўрмон ичкарисига кириб борди. Оёқ остида шох-шаббалар, хазонлар қисирларди, ағнаб ётган дараҳтлар юришга халақит берарди. Тўнкаларни тўсин қоплаганини кўрди-ю, юраги-нинг тубида таниш ваҳима ғимиirlаб қолди. Лекин ваҳимани юрагидан қувиб солди. Биринчи таас-суротлари ҳаяжонли, завқли эди. Аста-секин да-

рахтлар қалинлашарди, күланкалар қуюқлашарди. Онда-сонда учраб қоладиган каваклар аждархонинг инига ўшарди.

Ўрмон жимжит. Атрофни қоронғилик қоплаб келарди, ёруғлик худди баҳор тошқини мисоли чекинарди. Гоҳ-гоҳида ҳар хил шўртумшуқлар кўзга чалина бошлади. Назарида, Кўрсичқоннинг орқасида бир нима тик тургандек туюларди. Ҳа, аниқ бир нима турибди. Эҳтимол, пойлаб тургандир?.. Агар ҳозир у орқасига ўгирилса бас, қоп-қора тешикдан мўралаб турган понасимон ёвуз башарага кўзи тушадигандек сесканиб кетди. У бор иродасини тўплаб, ёвузлик билан юзма-юз бўлишга аҳд қилиб, шартта орқасига ўгирилган эди, афсус, башара ғойиб бўлибди.

Кўрсичқон қадамини тезлатди. «Бемаъни нарсаларни ўйламаслик лозим. Бўлмаса, лабимга учук тошиб кетади», деди ўзига-ўзи. Уялар, инлар бирин-кетин ортда қолаверади: бир, икки, уч... уч, икки, бир... Нима бўлса ҳам саноқни мана шу лаънати «уч»дан оширмаслик керак. Акс ҳолда, саноқ юзга, мингга, милёнга етса, ваҳима босиб, юрак ёрилиб ўлиб қолиш мумкин. Жўяли мулоҳаза юритиб кетаётган Кўрсичқоннинг кўзи бехос битта кавакка тушиб қолди: нигоҳидан қаҳр ёғилиб турган ингичка тумшуқ лип этди-ю, ғойиб бўлди! Кўрсичқон турган жойида қотиб қолди. Сўнг кўркувни зўрга босиб, олға интилди. Худди шу чоқ узоқ-яқиндаги барча инлардан биттадан тумшуқ еб кўйгудек алфозда тикилиб қолса бўладими?!

Шу қора каваклардаги жирканч башараларнинг падарига минг лаънат! Кўрсичқон дуч келган тарафга қочиб кетишни истарди, анавиларни кўрарга кўзи, отарга ўки йўқ эди. У сўқмоқдан бир сакраб четга чиқди-да, ўрмонга ўзини урди.

Хуштак товуши қулоғига чалингандай бўлди. Ингичка, чинқироқ хуштак товуши орқа тарафдан элас-элас эшитилди. Ҳеч нарсани тушунмади, жон ҳалпида олға чопди. Бир пайт ўша хуштак товуши олд тарафдан эшитилди: ингичка, чинқироқ... Кўрсичқон таққа тўхтади. У нима қилишини билмасдан бошини қашлади ва орқага қараб қочиш керак деб, энди изига қайтмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, хуштак товуши ҳамма томондан эшитила бошлади. Гўё ўрмонни хуштакбозлар босиб олган эди! Демак, уни тириклайн кўлга туширамиз дейишиб, кўпдан бери йўлинни пойлаб ётишган экан-да,вой ярамаслар-эй! «Тириклайн кўлга тушадиган аҳмоқ йўқ! Тиз чўкиб яшагандан кўра, тик туриб ўлган афзал!» деб беихтиёр Куба инқилобчиларининг шиорини такрорларди Кўрсичқон. Лекин, шу заҳоти ўша шиор ўзининг хозирги холатига мос келмаслигини эътироф этди. Чунки, улар кўпчилик, бунда эса оддий совуқ курол ҳам йўқ эди. Ўчакишгандек, зим-зиё тун...

Тапир-тупур товушлар эшитилди. Қадам товушлари шу қадар оҳиста эдики, гўё япроқ тўкилаётганга ўхшарди. Товушлар тобора кучайиб, бир мағомга тушди. Тапир-тупурлар олислардан эшитилаётган қадам товушлари эканига энди ҳеч қандай шак-шубҳа қолмади. Лекин, улар орқадами ёки олдиндами? Дастрлаб, рўпарадан келаётгандек эди, кейин орқадан таъқиб қилаётгандек туюлди. Ҳозир ҳар тарафлама курсовга олишга қарор қилишган, шекилли. «Лаънатилар-эй, ҳарбий саноатдан хийла хабардор кўринишади! Вазиятга қараб дарҳол тактикани ўзгартиришяпти!» деб сўкинди Кўрсичқон. Тапир-тупур товуши авж пардага кўтарилди. «Та-

мом, асир олишади! Ишқилиб, огоҳлантирмасдан отиб ташлашмаса бас!»

Кўрсичқон тақдирга тан бериб, буқчайиб олди. Шу чоқ битта Қуён дараҳт панасидан сакраб чиқди-ю, унинг устига ўзини отди. «Қуён мени кўриб шаштидан қайтар», деган умидда Кўрсичқон қаддини тиклади. Аммо, Қуён қаҳр-ғазабдан қизариб-бўзариб унга човут солди. Кўрсичқон охирги дақиқада чап бериб қолди. Қуён Кўрсичқонни сал-пал юмдалаб ёнидан учиб ўтиб кетди. Ўтәётиб: «Бу ерда катта холангни излаяпсанми?! Йўқол, хумса!» деди тишларини ғичирлатиб. Шундай деб Қуён тўнка ортидаги кавакка ўзини урди.

Тапир-тупур товушлар тобора кучаяр, гўё атрофни қоплаган хазон устига савалаб дўл ёғарди. Худди бутун ўрмон аҳлининг пайтавасига курт тушиб қолгандек, ёппасига харакатга келган эди: кўплашиб ниманидир, кимнидир таъқиб этишар, қувлашиб ушлаб олмоқчи бўлишарди. Кимни, нимани ушлашмоқчи? Кўрсичқонними?.. Эсанкираб қолган Кўрсичқон ўёқдан-буёққа ўзини урар, ҳозир ўзининг уйи минг тилло эди. У бир нарсаларга қоқилиб ўмбалоқ ошиб тушарди, гоҳ тўнкаларнинг кавагига бехос кириб кетар, гоҳида оёғи ерга тегмасдан осилиб қоларди. Ахийри кекса оқ қайнин жонига оро кирди: Кўрсичқон бир амаллаб унинг кавагига биқиниб олди. «Хайрият, энди бало-қазо аригандир! Яна ким билсин?» деб атрофга олазарак назар ташларди у. Кўрсичқоннинг мадори қуриб битганди, энди қимирилашга ҳоли қолмаган эди. У кавакка шамол учириб кирган хазонлар остига яшириниб олди. Дир-дир титрар, негадир кўнгли айниб, қусгиси келарди. Ташқаридан ҳуштак ва

тапир-тупур товушлар ҳамон эшитилиб турарди. Каламуш бу сафарни нега пайсалга согнанини, Ёввойи чакалакзор нақадар бехосият жой эканини энди англаб етган эди...

Үёқда иссиққина ўчок олдида Каламуш ҳамон мудраб ўтиради. Чала шеърининг қоралама нусхаси тиззасидан сирғалиб ерга тушиб кетганди; боши кресло суянчиғида, оғзи очик; туш кўряпти, тушида кўнгил кўпригига сайр этиб юрарди. Бир вақт ўчоқдан битта кўмир чўғи чарс этиб сачради-ю, Каламуш уйғониб кетди. Шундан сўнг у шеър ёзаётганини эслади ва ерда ётган қофозга кўлини чўзди. Кўлини чўзди-ю, шеърга тикилган кўйи ўйланиб қолди... Ўйланиб ўтириб-ўтириб, хаёлида чарх ураётган мисрага қофия топа олмади ва:

– Холиққа солиқни, борликқа ёрлиқни қофия қилса бўладими? – деб сўради.

Саволига жавоб бўлмагач, ёнига ўгирилиб қаради: Кўрсичқон жойида йўқ эди.

Уёқ-буёққа қулоқ тутди. Уй жимжит, хеч қандай шарпа эшитилмасди. У бир неча марта: «Кўрсичқон! Кўрсичқонжон!..» деб чақириб кўрди. Аммо, жавоб бўлмади. Каламуш ноилож даҳлизга чиқди: илгакда унинг бош кийими кўринмасди, зонтик осиладиган устунга суюб кўйилган калишлар ҳам йўқ эди.

Каламуш ташқарига чиқиб изи қолганмикан деб лой ерни синчиклаб кўздан кечирди. Мана, яқинда лойгарчилик пайти кийиш учун олинган калишнинг изи ҳали ўчмабди – излар тўппа-тўғри Ёввойи чакалакзорга қараб кетган эди.

Каламушнинг қовоқ-тумшуғи осилди; бошини чангллаганча бирпас ўйланиб турди, кейин ич-

карига кирди. Камарини белига боғлаб, унга бир жуфт түппончасини қистириб қўйди. Сўнг бурчакда турган қайқи таёқни олиб, зудлик билан Ёввойи чакалакзорга жўнади.

У ўрмон этакларига етиб борган пайтда қоронги тушиб қолган эди. Бедарак кетган дўстининг изини қидира-қидира ўрмон ичкарисига тап тортмай кириб кетди. Унда-бунда дарғазаб башаралар мўралаб туришарди, лекин улар тўппонча тақиб олган довюрак маҳлукни кўришарди-ю, дарҳол писиб кетишарди. Айниқса, гурзидек таёқ нотаниш жонзотларда ёрқин таассурот қолдиради. Каламуш дастлаб ўрмонга қадам қўйганда тапир-тупур, тўс-тўполон кўтарилган бўлса-да, аммо қўп ўтмасдан атроф соқин бўлиб қолди. У чакалакзорни тиккасига кесиб ўтди: атай сўқмоқ бўйлаб юрмади, овлоқ жойларнинг тити-питисини чиқарди. Вақти-вақти билан:

– Кўрсичқон, ҳо-о Кўрсичқонбек! Қаердасан?!
Бу мен, дўстингиз Каламуш! – деб чақириб қўярди.

Бир соатдан мўлроқ вақт мобайнода ўрмонни роса кезди. Хайрият, чақириқларга ахийри жавоб келди. У товуш келган тарафга юрди: зим-зиё бўлишига қарамасдан оқ қайнини бехато топди. Кавакдан дилхаста товуш чиқди:

– Наҳотки, сиз бўлсангиз, Каламушжон!

Каламуш бир амаллаб кавакка қаради-ю, ўлар ҳолатда ётган, дир-дир титраётган Кўрсичқонни кўрди.

– Эҳ, Каламушжон, мен қўрқоқлик қилиб...
иштонимни хўллаб қўйдим! – деб нола қилди Кўрсичқон. – Айтсан, ишонмайсиз!

– Нега ишонмас эканман? – деди Каламуш таскин оҳангига. – Йигитчиликда бўлади-да!
Фақат ўйланмай қилинган иш яхшилик билан ту-

гамайди. Кўрдингиз, сизни бу йўлдан қайтараман деб чакана уринмадим. Биз дарёликлар ҳам буёққа кам келамиз, келадиган бўлсак гурух-гуруҳ бўлиб келамиз. Шунда фалокатга йўлиқ-майсиз. Бундан ташқари, ўрмоннинг сир-асороридан хабардор бўлиш лозим: биз хабардормиз, сиз бехабарсиз! Ўрмон ҳайвонлари чўчийдиган афсун ва дуоларни, имо-ишораларни, пичирлаб ўқиб юриладиган шеърларни ёддан билиши керак. Чўнтакда бир хил ҳид таратадиган гиёҳларни олиб юриш лозим. Ана шунаقا ҳийла-найрангларни билмасангиз, албатта, иштонингизни хўллаб қўясиз-да! Тағинам сиз осон кутулибсиз! Ҳайвонларга ем бўлиб кетиш ҳам ҳеч гап эмас, ҳа! Ҳартугул, ўрмонга тумшуқ тиқмаган маъқул. Акс ҳолда, шўрингиз қурийди. Бўрсиқ ёки Қундуз бошқа гап, уларга тенглашиб бўлмайди. Мияни ишлатиш керак, дўстим!

– Қурбақа буёққа келишдан кўркмайдими? – деб сўради Кўрсичқон умидвор оҳангда.

Каламуш қаҳқаҳа отиб юборди.

– Мункиллаб қолган Бақани айтяпсизми?! Устига зарбоф чопон ёпсангиз ҳам буёққа қадам босмайди! У анойилардан эмас! – деди у.

Каламушнинг қаҳқаҳаси, камарида ялтираб турган тўппончалари Кўрсичқоннинг рухини тетиклаштириди. Унинг титроғи босилди, ўзига келди.

– Қани, кетдик! – деди Каламуш ўрнидан қўзғалиб. – Тезроқ уйга етиб олайлик. Бўлмаса, туни билан бу ерда қолиб кетсак борми, музлаб ўлишимиз ҳеч гап эмас.

– Каламушжон, бирпас дам олай. Илтимос! – деб зорланди Кўрсичқон. – Тинка-мадорим қуриб қолди. Бу туришда уйга етиб боришим даргумон,

йўл-пўлда узилиб қолсам борми, ўлигим ҳам сизга дардисар бўлади!

– Майли, бирпас нафасингизни ростлаб олинг, – деб розилик билдириди Каламуш. – Лекин, ёмон нафас қилманг: яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар «омин!» дейди... Салдан сўнг ой чиқади, ойдинда юриш осон.

Кўрсичқон хазонларни устига тортиб, ғужанак бўлиб уйқуга кетди. Қуш уйқуси, деганлари шундай бўлса керак: беҳаловат, бедор уйқу кўз юмиқ бўлади-ю, аммо кўнгил уйғоқ. Каламуш жунжикиб, хазонга бурканиб ўтириди. У ўқланган тўппончасини маҳкам ушлаган кўйи дўстининг уйғонишини сабр-тоқат билан кута бошлади.

Кўрсичқоннинг уйқуси узоққа чўзилмади, дарров уйғонди. Энди у хийла хушчақчақ бўлиб қолганди.

– Эҳтиёти шарт ташқарини бир кўздан кечириб келай, – деди Каламуш дўстига қараб. – Тинчлик бўлса, дарҳол йўлга тушамиз! – У кавакдан бошини чиқардию: – Вой бў-ўй, буёғи расво бўлибди-ку! – деб юборди.

– Нима бўпти, Каламушжон? – деб сўради Кўрсичқон ҳайратланиб.

– Қор! Ёғишини қаранг, роса ташлаяпти-да! – деб жавоб берди Каламуш.

Кўрсичқон ҳам Каламушнинг ёнига суқилиб кириб, ташқарига бўйлади-ю, оғзи ланг очилиб қолди: ваҳимали ўрмон бирпасда оппоқ либосга бурканган эди. Бу ерларга йўли тушган ҳар қандай маҳлукни зир-зир титратадиган қора каваклар, пистирмалар оппоқ қор остида қолганди. Гўё атрофга сехрли оқ гилам тўшалганки, бундай гиламни кир-

чир оёқ билан топташ гуноҳдек туюларди. Пағапаға ёғаётган қор ўйноклаб юзга уриларди, этни жунжиктиарди. Қорнинг ёғдуси бормиди, нима бало, дараҳтлар қорайиб кўзга ташланарди.

– Начора, йўл топишга уриниб кўриш керак. Энг ёмони – мен ҳозир қаерда турганимизни ҳам билмайман, қор ҳаммаёқни кўмиб юборибди, – деди Кўрсичкон ўйга толиб.

Айтса-айтмаса, Кўрсичкон ўрмонни таний олмасди; тўрт тараф ҳам қиблага ўхшаб қолган эди. Энди таваккал қилиб, бир томонга қараб юрилмаса бўлмайди. Бошқа илож йўқ. Улар бир-бирларининг пинжларига тиқилишиб, аста одимлай бошладилар. Дилда умид мужассам, кўзда илинж. Гўё йўлда учрайдиган ҳар бир дов-дараҳт эски қадрдонлардек эгилибгина салом берарди; оппоқ қор босган муюлиш ҳам ўша-ўша – ўзгармаган, худди минг йиллик танишдай илиқ кутиб олиб, илиқ кузатиб қолди. Ҳартугул, улар сир бой бермасдилар.

Бир яrim-икки соатлар чамаси йўл юрилгач, дилларда умидсизлик нишонаси пайдо бўлди. Аввалига бошлари қотди, сўнг саросимага тушдилар ва нафас ростлаш баҳонасида йиқилиб ётган дараҳтга аста ўтирилар. Оёқлари лов-лов ёнарди, бўғинлари сирқирарди, юнглари жиққа ҳўл, қор босиб қолган хандакларга ағнайвериб аъзойи баданлари моматалоқ бўлиб кетган эди. Азбаройи қор қалинлигидан юриш амримаҳол бўлиб қолди. Ўрмон тобора қуюқлашарди; бир-бирига чирмashiб кетган дараҳтларни оралаб ўтиш мумкин эмасди. Гўё ўрмон чексиз эди, унинг чегарасига етиб боришга ҳеч ким кафолат беролмасди.

– Бу ерда яна қанча ўтирамиз? – деди Кала-муш норози бўлиб, – музлаб қоламиз-ку, совукни

қаранг! Ҳайронман, қор ёғаётганда бунчалик совук бўлмаслиги керак эди... Туинг, яна бир марта уриниб кўрайлик! Ўтиргандан фойда йўқ. Агар ўтиргандан фойда бўлганда борми, дунёдаги барча қари қизлар қиролича бўлиб кетишарди! – деб ҳазил қилди Каламуш. Сўнг атрофга ўйчан назар ташлаб давом этди: – Ҳали қор тинадиганга ўхшамайди. Демак, йўл юриш бундан ҳам қийин бўлиб қолади... Ҳу-ув анави тарафда во-дий кўриняпти, чоғи. Тепаликларни кўряпсизми? Ўша томонга омон-эсон етиб олсак бас, бошпана топилади: ғоргами, кавакками, кандикками кириб олиб дам оламиз. Бошимиздан қор уриб турмаса бўлгани, ўёғи бир гап бўлади-да! Нима дедингиз? Ўзимиз ҳам божмоннинг итидай чарчадик.

Улар зўр-базўр кўзголишиб, рўпарада тахмин қилинган водий томон равона бўлишди. Хийла йўл юришди, мўлгина юришди ва бир тепалик пойига етиб боришди. Ўша ерда пайпасланишиб, тимирскиланишиб туришар экан, Кўрсичқон нохос инграб юборди. Қоқиниб кетдими, нима бало, мункиб қор остига кириб кетди.

– Вой оёғим! – деб додлади у. – Илигим синдику! – деб оёғини чангллаганча қорга ўтириб қолди.

– Нима, бугун чап ёнингиз билан турганмисиз? Ҳар қадамда бир оғатга йўлиқасиз-а? – деб Каламуш дўстининг ёнига чўк тушди. – Қани оёқчангизни буёққа узатинг-чи! Бай-бай, ёмон кесилиби-ку! Қимирламай ўтиринг! Ўқ томирингизни боғлаб кўймасам, қон тўхтамайди.

– Қор остидаги бутоққами-мутоқами уриб олдим, шекилли, – деди Кўрсичқон инганиб. – Вой-ей, бунча азоб тортгунча уйланиб, уйда хотинимнинг қучоғида ётсан ўламанми, а?!

– Ҳечқиси йўқ, танадаги жароҳат битади, лекин дил жароҳати битмайди, – деди Каламуш салмоқдор оҳангда. – Қани, кўрайлик-чи! – У Кўрсичқоннинг ярасини обдан кўздан кечирди-да: – Бутоқ ҳам, бутоқнинг қофиядоши ҳам бунақа кесмайди, оёғингизни ўткир темир кесган! – деб хулоса чиқарди. Сўнг у тепаликларга синчиклаб назар ташлади.

– Э-э, нима кесганини аҳамияти йўқ! – деб чийиллади Кўрсичқон жон аччиғида. – Бахтсиз ходисага учраганим учун менга бирор суғурта тўлармиди!

Каламуш дўстининг дийдиёсига эътибор бермасдан тезда ярани боғлади-да, бир жойдаги қорни ҳар томонга улоқтира бошлади. У жон-жаҳди билан тўрт оёғида харакат қиласарди: қорни тўғри келган тарафга итқитарди, сўнг бирпас ишдан тўхтаб, ерга синчков разм соларди ва ишида давом этарди. Кўрсичқон унга қараб турди-да, ахийри тоқати тоқ бўлиб:

– Каламушжон, бас қилинг! Нега бирдан жазавага тушиб қолдингиз?! Бу ерда ҳеч қанақа қазилма бойлик йўқ! – деди.

Каламуш тўсатдан қичқириб юборди: «Ур-ра! Урр-эй!» деб қор устида иргишилаб ўйинга туша бошлади.

– Нима топдингиз? – деб сўради ҳамон оёғини ушлаб ўтирган Кўрсичқон.

– Келинг, кўринг! – деди Каламуш иргишилаб.

Кўрсичқон оқсоқланиб унинг ёнига борди ва қор бағрида очилиб қолган чукурга кўз тикди.

– Бу нима? – деб сўради ҳайрон бўлиб. – Тушумаяпман. Илгариям бир кўрганман. Хўш, ни-

маси қизиқ? Бор-йүғи, оёқ қирғич битта темир, холос. Нима қипти? Шунга шунча ирғишлайдими?!

– Эх, каллаварам! Шунга ҳам ақлингиз етмаяп-тими? – деб сўради Каламуш тўлқинланиб.

– Нега ақлим етмас экан? Етиб турибди! – деб эътиroz билдириди Кўрсичқон. – Бирорта овсар эси-дан чиқариб қолдирган, шекилли. Бунақа асбобни дуч келган жойда эсдан чиқариб қолдиравериш яхши эмас. Бу ердан мендан бошқа маҳлуқ юрса ҳам, албатта, оёғини кесиб оларди. Вой бефаросат-эй! Ҳали уйга омон-эсон етиб борай, устидан арз қиласман!

– Бўлди! – деб хитоб қилди Каламуш. – Бекорга сафсата сотгандан кўра, менга ёрдамлашиб юбо-ринг! – У жон-жаҳди билан яна қорни кавлай бошлади; ўзи қор бўрон ичра кўринмай қолди.

Саъй-харакатлар зое кетмади, ниҳоят, остонаяга тўшаб қўйиладиган шолча кўринди.

– Мана, мен сизга нима дегандим! – деди Каламуш гердайиб.

– Хўш, нима қипти? Буни сира ажабланадиган жойи йўқ-ку! – деди Кўрсичқон пинак бузмай. – Шарти кетиб, парти қолган битта латта топибсиз. Ким билсинки, бу кимнинг эски иштони экан! Майли, тилла топган тентакка ўхшаб ўзингиздан ўзингиз ўйинга тушаверинг. Лекин, ҳовурингиз босилгач, уйга кетишни ҳам ўйлаб кўрсак чакки бўлмасди. Нима дедингиз? Ёки мана шу шолчани еб ётамизми, устимизга ёпинамизми? Кошкийди, учар гилам бўлсаки, устига чиқиб олиб бирпасда уйга етиб борсак.

– Хомкалла экансиз, хомкалла! – деди Каламуш тутоқиб. – Ундан кўра, манави шолча бу ерда нима қилиб ўйлаб кўрмайсизми?

– Каламушвой, майнавозчиликни йиғиши-ринг! Балки, ўша шолча билан гаплашиб кўрарсиз? Нега бу ерда ётганини ўзи айтиб берар-а?

– Ҳой, хом сут эмган банда! Беҳуда гап сотгандан кўра, менга ёрдам беринг, дейман! – деди Каламуш ростакамига ғазабланиб. – Қорни кавланг, тимдаланг, ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилинг! Шу кечада иссиқ кўрпага бурканиб ухлашни истайсизми? Жонингиздан умидингиз борми? Бор бўлса, марҳамат, ишга киришинг! Лаллайиб турманг! – деб Каламуш вақтни ғанимат билиб тағин қор босган тепаликка ёпишди. У қайқи таёғнинг учини у ер-бу ерга тиқиб кўрди-да, сўнг шиддат билан қорни ковлай бошлади.

Кўрсичқон томошабин бўлиб туришни ўзига эп кўрмади: у ҳам номига бўлса-да, қимиirlаб турди. У гўё Каламушга ҳиммат кўрсатаётгандек ҳаракат қиларди. Ичиди эса Каламушнинг ақлдан озиг қолганига мутлақо шубҳа қилмасди.

Орадан анча-мунча вақт ўтгач, ғор-ғор терга ботган Каламушнинг қўлидаги таёқ қаттиқ бир нарсага урилди. Фалати товуш эшитилди – бу тубсиз бўшлиқнинг товуши чиққан ерни қордан тозалади-да, қўлинин чукурга тиқиб ниманидир пайпаслаб кўрди. Сўнг Кўрсичқонни ёнига чорлади. Икковлашиб яна қорни тозаладилар. Охири пешона терлари беҳуда кетмади: топилмани кўриб Кўрсичқоннинг оғзи ланг очилиб қолди. У кўзларига ишонмасди. Кор уюмига ўхшаш тепаликка чиқаверишда тўқ рангга бўялган мустаҳкам эшик кўзга яққол ташланиб турарди. Эшик тепасида кўнғироқ ҳалқаси ишга осилган, унинг остида катта ҳарфларда тахтачага мўъжаз лавҳа ўйиб ёзилган эди: «Жаноб Бўрсиқ». Кор ёғдусида ёзув-

ни ҳижжалаб ўқиган Кўрсичқон беихтиёр ўзини чалқанчасига қорга ташлаб юборди. Афтидан, бояйтган гапларига пушаймон қиларди. Шу боис:

– Каламушжон, сизга яна бир марта қойилман! – деди хушомад оҳангидা. – Каллангиз бутун, каллангиз! Мен оёғимни кесиб олган заҳоти бу ерда нима борлигини билдингиз-а! Ярамни кўрибоқ миянгизга дохиёна фикр келган: «Фақат пойафзал тозалагични топдингиз, лекин шу билан қаноатланмадингиз. Агар сизнинг ўрнингизда бошқаси бўлганда борми, топганига шукр қилиб кетаверарди. Сиз ундай эмас, каллангизни чексиз даврий касрдек ишлатасиз. Тўхта, дедингиз, тозалагич борми, демак оёқ артгич шолча ҳам бўлиши керак... Ва шолчани ҳам топдингиз. Яъни, назарияни амалда тасдиқладингиз! Офарин, тасанно! Сиз излаганингизни топадиганлар тоифасига мансуб экансиз! Хўш, шолча борми, демак эшик ҳам бўлиши керак. Бўлмаса, если-хушли маҳлуқ оёғини артгач... кўчага қараб кетадими? Албатта, ичкарига киради. Рости ни айтсан, шундай калла билан сиз қадрингизни муносиб баҳолайдиган жойларга бориб яшашингиз лозим. Бизга ўхшаш оми жониворлар орасида илмингизни хор қилиб, нимага эришардингиз?! Эҳ, Каламушвой, сизнинг каллангиз менда бўлганда борми, нима қилишни ўзим билардим!

– Нима қилишни билганингизда боядан бери валақламасдан, ҳеч бўлмаса, қўлингиздан келадиган ишни бажаардингиз! – деди Каламуш зардаси қайнаб. – Ўрнингиздан туринг! Анави кўнғироқни кўряпсизми? Ўшанинг ҳалқасидан ушлаб кучингиз борича тортинг, чалинг! Мен эшикни тақиллатаман.

Каламуш қайқи таёғи билан эшикни даранг-дурунг этказиб қоқа бошлади. Кўрсичқон ҳалқани мўлжаллаб туриб бир сакради-да, уни ушлаб олди. Лекин оёғи ерга тегмай қолди: у ҳалқага осилганча у ёқдан-бу ёққа бориб-келарди. Ичкаридан эса қўнгироқнинг кучсиз жаранглаши элас-элас қулоққа чалинарди, холос.

IV б о б ЖАНОБИ БЎРСИҚ

ёхуд ишонсанг гар ўзингга ишон

Каламуш билан Кўрсичқон совқотган оёқларини бетоқат тапиллатишган кўйи оstonада анча кутиб қолишиди. Ахийри ичкарида эшик тарафга яқинлашиб келаётган қадам шарпасини илғадилар. Кўрсичқоннинг назарида, ичкаридаги махлуқ кийилавериб шалпайиб кетган бесўнақай шиппакни судраб келаётган эди. У ўз мулоҳазаларини Каламушга шипшитиб қўйишга ҳам улгурди. Ажабки, Кўрсичқон янглишмаган экан – у айтган гап тўғри чиқди.

Эшик тамбаси шарақлаб сурилди ва қопқаси қия очилди. Тирқишдан узун тумшуқ, бир жуфт уйқусираган кўзни бемалол кўриш мумкин эди.

– Ҳой, ким бўлсанг ҳам эшикни яна бир марта шунақа тарақлатсанг... – деган таҳдидли товуш эшистилди ичкаридан. – Кимсан? Бемаҳалда нима қилиб тентирааб юрибсан? Нега индамайсан, жавоб бер!

– Бўрсиқ. Эшикни очинг-да, энди! – деб хитоб қилди Каламуш. – Жуда интизор қилиб қўйдингизку! Бу мен Каламушман, ўртоғим Кўрсичқон билан адашиб қолдик. Ташқарида бўралаб кор ёғаётир!

– Ие, Каламуш?! Ўзингмисан?! Оббо, қадр-
доним-эй! – деб қувноқ товушда қичқирди Бўрсиқ
дарҳол гап оҳангини ўзгартириб. – Қани, марҳамат!
Ичкарига киринглар! Вой-бў, музлаб қолибсизлар-
ку. Э-э, сизларни қаранглар-у! Қор-бўронда, зим-зиё
тунда Ёввойи чакалакзорда пишириб қўйибдими?!
Кирсаларинг-чи, нега қаққайиб қолдиларинг!

Иссиқ жойда жон саклашга интиқ бўлиб турган
икки жонивор уриниб-суриниб ичкарига кирди-
лар. Уларнинг баҳтига эшик дарҳол ёпилди, совуқ
ташқарида қолди. Хайрият, деб кўнгилларидан ке-
чирдилар ва бирдан енгил тин олдилар.

Бўрсиқ этаги ерга тегадиган иссиқ халат ки-
йиб олган эди. Оёғида шалпайиб қолган шиппак,
қўлида япалоқ шамдон. Афтидан, эшик тақиллаган
пайтда энди ётмоқчи бўлиб турган, шекилли. У тик
турган кўйи мөҳмонларга ачиниб разм соларкан,
икковининг бошини силаб-сийпаларди.

– Бемаҳалда майда жониворлар санғимасдан
уйида ўтириши лозим, – деди у оталарча меҳр би-
лан. Ишқилиб, Каламушжон, бирор ғавғони бош-
лаб қўймадингми?.. Юринглар, ошхонага ўтайлик,
овқат тап-тайёр, ўчоқ бозиллаб турибди.

Мезбоннинг ўзи йўл бошлади: унинг шиппак-
лари тапиллар, шамни баланд кўтариб олган эди.
Унга изма-из Каламуш билан Кўрсичқон борарди-
лар, ҳар иккови ҳам бу кеча хушнуд ўтишига асло
шубҳаланмасди, албатта. Шу маънода мөҳмонлар
бир-бирларини нуқиб-нуқиб қўйишиди. Боши-ке-
ти номаълум, нимқоронғу, кўримсиз йўлакдан
ўтдилар-да, охири марказий залга кириб борди-
лар: у ердан ҳар томонга ертўлани эслатадиган
йўлаклар тармоқ отиб кетганди. Залга эмандан

қилинган вазмин эшиклар орқали кирилди. Бўрсиқ нариги эшиклардан бирини ланг очиб юборди-ю, юз-кўзларига иссиқ ҳаво ва ошхонанинг хушбўй хиди гуп этиб урилди.

Қизғишиш пол анча ейилиб, юпқа бўлиб қолган эди. Ўлачалар аланга олиб ёнаётган ўчоқнинг икки ёнига, елвизакдан холи жойга, гап сотиб ўтириш учун бир-бирига қараган, тик суюнчиқли иккита кресло қўйилганди. Ошхона ўртасида узун ясси стол, икки томонида ўриндиқлар мухайё. Столнинг нариги бошида, орқага озгина сурилган холатда қолган кресло рўпарасида чала тановул қилинган овқатлар турибди. Афтидан, Бўрсиқдан ортиб қолган бўлса керак: оддий, лекин тўйимли экани шундоқ билиниб турибди. Ошхона бурчагида буфетга тартиб билан териб қўйилган топ-тоза ликопчалар ялт-юлт қиласди. Шифт вассаларига дудланган гўшт, қуритилган гиёхлар, боғлам пиёзлар, тухум тўла саватлар осиб қўйилибди. Бундай ошхонани шавкатли жангдан кейин буюк ғалабани нишонлашга тўпланган қаҳрамонларга ёки ўримийим яқунига бағишлиланган ҳосил байрамида иштирок этаётган азамат дехқонларга раво кўриш мумкин эди. Ўз-ўзидан равшанки, уч-тўртта бўлиб олиб чақчақлашиш учун ҳам бундан ортиқ гўшани топиб бўлмасди.

Қизғишиш пол дуд қопланган шифтга табассум ҳадя этарди; ўтилавериб сийқаланиб кетган эман эшиклар бир-бирлари билан имлашарди; буфетдаги ликопчалар токчадаги кўзачаларга қараб илжайишарди. Ўчоқдаги гулхан эса сеники-менники қилиб ўтирмасдан барчага баробар ёғду сочарди.

Меҳмондўст Бўрсиқ тузукроқ исинсин дея Каламуш билан Кўрсичқонни ўтга яқинроқ ўрин-диқларга жойлаштириб, хўл бўлиб кетган устбошларини, оёқ кийимларини ечиб олди. Сўнг уларга чопон, шиппак келтириди. Кўрсичқоннинг болдиридаги ярани иссиқ сувда ювиб, қандайдир малҳам суртган эди, бирпасда оёғи соғайди-қолди. Меҳмонлар иссиқдан бўшашиб, оёқларини бамайлихотир узатишиб ўтиришарди-ю, лекин овқатланиш учун Бўрсиқ столга териб қўяётган идиштовороқлар товушини қулоқларини динг қилишиб эшитишарди. Ёввойи чакалакзорда рўй берган балойи оғатлардан халос бўлишгач, энди улар худди довулдан сўнг сокин бандаргоҳга омон-эсон етиб келган денгизчилар мисоли ўзларини ниҳоятда баҳтиёр хис этишарди. Уларнинг назарида, қор босган ўрмон гўё борса-келмас ороли каби минг-минглаб чақирим олисларда қолиб кетган бўлиб, бошларидан кечган азоб-уқубатлар ҳам ёмон тушдай туюларди.

Мириқиб исиниб олишгач, Бўрсиқ уларни тўкин дастурхонга таклиф этди. Бечоралар ўлгудек оч қолишгани учун, хилма-хил таомларни кўриб шошиб қолишиди. Иштаҳалари карнай бўлиб кетиб, ни мадан бошлашни билишмасди – қайси таомдан олиб, қайси таомни кейинга қолдиришни ўйлашарди. Роса бошлари қотди. Кейин ўйлашни тўхтатиб, дуч келганини оғзиларига тиқаверишиди. Овқатланиш жараёнида «миқ» этган товуш чиқаришмади, фақат лабларининг чапиллаши эшитиларди, холос. Охири қоринлар қаппайиб, сухбат мавриди етган чоқ ажаб ҳангома рўй берди. Ана ўшанда ҳам лунжлар шишиб турар, оғиз тўла овқат эди. Ана хижолат-

пазлигу мана хижолатпазлик! Яхшиямки, Бўрсиқ бунақа икир-чикирларга эътибор берадиган бачкана қайноталарга ўхшамасди. Ҳамма бараварига вағир-вуғур қиляптими, бирор столга ўмганини ташлаб олиб хуррак отяптими – унга барибир. Жамоатга кам аралашадиган, кўпчиликни жини суймайдиган Бўрсиқ қўр тўкиб дастурхон бошида ўтиради, дўстларининг саргузашт тафсилотларини дикқат билан тинглар, лозим топган пайтида бошини силкитиб, маъқуллаб қўярди. У орага гап сукмасди, юзида на ажабланиш, на аччиқланиш аломати бор эди. «Сизларга айтган эдим-ку! Нима учун гапимга қулоқ солмадинглар!» каби дашномлардан ҳам ўзини тияр эди. Ундоқ қилиш керак, бундоқ қилиш керак қабилидаги панд-насиҳатларни ўзига эп кўрмасди. Сухбатлашиш давомида Кўрсичқон уни жуда яхши кўриб қолди.

Овқатланиб бўлишгач, коринлар шу қадар тўйиб кетдики, қимирласа торс ёриламан дерди. Уччовлон ғўлачалар яллиғланиб ёнаётган ўчоқни қуршаб ўтиришарди. Қорин тўқ, қайғу йўқ. Ярим тунда бундай ўтириш ҳар кимга ҳам насиб этавермаслигини ҳаммаси жуда яхши биларди. Олди-қочди гаплар поёнига етгач, Бўрсиқ самимий оҳангда:

– Қани, сизлар томонда нима гаплар бор? Курбақа биродаримизнинг аҳволлари қалай? Бир эшитайлик-чи! – деб қолди.

– Э-э асти сўраманг! Биродарингизни ҳолига маймунлар йиғлаяпти! – деди Каламуш ташвишманд қиёфада. Кўрсичқон эса қўлларини боши остига кўйиб, скамейкага чўзилиб олганди. У ҳам афтини ғижимланган маҳсидек буриштириб ётарди. – Чатоқ бўлди... Ўткан ҳафтаям Бақа фа-

локатга йўлиқди: энди машинага ишқивоз бўлиб қолди. Мол-мулкини гаровга тикиб, машина олиш харакатида куйиб-пишиб юрибди. Аввало, машина бошқаришни ўргангин, бирорта тажрибали ҳайдовчини ёллагин десак, асло кўнмаяпти. Ўзим туғма талантман, дейди.

– Бу нечанчиси? – деди Бўрсиқ маъюс тортиб.

– Фалокатми ёки машинами? – деб саволга аниқлик киритмоқчи бўлди Каламуш. Сўнг беҳафса сала давом этди: – Унга қолса, иккиси ҳам бир гўр. Ўзиям ҳозир еттинчи марта янги машина оляпти, олдингиларини пачоқлаб бўлди! Аравахонасига қадам босиб бўлмайди: темир-терсакларга тўлиб кетган... Кўйинг ўшани, бекорга жағимизни оғритиб нима қиласиз!

– Кейинги пайтларда уч марта кетма-кет касалхонага тушди, – деб гап қистирди Кўрсичқон. – Полицияга тўлаган жарималарининг ҳад-ҳисоби йўқ.

– Буёғи ҳам майли-я, аммо-лекин, Курбақа бой бўлса-да, миллионер эмас-ку! – деб фикрини давом эттириди Каламуш. – Икки куннинг бирида яп-янги машинани пачоқлаб тураверса, жарақ-жарақ жарима тўлайверса, ахир, бунакада Сулаймон тоғи ҳам дош беролмайди, емирилиб соб бўлади! Мана кўрасиз, тез кунларда Курбақа ё ўзининг бошини еб кетади ёки узил-кесил хонавайрон бўлади! Бироқ, биз ўша мусибатли кун келишини бир четда томошабинлардай кузатиб туролмаймиз, дўстимизга ёрдам беришимиз керак. Тўғрими, Бўрсиқ?

Бўрсиқ теран ўйга толди. Орадан анча-мунча фурсат ўтгач:

– Ўзларинг биласизлар. Ҳозир менинг қўлимдан ҳеч нарса келмайди, – деди жиддий оҳангда.

Бундай жавоб ўз-ўзидан тушунарли эди. Шу боис дарров маъқулланди. Негаки, тартиб-интизомга кўра, «ўлик мавсум»да – қиши кезлари хузур-ҳаловатга путур етказадиган ҳар қандай хатти-харакатдан ҳар бир ҳайвон бош тортиш хукуқига эга эди. Бу хукуқ Конунларда қатъий ҳимоя қилинарди. Чунки қишида ўрмон аҳли ёппасига уйқуга кетарди ёки мудроқ ҳолатда ҳаёт кечирарди. Ишқилиб, ҳамманинг инон-ихтиёри ўзида бўлади; оёқни узатиб бемалол ётадилар. Қолаверса, об-ҳаво чатоқ, белдан қувват, илиқдан мадор кетган палла эди.

– Гап бундай, шошмайлик, қиши охирласин, тунлар қисқариб, кунлар узайсин, кўзларимиз уйқуга тўйисин, ағнаб ётавериш ҳам жонимизга тегсин, ана ўшанд... – деб сухбатдошларига маънодор разм солди Бўрсиқ. – Менимча, ўғини айтмасам ҳам бўлади. Тушундиларингми?

– Тушундик, тушундик! – дейишиб Каламуш билан Кўрсичқон баравар бош ирғашди.

– Балли, азаматлар! Тушунадиган махлуқларнинг садақаси кетсанг арзийди-да! – деди Бўрсиқ мамнуният билан. – Хуллас, иннайкейин, биз уччовлашиб Қурбака билан жиддий шугулланамиз, уни қўлга олмасак бўлмайди. Қани, жиннилик қилиб кўрсин-чи! Керак бўлса, мулла минган эшшакдек ювош қилиб қўямиз!.. Ие, Каламушбек, кўзингиз кетиб қолибди-ку!

– Кечирасиз, – деб кўзларини очди Каламуш. – Чарчабман, шекилли.

– У овқатдан сўнг уч марта мизғиб олди! – деб ахборот берди Кўрсичқон ҳиринглаб. Ўзи эса ниҳоятда тетик кўринади, негадир уйқуси келмасди. Сабаби –

у ер остида туғилиб ўсгани учун Бўрсиқнинг уйида ўзини эмин-эркин ҳис этарди.

Каламуш бўлса, дарё шабадасига кўксини тутиб яшашга ўрганган бўлиб, Бўрсиқнинг ҳавоси дим уйида дарров ҳолсизланиб қолди.

– Юринглар. Нариги хонага чиқамиз! – деб таклиф қилди Бўрсиқ.

У ўринидан туриб, япалоқ шамдонни қўлига олди. – Мен сизларга ётоқни кўрсатиб қўяман. Эрталаб хоҳлаганча ухлайверинглар. Нонушта ҳар доим тайёр туради.

У меҳмонларни узун хонага эргаштириб кирди: бу хона ётоқми, чердакми тушуниб бўлмасди. Хонанинг ярмини олма, шолғом, картошка уюмлари, ёнғоқ тўла саватлар, асал тўлдирилган кўзачалар эгаллаган эди. Нариги бурчакда иккита кўркам қаравот туради: чойшаблар дағал бўлса-да, лекин топ-тоза, улардан хушбўй хид тараларди. Каламуш билан Кўрсичқон ҳаш-паш дегунча уст-бошларни ечдилар-да, мамнуният билан кўрпанинг остига кириб кетдилар.

Мезбоннинг кўрсатмасига амал қилишиб, росаям мириқиб ухлашди ва алламаҳалда ошхонага тушдилар. Ўчоқда ловуллаб олов ёнарди; типратиконнинг иккита боласи ёғоч косада сули ёрмасидан тайёрланган бўтқани еб ўтиришарди. Улар меҳмонларни кўрдилар-у, дарҳол қошиқларни коса четига кўйишди ва ўринларидан туришиб, ўта мулизамат билан бош эгдилар.

– Бемалол ўтираверинглар, қўзғалманглар! – деди Каламуш меҳри товланиб. – Овқатланаверинглар! Хўш, қайси шамол учирди? Ҳойнаҳой, қорда адашиб қолган бўлсаларинг керак-а? – деди у тахминан.

— Топдингиз, сэр! — деди кирпи болаларидан бири одоб билан. — Укам Билл билан мактабга кетаётган эдик. Об-ҳаво айниб турганига қарамасдан, ойимлар бизни мактабга жүнатдилар, аммо йўлда адашиб қолдик. Билли қўрқанидан бўкириб йифлай бошлади. Бир пайт мундок қарасак, жаноби Бўрсиқнинг орқа эшиги ёнида турибмиз. Ўйлабнетиб ўтирмай, дарҳол эшикни қоқдик. Жаноби Бўрсиқнинг меҳрибонлигини яхши билардик-да!

— Тушунарли, тушунарли, — деди Каламуш тузланган гўштдан бир лўнда кесиб оларкан. Кўрсичқон бўлса, куймоққа тухум чақиш билан овора эди. — Ҳадеб мени «сэр» деяверманглар, хўпми, миттивойлар!.. Хўш, тепада об-ҳаво қалай?

— Жуда ёмон, сэр, қор қалин, — деб жавоб берди кирпича. — Яххиси, ташқарига чиқмаган маъкул.

— Бўрсиқнинг ўзи қани? — деб сўради Кўрсичқон қаҳва идишни оловга қўяр экан.

— У киши кабинетларига кириб кетдилар. Мұхим ишим бор, ҳеч ким халақит бермасин, дедилар, — деб жавоб берди бийрон кирпи бола.

Гап нимадалигини катталар англадилар, албатта. Боя таъкидлаганимиздек, ўрмон аҳли, хусусан, Бўрсиқ ҳам йилнинг ярмини қизғин меҳнат қучогида ўтказадилар, қолган ярмини эса уйқуда ўтказишлари лозим. Акс ҳолда, бетоб бўлиб қолишади ёки ажалидан беш кун бурун ўлиб кетишади. Аммо, зарур иш билан келган меҳмонларга ҳадеб уйқуни рўкач қиласвериш ҳам одобдан эмас. Буни Бўрсиқ биларди. Шунинг учун меҳмонларга оғир ботмайдиган йўлни танлаган — «муҳим иш» баҳонасини ўйлаб топган. Аниқки, у тўйиб нонушта қилгач, бедана юриш қилиб кабинетига кириб кетган ва ҳозир

оёқларини чалиштирганча юзига қизил дуррани ташлаб олиб пиш-пиш этиб ухлаб ўтиарди. Қиш фаслида «муҳим иш» шунаقا бўлади.

Эшик қўнғироги қўқисдан жиринглаб қолди. Бутерброд ёғини ҳамма томонига суркаб, икки лунжини ҳам овқатга тўлдириб олган Каламуш:

– Ким бўлди экан? Бор, билиб кел-чи! – деб кирпи бола Биллга ишора қилди.

Остонадан тапир-тупур қадам товушлари эши-тилди. Дам ўтмасдан Биллнинг орқасида Қундуз кўринди: у қулочини ёйган кўйи Каламуш тарафга кела бошлади.

– Бас, бўлди! – деди оғзи овқатга тўла Каламуш ўзини олиб қочиб.

– Шу ерда бўлса керак дегандим! Топдимми? Адашмаган эканман! – деб бидирлади қувончи ичига сифмаётган Қундуз. – Эрталаб соҳилга чиқсан, маҳаллада дув-дув гап: сизни йўқотиб кўйишибди, кечаси билан ҳеч ким ухламабди. Роса қидиришибди. Каламуш уйида ётмабдими, демак Кўрсичқон ҳам йўқ – уларга бир бало бўлган, дейишди оломон. Изларингни қор кўумиб юборибди. Бироқ, мен биламанки, бировга бирор кор-ҳол бўлса, уни албатта Бўрсиқнинг уйидан излаш лозим! Ҳеч бўлмаса, нима бўлганини Бўрсиқ айтиб беради. Шундай қилиб, аканг қарағай, тўппа-тўғри шу ёққа келавердим! Қуёш дараҳтлар орасидан мўралаб турса, ўрмонда қор кечиб юришнинг гашти ўзгача бўлар экан. Ҳаммаёқ сув сепгандек жимжит. Бехос шоҳшаббадан бир уюм қор гуп этиб устингга тушади-ку! Ўтаканг ёрилай дейди, орқа-олдингга қарамасдан шунақаям қочасанки, бунақанг катта тезликда Ламанш кўрфазини ҳатлаб, Европага ўтиб кетиш чўт

эмас! Бир кечада шу қадар қалин қор ёғибди, ўралар-хандақлар теп-текис бўлиб қолибди. Ажабтовур кўприклар, миноралар, айвонлар пайдо бўлибди. Минг йиллик эманларнинг минг ёшли улкан шохлари қор уюмларини кўтара олмасдан қарс-қарс синиб тушибди. Суллоҳ қарғалар синиб тушган шоҳшаббаларнинг устиларида Марғилоннинг йўлига қараб ўтиришибди: ҳайронман, мунча ўзларига бино қўйишади-а, бу аҳмоқлар! Гёё улар ўша Марғилон томондан чиқкан битта таржимоннинг бийронбийрон сўзларини эшитаётган эмиш! Ҳа, улар айнан шунақа дейишиб, ҳаммани оғзиларига маҳтал қилиб ўтиришибди! Ишонмайсизларми?! Тўғри қиласизлар, мен ҳам ишонмадим!.. Осмону фалакда, булатларга тегай-тегай деб ёввойи ўрдаклар учиб юришибди. Гўнгқарғалар бўлса, ўрмон тепасида ғужғон, пастда нима бўлаётганини билиш учун бир пастлайдилар-бир кўтариладилар. Қўним тошишга қўрқадилар, чамаси. Бирордан гап сўрайман десам, гаплашадиган зот учрамайди. Хайрият, ахийри битта Қуённи кўриб қолдим: у шўртумшугини силаб-сийпаб тўнка устида ўтирган экан. Орқа тарафдан пойлаб бордим-да, елкасидан шартта ушладим – бирам ўтакаси ёрилдики, ҳушидан кетиб қолди, занғар! Ҳушига келтиргунимча она сутим оғзимга келди. Ҳуллас, Қуённинг нақл қилишича, кеча кечаси бирор Кўрсичқонни Ёввойи чакалакзорда кўрган эмиш. Каваклардан мўралаб турган бенаволар бўлса, яккаш бир гапни такрорлашарди: «Каламушнинг дўстини худо урди! Кўрсичқон ўрмонда адашиб қолди. Биз уни куршовга олдик, лекин асири тушира олмадик. Роза қувладик, аммо тутқич бермади!» Бундай дийдиёларни эшитиб жаҳлим чиқиб

кетди ва қуённинг ҳиқилдоғидан сиқдим-да: «Унга нега ёрдам бермадинг?! Ахир, сенлар кўпчиликсан, жир битиб семириб ётибсанлар! Ҳаммаёқда инларинг бор, бирорвинг бошпана берсанг, фало-катдан асраб қолсанг, ўласанларми?!» дедим. «Нима, қуёнларнинг шундан бошқа иши йўқми?! Кўрсичқон адашиб қолган экан, биз уни қувладик. Нима бўпти? Қачонгача бизни қувлашади, биз ҳам қувлайлик-да!» деб жавоб берди Қуён. Бундай жавобни эшитиб, ўзимни тутиб тура олмадим. Унинг юзига шапалоқ тортиб юбордим ва йўлимда давом этдим. Лекин, баъзи бир тафсилотларни билиб олдим. Энди улардан бирортаси қўлимга тушса борми, нима қилиш кераклигини ўзим биламан!

– Мен асло қўрқаним... Айтинг-чи, нима қилярдингиз? – деб сўради жўрттага Кўрсичқон гапни бошқа томонга буриш мақсадида. Чунки у Ёввойи чакалакзор номини эшитган заҳоти дир-дир титрай бошлаган эди.

– Нима қилардим?! – деб икки қатор ўткир тишларини қўрсатиб тиржайди Қундуз. – Яна бир марта ҳазиллашиб қўришсин-чи! Мен уларга ҳазил қанақа бўлишини қўрсатиб қўяман!.. Менга қаранг, Кўрсичқонжон, анави гўштдан озгина қовуриб келмайсизми? Ўлгудек очкаб кетдим. Биз унгача Каламуш билан гаплашиб оламиз, гап қўп. Ўзиям анчадан бери қўришмаган эдик.

Кўрсичқон дудланган гўштдан кесиб олиб, уни паррак-паррак қилиб тўғради-да, кирпи болаларга:

– Тойчоқлар, манавини дарров қовуриб келинглар-чи, ҳа-а, акаси лўмбиридан! – деб топшириди.

Каламуш билан Қундуз дарёга оид қандайдир масала борасида баҳслаша бошладилар. Дарё бе-

поён бўлгани каби уларнинг баҳс-мунозарасининг чеки-чегараси кўринмасди. Кўрсичқон уларнинг гапларига қулоқ солганча нонуштасини давом эттираверди.

Биринчи қовурдоқ пок-покиза туширилди, энди янгиси буюртма берилди. Лекин, овқатга уннашга тураддуд қўрилаётган пайт кўзларини уқалаган кўйи, эснаб-эснаб Бўрсиқ ошхонага кириб келди. У ҳамма билан қайта-қайта саломлашди. Сўнг Кундузга караб:

– Туш бўлиб қолди, шекилли. Биз билан овқатланмайсизми? Эрталаб жуда совуқ бўлди, қорин бирпасда очқайди, – деди.

– Нимасини айтасиз! – деди Кундуз Кўрсичқонга кўз қисиб. – Манави кирпиваччалар қовурдоқ еяётганини кўриб, беихтиёр сўлакайим оқиб ўтирган эдим!

Атиги бир косада бўтқа еган кирпиваччалар одоб юзасидан бетга чопарлик қилишмади. Аслида, гўшт қовураётиб уларнинг ҳам иштаҳалари очилиб кетган эди.

– Ҳой миттивойлар, уйларингга бормайсизларми? – деди Бўрсиқ кирпи болаларини эркалатиб. – Ўзим айтаман, бирор сизларни кузатиб кўяди. Қоринларинг ҳам дўмбира бўлиб кетгандир-а? Бугун тушлик қилманглар. Йўқса, бўкиб қоласизлар! – Бўрсиқ кирпичалар қўлига чақа пул тутқазди-да, яна бошларини силади.

Кирпичалар уй соҳибига таъзим бажо келтиришди ва эшик томон тисарилишди. Сўнг, яна бир марта таъзим қилишди. Ҳар гал таъзим қилишганда бошларидан кепкасини қўлига олишарди, осилиб пешонасига тушаётган соchlарини тўғирлаб қўйишарди.

Мезбон ва меҳмонлар дарҳол тушликка ўтирилар. Кўрсичқон бу сафар Бўрсиқнинг ёнидан жой олди. Каламуш билан Қундуз ҳамон дарёга алоқадор қандайдир масала хусусида талашиб-тортишиб, улар бошқаларнинг гапларига қулоқ солишни хаёлга ҳам келтирмасдилар.

Кўрсичқон фурсаатдан фойдаланиб Бўрсиқнинг уй-жойини мақтади:

— Яшаганга яраша ер остида яшаш керак экан! – деди у. – Хатар йўқ, ҳеч нарсадан қўрқмайсан, ҳаётингга бирор раҳна солмайди. Ўзинг хону кўланканг майдон бўлиб яшайверасан! Тепада эса чархи кажрафтор ғиз-ғиз айланади, худди тегирмонга ўхшайди, ўзингни тегирмонга тушиб қолгандай ҳис этасан. Маълумки, тегирмонга тушганинг ҳам, кемага тушганинг ҳам жони бир бўлади. Чунки ҳар икки қурилма ҳам сув билан ишлайди, – деб фалсафий мулоҳаза юритди Кўрсичқон.

Бўрсиқ оғзи қулоғига етиб илжайди.

— Бинойи! – деб хитоб қилди Бўрсиқ. – Ростдан ҳам, ернинг ости тинч, осойишта. Агар ёруғ дунёни кўргинг келса, кавлаб-кавлаб бирпасда юқорига чиқасан – бошинг узра кўм-кўк осмон товланади. Агар турар жойинг кенг бўлса, девор тортиб кўйсанг борми, яна битта хона тап-тайёр бўлади. Бу хонага ўғил уйлантирасанми ёки кенжা хотин келтириб қўясанми – ихтиёр ўзингда. Ҳеч ким сенга хўжайин эмас. На даллол, на савдогар, на дурадгор даркор. Бирор гап кавламайди, устингдан ёзмайди. Асосийси – об-ҳаво безор қилмайди. Энди Каламушнинг ҳаётини мисол учун олайлик: дарёнинг суви икки қарич кўтарилса – бас, дарҳол кўч-кўронини кўтариб янги уйга кўчиб кетади, нота-

ниш жойга боради. Ҳозирги замонда уй-жойнинг баҳоси арzon бўлса ҳам гўргайди! Ёки анави Курбақани кўринг! Майли, унинг уй-жойига тил теккизиб ўтирумайман. Омонатгина битта чайлада яшайди. Лекин, ёнғин чиқиб қолса нима бўлади? Томини шамол учирив кетса-чи? Девори қулаб тушса, эшик-деразаси синиб қолса, нима қиласди? Кимга арз-дод қилиб боради? Тўғри, очиқ ҳавода ялло қилиб юришнинг гашти бор. Аммо, ўйин-кулгидан чарчагандан сўнг, мундоқ оёғини узатиб ҳордик чиқариш ҳам керак-да! Белингдан ғувиллаб елвизак уриб турса, бошингда пашша ғужфон ўйнас... Э-э, ундай ҳаёт бизга тўғри келмайди. Фақат ер остида рисоладагидай яшаш мумкин. Бошқаси бекор!

Кўрсичқон мудом Бўрсиқнинг гапларини маъқулларди. Шу боис Бўрсиқ борган сари уни ёқтириб қолаётган эди.

— Овқатланиб бўлайлик, мен сизни бир айлантириб келаман, — деди Бўрсиқ. — Уйни томоша қиласиз. Курилиш-пuriлишга озгина бўлса-да, ақлингиз етади, шекилли. Демак, уйга ҳам бемалол баҳо бера оласиз.

Тушлик тугади. Каламуш билан Қундуз яллиғланиб ёнаётган ўчоқ олдида чордона куриб ўтиришган кўйи дарёдаги итбаликлар тўғрисида баҳс бошлишди. Бўрсиқ чироқни ёқди-да, Кўрсичқонни эргаштириб зални кесиб ўтди ва улар асосий йўлакка чиқдилар. Чироқ шуъласида йўлакнинг икки томонида қатор тизилган хоналар кўзга ташланиб туришарди. Хоналар катта-кичик бўлиб, баъзилари жавондан ҳам кичкина эди; бошқалари эса ҳажми жиҳатидан ҳам, жиҳозлари жиҳатидан ҳам Курбақанинг ошхонасидан унча фарқ қилмасди.

Йўлкани тиккасига кесиб ўтган тор йўлкага бурилишиб, ундан яна битта йўлакка чиқдилар. Бунисининг икки тарафида қатор-қатор хоналар жойлашган эди. Ер ости салтанати ниҳоятда кенглиги, йўлакларнинг сертармоқлиги Кўрсичённи ҳанг-манг қилиб қўйди. Тўрт тараф ғиштин йўлаклардан, гумбазлардан, хос хоналардан, аркалардан иборат эди.

– Менга қаранг, азизим Бўрсиқ! Бу кошонани қандай қилиб барпо этгансиз? Сира ақлим бовар қилмаяпти! – деди Кўрсичён энсаси қотиб.

– Албатта, буларнинг ҳаммасини ўз қўлим билан барпо этганимда борми, ақл бовар қилмайдиган иш бўларди. Лекин, мен унчалик жон куйдирганим йўқ, фақат йўлакларни, хоналарни тозалаб қўйганман, холос. Анави томонда яrim вайрона хужралар тиқилиб ётибди, уларни эпақага келтириш мумкин. Аммо менга буёғи ҳам етиб ортади. Тўғрими? Қадим замонларда ҳозирги Ёввойи чакалакзорнинг ўрнида гавжум шаҳар бўлган экан. Биз турган жойларда ҳам инсонлар истиқомат қилганлар: сухбат қурғанлар, ухлаганлар. Отхоналарда от боқишган, қўраларда қўй боқишган, жангужадалларга ҳам шу ердан жўнаб кетишган, тижоратлари гуллаб-яшнаган. Аҳоли бадавлат бўлган, қўли гул усталарнинг сон-саноғи бўлмаган. Абадий иншоотлар барпо этгандар, шаҳримиз дунё тургунча туради, деб ўйлашган.

– Хўш, кейин нима бўлган? – деб сўради Кўрсичён бетоқат бўлиб.

– Қайдам! – деди Бўрсиқ. – Аввало, муайян бир халқ аста-секин шаклланади, қаддини ростлайди, давру даврон суради, жаҳонга хукмронлик қиласиди, шаҳарлар барпо этади. Сўнг йўқолиб ке-

тади. Табиатнинг ўзгармас қонун-қоидаси шунаقا. Бироқ, биз доим барҳаётмиз. Олимларнинг айтишига қараганда, қўрғон-шаҳар барпо этилмасдан илгари ҳам бу ерларда бўрсиқлар яшаган эканлар. Биз ўзимизнинг отамерос юртимизга яна эгалик қиляпмиз. Баъзан биз ҳам бошимизни олиб олисларга кўчиб кетамиз. Лекин қулай фурсат бўлди дегунча дарҳол изимизга қайтамиз, қайтаверамиз!

– Шаҳар халқи ғойиб бўлгач, қандай воқеалар содир бўлган?

– Халқ бўлмагандан кейин шаҳар йил сайин харобага айланаверади, ёғин-сочинда деворлар қулай бошлиди. Ким билсин, балки бўрсиқлар ҳам ғайрат кўрсатишгандир?! Шаҳар аста-секин бузилиб, ер билан баробар бўлади. Сўнг вайронадан дов-дараҳтлар кўкариб чиқади: уруғдан кўчкат, кўчкатдан дараҳт бино бўлади; улар ўсиб-улғайиб, томир отиб ҳаммаёқни босиб кетади. Кузда хазонлари ерга тўкилиб, чириндига айланади. Музлар, қорлар эриб лойқаларни, ўғитларни оқизиб келади. Натижада ўрмон гуркираб кетади, ўтиб бўлмас чангалзор пайдо бўлади. Шундай қилиб, хилватда бизбоп ошиён тап-тайёр бўлиб турибди-да! Нима қиласиз? Ошиёнга жойлашиб олдик. Тепамизда, ўрмонда ёввойи ҳайвонлар, ҳар хил жониворлар макон тутди. Маза қилиб яшаяптилар, ўзларидан ўзлари кўпайиб ётишибди. Ҳар ким ўз тирикчилиги билан ўзи овора, бирор билан иши йўқ. Ит эгасини танимайди, таниса-да, лекин тан олмайди! Бу аҳволда яшаб бўлмас экан: ҳаммаёқни расвоси чиқиб кетди, ўйдим-чукур, ахлатхона... Ҳайронман, кейинчалик нима бўлар экан?! Назаримда, токи одамлар қайтиб келиб, бу ерларни қайтадан обод

қилишмаса, ҳайвонлардан бир иш чиқишига жиддий шубҳам бор. Ҳозир ўрмоннинг хўжайини кўпайиб кетган: яхшиси ҳам бор, ёмони ҳам. Уларни номма-ном санаб ўтирумайман. Ўзингиз билиб оларсиз-а?!

– Бўлмасам-чи! – деб жавоб берди Кўрсичқон. – Лекин мен ёмон маҳлуқдан қўрқаман.

– Кўрқманг! – деб Бўрсиқ дўстининг елкасига қоқиб қўйди. – Аслида, улар ҳам ёмон эмас, факат ўзларидан бошқани ўйламайдилар, холос. Майли, эртага бир-иккита бўйни йўғонларга сиз тўғрингизда шипшиб қўяман, ана ундан кейин ялло қилиб юраверасиз. Ҳеч ким мушугингизни «пишт» демайди. Мана кўрасиз!

Улар ошхонага қайтиб келишган пайт Каламушнинг феъли айниб қолган эди: аллақачон кийиниб олган, тўппончалари белида, ошхонада уёқ бориб-буёқ келарди. Афтидан, дарёга шахсан ўзи кўз-кулоқ бўлиб турмаса, оламшумул фожиа рўй берадигандек ташвишманд эди.

– Кетдик, Кўрсичқон! – деди Қундуз. – Ўзим йўл бошлаб кетаман; ўрмонни беш қўлдай биламан. Агар анавилар яна ғиди-пиди қиласиган бўлсалар, ўзимга қўйиб берасизлар!

– Бекорга безовта бўляпсиз, Каламуш, – деди Бўрсиқ. – Сир ўртамиизда қолсин-у, лекин менинг ертўлам ҳам, лаҳимларим ҳам бегоналар ўйлагандек қисқа эмас, ўрмоннинг нариги четига олиб чиқиб қўядиган йўлларим бор. Қани, бамайлихотир йўлга ҳозирлик кўринглар-чи! Ўзим сизларни кузатиб келаман.

Каламуш ўзини қўярга жой тополмасди, дарёга талпинарди. Начора, Бўрсиқ яна чироқни қўлига

олди-да, ўзи олдинга тушиб меҳмонларни ер ости йўлидан бошлаб кетди. Йўлак илон изига ўхшарди, охири кўринмасди. Оёқлар толди. Ниҳоят, олдинда ғор оғзига ташлаб қўйилган шох-шаббалар орасидан тушаётган ёфду кўзларни қамаштириди. Бўрсик уларга оқ йўл тилаб, ташқарига чиқарди-да, бирор билиб қолмасин деб тешик оғзини эски ҳолатда қандай бўлса, худди ўшандай қилиб беркитди.

Ҳақиқатан ҳам, улар ўрмон четидан чиқиб қолдилар. Ёввойи чакалакзор ўзининг айқаш-уийкаш тошлоқлари, ўтиб бўлмас бутазорлари, қалин қорлари билан ортда қолган эди. Истиқболда бепоён ва сокин далалар, баланд-паст, лахтак-лахтак дўнгликлар, қордан бино бўлган ҳар хил миноралар кўриниб турарди. Ундан нарида қадрдон дарё кумушдек товланиб ётибди. Уфқда қуёш кечки боғдаги яккаю ягона қизил олмадек осилиб турарди. Ёлғизоёқ сўқмоқларни жуда яхши биладиган Кундуз йўлдошларини чаққон бошлаб бораарди. Улар бир дақиқа тўхтаб, Ёввойи чакалакзорга яна бир бора назар ташладилар: бу жойдан чакалакзор катта қора доғга ўхшаб кўринарди – гўё атрофдаги оқ-оппоқ далаларнинг бокиравлигига, исматига таҳдид солаётган ёвуз кучга ўхшарди. Йўловчилар ғанимат фурсатни қўлдан бой бермасдан шарт бурилиб, уй томон ошиқдилар. Лов-лов гулхан ёнаётган ўчоқнинг тафтини, дўстларнинг ҳазилмутойибасини, қадрдон дарёни бениҳоя соғинган эдилар.

Йўл бўйи яна суюкли оғушга қайтаётганини ич-ичида ҳис қилиб келаётган Кўрсичкон равшан тортган шуури билан англаб етдики, ризқ-рўзни тўқис қилгувчи замин, сув босиб, кўлмак бўлиб ёт-

ган ўтлоқларга таъзим қилса арзирди. Қолаверса, унинг ўзи ҳам ям-яшил майса қопланган яйловлару кузда мевалари ҳил-ҳил пишадиган боғларнинг ажралмас қисми эди. Табиатга қарши курашиб бўлмайди. Табиат ўжарликни ҳам, қайсарликни ҳам кўтартмайди. Шу боис ақл-идрокни эзгулик томон йўналтирган ҳолда табиат билан бақамти яшаш керак, табиат қучоғида яшаш керак. Демак, Кўрсичқоннинг уйи ҳам, ватани ҳам шу табиат, шу замин. Қувонса – кулгуси шу табиат бағрига таралди, йиғласа – кўз ёшлари шу заминга тўкилади.

V б о б

ҚАДРДОН УЙ

ўз уйим – ўлан тўшагим

Кўйлар четан олдига тўпланиб бўлиб, юпқа бурун катакларини кериб-кериб нафас олишар, жаҳл билан депсинишарди. Отар устидан ҳавога оппоқ буғ кўтарилиди. Отар бирдан безовталаниб қолди. Чунки сал наридан иккита махлук югуриб ўтиб кетган эди. Кўйларни ҳуркитган махлуклар – Кўрсичқон билан Каламуш эди, улар жонажон дарёга куйиладиган ирмоқ бўйлаб гангир-гунгур сухбатлашганча уйларига қайтардилар. Димоғлари чоғ эди. Қисқа қиши куни оқшомга уланиб борарди, атрофга қоронғилик чўкмоқда. Манзил эса ҳали олис эди. Буғдойзор ёқалаб тусмоллаб кетаётган эдилар, бирдан кўйларнинг отари турган ердан арава из солиб ўтган текис йўлни кўришди. Бунда юриш осонроқ деб, йўлдошлар қадамини тезлашибди. Аслида, тўғри йўл ҳам шу. Кўнгил барibir

сезади: «Маконга элтадиган түғри йўл – шу!» деб юрак қафасида типирчилаб талпинади.

– Қишлоққа келиб қолдик, чоғи, – деди Кўрсичқон андак хавотир аралаш қадамини секинлатиб.

Арава изи сўқмоққа уланган эди. Сўқмоқ эса катта шоҳкўчага тақаларди. Маълумки, жониворлар иложи борича одамлардан четда юрадилар. Қишлоқлар, ибодатхоналар, қаҳвахоналар, почтахоналар уларни қанчалик ўзига торгмасин, лекин барибир овлоқдан юришни маъқул кўрадилар.

– Ҳечкиси йўқ, – деб дўстига таскин берди Каламуш. – Одатда, кечки пайт одамлар уй-уйларига биқиниб оладилар. Эркак билан хотин, бола билан чақа, ит билан мушук жамулжам бўлишиб, ўчоқ атрофига тўпланишади. Биз аста-секин қишлоқ оралаб ўтиб оламиз. Ҳеч нарса бўлмайди. Ҳатто деразалардан бўйлаб, ландовур одамлар нима қилаётганини томоша қилиш мумкин. Ҳамма ўз иши билан машғул, биз билан бироннинг иши бўлмайди.

Эндинга ёғиб ўтган юпқагина қор чойшабни ғичирлатмай босишиб қишлоққа кириб келганларида атроф ғира-шира бўлиб қолган эди. Қоронғида ҳеч нарсани фарқлаб бўлмасди. Фақат кўчанинг икки ёқасидаги турна қатор уйларнинг деразаларидан тўқ сариқ, қизғиш шуълалар кўринарди, холос. Уйларда ўчоқда олов ёки чироқ ёнарди, зулмат қопланган оламга ўшалар ёғду сочарди. Кўп уйларнинг панжарадор пастак деразалари ёпиқсиз, пардасиз бўлиб, кўча-куйда дайдиб юрган беодоб томошабинлар ичкарида столни қуршаб ўтирган одамлар чойхўрлик қилишяптими ёки кашта тўқишиятими, ўчоқ атрофига ғуж бўлиб олишиб, тиржайиб ўтиришибдими ёхуд афт-ангормарини

бужмайтиришганча гап сотишаپтими, хуллас, ҳамма-ҳаммасини бемалол кўриши мумкин эди. Одамлар ўзларини ниҳоятда эмин-эркин ҳис этишар, ташқаридан бирор кўриши мумкин деган гапни ҳатто хаёлга ҳам келтиришмасди.

Битта текин саҳна қолиб, бошқасини томоша қилиб келаётган бизнинг томошибинлар бир уйда тарғил мушукни қандай қилиб эркалашаётганини, иккинчисида ухлаётган болани даст кўтаришиб, қаравотга ётқизишаётганини, учинчисида эса ҳорғин эркак энкайиб, тутаб турган тарашанинг учига чубуғини қоқаётганини қўнгиллари суст кетиб томоша қилдилар. Осиғлиқ пардаси худди ялтироқ экранга ўхшаб, ичкаридаги ёруғликни кўчадаги зулматдан ажратиб турган кичкина дарчани кўрганларида, айниқса, уйларини, ўша тўрт томони девор, кафтдек оламни жуда-жуда соғинганларини теран ҳис этдилар ва энтикиб қўйдилар. Бир жойда оппоқ парданинг устида қафас осилиб турарди. Оппоқ парданинг нариги тарафидан яққол кўриниб турарди: қафаснинг ингичка симлари-ю, ҳар бир қовурғаси, ички қирралари, бир чети кемирилган қандгача аниқ-равшан кўринмоқда эди. Қафасдаги күшча бошини қанотлари остига олиб, уларга шу қадар яқин ўтирардики, ҳатто уни бемалол силабсийпалаш мумкин эди. Ёп-ёруғ экранда диккайган патларининг учи ҳам акс этиб турарди. Уларнинг нигоҳини сездими ёки нохос уйғониб кетдими, ишқилиб, күшча хавотирланиб бошини кўтарди. Тумшуғини қафас симига нуқиб-нуқиб тозалади, сўнг ҳорғин эснади; атрофга олазарак боқиб, бошини орқасига ташлади, хурпайган патлари аста юмилди ва ҳаракатсиз қотди-қолди.

Каламуш билан Кўрсичқон ёқасидан кираётган совуқ изғиринни эндиғина пайқаб қолдилар. Юнгларига осилиб қолган сумалаклар уларнинг чексиз хаёлларига нуқта қўйгандек аъзойи баданларини чимдиб-чимдиб оларди. Совқатганларини, оёқларидан мадор кетганини яққол ҳис этдилар. Ҳали уйлари олис, лекин оёқлар тамом бўлган эди.

Қишлоқдан чиқаверишда турнадек тизилган уйлар тугади ва тунги зулмат қўйнида ором олаётган таниш далаларнинг бўйи димоққа урилди. Улар охирги маррани забт этиш – уйга омон-эсон етиб бориш учун бутун куч-иродаларини тўпладилар. Ўчоқда чирс-чирс этиб гуркираётган гулхан гўё уларни қошига имлади. Қанчалик тиришмасинлар қадамлари оғир кўчар, ҳар ким ўз фикр-хаёли билан банд: Кўрсичқон факат кечки овқатни ўйларди, холос. Бошқа нарсани ўйлайман деб миясини зўриқтиради-ю, аммо овқатдан бошқа нарса хаёлига яқин йўламасди. Атроф зим-зиё, нотаниш – у инонихтиёрини Каламушга бериб, баҳоли қудрат унинг кетидан эргашиб бораарди. Каламуш эса, одатдаги-дек, беш-олти қадам олдинда бораарди, буқчайиб, Кўрсичқонга эътибор ҳам бермас, нигоҳи оёқ остидаги кулранг йўлга қадалганди. Шу тарика Кўрсичқон бирдан таққа тўхтаганини ҳам, қандайдир товуш уни турган жойига михлаб қўйганини ҳам сезмай қолди.

Биз, одамлар учун ҳайвонлар билан ташқи олам ўртасидаги мулоқот замирида ётадиган но-зик туйғулар аллақачон ўз аҳамиятини йўқотган. Ўша туйғулардан бирини, тахминан «ҳид билиш» деб аташимиз мумкин. Жониворларнинг бурни худди сапёрлар «искабтопари» каби кечасию кундузи бирдек ишлаб туради: хавф-хатардан дарҳол

огоҳ қиласи. Күрсичқон қўққис қандайдир хатарни сезган эди, лекин айнан қандай хатарга рўпара бўлаётганини ҳали тўла-тўқис англаб етмаганди. Таниш ҳиддан эти жимирилаб кетди. Сўнг шоша-пира ўша ҳидни қайта-қайта ҳидлаб кўрди ва жуда таниш эканига ишонч ҳосил қилди. Жин урсин, ахир бу ўз уйининг ҳиди-ку! Эссизгина кулба! Дарёни илк бора кўрди-ю, киндик қони томган қадрдон гўшасини ташлади-кетди! Ўшандан бери уйидан хабар олиб қўйишни хаёлига ҳам келтирмади. Мана, энди уйининг таниш ҳиди уни чорлаётир. Қизик, уйидан чиқиб кетгандан буён янги ҳаёт нашъу на-мосига маст бўлиб юраверибди! Лекин, кўхна оромгоҳ хотиралари ҳали тирик экан. Мана, болалик қунлари, эси кирди-чиқди бўлиб қолган кекса бувисининг алмойи-алжойи эртаклари бир-бир кўз ўнгига жонланяпти... Тўғри, бу уй кўримсизгина, жиҳозлари ҳам рангсиз, бироқ нима бўлганда ҳам, ўз уий – ўлан тўшаги, ўз қўллари билан қурган; кечгача тер тўкиб, ҳориб-толиб қурган уий, ахир! Соҳиби бағрида бўлган кезлар уй ҳам ниҳоятда бахтиёр эди: ҳозир Кўрсичқонни жуда соғинганди, қиёфасига мунг ажин солганди гўё. Бироқ, унда на алам, на нафрат бор. Фақат мен борман, шу ердаман, сизни ҳамон кутяпман, деб ҳид таратарди, холос. Бу даъват, бу чорлов бағоят самимий эди, унга жавоб қилмасликка Кўрсичқон ожиз эди.

– Каламушжон! – деб қичкирди у ҳаяжонланиб. – Бир сония тўхтанг! Мухим гапим бор!

– Кўрсичқон, жадал-жадал юрсангиз-чи! Мунча имилайсиз, ахир! – деб зардали жавоб қайтарди Каламуш орқасига қарамасдан.

– Тўхтанг, ўтиниб сўрайман! – деб зорланди Кўрсичқон. – Менинг эски уйим манави ерда!

Эшитяпсизми?! Шу ерда! Ҳидидан сезиб турибман! Уйга бирров киришим керак! Кирмасам, уят бўлади! Илтимос, орқангизга қайтинг!

Бу пайтда Каламуш анча олислаб кетган бўлиб, у Кўрсичқоннинг оҳ-воҳини элас-элас эшитарди, холос. Лекин айнан намунча дод-фарёд қилаётганини тушунмасди. Чунки об-ҳавонинг айний бошлагани Каламушни жиддий ташвишлантириб қўйганди: унинг бурни ҳам яқинлашиб келаётган хавфхатарни яққол сезган эди – тез орада гупиллатиб қор ёғиши аниқ эди.

– Кўрсичқон, юрсангиз-чи! Мунча имилладингиз! – деб орқасига бурилиб қичқирди у. – Топган нарсангизни эртага келиб олиб кетамиз! Ҳозир вакт фанимат, қор ёғади, қо-ор! Назаримда, яна адашиб қолганга ўхшаймиз! Худо хайнингизни берсин, тезроқ келинг! Бурнингиз зарур бўлиб қолди! – Каламуш бақириб-бақириб жадал олға кетди.

Кўрсичқон йўлда ёлғиз қолди. Дард-аламдан юраги зардобга тўлиб-тошиб кетди, бошига муштлаб-муштлаб йифлагиси келарди. Бироқ, мана шундай мусибатли дамларда ҳам садоқат устун келди: у дўстидан ажралишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмади. Уёқда эса қадрдон уйининг таниш ҳиди тинимсиз равишда чорларди, даъват этарди, зорланарди, ялиниб-ёлворарди. Бундай ҳолга бардош бериш жуда қийин, туйгулар талаши ҳар қандай метин иродани синдиришга қодир. Кўрсичқон шиддат билан бурилди-да, йўлга тушди: гўё қалбидаги нозик ришталар чирт-чирт узилгандай бўлди. Нима қилсин? На иложи бор?.. У Каламушнинг орқасидан кетди. Беҳол таниш ҳид эса: «Бағритош, bemexр! Янги дўст топиб, бизни унутдингми?!» деб таъна қиласар, Кўрсичқоннинг изидан қолмасдан таъқиб қиласарди.

Ниҳоят, у Каламушга етиб олди. Каламуш унинг аҳволидан бутунлай бехабар эди. Шунинг учун дарров турмуш ташвишларидан гап очди: ўчоққа қандай қилиб ўт ёқиш керак? Кечки овқатга нима пиширамиз? У ўзининг йўл-йўриқларига андармон бўлиб, Кўрсичқон худди оғзига толқон согландек сукут сақлаб келаётганига ҳам деярли эътибор бермади. Улар Кўрсичқоннинг эски уйидан хийла олислаб кетишгач, йўл четида ётган тўнка қаршисида тўхтадилар.

– Оғайни, жуда чарчаган кўринасиз? Ҳатто гапиришга ҳолингиз йўқ, шекилли. Келинг, озгина нафасимизни ростлаб олайлик! – деб таклиф қилди Каламуш. – Ҳали қор ёға бошлагани йўқ. Биз йўлнинг асосий қисмини босиб ўтдик.

Кўрсичқон тўнка устига чўкди. У ниҳоятда забун бир кайфиятда эди, ич-ичидан отилиб чиқаётган йифисини аранг босиб ўтирарди. Боядан бери тупуғини ютиб, йифисини қайтарарди, лекин охири оғзи ҳам қуриб қолди – тупуғи тугади ва беихтиёр «ҳик» деб юборди. Кейин иккинчи марта «ҳик» этди-ю, тамом, тўхтовсиз ҳиқиллайверди. Йўл давомида ичига ютган тупуклари кўзларидан шашқатор ёш бўлиб отилиб чиқа бошлади. Ахийри сири, яъни йиғлаётгани ошкор бўлгач, ўкириб-ўкириб, хўнг-хўнг йиғлай бошлади. Йиғлаганда ҳам Каламушнинг юракбағрини эзиб-эзғилаб, тимдалаб-юмдалаб йиғларди. Ўзиям Кўрсичқон йифини йигирма беш мақомга солиб, йигирма беш хил кўринишда йиғлади: у гоҳида йифисининг шакл-шамойилини ўзгартирса, гоҳида мазмун-мундарижасини ўзгартирарди. Яъни, йифини янги ва янги ранг-тасвиirlар билан бойитарди, айни пайтда ўша янги ранг-тасвиirlарни хилмажил, теран маъно билан бойитишни ҳам унутмасди.

У дунёни бошига күтариб шу қадар фифон чекардики, бечора Каламуш нима қилишини билмасдан ростакамига эсанкираб қолди. Анча вақтгача лом-мим демади, сўнг босиқ оҳангда:

– Сен етим эмассан, тинчлан, жигарим! – деди. – Отанг ўлдими? Онанг ўлдими? Нима бўлди? Одам Ато жаннатдан қувилганда ҳам бунчалик фарёд қилмаган бўлса керак! Нима бўлди? Гапиринг-да, юрагимни сиқиб юбордингиз-ку!

Кўрсичқон дўстига бир нималар демоқчи бўлиб оғиз жуфтларди-ю, аммо айтмоқчи бўлган сўзлари бўғзидан ташқарига чиқмас сўз ўрнига ҳам йиғи чиқаверарди.

– Биламан, менинг уйим жуда ғарип, фақирона, – деди у йиғи орасида бўлиб-бўлиб. – Меники сизницидек шинам... Қурбақаницидек ҳашаматли... Бўрсиқницидек узун эмас. Лекин, меники ўзи шунака. Нима қиласай? Бошимни қайси деворга уриб ёрай? Мен барибир ўз уйимни яхши кўраман. Ҳамма ўзиникини яхши кўради. Ҳатто кўнғиз ҳам ўз боласини «Оппогим!» дейди. Хуллас, мен йўлда келаётуб ўз уйимни ҳидидан тасодифан таниб қолдим. Сизни чақирдим, сизга худони зорини қилдим. Лекин сиз, Каламушжон, қайрилиб ҳам қарамадингиз! Шўрлик уйимнинг ҳиди ортимдан эргашиб, ялиниб-ёлвориб келаверди, мен бўлсам, сизнинг ортингиздан эргашдим... Шундоқ бурилиб, уйимга бир кириб ўтсак бўларди-ку?! Сиз бўлсангиз...

Кўрсичқоннинг ёдига яна болалик хотиралари тушдими, нима бало, йиғисини қолган жойидан авж пардаларда давом эттириди.

Каламуш рўпарасидаги бўшлиқقا тикилганча миқ этмай туарди, факат Кўрсичқоннинг елкаларини оҳиста-оҳиста силарди. Анча фурсатдан сўнг:

– Гап нимадалигини энди тушундим! – деди Каламуш маъюс тортиб. – Мен қип-қизил түнка эканман! Ҳатто ёввойи түнғиз ҳам эмасман, қип-қизил аҳмоқман вассалом! – У Кўрсичқоннинг ўпкаси босилиб, ҳовуридан тушгунча сабр-тоқат билан кутиб турди-да, сўнг түнкадан туриб: – Гап бундай, оғайни! – деди. – Қани, кетдик! – деб боя келган тарафларига қараб жўнади.

– Эй, қаёққа кетяпсиз?! – деб хитоб қилди Кўрсичқон йифи аралаш.

– Уйингизга борамиз! – деди Каламуш қувноқ товушда. – Туринг, йиғини бас қилинг! Ҳадеб бурнингизни тортаверманг, бурнингиз бизга ҳали кўп керак бўлади!

– Орқангизга қайтинг, Каламушжон! – деб ялинди Кўрсичқон. Ялиниши кор қилмагач, ўрнидан сапчиб турди-ю, Каламушнинг ортидан юргурди. Унга яқинлашгач: – Уйимни қидириб овора бўлманг, кеч бўлди. Энди барибир тополмаймиз. Ахир мен сизга, уйимни топиб беринг, демадимку! Шунча турган уй бундан кейин ҳам тураверади, ўғри орқалаб кетмайди!.. Қолаверса, мен уни тасодифан кўриб қолдим. Ундан кўра, дарёни, кечки овқатни ўйлайлик!

– Дарёнинг ҳам, кечки овқатнинг ҳам... – деди Каламуш. – Мен сизга нима деяпман: уйингизни барибир топамиз, топмасак – то тонггача қидираверамиз, вассалом! Эшитдингизми?!

Кўрсичқон қанчалик ялиниб-ёлвормасин, Каламуш уни боя келган йўлларидан судраб кетаверди. Қизиги шундаки, бирпаста ҳар хил ичакузди латифалар сўйлаб дўстининг кўнглини овлашга ҳам улгурди. Шу тарзда қанча йўл юрганларини сез-

май қолдилар. Нихоят, Күрсичқонга ҳидлар хужум қилган жойга етдилар.

– Энди сафсатага ўрин йўқ! Бурунни ишга солинг, бурунни! – деди Каламуш қатъий оҳангда.

Анча вақт индамай олға босишли. Бирдан Каламушнинг қўлига ток ургандай бўлди: у Кўрсичқонни етаклаб олган эди, демак ток Кўрсичқоннинг қўлидан ўтган. Шу заҳоти Каламуш қўлини қўлтиғига қисиб олди, ўзини ҳам сал четга тортди. Бутун вужудини қулоққа айлантириб энди нима бўлишини кута бошлади.

Аллақандай товушми, эпкинми сезмади. Буни қулоқ сездими ё бурун сездими – билиб бўлмасди. Муҳими – сезилди.

Кўрсичқон уч-учлари титраётган бурнини юқорироқ қўтарди-ю, ҳавони қисқа-қисқа ҳидлаганча ҳайкалдек қотиб турди-да, туйқус бир тарафга югуриб кетди. Аммо дарров изига қайтди – ҳаводаги изни йўқотиб қўйди. Яна ҳавони қисқа-қисқа ҳидлай бошлади ва таниш ҳидни топиб олди: бу гал шошилмасдан шахдам юриб олға кетди.

Каламуш дўстининг орқасидан хатти-ҳаракатларини ҳаяжон ичра кузатиб борарди. Ана, Кўрсичқон ойпарастлар каби хандақдан эмаклаб ўтди ва қуруқ шох-шаббалар оралаб, искадана-искадана бийдай далага чиқиб олди. Юлдузли осмон остида бир маромда одимларди. Дабдурустдан қандайдир кавакка шўнфиди – кўринмай қолди. Лекин, Каламуш дўстининг қаерга кириб ғойиб бўлганини кузатиб турган эди: у ҳам Кўрсичқоннинг изидан тушди. Лаҳим жуда тор, дим бўлиб, зах ҳиди анқирди. Хийла букчайиб юришга тўғри келди. Ахийри, Каламуш

қаддини ростлаб, мириқиб керишди ва уёқ-буёғини қоқди.

Кўрсичқон гугурт чақди: олов шуъласида топтоза супуриб-сирилган, қизғиши кум сепилган кенг майдон намоён бўлди. Рўпарада кичик эшик, эшик тепасида лотин имлосида ёзилган лавҳа осиглиқ эди: «Ko‘rsichqon xalta-ko‘chasi». Лавҳа ёнида кўнғироқ ҳалқаси бор эди.

Кўрсичқон девордаги фонарни олиб ёқди: Кала-муш энди яққол кўрдики, улар уй олдидағи саҳнада турадилар. Эшикнинг бир тарафида ўриндиқ, бошқа томонида мола – Кўрсичқон ўз уйида жуда батартиб экани шундоқ билиниб туради. Ҳовли атрофи бегона маҳлуклар ошиб ўтолмайдиган даражада ўраб қўйилган: тек қўйилса, бирпасда ҳовли ҳам отхона бўлиб кетади. Деворларга қирққулоқлар солинган сим саватлар илинган эди. Оралиқда жавонлар жойлашган, жавонларда митти ҳайкалчалар бор: Гарибалд, Самюэл, қиролича Виктория ва бошқа замонавий Италияning миллий қаҳрамонлари. Ҳовлининг бошқа томонида спорт майдончаси, унинг атрофига ўриндиқлар ўрнатилган эди. Ўртада ҳовуз, ичидаги балиқчалар сузиб юришибди. Ҳовузнинг кирғоқлари садаф чиғаноқлар билан зийнатланган. Ўртасида эса садаф чиғаноқлар билан зеб берилган қандайдир гаройиб иншоот қад кўтариб туради. Унинг тепасига каттагина ойна шар ўрнатилган бўлиб, унда тўрт тараф тасқара қиёфада акс этарди.

– Балиқчалар юзяптими ё сузяптими? – деб сўради Каламуш ҳовуздан кўзларини узмасдан.

– Шохи бўлса, сузади. Шохи бўлмаса, юзади, – деди Кўрсичқон.

Кўрсичқон ўзи учун азиз бўлган нарсаларни кўриб, аста илжайди. У Каламушни ичкарига таклиф қилди-да, кираверишдаги чирокни ёқди. Эски уйни қалин чанг қоплаган эди. Анчадан бери бирор яшамагани учун ташландиқ ҳолга келган, тузи ҳам ўзгара бошлаган эди. Хоналар тор, мебеллари ғарифигина. Кўрсичқон тумшуғини тутамлаганча креслога маъюс чўқди.

– Каламушжон, нега мундай қилдим-а?! – деб ҳазин хитоб қилди Кўрсичқон. – Нега сизни бу ерга олиб келдим?! Факирона муздек уйимга келиб-келиб шу бугун бошлаб келаманми-а?! Ундан кўра, шинамгина сизнинг уйингизда, бозиллаб турган ўчоқ қархисида ўтириб оловда тоблансанк бўйламасмиди?!

Каламуш дўстининг дийдиёларига қулоқ солмасдан ўёқдан-буёққа юрар, хоналарнинг эшиклирини бир-бир очиб жиҳозларни синчиклаб кўздан кечирарди. Чироқ ва шамларни ёқиб, кулай жойларга ўрнаштирарди, онда-сонда:

– Уйингиз зўр экан, Кўрсичқон! – деб хитоб қиласди. – Хоналарнинг қуляйлигини қаранг! Обрези ҳам бор – бемалол ғусл қилиш мумкин! Энди бу кечани маза қилиб ўтказиш керак. Биринчи масала – гуриллатиб гулхан ёкиш лозим бўлади. Буни ўзимга қўйиб берасиз! Керакли зотлар қаерда эканини топиб оламан, ха! Мехмонхона анави ерда бўлса керак-а? Қойил-э, адашмай топдим! Деворга йиғишириладиган йиғма каравотларни ўзингиз ясаганмисиз? Яшанг, азamat! Мен ҳозир ўтин келтираман. Сиз ҳўл латта билан хоналарни бир қур айланиб чиқинг, латтани ошхонадан топасиз. Бўлинг қимиirlанг!

Каламуш қучоқ-қучоқ ўтин ташиб келиб, ўчоққа ўт ёқкунча дўстининг ғайратидан илҳомланган Кўрсичқон ҳам завқ-шавқ билан полларни ювди, мебелларнинг чангини яхшилаб артди, хоналарни тартибга келтирди. Бу орада ўчоқда гулхан пов-пов этиб ёна бошлади. Каламуш дўстини исингани чорлади. Аммо, Кўрсичқон негадир яна тумтайиб олди: диванчада кир латтага юзларини буркаб, умидсиз бир ахволда ўтиради.

– Каламуш, энди нима еймиз? Қорнимиз сурнай чаляпти-ку! Уйда эса ҳеч вақо йўқ, – деб минфирилади у.

– Оппа-осон умидсизликка тушасиз-қоласиз! – деди Каламуш зардаси қайнаб. – Ҳозиргина ошхонадаги жавонда консерва очадиган очқични кўрдим. Қаерда очқич бўлса, ўша ерда, албатта, балиқ консерваси бўлади. Шунаقا гапни эшитганмисиз, ишқилиб?! Туинг-э, ўзингизни қўлга олинг! Қарайлик-чи, бирор нарса топилиб қолар!

Улар барча жавонларни, тортмаларини ағдартўнтар қилдилар, емиш қидирдилар. Қидиув зое кетмади: бир кути балиқ консерваси, бирталай тешиккулча, пишлоқ топдилар.

– Зиёфатдан нимаси кам?! – деди Каламуш озиқ-овқатни столга кўяркан. – Баъзи бирорлар бундай овқатларни кўрсалар дарров сўлакайини оқизадилар.

– Нон йўқ, мой йўқ, яна... – деб ўзича минфирилади Кўрсичқон.

– Фоз жигаридан тайёрланган қийма йўқ, шампан йўқ, – деб калака қилди Каламуш. – Айтгандай, йўлак охиридаги эшиқдан омборга кирилмайдими?

– Омборга кирилади.

— Ана, айтмадимми! Бу уйда йўқ нарсанинг ўзи йўқ! Мен ҳозир... — У омбор эшигидан ичкарига кириб ғойиб бўлди. Хиёл вакт ўтгач, ҳаммаёғи чангга ботган алфозда қўлида ҳам, қўлтиғида ҳам икки шишадан пиво билан пайдо бўлди ва: — Иштаҳа карнай-ку, Кўрсичқонвой! — деди. — Қандингизни уринг! Жонингизнинг ҳузурини билар экансиз! Оббо, азамат-эй! Бекорга уйингизнинг ҳидини етти чақиримдан танимас экансиз-да! Шунча давлатни қандай тўплагансиз? — Каламуш ликопча, пичоқ, санчқиларни столга териб қўйди.

Кўрсичқон эса тутила-тутила баъзи буюмлар холасидан мерос қолганини, бошқаларни ўз пешона тери билан ишлаб топганини, емай-ичмай мисқоллаб тўплаганини ҳикоя қила бошлади. Бир пайт шунчалар жўшиб кетдики, қорни очлиги ҳам, стол устида овқатлар мунтазир бўлиб турганини ҳам эсидан чиқариб юборди: нима тўғрисида гап бошлиса бас, дарҳол ўша нарсани ушлаб, меҳр билан силарди-сийпарди; ҳатто ўша матоҳини атайлаб чироқ ёруғига тутиб кўрсатарди. Ўлардек оч қолган Каламуш қулт-қулт этиб тупугини ютар, минг бир азоб билан очлигини фош этиб қўймасликка харакат қилас эди. Кўрсичқон кўрсатаётган нарсаларни кўздан кечирарди-да:

— Жуда зўр экан! Вой, антиқа-ку! — деб мақтаб қўярди.

Бир амаллаб Кўрсичқонни столга қаратди ва консерва кутисини энди очмоққа шайланган ҳам эдики, ҳовлидан ғала-ғовур кўтарилиди. Ғала-ғовурдан айрим гап-сўзларни илғаб олиш мумкин эди.

— Қани, сафга туринглар-чи! Чироқни баландроқ ушла! Томми, сенга айтяпман! Ҳозир йўталиб

олинглар. Санаганимда йўталманглар: бир, икки, уч... Митти Билл қани? Ҳой, галварс, яқинроқ келсанг-чи, сени кутиб турибмиз, ахир!

– Нима бўляпти? – деб қизиқсиниб сўради Каламуш донг қотиб.

– Улар дала сичқонлари, – деб изоҳ берди Кўрсичқон. – Ҳар йили мана шу паллада уйларни бирма-бир айланиб чиқиб, қўшиқ айтишади. Биз томонларда шунака одат бор: Осиёданми, Сарисиёданми келган, дейишади. Мени асло эсларидан чиқаришмайди, охирида, албатта, эшигимни қоқишиади. Уларни тансиқ таомлар билан сийлайман, кечки овқат тайёр бўлса, ҳаммасини меҳмонга таклиф қиласан. Ўзлариям чуғур-чуғур, вағир-вуғур қилишиб, қулогимни қоқиб қўлимга беришади!

– Қани, кўрайлик-чи! – деб Каламуш ўрнидан туриб эшикни очди.

Остонада фонуснинг хира ёруғида ярим доира ясаб саккиз-ўнтача дала сичқонлари туришарди. Томоқ-бўйниларига қип-қизил жун шарф ўралган бўлиб, қўлларини чўнтакларига тиқиб олишган эди. Совқотишганми, нима бало, тинимсиз депсинишарди. Бир-бирларига кўз қири билан имо-ишора қилишар, уялинқираб хиринглашар, бурунларини тортишиб, енглари билан артиб қўяр эдилар.

Эшик очилган заҳоти фонус кўтариб турган ёши каттароқ сичқон:

– Бир, икки, уч – бошладик! – деди.

Бирдан жарангдор жўровоз янгради. Бу ота-бо болар қор босган далалар қўйнидами, иссиқ ўчоқ олдидами тўқишиган қадимий Милод қўшиғи эди. Уни милод байрами кунлари ёш авлод мароқ билан куйлашарди.

МИЛОД ҚҰШИҒИ

Хамқишлоқтар, ушбу аёзли дамда
Химмат эшигингиз очингиз кенгрок!
Кор билан бүрөнлар бирга кирса-да,
Таклиф айланғ бизни ўтга яқинроқ.
Тонгда сизга толе, шодлик ёр бўлсин!

Турибмиз дилдираб яхмалак уза,
Кўлни куфлаб, тинмай оёқ урамиз.
Сиз эса бепарво тортиб ҳомузга
Ўчоқ олдидасиз, ташқарида биз.
Тонгда сизга толе, шодлик ёр бўлсин!

Ҳали тун ярмидан оғганича йўқ,
Бизни бошлиб келди даргумон юлдуз.
Сизга баҳт тилашга берингиз ҳуқуқ,
Ёр бўлсин баҳт сизга кечаю кундуз.
Тонгда сизга толе, шодлик ёр бўлсин!

Саҳий Одам Ато, Юсуф-ку қорда,
Юлдузин молхона уза кўрганди.
Марямчи, шўрлик ночор аҳволда,
Похол тўшак узра кўзи ёрганди.
Тонгда сизга толе, шодлик ёр бўлсин!

Шунда фаришталар сўраб қолдилар:
Мавлуд билан ким қутулади илк бор?
Рости шу, биринчи бўлди ҳайвонлар
Кун кўргани учун шу ерда бедор.
Тонгда уларга ҳам шодлик ёр бўлсин!

Овозлар тинди. Қўшиқчилар уялинқираб, қалай, ёмон эмас-а, деган маънода бир-бирига им қоқишиб қўйдилар. Жимлик чўкди. Бироқ, сукунат узоқ давом этмади. Олис-олислардан ибодатхоналарда чалинаётган қўнғироқларнинг жарангдор товуши эшитила бошлади. Бу товуш гўё Милод қўшиғига басталанган мусиқага ўхшарди.

– Қойилман, ясаб қўйдиларинг! – деб хитоб қилди Каламуш. – Марҳамат, ичкарига киринглар! Исиниб олинглар, бирор нарса ютиб олинглар!

– Қадамларига ҳасанот! – деб мулозамат қилди Кўрсичон. – Эшикни маҳкамроқ ёпинглар! Ана-ви ўриндиқни ўчоққа яқинроқ суринглар. Бир-пас шошманглар-чи, хозир... Каламуш, энди нима қиласиз? Мехмонларни нима билан сийлаймиз? – деб пицирлади тушкунликка тушиб.

– Бүёгини ўзимга қўйиб берасиз! – деди Каламуш дадил. – Ҳой, фонус кўтарган шумтака, буёққа кел-чи! Сенда гапим бор!.. Айт-чи, бу ўргада тунда ҳам савдо қиласидиган навбатчи дўкон борми?

– Бўлмасам-чи, бор, сэр! – деб жавоб қайтарди сичон бола одоб билан. – Байрам қунлари дўконлар кечасию кундузи ишлайди.

– Гапимга қулоқ сол, бўйдок! Ҳозир фонус кўтариб борасану менга...

Каламуш товушини ниҳоятда пасайтириб гапиргани учун нима деганини эшитиб бўлмади. Кўрсичон қулоқларини динг қилди, Каламуш эса изоҳ бераётган экан:

– Фақат энг яхисидан олгин! Йўқ, уч кило етади. Яна ўзинг биласан. Фақат олий навидан олгин, мен бошқасини ёқтирумайман. У ерда бўлмаса, бошқа дўконга боргин, хўпми?! Бора қол энди...

Изоҳот Каламушнинг кўлидаги тангалар сичқон боланинг ихтиёрига топширилиши билан якунланди. Катта тўрвани кўтарган сичқонвачча фонус билан йўлини ёритганча кўздан ғойиб бўлди. Уйдаги сичқончалар ўриндиқقا тизилишиб жойлашдилар: улар тинимсиз оёқчаларини ўйнатишарди, оловга роҳатланиб тобланишарди, совуқдан жунжиккан баданларини уқалашарди. Кўрсичқон меҳмонларни қизиқроқ сухбатга тортмоқчи эди, лекин бўлмади. Кейин бу йилги байрам тантаналарида ёш бўлгани туфайли қатнаша олмаётган жажжи қавмкариндошларини бирма-бир суриштира бошлади.

Каламуш пиво шишаларига ёпиштирилган ёрликларни синчиклаб ўқиб ўтирас экан, улардан бири «Кўхна Бертон» корхонасида тайёрланганини билиб олди.

– Кўрсичқон, дид-фаросатингизга қойилман! – деб таҳсин айтди Каламуш. – Бизга зарур нарсанни илгари олиб қўйган экансиз. Энди доривор солинган иссиқ инглиз пивоси тайёрласак бўлади. Кўрсичқон, доривор келтиринг! Мен шишаларни очиб тураман.

Масаллик тайёрлаб, уни сирли кострюлькага солиб, ўчоқдаги лахча чўғ устига қўйиш ҳеч қанча вақт олмади. Бирпастдан сўнг ҳар қайси сичқонча бир кружкадан ўз улушкини хўплаб-хўплаб ича бошладилар. Улар йўталиб-йўталиб қўйишарди. Чунки инглиз пивоси томоқ ва бурунни ачиштиради. Кейин «майхўрлар» қиқир-қиқир кулдилар, боягина совқотиб ўтирганини ҳамма эсдан чиқариб юборди.

– Бу шумтакалар томоша кўрсатишни ҳам биладилар, – деб ёш дўстларини мақтади Кўрсичқон. – Ўзлари драматик асар ёзишиб, ўзлари сах-

налаштирадилар. Қойил қилиб ижро этадилар. Ўтган йили дала сичқони тўғрисида бир асарни намойиш қилдилар. Унда битта сичқон денгиз қароқчилариға асир тушиб қолади, қароқчилар уни кемага боғлаб қўядилар. Бечора сичқон бир амаллаб асирикдан кутулиб, уйига келса, маҳбубаси уни кутмасдан сочини кесиб, роҳибаликни бўйнига олиб қўйибди. Ҳой, иним, янгишмасам, сен ўша томошада қатнашгансан-а? Ўрнингдан тур, бирорта монолог айтиб бер!

Тўрт тарафдан илтимослар ёғилавергач, талантли сичқонча истар-истамас ўриндиқдан тушди қизариб-бўзарди, ҳиринг-ҳиринг кулди, сўнг атрофига олазарак назар ташлади-ю, оғзини катта очди. У оғзини очди-ю, шу ҳолатда ҳайкалдек қотди-қолди. Ўртоқлари унга роса далда беришиди. Кўрсичқон ҳам уни эркалатди, ҳатто Каламуш ёш талантнинг елкасидан силаб-сийпади. Бироқ, кўпчилик ўртасида шарманда бўлишдан ваҳимага тушиб қолган навқирон истеъодод эс-хушини йигиб ололмади.

Эшик лўқидони ширқ этиб, очилди-ю, остоңада оғир тўрвани майишиб аранг кўтариб турган сичқонча кўринди. Фонусли дастёр ичкарига қадам босган пайтда эс-хуши оғиб қолган ёш талантга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилган эди. Тўрвадаги тансиқ ноз-неъматлар стол устига ағдарилди-ю, монолог ҳангомаси бирпасда ҳамманинг ёдидан кўтарилди. Бош қўмондон вазифасини ихтиёрий ра-вишда ўз зиммасига олган Каламуш сичқончаларга барча юмушларини инсоғ билан тақсимлаб берди ва ҳаш-паш дегунча зиёфат таомлари тайёр бўлди. Боягина қуп-қуруқ бўлган стол сархил таомлар билан

тўлиб-тошиб кетди. Каловланиб қолган Кўрсичқон ўриндиқнинг бир томонидан жой олди. У митти дўстлари лунжларини тўлдириб овқат чайнаётганидан беҳад завқланарди. Беихтиёр иштаҳаси очилиб кетганини ҳис қилди ва шундагина кун бўйи туз totmagанини эслаб қолди-ю, бирдан овқатга ташланди. Ҳар қалай, уйга қайтиб келгани яхши бўлиди, баҳонада, мана, қавм-қариндошлари билан дийдор кўришиб ўтирибди. Овқат устида эски замонлар хусусида гап кетди: сичқонлар миш-мишларнинг икир-чикир тафсилотларини ҳам қолдирмай сўйлаб бердилар. Кўрсичқонни қизиқтирган юзлаб саволларга тўла-тўкис жавоб қайтардилар. Каламуш эса сичқонлар суҳбатига деярли аралашмади, фақат ҳар бир сичқонни кўнгли тусаган таомдан олиб ейишга даъват этиб турди. Энг муҳими – Кўрсичқон бемалол ўтирсин, яйраб-яшнасин деб қўлидан келганча харакат қилди.

Ниҳоят, меҳмонлар тапир-тупур қилганларича миннатдорчилик билдиришиб, қайта-қайта байрам тилакларини изхор этишиб, чўнтакларини қанд-курс (уйда қолган укаларига, албаттга) билан тўлатишиб, хонадонни тарк этдилар. Меҳмонлар ортидан эшик оҳиста ёпилгач, фонус дастасининг ғичир-ғичири ҳам тинди. Каламуш билан Кўрсичқон ўчоққа янгитдан ўт қаладилар-да, стулларни оловга яқинроқ суриб ўтирдилар. Дориворли пивонинг қолганини илитиб олдилар. Сўнгра бугунги саргузаштларни муфассал муҳокама қилишга тушдилар. Ахийри, Каламуш эснай-эснай:

– Сичқон, узр, жуда уйқум келяпти, кўзларим юмилиб кетяпти, – деди жилмайиб. – Сизнинг қаравотингиз қайси бири? Бу тарафдагими? Бўлмаса,

мен наригисида ётаман. Уйингиз яшаш учун қулай экан. Ҳамма нарса қўл узатсанг етадиган жойда.

У ўрнига кирди-да, устига кўрпа тортди ва кўзлари сузилиб, тезда уйқуга кетди.

Холдан тойган Кўрсичқон ҳам ўз каравотига роҳатланиб чўзилди, мамнуният билан бошини ёстиққа қўйди. Кўзларини юмишдан аввал ўчоқдаги оловдан милт-милт ёғду тарагиб турган хонага назар солди. Ўзи учун ниҳоятда азиз бўлган буюмларга узок-узок тикилиб қолади, бутун вужудини аллақандай ширин туйғулар чулғаб олган эди. Шу тобда бир нарсани аниқ англалики, баҳтили бўлиш учун озгина нарса кифоя экан, лекин ўша озгина нарса муҳим бўлиши керак, қадрли бўлиши керак. Худди ўша муҳим ва қадрли нарса ўз уйинг, насл-насабинг экан. Йўқса, тириклиқдан ҳеч қандай маъно қолмайди.

У зинхор-базинхор янги ҳаёти билан видолашмоқчи эмас. Йўқ-йўқ, қуёш нуридан, очик ҳаводан, фараҳбахш муҳитдан айро тушишни асло истамайди. Уйига қайтиб келиб, узлатга ҳам чекинмоқчи эмас, чунки ёруғ дунё аллақачон ўзига ром қилиб олган, энди ундан қутулиш душвор. Бу ҳақиқат. Ҳақиқатдан тониб бўлмайди, уни алдаб бўлмайди. Лекин ҳозир гап бунда эмас. Асл ҳақиқат, англанган ҳақиқат, излаб-излаб топилган ҳақиқат, қийналиб-қийналиб топилган ҳақиқат шундан иборатки, кин-дик қони тўкилган ер уники, ўзиники, бегона эмас, ёт эмас, бу ерга истаган пайтда бемалол келиши мумкин, уни мамнуният билан кутиб оладилар, кузатиб қоладилар – шунга юз фоиз ишончи комил бўлди.

Кўрсичқоннинг кўнгли тўқ бўлди.

VI б о б

ЖАНОБИ ҚУРБАҚА

ёхуд танноз, посон йигитча таърифида

Ёзнинг илк кунлари. Мусаффо тонг. Тошқиндан сўнг дарё ҳам ўзанига қайтди, унинг оқими яна улуғвор, сокин тус олди. Қуёш оламни қиздиради. Жамики ўт-ўланлар, дов-дараҳтлар ям-яшил товланиди, қуёшга талпинади.

Кўрсичқон билан Каламуш каллаи сахарлаб уйғондилар-да, қайиқларни мавсумга ҳозирлай бошладилар: эринмай бўядилар, ёриқларига қора сақич суртиб чиқдилар, эшқакларни ростладилар, ўриндиқларни тузатдилар, йўқолган эшкак қулоқларини излаб топдилар. Хуллас, яна кўп иш бажардилар. Юмушлар тугагач, меҳмонхонада навбатдаги иш режасини муҳокама қилишиб ўтирган эдилар, бирдан эшик қаттиқ тақиллади.

– Оббо, тинчлик йўқ экан-да! – деди ранжиб Каламуш. Унинг ҳаммаёғи тухум юқи бўлиб кетган эди. – Кўрсичқонжон, қаранг-чи, ким экан!

Овқатланиб бўлиб, нима қилишини билмай ўтирган Кўрсичқон даст туриб, ташқарига йўналди. Бир оздан сўнг даҳлиздан ҳайратомуз товуши эшистилди, дам ўтмай ўзи ҳам остоңада пайдо бўлди.

– Жаноби Бўрсиқ шахсан ташриф буюрдилар! – деб эълон қилди Кўрсичқон.

Бўрсиқнинг меҳмонга келиши оламшумул воеа эди. Чунки у бировникига деярли бормасди. Якка ўзи, яккахўжалик бўлиб яшашни яхши кўрарди, жамоатни жини суймасди. Агар кимнинг Бўрсиққа иши тушса, сахар мардонда ёки хуфтондан кейин

уидан топарди. Кундуз куни эса уни Ёввойи чакалакзордан топиш амримаҳол эди.

Бўрсиқ ичкарига кирди-ю, эски қадрдонларига жиддий разм солди ва ғўдайиб тураверди. Каламушнинг қўлидан қошиқ тушиб кетиб оғзи ланг очилиб қолди.

– Вақти-соати етди! – деди Бўрсиқ тантанали оҳангда салмоқ билан.

– Қанақа вақт? – деб талмовсираб сўради Каламуш ўчоқ бошида турган соатга хавфсираб назар ташлар экан.

– Қулай фурсат келди, – деб изоҳ берди Бўрсиқ. – Яна тушунмаяпсизларми? Мен сизларга нима деган эдим? Қишдан кейин Курбақа билан ўзим шуғулланаман, деганимидим? Ҳа, дегандим. Шу бугундан эътиборан ўша чаламуллага таълим бераман!

– Ур-р-эй, Курбақанинг куни битибди! – деб қичқирди Кўрсичқон. Сўнг дарров қўшиб қўйди.

– Йўғ-э, жиловини тортиб қўядиган пайт келибди. Энди эс-хушини жойига келтириб қўямиз!

– Ишончли хабарларга қараганда, бугун у шаҳардан яп-янги енгил машина олиб келармиш, – деди Бўрсиқ креслога чўкиб. – Жуда қувватли машина экан. Ёқмаса, эгасига қайтариб берармиш. Буёгини сўрасангиз, Бақа ҳозир ҳайдовчи устбошини кияётган бўлиши мумкин. Ҳар қандай маҳлук унинг ажаб-ажаб турқ-атворини кўриб, шайтонлаб қолиши турган гап. Фанимат фурсатни бой бермасдан, тезроқ ҳаракат қиласлик! Ҳозироқ ҳаммамиз Бақаникига борамиз!

– Тўғри! – деб Каламуш иргиб ўрнидан турди. – Зумрашанинг таъзирини бериб қўйиш керак! Шош-

май турсин, биз уни энг тақводор махлуклардан бирига айлантириб күямыз!

Улар шитоб билан йўлга тушдилар. Бўрсиқ тантанали равишда саф олдида борар, атрофга викорли нигоҳ ташларди. Одатда, ҳайвонлар тўдалашиб юрсалар, оқилона усулни қўллайдилар. Яъни, занжир ҳалқалари каби тизилишиб юрадилар. Чунки кутилмаган хавф-хатарга дуч келиб қолсалар борми, ҳар доим ҳам бир-бирига ёрдам бериш имконияти бўлавермайди: бўлининб-бўлининб юрсалар, бўрига ем бўлишлари мумкин. Бир қатор бўлиб юрсалар ҳар қандай ғовдан ўтиш осон бўлади.

Қурбақанинг қўрғонига яқинлашдилар. Ҳовлига кираверишда йўлка четида, боя Бўрсиқ тарьиғлаган, йилт янги, тўқ қизил рангли автомобиль турарди. Қурбақа айнан тўқ қизил рангни яхши кўрарди. Улар ҳали қўнғироқни чалиб ҳам улгурмаган эдиларки, бирдан эшик очилиб, остоңада жаноби Қурбақа пайдо бўлди. Унинг турқ-атвори ажабтовур эди: консерва банкасини эслатадиган ҳимоя кўзойнак таққан, бошида спортчилар кепкаси, қўлида қўнжи тугмаланган қўлқоп, эгнида шалвираган пальто. У енглари кенг-мўл қўлқопларини тортқиласб кийганча, зинадан тушиб келарди.

– Салом, азизлар! Келинглар! – деди меҳмонларга кўзи тушган заҳоти қувноқ товушда. – Роса вақтида келдиларинг! Ҳозир биргаликда сайр қиламиз. Ҳм-м, янги машинам... – Бирдан товушидаги самимий оҳанг сўнди-ю, дудукланиб, гапининг охирини ютиб юборди. У жиддий қиёфали дўйстларига тикилган кўйи анграйиб қолди.

Бўрсиқ залворли қадамлар билан зинадан у томон кўтарила бошлади.

– Ушланглар уни! Уйга олиб киринглар! – деб қатъий буйруқ берди Бўрсиқ шерикларига. Улар дарҳол Курбақанинг қўлтиғидан олдилар-да, додвойига қулоқ солмасдан эшик томон судрайвердилар. Бўрсиқ автомобилни миниб келган ҳайдовчига юзланди. – Ҳозирча сизнинг хизматингизга муҳтож эмасмиз. Жаноби Курбақанинг фикри ўзгариб қолди, унга машина керак эмас. Қарори қатъий, шикоятга ўрин йўқ! Энди сиз, жаноб, бекорга кутиб ўтирганг. Оқ йўл! – деб ҳайдовчига жавоб бериб юборди. Сўнг, шериклари ортидан ичкарига кирди-да, эшикни қарс этказиб ёпди. – Гап бундай, аввалио, устингиздаги рўдаполарни ечиб ташланг! – деб Курбақага буюрди.

– Ҳечам-да! – деб жавоб берди Курбақа дадил. – Бу қанақа зўравонлик ўзи?! Менга тушунтириб беринглар-чи, нима гап?!

– Шунақами ҳали! Қани, ўртоқлар, кийимбошини ўзларинг ечиб қўя қолинглар! – деб амрқилди Бўрсиқ.

Курбақа депсиниб, сўкина бошлади. Кўрсичқон билан Каламуш уни таппа ерга ётқиздилар. Каламуш унинг устига ўтириб олди, Кўрсичқон эса устбошларини бирма-бир ечиб улоқтираверди. Нихоят, уни ўрнидан турғазиб қўйишиди. Курбақа масхараомуз кийимлари билан биргаликда димогдорликни ҳам қисман бой берди, чоғи. Ҳаш-паш дегунча, у «қип-қизил қароқчи»дан оддий Курбақага айланди-қолди. У энди меҳмонларга ялингандек мўлтиради, уялинқираб илжаярди, хуллас, тақдирга тан берган каби эди.

– Эртами-кечми, барибир шундай бўлишини билардингиз, – деб гап бошлади Бўрсиқ. – Бироқ,

бизнинг маслаҳатларимизни ҳам, танбех-дашном-ларимизни ҳам бир чақага олмадингиз! Отангиздан қолган мол-мулкни беармон совурдингиз. Машинангизни дуч келган жойга уриб, пачоқлайвериб, полициячилар билан жиққамушт бўлавериб, дарё халқининг юзини шувут қилиб қўйдингиз, номимизга доғ туширдингиз! Тўғри, мустақиллик тансиқ неъмат, лекин бу дегани зинхор-базинхор бошбошдоқликни англатмайди. Сиз бўлсангиз, эрк қўлимга тегди деб, тўс-тўполон қўтаришдан, тентаклик қилишдан бошқа нарсани ўйламай қўйдингиз. Биз бундан кейин бефарқ қараб туролмаймиз. Чунки сиз ниҳоятда ҳаддингиздан ошиб кетдингиз! Биламиз, сиз ноёб истеъдод соҳибисиз. Агар шу истеъдодингизни шахмат ўйинига сарфласангиз борми, ишончим комилки, Жаҳон чемпиони бўлолмасангиз ҳам халқаро гроссмейстер бўлишингиз аниқ! Рейтинг бўйича энг зўр учта шахматчидан биттаси бўласиз. Кўряпсизми, биз сизнинг оёқ-қўлингизни боғлаб, зиндонга ташламоқчи эмасмиз, факат ақл-фаросатингизни ҳам ишлатиб кўришга даъват этяпмиз, холос. Ана энди юринг, нариги хонага ўтамиш: бошқаларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз. Кўрамиз, сизга гап таъсир қиласими-йўқми ёки кесакка ўхшаб тураверасизми?

У Курбақанинг билагидан маҳкам ушлаганча нариги хонага олиб ўтди ва эшикни зичлаб ёпди.

– Бундан бир наф чиқишига ишонмайман, – деди Каламуш. – Ширин гап билан Курбақани инсофга келтириб бўлмайди. «Эт» десанг, «бет» деб тураверади.

Улар креслога ўрнашиброқ ўтириб олишди-да, нариги хонада давом этаётган «чилёсин»нинг туғашини сабр-тоқат билан кута бошладилар. Эшик тирқишидан Бўрсиқ нималар тўғрисидадир қизишиб, куйиниб гапираётгани элас-элас эшитилиб қоларди. Унинг товуши гоҳ авж пардаларга кўтарилар, гоҳида нотиқлик тўлқинида чайқалиб шивир-шивир даражасига тушиб қоларди. Бирпасдан сўнг панд-насиҳат орасидан аччиқ-аччиқ йифи товуши қулоққа чалина бошлади. Бу йифи Қурбақа юрагининг туб-тубидан чиқаётганига шак-шубҳа йўқ эди. Ҳа, кўнгилчан Қурбақани яхши гапга кўндириш унчалик мушкул эмасди. Лекин, маълум вақт ўтгач, у ҳаммасини пақкос эсидан чиқариб юборарди ва ажабтовур ҳангомалар бошидан бошланаверарди.

Чорак кам бир соатлар чамаси вақт ўтгач, эшик оҳиста очилди-ю, Бўрсиқ кўринди. Афтидан, ниҳоятда таъби тирриқ эди, у хафақон Қурбақани етаклаб олганди. Қурбақа бечоранинг териси тиришиб, оёқлари чалишиб-чалишиб кетар, ёноқлари эса кўз ёшлардан жиққа хўл эди.

– Манави жойга ўтиринг, Қурбақажон, – деди Бўрсиқ меҳри товланиб. – Дўстларим, сизларга зўр мамнуният билан айтаманки, Қурбақа қалтис сиёсий хатога йўл қўйганини тўла-тўқис ва узил-кеシリл бўйнига олди. Билиб-билмай қилган хатолари учун пушаймон бўлди. У машинадан бутунлай воз кечишга ваъда берди. Менимча, унинг ваъдасига ишониш мумкин.

– Хайрият, хайрият! – деб маъқуллади Кўрсичқон.

– Албатта, фақат... – деб мужмал қилди Каламуш, у жиддий шубҳаланаётган эди. – Фақат... – деди-ю, Қурбақанинг маъюс кўзларига тикилди, шу пайт Қурбақа унга кўз қисгандай бўлди.

– Энди охирги гапим шуки, дўйстларингиз гувоҳлигига ҳам нариги хонада менга берган вавъдангизни яна бир тақрорлайсиз! – деди Бўрсиқ салмоқланиб. – Ножӯя хатти-ҳаракатингиздан афсусланяпсизми? Хатоларингизни тушуниб етдингизми?

Орага оғир сукунат чўкди. Қурбақа қочиб кетишга баҳона қидираётгандек атрофга олазарак боқарди. Бошқалар эса унинг тавба-тазарру қилишини интиқ кутишарди.

– Йўқ, афсусланмайман, – деб жавоб берди Қурбақа ғамгин, лекин қатъий товушда. – Мен ҳеч қанақа хато қилганим йўқ, балки эзгу ишга қўл урдим!

– Ие, яна нима бўлди? – деб хитоб қилди Бўрсиқ ғазаби қайнаб. – Вой, ёлғончи, муттаҳам-эй! Имонсиз экансиз-ку! Ҳозиргина нариги хонада менга нима деган эдингиз, ахир?!

– Ўша хонада нима десам дедим, тонмайман! – деди Қурбақа чўрт кесиб. – Сиз яна нима дейишимни истасангиз, ҳаммасини айтар эдим. Чунки сиз, азизим Бўрсиқ, жуда гапга чечансиз, дарров ўзингизга ром қилиб оласиз, мундоқ ўйлаб кўрсам, мен ҳеч қачон гуноҳ қилганим йўқ экан. Демак, афсулланиб, тавба-тазарру қилиб ўтиришимга ҳожат йўқ! Нима, емаган сомсамга пул тўлашим керакми?.. Тўламайман!

– Шошманг! Бундан кейин бирорта машинага қўлимни теккизсам, қўлим синсин, деб қасам

иҷдингизми? Ваъда бердингизми? – деб сўради Бўрсиқ бетоқат бўлиб.

– Қасам ичганим йўқ, ваъда бермадим! – деди Қурбақа ишонч билан. – Агар қасам ичиш лозим бўлса, мана, ҳозир тантанали равишда қасамёд қиласманки, осмон узилиб ерга тушса-да, мен биринчи учратган машинани минаман! Мана кўрасиз!

– Ана холос! Мен сизга нима деган эдим? – деди Каламуш Кўрсичқонга.

– Бўлмаса, гап бундай, – деб Бўрсиқ турди. – Яхши гап кор қилмаган маҳлуқقا, шубҳасиз, калтак кор қилади. Лекин мен куч ишлатишга мутлақо қаршиман. Қаршиман-у, бироқ ҳозир шундан бошқа иложимиз ҳам йўқ. Қурбақа, бизни тез-тез меҳмондорчиликка чорлаб турардингиз. Дастурхонингиздан тотган нон-тузингиз ҳаққи-хурмати айтаманки, биз сизни мана шу беъмани йўлдан қайтармасдан ҳеч қаёққа кетмаймиз!.. Дўстлар, уни юқорига олиб чиқиб, ётоқхонага қамаб қўйинглар! Кейин ўзимиз нима қилиш кераклигини бафуржа маслаҳатлашиб оламиз.

– Дўстим Қурбақа, ахир, бу ишлар сизнинг фойдангизни кўзлаб қилингти-ку! Нега тушунмайсиз?! – деди Каламуш Қурбақани қўлтиғидан олиб сургалар экан. – Ўзингизни ҳам, бизни ҳам қийнаманг! Ўзингизни кўлга олинг-да, ахир! Жин чалиб кетган бўлса, тузатамиз! Албатта, тузаласиз! Хўп деяверинг! Кейин яна апоқ-чапоқ бўлиб кетамиз!

– Хўп дея қолинг! Биз сизни ёлғиз ташлаб қўймаймиз, бошингизда парвона бўламиз, – деди Қурбақанинг нариги қўлтиғидан сургалаётган

Кўрсичқон йиғламоқдан бери бўлиб. – Мол-дунёни бехуда совургандан нима фойда?!

– Полиция билан ғиди-биidi қилаверишнинг охири «вой» бўлади, – деб илова қилди Каламуш уни ичкарига итарар экан.

– Касалхонада сарғайиб ётмайсиз, ҳамшираларга ялинмайсиз, – деди Кўрсичқон эшикнинг устидан қулф урар экан.

Улар Қурбақанинг аянчили дод-фарёди остида меҳмонхонага қайтиб тушдилар. Қурбақа эса қалитнинг тешигидан бўралаб сўқмоқда эди. Учта дўст рўй берган воқеани муҳокама қилиш учун фавқулодда кенгашга тўпландилар.

– Бу иш хийла чўзилади, шекилли. Ҳали кўп дикқат бўламиз, – деди Бўрсиқ чуқур уф тортиб. – Бунчалар қайсар-ўжар махлукни умримда биринчи марта кўриб турибман! Майли, биз ҳам анойилардан эмасмиз. Лекин, Бақани назоратсиз қолдириб бўлмайди, мудом унга кўз-қулоқ бўлиб туриш лозим. Жаҳлидан тушса, ақл-хуши кириб қолади.

Шу аснода соқчилик хизмати жорий этилади: учаласи ҳам навбати билан ҳар кечаси Қурбақа билан бирга тунайдиган бўлишди. Кундузи эса биринкетин навбатчилик қиладилар. Дастроб, Қурбақа роса безорилик қилиб, ҳамманинг жигига тегди. Ҳушёр васийларни ҳақоратлашдан ҳам тоймади. Жазаваси тутиб қолган кезларда стулларни машина шаклида қатор қилиб териб кўярди-да, ўзи биттасининг устига миниб олиб, худди рулда ўтиргандай бир алфозда қулоқларни қоматга келтириб тинимсиз «Ба-бап-бап!» деб бўкирарди, бўкираверарди. Жонга тегиб кетарди ўзиям. Лекин, энг ёмон қилиғи кейин бошланарди: у ўмбалоқ ошиб, орқадаги стул-

лар устига ўзини отиб юборарди, стуллар ҳар ёнга сочилиб кетарди. У эса ҳалокатга учраган маши-нанинг темир-терсаклари орасида ҳушидан кетиб қолган ҳайдовчи мисоли узоқ вақт миқ этмасдан ётаверарди. Хайрият, бора-бора жазавага камроқ тушадиган бўлди. Жазаваси тута бошласа, навбат-чи унинг диққат-эътиборини имкон қадар бошқа нарсага чалғитишга интиларди. Аммо, уни бирор нарсага қизиқтириб қўйиш амримаҳол эди. Чунки у ҳамма нарсага бефарқ, лоқайд бўларди.

Кунларнинг бирида Каламуш Қурбақанинг ёто-ғига чиқиб, навбатда турган Бўрсиқ билан алма-шиши лозим эди. Бўрсиқ ҳам навбатчиликдан қутулиши билан дарҳол ўрмонга жўнашга, ўзининг қадрдон кавакларини зиёрат қилиб келишга муштоқ бўлиб ўтиради.

– Қурбақа ҳали ўрнидан турмади, – деди у оstonага чиқиб, Каламушни кутиб оларкан. – Боя-дан бери «мени тинч қўйинглар!» деяпти, холос. Чоғимда, ичидаги жиндан фориғ бўляпти, шекилли. Агар унга ортиқча меҳрибончилик қиласермасак, жигига тегмай турсак, худо хоҳласа, тез кунларда тузалиб кетади. Хушёр бўлиб туриңг, Каламуш! Қурбақа юввош тортиб қолган пайтда ҳар балони кутиш мумкин, пойлаб туриб таппа босади! Мен унинг хийла-найрангларини жуда яхши биламан. Хўп, хозирча мен кетдим.

Улар оstonада хайр-хўшлашдилар. Каламуш ётоққа кирди.

– Аҳволлар қалай, биродар? – деб сўради Кала-муш Қурбақа ётган ўринга яқинлашаркан.

Қурбақа дарров жавоб берга қолмади. Орадан хийла фурсат ўтгач:

– Миннатдорман, Каламушжон! Аҳволим бирнави. Ўзингиздан гапиринг, аҳволингиз дурустми? Дўстимиз Кўрсичқон яхшими? – деди бетоб оҳангда.

– Ҳаммамиз яхшимиз, ишларимиз ҳам жойида. – Сўнг эҳтиётсизлик қилиб қўшимча маълумотларни валақлаб қўйди: – Ҳозиргина Кўрсичқон билан Бўрсик ўрмонга кетдилар. Тушгача қайтиб келмасалар керак. Унгача икковимиз маза қилиб чақчаклашиб ўтирамиз! Сизни зериктириб қўймайман. Ўрнингиздан турмайсизми? Шундай ажойиб кунда эзилиб ётавериш жонингизга тегмадими?

– Дўстим Каламушжон, ҳар ким ўзидан ўтганини фақат ўзи билади. Мен сиртдан соппа-соғга ўхшасам-да, аммо юрак-бағрим эзилиб кетди, адойи тамом бўлганман. Ҳатто ўрнимдан қўзғалишга ҳолим йўқ, – деди Қурбақа инграниб. – Эссиз, сизларга ортиқча дардисар бўлдим-да! Майли, яна бир оз чиданглар, буёғи кам қолди. Ишонмайсизми?

– Ишонаман! – деди Каламуш қувноқ товушда. – Хайрият, тезроқ тузала қолинг-э, дўстим! Ростини айтсан, ҳозир айни қайикда сайр қиласиган кунлар келди. Сиз бўлсангиз, буёқда ўйин кўрсатиб ётибсиз! Бизга ҳам, ўзингизга ҳам жабр қиляпсиз! Тўғрими?

– Тўғри, мен галварс бошга битган бало бўлдим! – деди Қурбақа ҳолсизгина нолиниб. – Ҳаммани безор қилдим. Сиздан бир нарсани илтимос қилсан майлими?.. Майли, керак эмас. Шундоқ ҳам жонингизга тегдим, шекилли.

– Нега ундан дейсиз, дўстим?! – деди Каламуш хафа бўлиб. – Илтимосингиз бўлса, айтинг, йўқ дермидим, ахир!

– Агар гапингиз чин бўлса, илтимосим шуки, балки бу энг охирги илтимосимдир, агар кеч бўлмаган бўлса, зудлик билан қишлоққа тушиб бирорта табибни топиб келмасангиз бўлмайди. Шундай ётаверсам ўлиб қоламан, шекилли... Майли, овора бўлманг. Бир ҳисобда ўлиб қолганим яхши. Қўйинг, овора бўлманг, энди барибир менга муолажа кор қилмайди.

– Ие, тинчликми ўзи? Қаерингиз оғрияпти? – деди хавотирланиб Каламуш. Чунки Қурбақанинг сўзлари унга сўнгти васиятдек эшитилган эди. Афт-ангори ҳам сира-сира илгариги Қурбақага ўхшамасди.

– Афт-башарамда ўлим шарпаси кезиб юрибдими? Ростини айтинг, сездингиз-а? – деди Қурбақа Каламушга мўлт-мўлт тикилиб. – Ишқилиб, эртага пушаймон қилманг, дўстим. «Ўлишингни билганимда мингта табибни қаторлаштириб қўймасмидим, жигарим!» деб уввос солиб йифламасангиз бас. Майли, парво қилманг... Илтимосимни эсингиздан чиқаринг.

– Қулоқ солинг, дўстим, агар табиб жуда зарур бўлса, мен ҳозироқ қишлоққа жўнайман! – деди Каламуш хаяжонланиб. – Аммо, ахволингиз унчалик ёмон эмас-ку, табибни нима кераги бор?! Ундан кўра, нафасни сал иссиқроқ қилинг! Келинг, бошқа мавзуда гаплашиб ўтирайлик!

– Мен доим бир нарсадан қўрқаман, оғайни, – деди Қурбақа маъюс кулумсираб. – Албатта, ширин сўз – жон озиги, аммо қуруқ гап билан ҳар қандай дардни даволаб бўлмайди. Шу боис доим худога нола қиламанки, майли, менга дардингни юборгин, лекин ўша дардингни ширин сўз билан даволаб

бўлсин, зинҳор-базинҳор табибга ишим тушмасин, дейман. Аммо, меҳрибон худо бизнинг илтимосимизни доим ҳам бажо келтиравермас экан. Синааб кўргиси келармикин, билмадим. Ҳартугул, ўша синовга дуч келишдан қўрқаман. Табибнинг энди нафи тегмайди...

– Нега тегмас экан?! Нафи тегади! Ҳозир чақириб келаман! – деди Каламуш қатъият билан.

– Худо хайрингизни берсин, дўстим! Агар қарорингиз жиддий бўлса, майли, сазангиз ўлмасин! Лекин йўл-йўлакай адвокатимни ҳам чақириб кела қолинг, барибир уйининг олдидан ўтасиз. Унга бир оғиз «бораркансиз» десангиз бас, ўзи етиб келади. Адвокатим жуда зарур... Сизни роса ташвишга қўйдим, аммо на илож! Тўғриси, ҳаётда шундай бир пайт бўладики, ўшанда ҳар қандай маҳлук ўзининг энг охирги бурчини адo этишга мажбур бўлади...

«Оббо, ўлиб-нетиб қолмаса гўргайди», деб хаёлидан ўтказди Каламуш ётоқдан ўқдай отилиб ташқарига чиқар экан. Бироқ, ҳар эҳтимолга қарши эшик устидан қулф қўйишни унутмади. Ҳовлига тушгач, яна ўйга толди. Ўчакишгандек, дўстлар олисда, маслаҳатгўй ҳам йўқ эди.

– Эҳтиёткорлик зарар қилмайди, – деди Каламуш ўзига-ўзи. – Биламиз, Қурбақа «ана ўламанмана ўламан», деб илгари ҳам кўп ўйин кўрсатган, лекин ҳеч қачон хузурига адвокатни чақириргаган эди... Агар жиддий бирор касали бўлмаса, кекса табиб Қурбақанинг таъзирини бериб қўяди. Бу ҳам катта сабоқ бўлади. Майли, Қурбақанинг илтимосини ерда қолдирмайман – дорилбақога армон билан кетмасин, шўртумшуқ!

Хуллас, Каламуш жон талvasасида ётган дүстининг сўнгги васиятини бекаму кўст адо этиш ниятида бор кучи билан қишлоқ томон югуриб кетди.

Эшик ширқ этиб қулфланди-ю, Қурбақа сапчиб ўрнидан турди ва деразага бағрини берган кўйи токи, Каламуш уйнинг нариги тарафидаги муюлишдан ўтиб, кўздан ғойиб бўлгунча кузатди. Сўнг дикир-дикир сакраб, қаҳқаҳа отди-да, энг фасон костюмлардан бирини эгнига кийди; пардоз столи тортмасидан пул олиб, чўнтакларига тиқди. Қурбақа чапдастлик билан каравот устидан чойшабларни йифиштириб олди ва уларни бир-бирига маҳкамлаб, кейин қўлбола арқонни дераза панжарасига боғлади. Энди, худди мана шу чойшаб-арқонга осилиб, ерга тушиш лозим эди, холос. У осонгина пастга тушди-да, шодон ҳұштак чалганча Каламуш кетган томонга қараб бир туфуриб, қарама-карши йўналиш бўйлаб кетди.

...Бўрсиқ билан Кўрсичқон тушда қайтиб келдилар. Бу пайт Каламуш ич-этини еб ўтирган эди. У бўлган воқеаларни бир бошдан айтиб берди. Бўрсиқ аччик-аччик кесатиқлар билан луқма ташлаб турганини эслатиб ўтирмасак ҳам бўлади. Кўрсичқонга келсақ, умуман, у Каламушнинг ёнини олган бўлсада, аммо бир жойда бундай дейишдан ўзини тийиб туролмади:

– Хуллас, бизга панд бердингиз, Каламушжон! Аслида, бундай муҳим ишни сизга ишониб топширмаслик керак эди!

– Ахир, у мени ростакамига, чиппа-чин ишонтириб қўйди-да! – деб ўзини оқламоқчи бўлди Каламуш.

— Сизни лақиллатмай, мени лақиллатсинми! — деб пичинг қилди Бўрсиқ ғижиниб. — Майли, бўлар иш бўлди. Энди қуруқ сафсата билан ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Бу гал биздан қочиб кутулди, қандини урсин! Аммо, ёмон томони шундаки, энди у ўзининг ақл-фаросатига ортиқча бино қўяди. Ишқилиб, каттароқ иш кўрсатиб қўймаса бўлгани. Биз бўлсақ, ҳар ҳолда, битта бош оғриқдан қутулдик: уни қўриқлаймиз деб соатлаб бекор ўтирумаймиз, энди. Бироқ, яна бир-икки кун Қурбақаникода турмасак бўлмас. Ким билсин, у қай аҳволда пайдо бўлади: табиблар замбилда кўтариб келишадими ёки полиция қўлига кишан солиб олиб келадими?! Буёғига худо пошшо!

Бўрсиқ келажакда нима воқеалар рўй беришини, албатта, тахминан каромат қилаётган эди. Аслини билмоқчи бўлсангиз, Қурбақа ўзининг ота маконида яна осойишта ҳаёт бошлагунча, эҳ-хе, қанчадан-қанча сувлар оқиб ўтади! Сувларгина эмас, айқирган, кўпирган тошқинлар оқиб ўтади!

Бу пайт кайфи чоғ, бепарво Қурбақа уйдан хийла олислаб кетган эди. Дастрраб, хилват, ёлғизоёқ сўқмоқлардан юрди, далаларни кесиб ўтди. Изини адаштириш ниятида ҳар хил тадбирларни кўллади. Ахийри хавф-хатар ортда қолганига тўлиқ ишонч ҳосил қилди-ю, енгил тин олди. Кўкда қуёш унга қараб жилмаярди; бутун борлик, табиат унинг қалбида акс садо берарди — айёрлик, тадбиркорлик тўғрисидаги қўшиққа жумлаи жаҳон жўр овоз бўларди гўё. Сал бўлмаса, ўйинга тушиб юборадиган бир алфозда одимлар, мағрурланар, назарида, шу тобда шайтонга ҳам дарс берадигандек ҳис қиласарди ўзини.

— Унинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлдириб ташладим! — деди у ҳиринглаб. — Асов кучга ақл-идрок бас келмаса, бошқа нарса бас келолмайди. Бу азалий синовлардан ўтган усул. Ақлингга балли, шоввоз! Бечора Каламуш... Бўрсиқ қайтиб келиб, кунини кўрсатса керак. Каламуш — аслида бебаҳо махлук. Фақат эси пастроқ. Боз устига, маълумоти ҳам йўқ. Ростини айтсам, бўш пайтларда ўша билан шуғулланиш лозим, калласини ишлайдиган қилиш керак...

Хаёлан осмони фалакда учиб юрган Қурбақа кўп юрди, мўл юрди ва охири қандайдир шаҳарчага бориб қолди. Шаҳарнинг асосий кўчасига «Қизил шер» деган лавҳа осиб қўйилган эди. Шу лавҳага кўзи тушган заҳоти қорни ниҳоятда очганини, гўё ичаклари сурнай чалаётганини сезди. У меҳмонхона томонга бурилди: хизматкорга иложи борича тезроқ тайёр бўладиган хушхўр таомдан бујортма берди-да, залга кириб ўтирди.

Алҳол, овқатни ҳам еб бўлгани йўқ эдикি, кўчадан таниш товуш эшитилиб қолди. У ўтирган ўрнида бир сапчиб тушди, ҳаяжондан вужудига титроқ кирди. Қурбақа нохос меҳмонхона томон яқинлашиб келаётган «Би-бип-бип» сигналини эшитиб қолганди. Машина меҳмонхона ҳовлисига бурилиб тўхтади. Ҳаяжонини фош этиб қўймаслик учун Қурбақа стол оёғига маҳкам ёпишди. Бир оздан сўнг меҳмонхонага бир тўда одамлар кириб келишди. Дали-ғули бу одамлар бири олиб-бири қўйиб автомобиль саёҳати таассуротларини, ўзлари келган машинанинг фазилатларини сўйлар эдилар. Қурбақа бирмунча вақт уларнинг ҳикояларини эшитиб турди. Кейин сабр-тоқати тугаб, ўрнидан туриб кетди. Бир-бир босиб пештахта ёнига борди-да,

овқатнинг пулинин тўлади ва айланиб ўтиб ҳовлига чиқди.

– Машинани жуда-жуда кўргим келаётган бўлса, нима қиласай? – деди у ўзига-ўзи.

Автомобиль ҳовли ўртасида назоратсиз туарди. Извошлини ва бошқа уч-тўрт бекорчихўжалар тамадди қилиш билан овора эдилар. Яна бир неча киши атрофда ивирсиб юришарди. Қурбақа аста машина теварагини айланиб, обдан томоша қилди, ўзича у ер-бу ерини ёмонлаган бўлди. Кейин ўй суреби қолди.

– Билмадим, бу машинани ўт олдириш осонмикан? – деб пичирлади.

У қўқкисдан, нима қилаётганини ўзи ҳам билмаган ҳолда, машина ручкасига ёпишди-ю, бир бураган эди, ҳайҳот, ўша заҳоти моторнинг гуриллаган товуши эшитилди. Автомобиль париси уни гўё маҳкам қучоқлаб олгандек: дир-дир титраб ҳайдовчи ўриндинига ўтирганини англамай қолди. Бу ишлар тушида бўляптими ёки ўнгидами, газ тепкисини босяптими, хуллас, ҳеч нарсани аниқ-таниқ англамади. Фақат меҳмонхона ҳовлисида доира шаклида бир айланди-да, машина рулини арк томон буриб, қуёндек учирив кетди.

Курбақа машина тезлигини тобора оширади, ғилдираклар шувуллаб йўлни ялаганча шитоб елиб бораради. Бирпасда кенг далалар оғушига чиқиб олди. Шу сонияда Қурбақа яна ўзини ҳар нарсага қодир, қудратли ҳис қиласарди: истаса – йўловчиларни даҳшатга солади, истаса тупроқ йўлларни икки ямлаб ютиб юборади... Унга дуч келган жонзот ўзини панага олиши керак, акс ҳолда, тун бағрига сингиб кетишга маҳкумдир! У машина тезлигига

ҳамоҳанг равишда аста хиргойи қилар, мотор ҳам унга жўровоз бўларди гўё. Машина ғилдираклари чақиримларни ортда қолдирар, шитоб билан олға елиб борар эди. Олға борарди-ю, лекин қаёққа кетаётганини Қурбақанинг ўзи билмас, факат энг баҳтиёр дамларни бошидан кечираётганини ғирашира англарди, холос. Истиқболда уни нималар кутяпти? Номаълум эди.

* * *

– Менинг фикримча, ҳозир бизнинг олдимизда турган ягона вазифа шундан иборатки, қонунбузарлик қон-қонига сингиб кетган анави ярамасга, яъни рўпарамиздаги қора курсида титраб-қақшаб ўтирган аглаҳга қандай жазони белгилашни аниқлаб олишимиз керак! – деб хитоб қилди суд палатасининг раиси таҳдидли товушда. – Ихтиёrimиздаги рад этиб бўлмас далиллар асосида хавфли жиноятчи деб топилган айбланувчи, биринчидан, қимматбаҳо автомобилни ўғирлаган бўлса, иккинчидан, мамлакатимиз фуқаролари ҳаётини хавф остида қолдирди, аҳоли истиқомат қиладиган туманларда тезликни ҳаддан зиёд ошириб юборган; учинчидан, қишлоқ полициясига нисбатан сурбетларча муносабатда бўлган. Жаноби котиб, марҳамат, юқорида ракам этилган ҳар бир жиноятга қонун бўйича жазо чораси кўрилишини маълум қилинг!

Котиб қаламининг учи билан бурнини қашлади-да:

– Баъзилар автомобиль ўғирлашни жуда оғир жиноятлар сирасига киритишни истайдилар, – деб атрофга маънодор разм солди. Сўнг, давом этди: – Аслида ҳам шундай. Бироқ, полицияга сурбет-

ларча муносабатда бўлиш ундан ҳам оғир жиноят ҳисобланади. Аслида ҳам шундай. Қонунга кўра, автомобиль ўғриси учун бир йилгача қамоқ жазоси белгиланган: бу ниҳоятда юмшоқ жазою, майли, хечқиси йўқ. Оширилган тезлик учун эса уч йил қамоқ жазоси белгиланган: бу ҳам оз, аммо узрли сабабларга қўра раҳм-шафқат қилиш лозимлигини ҳам унутмаслик лозим бўлади. Ниҳоят, полицияга сурбетларча муносабатда бўлган ҳар қандай маҳлук ўн беш йил муддат билан озодликдан маҳрум этилади. Агар гувоҳларнинг кўрсатмаларига ишона-диган бўлсак, агар ўша кўрсатмаларнинг ўндан бир қисми тўғри бўлган тақдирда ҳам (мен-ку, гувоҳларнинг гап-сўзларига ҳеч қачон ишонган эмасман), давлат хизматчисининг иззат-нафсига тегадиган хунук ҳодиса содир бўлган экан. Хулласи калом, қайд этилган раҳамлар тўғриликча қўшилса, ҳаммаси бўлиб ўн тўққиз йил қамоқ жазоси белгиланади.

– Ташаккур! – деди раис жаноблари.
– Кечирасиз, ҳисоб-китобни тўғирлаб бирварақайига йигирма йил қамоқ жазоси белгилаб қўя қолсак бўлмайдими? Кейин ҳисобот даврида чўтга ташлашга осон бўларди, – деб таклиф киритди котиб.
– Жуда ўринли, жўяли ва асосли таклиф! – деб котибни кўллаб-кувватлади раис. – Судланувчи, иродангизни йигиб, ўрнингиздан туинг-чи! Бу сафар одил суд сизни бор-йўғи йигирма йил озодликдан маҳрум қиласди, холос. Агар иккинчи марта арзимас баҳона билан бўлса-да, шу қора курсига ўтирадиган бўлсангиз, кейин биздан ўпкалаб юрманг! Биз сизни тўғридан-тўғри, ошкора равишда,

демократик йўл билан оттириб ташлаймиз!.. Бўлди, олиб кетинглар уни, башараси қурсин!

Қонун посбонлари шу заҳоти Қурбақага ҳар томондан ташландилар: дарҳол қўлига кишан солишиди, хибсга олдилар. Бечора ҳарчанд ҳалос бўлишга уринмасин, ҳарчанд қаршилик кўрсатиб, ялиниб-ёлвормасин, барибир фойда-си бўлмади – уни суд залидан судраб олиб чиқиб кетдилар. Шўрлик Қурбақани бозор майдонига сургалаб боришиди ва жиноятчиларни таҳқирлаб-мазахлайдиган ҳангоматалаб оломон орасидан атайлаб олиб ўтдилар. Томошага ўч оломон муҳбуснинг башарасига туфлар, сабзи билан ураг, калака қилиб, бўралаб сўкарди. Айниқса, бошига мусибат тушган одамни кўрса, негадир суюниб кетадиган ўқувчиларнинг юzlари бирдан ёришиб кетарди. Қурбақанинг шуурига муҳрланиб қолган энг даҳшатли манзара ҳам, аслида, шу эди, яъни ўқувчиларнинг тиржайиб туришлари.

Маҳбусни етаклаган полициячилар одам ўтса ғалати товуш чиқарадиган усти тиконли сим билан ўралган осма кўприқдан ўтдилар-да, кўхна, ҳувуллаган қалъанинг дарвозасидан ичка-рига кирдилар. Қалъа миноралари кўкка бўй чўзган эди. Уларга қараб масхараомуз илжайиб турган бекорчиҳўжа аскарлар қуршовидан – қоровулхона ёнидан ўтиб кетдилар. Соқчилар ёнидан ўтаётганларида улар бир-бирларига имо-ишора қилишиб, ранги-кути ўчган Қурбақани кўрсатишиди, баъзан: «Бу ҳали сенга ҳолва!» деб луқма ташлаб қўйишиди. Тўғри-да, қонун посбонлари жирканч жиноятчига ўзларининг нафратини бошқача йўсинда изҳор этмайдилар-ку, ахир!

Яъни, айтмоқчимизки, улар ҳам кўчадаги оломон каби маҳбуснинг башарасига туфламайдилар-ку! Чунки булар одоб сақлашни биладилар... Дубулға, совут кийган, юзига қора ниқоб тортган жаллодлар ҳам ортда қолдилар. Илон изи, юрилавериб ейилиб кетган зиналардан гоҳ кўтарилидилар, гоҳ пастга тушдилар. Қалъя ҳовлисини кесиб ўтаётгандарида қозикларга қантариб кўйилган тўриқ отлар кишнаб юборишиди, тизгинни узгудек бир алфозда Курбақанинг ортидан талпиндилар... Ойболтасини деворга суяб кўйиб ёки қўлида қора кружка тутган кўйи мудраётган қамоқхона назоратчилари орасидан ўтишга ҳам тўғри келди. Улар ҳамон йўлда тўхтамасдилар: бармоқларни қисиб қонатадиган, мажақлаб ташлайдиган жодилар ўрнатилган, яна бошқа турдаги қийноқ анжомлари кўриниб турган хоналар ёнидан, тўппа-тўғри бошлар кесиладиган кунда олдидан ҳам ўтдилар. Йўлакдан узоқ юрдилар. Нихоят, қоп-қоронги зиндан эшиги остига бориб тўхтадилар. Мана шу жой мазкур қалъанинг нақд киндиги эди. Эшик бўсағасида мункайган чол ўтиради, унинг қўлида шода-шода қалитлар боғлами бор эди.

– Уф-ф, худо хайрингни берсин! – деб қичқирди полиция сержанти бошидан шлёмини ечиб, пешонасини артар экан. – Тезроқ қимиirlасанг-чи, эй, танбал чол! Бўлақол дейман! Бизни манави мурдор Қурбақадан, дунёдаги энг қабиҳ жиноятчидан, устаси фаранг кazzобдан халос этгин! Мехмонингни кутиб ол! Унга хушёр бўл! Бир зум ҳам кўздан қочирма! Акс ҳолда, бошингдан ажralиб қолишинг ҳеч гап эмас! Эшитдингми, қўшмозор бўлгур!

Зиндон назоратчиси маъюс бош ирғади ва шалвираган қўлини шўрпешона Қурбақанинг елкасига қўйди. Сўнг, занг босган қалит кўхна қулф тешигида аянчли ғингшиди. Бирпасдан кейин зил-замбил эшик мунгли товуш чиқариб очилди. Шу тарзда Қурбақа кўхна ва ҳамиша навқирон Англиянинг энг мустаҳкам қалъасидаги энг ишончли, нуфузли зиндоннинг teng ҳукуқли маҳбусига айланди.

VII б о б

СУБҲИДАМДАГИ СЕҲРЛИ НАВО

ёхуд бир кўринган муқаддас ва мукаррам зот

Коронги қирғоққа яшириниб олган қушча ингичка товушда чўзиб-чўзиб, майин хониш қиласарди. Тун. Соат ўн бирлар бўлган-у, лекин тоғ ортига чўкиб кетган қуёшнинг нозиккина заррин нурлари уфқ чодрасидан бутунлай сидирилиб тушмаган. Қисқа ёз оқшомининг соя-салқин этаклар ёпишган жазира тафти аста-секин сўниб бораётир.

Куёш аёвсиз қиздирган, эртадан то кечгача жазира маънани билан тинимсиз олишган майсалар енгил тин оларди. Кўрсичқон эса сув ёқасида чўзилиб ётган кўйи Каламушнинг қайтишини кутаётир. Каламуш анчадан бери меҳмонга таклиф этиб юрган Кундузниги кетган эди. Кўрсичқон бу кунни ошналари билан дарёда ўтказди. Дарёдан уйга қайтиб келди-ю, бўм-бўш маконда Каламушни учратмади: ким билсин, балки қадрдони билан чақчақлашиб, вақт алламаҳал бўлганини ҳам унутиб қўйгандир? Ҳаво дим эди. Уйда ўтиришнинг асло иложи йўқ. Уяна соҳилга йўл олди. Шовулнинг салқин япроқлари

узра чўзилди ва ўтган куннинг дард-ҳасратларини, қилингандарини ишларни бир-бир хаёлидан ўтказди: хайрли иш қилдимми-қилмадимми, деб ўйланиб қолди.

Бир пайт қовжираган майсазордан Каламушнинг енгил қадам товуши эшитилди.

– Салқин жой – жоннинг роҳати-а! – деб хитоб қилди у Кўрсичқоннинг ёнига ўтириб. Сўнг, дарёга тикилганча чукур хаёлга чўмди. Афтидан, жиддий ташвишланаётганга ўхшарди.

– Қундузникида кечки овқатга ушланиб қолдингизми? – деб сўради Кўрсичқон.

– Шунақароқ бўп қолди. Қайтаман десам, хеч изн беришмади. Биласиз-ку, улар меҳмондорчиликни ўрнига қўйишади, дастурхон жуда обод бўлди. Лекин негадир кўнглим хира эди. Гўё уларнида бирор кўргилик рўй берган-у, мендан яширишга бехуда уринишаётгандек. Аслида ҳам шунаقا экан. Ишлари чатоқ – ўғилчалари Бақалоқ яна йўқолиб қолибди. Отаси уни бениҳоя эркалатиб юборган, еру кўкка ишонмайди.

– Шумтака, қаёққа гумдон бўлди экан? – деди Кўрсичқон бехосдан. – Йўқолса йўқолгандирда, албатта топилади. Ўзи доим гоҳ йўқолиб, гоҳ топилади-ку! Қачон қарасанг аллақаерларда тентираб юради, босар-тусарини билмайди. Бебошлик шунаقا бўлса керак. Уни ҳамма танийди, ташвишланманг, бирор кўриб қолса, уйига келтириб қўяди. Ваҳима қилманг. Ахир, ўзимиз ҳам дайдиб юрганини кўп кўрганмиз-ку! Юз бора насиҳат қил, аммо, ўлай агар, битта туки ўзгарса-чи! Пинак қоқмайди-я, личинка!

– Бу гал иш пачавароқ күринади. Бедарак йўқолганига анча бўлибди. Роса қидиришиб, бутун қавм-қариндошлар оёққа турғизилибди. Қундуз ҳам бўларича бўлибди! Уни кўрдим деган махлук йўқ эмиш. Бу ерда бир гап бор. Қундуз ҳозир ўзини қўйгани жой тополмаяпти. Секин гапга солсам, Бақалогим юзишни ҳам билмасди, деб пиқ-пиқ йиғлайди, холос. Бутун фикри-хаёли тўғонда, чунки ҳозир тўғонда сув катта. Куйдирги боласи тушмагур ҳам тўғонни оғзидан қўймас экан... У ерда тузоқ-пузоқлар тиқилиб ётибди. Буни биласиз. Аммо, норасида қайдан билсин!.. Қундуз оғир-вазмин, мулоҳазакор махлук, бекордан-бекорга жар сола-вермайди, дардини ичига ютади. У тоза ҳавода айла-ниб келиш баҳонасида мени кузатгани чиқди. Йўл-йўлакай гаплашиб қолдик. Айтишига қараганда, кечалари ўғлини қидириб кечувга чиқаётган эмиш. Шунақа жой бор, кўприк қурилгунча илгари ўша ердан ўтиларди. Кўрганмисиз?

– Кўрганман, – деди Кўрсичқон. – Хўш, Қундуз кечувда нима қилар экан?

– Менимча, ўша кечувда Бақалоқни юзишга ўргатган кўринади, – деди Каламуш. – Балиқ ту-тишни ҳам саёз жойда ўргатган бўлса ажаб эмас. Қундузнинг боласи илк ўлжани тутиб олиб, онаси-га мактанганди жой ҳам, менимча, ўша кечув. Хуллас, тирмизак ўша жойга меҳр қўйган экан. Қундузнинг фикрича, агар боласи соғ-саломат бўлса, албатта, кечувга келади. Шунинг учун ҳар кеча Қундуз ке-чувга бораёттир.

Улар анча вақтгача сукут сақладилар: ҳар ик-кисининг хаёлидан қоп-қоронғу тунда, овлоқ ке-

чувда мунғайиб ўтирган Қундуз тимсоли нари кетмасди.

— Начора, күргилик экан-да! Кетдик, ухлаймиз, — деди Каламуш, бирок ўзи жойидан жилмади.

— Каламуш, негадир уйқум келмаяпты. Ҳайронман, нима қилишга жуда бошим қотиб қолди. Юринг, қайиққа ўтириб, оқимга қарши юзіб күрамиз. Бир оздан сұнг ой туғади: бекор ётгандан күра, уёқ-буёқни қидириб күрамиз. Зора ишимиз ўнгидан келса!

— Ъзимиз ҳам бир нима қилишимиз лозим, деб турувдим, — деди Каламуш. — Бунақа пайтда ухлаб бўладими! Ҳадемай тонг отади, эрта турганлардан Бақалоқни сўраб-суриштирамиз.

Биргалашиб қайиқни сувга туширдилар. Каламуш эшкак эшишга ўтириди. Дарёning ўртасида сув сатҳи ёп-ёруғ бўлиб, унда мусаффо осмон акс этиб турарди. Соҳиллар ҳам, дарёning лаблари ҳам дов-дараҳтлар соясида қорайиб кўринарди. Кўрсичқон сувнинг йилт-йилт этиб турган жойларини мўлжалга олиб, қайиқни бошқариб борарди. Тун зим-зиё, кимсасиз эди-ю, бироқ ҳар тарафдан шовқин-сурон, куй-кўшиқ, гангир-гунгир товушлар баралла эшитиларди. Демак, тунги ҳаёт давом этаётир: ҳар ким рўзгор аравасини ўзи тортиб боришга интилар, қурби етган иш билан машғул бўлар, тонг отиб, ҳордиқ дамлари бошлангунча зарур юмушни бажариб олишга ошикардилар. Дарё ҳам кундузга нисбатан кечаси баландроқ товуш чиқаради, сувнинг шалоплагани олислардан қулоққа чалинарди. Ҳамма нарса худди ёнгинангда рўй бераётгандек туюларди ва беихтиёр юракни вахима босарди.

Уфқдаги заррин чизиқ – осмон билан ер ўртасидаги чегарани белгиларди. Бир жойда қоп-қора доғ тобора юқорилаб борарди. Ниҳоят, интизор кўзларни қувонтириб тўлин ой балқиб чиқди-ю, эрки ўзида бўлган кема мисоли кўк бағирлаб юзиб кетди.

Каламуш билан Кўрсичқоннинг назарида олам яна нурафшон бўлди: ана, бепоён майсазору соқин чайқалаётган боғлар; ана, у қирғоқдан-бу қирғоққача йилтираб, кумушсимон жилоланиб турган дарё... Дарё худди кундуз кунлардагидек жимиirlарди. Атроф ўзгача лиbosга бурканган эди. Лекин бу лиbos тун каби сирли, тун каби харир бўлиб, гўё уч кунлик келинчак мисоли жозибадор ва суюкли эди.

Дўстлар қайиқни қирғоққа боғладилар-да, соқин соҳилга тушдилар. Бирпастда ям-яшил девор ораларини, дараҳтларнинг кавакларини, ариқларни, кувурларни, қуриб қолган ирмоқларни титкилаб чиқдилар. Сўнг, зудлик билан қайиққа ўтиришиб, дарёning нариги соҳилига юзиб ўтдилар ва яна тинтуб бошладилар. Булутсиз осмонда осуда турган ой олис бўлишига қарамай, уларга жони ачишиб, ёрдам бермоқчи бўларди. Афсуски, вакти-соати етгач, у ҳам дала-тузни, дарёни сирли қоронғилик ичра қолдириб, истамайгина уфққа эниб кетди.

Кейин табиатда ўзгариш бошланди: уфқ оқарди, дов-дараҳтлар тунги лиbosни ечдилар ва ўзини кўзгуга солаётган келинчакдек ҳусн-жамолини кўз-кўз қилдилар. Бир қушча чуғур-чуғур қилди-ю, шу заҳоти тинчиди. Қамишзорни шитирлатиб шабада ўйноқлаб ўтди.

Қидиувчилар қайиққа миндилар. Қуйруқда ўтирган Каламуш түсатдан бир нимани илғади, шекилли, тошдек қотди-қолди. У бутун вужудини қулоққа айлантириб, бир нұқтага тикилиб турарди. Охиста эшкак уриб келаётган Күрсичқон хадиксираб уёқ-буёққа аланглади, сүнг ҳайрон бўлиб Каламушга тик қаради.

– Йўқ, яна йўқолиб қолди! – деди Каламуш уф-ф тортиб. – Ажиб мусиқа экан, бунақасини сира эшиитмаганман! Қалбим торларини чертиб ўтди ўзиям. Афсус, тез тугади. Яхиси, эшиитмаганим маъқул эди. Дилемга чўғ ташлаб нима қиласарди! Қанийди, яна бир марта эшиитсам, эшиитаверсам! Бор дунёни берардим! Ие!.. – деб қичқириб юборди қулоқларини динг қилиб. – Ана, эшитиляпти, эшитиляпти! – У қимир этмай қолди. – Ох, яна узоклашяпти... Яна эшитилмаяпти... Нақадар гўзал-а, Күрсичқон! Садо ҳам шунчалар гўзал бўладими! Асир этди мени, асир этди! Унинг куч-кудрати сирли сехрида эмас, балки чорлов-чакириқда, ундовда! Бундай навони фақат тушда тинглаш мумкин... Ўша ёққа ҳайданг! У бизни чорлаётир, Күрсичқон!

Эсанкираб қолган Күрсичқон:

– Мен қамишзор шовуллашини эшиятман, холос, – деди хавотирланиб.

Каламуш дўстининг гапини эшиитмади, шекилли. Жавоб бермади. У шу қадар ҳаяжонга тушган эдикি, аъзойи бадани дир-дир титрарди, юраккинаси ҳам ҳилвираб-илвираб турарди.

Күрсичқон миқ этмасдан эшкак эшарди. Улар хадемай дарё иккига ажралган жойга етиб бордилар. Асосий ўзандан поёнсиз шохобча бошланиб кетган эди. Аллақачон рулни қўйиб юборган Ка-

ламуш ўша томонга ишора қилди. Қайиқ шохобча бўйлаб сузуб кетди. Теварак-атрофга осмону фалакдан мўл-мўл нур ёғила бошланганди, қирғоқларни қоплаган майсазор туси борган сари аниқ-таниқ намоён бўларди.

– Ўзлигини намоён қиласпти! – деб мийигида кулди Кўрсичқон, битта инқилобий қўшиқ мисраларини эслаб.

– Валақламасдан, қайиқни қирғоққа яқинроқ ҳайданг! – деб буюрди Каламуш. – Ҳозир ўша сеҳрли навони ўзингиз ҳам эшитасиз! Ҳа, албатта... Ана, эшитяпсизми? Оҳ, эшитиляпти! – деди Каламуш жазаваси тутиб.

Мусиқанинг жозибали сас-садоси майнин тўлқин мисоли аъзойи баданни жимирилатиб юбораётганди. Кўрсичқон ҳатто нафас ололмай қолди, эшкаклар қўлидан тушиб кетди. Дўстининг қўзларига ёш инганини кўриб, унинг ҳам кўнгли бузилиб кетди. Бир дақиқа ўтар-ўтмас, сув четида барқ уриб ўсган қора йўнгичқанинг қирмизи гулларини тўзгитиб, қайиқ ўз-ўзидан тумшуғи билан қирғоққа урилди. Мусиқанинг мастона-мастона латиф навоси уларни чорларди, қалб торларини чертиб-чертуб қўярди. Кўрсичқон беихтиёр эшкакка ёпишди: Нега? Нима учун? Кочмоқчими? Кутулмоқчими? Асир тушишдан қўрқяптими?

Оlam аста-секин ёришарди-ю, аммо қушларнинг чуғур-чуғури эшитилмасди. Одатда, субҳидам чоғи қушлар мусобақаси бошланарди: бири қўйиб-бири сайрап, баъзан бирваракайига сайрапарди. Бироқ, ҳозир қушлар сукут сақларди. Фақатгина олисдан сибизғанинг нажиб овози эшитиларди, холос.

Шохобча соҳилида отқулоқлар гуркираб ётарди, атроф кўм-кўк майсазор. Тавба, атиргуллар лов-лов ёнарди, атрофга атрини мўл-кўл сочарди. Қизилбарг бағоят фусункор, товулғалар шу қадар хушбўйки, асти қўяверасиз! Мана, тўғон шоввасининг товуши ҳам эшитила бошлади. Саёҳатнинг, сайёҳларнинг сўнгги манзили шу.

Дарё ўзани тўсилиб, улкан тўғон қурилган, кўл ҳосил бўлган. Тўғон этакларида шиддатли гирдоб айланиб-айланиб, кўпикланиб, йилтироқ заррачаларни атрофга сачратган кўйи тубанликка шўнғирди. Шовванинг шовқини ҳар қандай товушни босиб кетарди. Сокин кўл ўртасида мажнунтол, оққайин ва яна қандайдир манзарали дараҳт ўсиб ётган мўъжаз орол кўзга ташланади. Бу орол ўзининг тилсимини тун бағрида пинҳон тутса-да, лекин тонг чоғлари қизиқувчан жамоатни қошига чорларди.

Икки жонажон дўст бебош оқимни енгиб, қийналиб-сиқталиб, гулчечакка бурканган оролча лабига етиб бордилар. Нафасларини иchlарига ютганча қирғоқقا қадам кўйдилар. Сўнг хушбўй гиёҳлар, гулзорлар, янтоқзор оралаб оролчанинг маркази томон бордилар. Бу ер зумрад тусли ўтўланлардан иборат, ҳали шудринг ҳам кўтарилмаган ғаройиб ўтлоқ эди. Атроф ёввойи боғ бўлиб, у ерда олма, гилос, олхўри, маймунжонлар ўсиб ётарди.

– Оромимни ўғирлаган мусиқа фақат шу жойда туғилиши мумкин, – деб ҳайрат аралаш пи chirлади Каламуш. – Мусиқа ижрочиси – беназир муғаний ҳам фақат шу ерда истиқомат қилиши мумкин.

Шу пайт бирдан Кўрсичқон ваҳимага тушиб қолди: оёқларидан жони чиқиб кетди гўё. Ҳатто

қимирлашга мажоли етмасди. Унинг жонини олган нарса қўрқув эмасди, балки ҳозирча ўзи ҳам яққол идрок этолмаётган қандайдир илоҳий бир нима эди. Бир нима эканини кўнгли сезиб турарди, фақат номини билмасди. Ваҳима шундан, исми номаълум бир нимага дуч келиши муқаррар эканидан ваҳм босарди уни. Зўрға бурилиб Каламушга қараган эди, Каламуш ҳам дағ-дағ титраётганинг гувоҳи бўлди. Атрофдаги дов-дараҳтларда қушлар ғуж-ғуж, сон мингта, тонг отган эди ҳисоб, лекин тиқ этган товуш эшитилмасди. Сукунат хукмрон эди.

Сичқон ер сузиб турарди, гўё энди икки дунёда ҳам нигоҳини ердан уза олмайдиганга ўхшарди: мусиқа тинган бўлса-да, қулоқлари остида ўша чорловчи садо жарангларди. Шу тобда у сирли-сехрли нарсани бир кўриб, тил тортмай ўлишга рози эди. Бир кўрса – бас, бу дунёдан беармон ўтарди. Ҳаттоки, ўша сехргарни тушларида бир кўриб, сўнг ўлишга ҳам рози эди боёқиш! Тошдек қотиб турган Кўрсичқон аста бошини кўтарди-ю, субҳидам ёғдусига чулғанган Дўст ва Ҳомийга – олам сарварига қўзи тушди. Бутун борлик ушбу қутлуғ воқеа ҳаққи-хурмати сукут сақлаб турарди.

Шоҳ-шаббалар қайрилиб, қирғий бурун, истараси иссиқ, юзларини соқол-мўйлов қоплаган, пойдор қўлларини кўксига қовуштирган, лабларида табассум ўйноқлаётган зот ваҳимадан кути ўчган бир жуфт митти жониворга тикилиб турарди. Унинг туёқлари орасида дўмбоққина қундузча пиш-пиш этиб ухлаб ётарди. Бу манзара Кўрсичқоннинг кўз ўнгида бир зум намоён бўлди, холос.

– Каламуш, қўрқмаяпсизми? – деб титраб-қақшаб пичирлади у.

– Күркмаяпсизми! – деб ҳайратланиб түнғиллади Каламуш. – Кимдан? Унданми? Нима учун күркышим керак?

Алхол, тоғлар ортидан виқор билан қуёшнинг гардиши кўринди. Кўлмак ва ўтлоқ узра тара-лаётган қизғиш ёғду кўзларни қамаштириб қўйди. Токи, кўзлар қуёшнинг илк нурларига мослашгунча, гаройиб зот изсиз йўқолди. Борлиқни эса тонгни қаршилаб сайраётган күшларнинг чуғур-чуғури босиб кетди.

Хозиргина ўз кўзлари билан кўрган мукаррам зотнинг қаерга ғойиб бўлганини англай олмасдан, сукутга чўмдилар. Сув сатҳида рақс тушаётган шўх шаббода мажнунтол попукларини силаб ўтиб, атиргуллар елкасидан шудрингни қоқиб қўйди. Икки дўстнинг рухи бирдан енгил тортди, ўзларини роҳат-фарогатда юргандек ҳис этдилар.

Кўрсичқон кўзларини ишқалаб Каламушга тикилди. Ўз навбатида, Каламуш ҳам таажжубланиб унга кўз қирини ташлади.

– Кечирасиз, бир нима дедингизми? – деб сўради Кўрсичқон.

– Менимча, Бақалоқни топсак, фақат шу ердан топамиз. Тополмасак, демак, хеч қаердан тополмаймиз, – деди Каламуш ўйчан. – Ву-уй, ана, қаранг, миттивойим?! – деб қувониб кетди ва Бақалоққа ўзини отди.

Кўрсичқон ўз хаёллари билан овора бўлиб, жо-йида туриб қолди. Кўпинча эрталаб ажойиб туш кўриб уйғонасан-у, бирпасда ҳаммаси эсингдан чиқиб кетади. Сўнг минг уринсанг-да, фақат ғирашира тафсилотларни эслай оласан, холос. Бошқаси паққос хотирангдан ўчиб кетади. Хозир Кўрсичқон

ҳам худди ўшандай ҳолатни бошидан кечиради... Ахийри у ҳам ноилож Каламушнинг изидан эргашди.

Бақалоқ нихоятда қувониб кетганиданми, бир сапчиб ўрнидан турди ва отасининг қадрдонларини кўриб, улар атрофида дикир-дикир сакради.

– Бўлса-бўлмаса, сизларни онам жўнатган, тўғрими? Нима, мен ёш боламанми? Эрта-индин хотин олса, турмушнинг тўрва халтасини бемалол кўтара оладиган бўйдоққа энагалик қилишни қачон бас қиласди?! Ўз ҳолимга қўядими-йўқми! – деб қичқирди Бақалоқ ва хўнг-хўнг йиғлаганча оролни гир-гир айланиб югура бошлади.

– Майли, индамаймиз. Ҳовури босилгач, ўзи бир жойга ўтириб олади, – деди тажрибали Каламуш.

Дарҳақиқат, кўп ўтмасдан Бақалоқ тумтайганча ўтириб олди.

Кўрсичқон унинг ёнига бориб бошларини си-лаб овутди.

– Бўпти, азamat, ўзим аста отангга айтаман: тез кунларда сенга зўр хотин олиб беради, – деб Бақалоқнинг қулоғига пичирлади Кўрсичқон.

Бақалоқ шолғомдай қизариб кетди.

– Мен жаҳлим чиққани учун хотин оламан, дедим. Аслида ҳали ёшман. Ёш бошимга хотинни нима қиласман? У билан ёнғоқ ўйнайманми? – деб ўзини окламокчи бўлди Бақалоқ.

– Нима қипти? Ҳа, ёнғоқ ўйнайсизлар! Пўм чиқариш ўйнайсизлар! Шунаقا ўйинни биласанми? – деди Кўрсичқон кўзини қисиб.

– Боринг-э, мени уялтирманг! – деб Бақалоқ тескари ўгирилиб олди.

Бу пайтда Каламуш чим устидаги туёқ изларини синчиклаб күздан кечирди.

– Бу ердан қудратли жонивор ўтган бўлса керак, – деди у ўйга толиб.

Сўнгра аста қаддини ростлади-да, нималарнидир ўзича хомчўт қилди, қандайдир хулосалар чиқарди.

– Энди жўнаш керак, – деди Кўрсичқон. – Бечора Кундуз ўғлини ҳамон кечувда кутиб ўтиргандир!

Бақалоққа қайиқда сайр қилдиришга ваъда беришга тўғри келди. Ваъда берилгач, у дарров юпанди. Уни соҳилга эргаштириб келдилар, эҳтиёти шарт, қайиқнинг ўртасига ўтқаздилар-да, оқимга қарши суза бошладилар. Бу пайтда қуёш икки тेरак бўйи кўтарилиб, борлиқни аёвсиз қиздиради. Кушлар эса шижоати жўшиб ҳамон сайрадилар. Икки қирғоқдаги гул-чечаклар майнин бош чайқаб, табассум хадя этарди. Икки дўст назарида, табиатдаги рангин гўзаллик боя ўзлари гувоҳ бўлган ғаройибот олдида ниҳоятда ғариб эди. Афсуски, ўша ғаройиботга қаерда дуч келганларини сира эслай олмасдилар. Гўё сирли туш кўргандай эдилар.

Дарёning асосий ўзанига етиб келишгач, оқим бўйлаб арзанда Бақалоқнинг йўлларига мунта зир бўлиб ўтирган қадрдонлари истиқболи сари юзидек кетдилар. Таниш кечув қўзга ташланди-ю, Кўрсичқон қайиқни соҳил тарафга бурди. Бақалоқни соҳилдаги қумоқ йўлакка туширдилар, унга йўл-йўриқ кўрсатдилар. Сўнг, хайр-хўшлашиб, елкасига қоқиб кўйдилар ва орқага қайтишиб, дарё ўртасида миттивойнинг аста судралиб қадам ташлаб кетаётганига қараб турдилар. Бир пайт у тумшуғини юқори кўтарди-да, ҳавони ҳидлади –

қадрдон гүшасини таниб қолди, шекилли, қадамини тезлатиб, лапанглаб югуриб кетди. Сал наридан ўғлини кута-кута, тоқати тоқ бўлган Қундузнинг боши кўринди: унинг қулоқлари динг эди, кўзлари севинчдан ялтиарди. У толзор оралаб ўғли томон шитоб билан талпинди. Шундан кейин Кўрсичқон эшкакни қаттиқ силтаб, қайиқни оқимга мослаб бурди ва ўз ихтиёрига қўйиб берди. Энди улар шошилмаса ҳам бўларди. Чунки қидирув тугаган эди. Тугаганда ҳам бахайр тугаган эди.

– Каламушжон, негадир ўлгудек чарчаганга ўхшайман, – деди қайиқ билан иши бўлмай қўйган Кўрсичқон ҳоргин товушда. – Билмадим, тун бўйи изғиганим учунми, мадорим қуриб қолди. Ундан десам, ҳар йили мавсум бошланган кезлари уйқу нималиги эсимдан чиқиб кетарди. Худди бирор мени қопга солиб, қопнинг оғзини маҳкам боғлаб, сўнг обдан тўқмоқ билан туйгандек. Лекин, бунақа нарса бўлгани йўқ-ку!

– Балки бўлгандир, ким билсин! Ғаройибот бўлгандир, ким билсин! Ғаройибот ҳам зил-зам- билдек таассурот қолдиради, – деди қўзларини юмиб, мудраб ўтирган Каламуш. – Кўрсичқон, ростини айтсан, мен ҳам ўлгудек чарчадим. Лекин, жисмонан эмас, руҳан чарчадим... Тепангда қуёш мўл- кўл нур сочиб турса, соҳилдан – қамишзорлардан фир-фир шабада эсиб турса, жоннинг роҳати экан-ку!

– Худди олис-олислардан мусиқа товуши тара-лаётганга ўхшайди, – деб шивирлади уйқусираф ўтирган Кўрсичқон.

– Менга ҳам шундай туюляпти, – деб пицирла-ди мудроқ Каламуш. – Ростини айтсан, бу мусиқа қандайдир рақснинг куйига ўхшайди... Ҳатто сўзи

ҳам бор. Фақат сўзлари яхши эшитилмаяпти... Эшитилмаяпти-ю, лекин мусиқа аралашиб кетяпти. Гоҳида қамишзорнинг шовуллаши ғов бўляпти.

– Сизнинг қулоғингиз тузук экан. Мен умуман хеч қандай сўз-пўзни эшитганим йўқ, – деб маъюсгина эътироф этди Кўрсичқон.

– Тингланг, мен ҳозир сўзларини такрорлаб турман, – деб шивирлади Каламуш кўзларини чирт юмган ҳолатда. – Мана, сўзлари аниқ эшитиляпти: «Агар хавф-хатар туғилса, сафо эмас, жафо кутилса, мадад кўлим чўзгайман, албат... Лозим бўлса, ҳар гал, ҳар соат... Бироқ, сиз унугтайсиз, унугтайсиз...» Қамишзор ҳам нақоратга жўр бўлаётир: «Сиз унугтайсиз, унугтайсиз...» – Каламуш чуқур хўрсинди. Бирпас жим тургач, яна давом этди: – «Гар тушсангиз тузокқа, хабар қилинг биз ёқقا... Бироқ, биламан, унугтайсиз, унугтайсиз...» Кўрсичқон, қайиқни қамишзорга яқинроқ ҳайдасангиз-чи, ахир! – деб дўйқ урди Каламуш. – Тезроқ ҳайданг, товуш пасайиб кетяпти! Биз орқада қолиб кетяпмиз! «Ҳомий ва Малҳам ўзим, адашганларда кўзим... Сарсонларни топарман, ўнг юзидан ўпарман, сўнгра малҳам бўларман... Бироқ, унугтайлар, унугтайлар... Майли, мен рози, ўзим...» Қамишзорга янада яқинроқ ҳайданг, Кўрсичқон! Яқинроқ, деяпман! Эҳ, бўлди энди, кўйинг, фойдаси йўқ. Кўшиқ сўзларини қамишзор шовуллаши босиб кетяпти.

– Ажабо, бу қандай кўшиқ экан? – деб ҳайратланиб сўради Кўрсичқон.

– Қайдам, – деди Каламуш елка қисиб. – Мен ўзим эшитган сўзларни такрорлаб турдим, холос. Ана, қамишзор шовуллаши ичра яна эшитиляпти... Соддагина, равонгина...

– Илтимос, сўзларини такрорлаб туринг! – деб ялинди Кўрсичқон.

Бироқ, Каламуш дўстининг илтижосини ё эшитмади, ёки тушунмади. Кўрсичқон тоқати етгунча кутди-да, сўнг жаҳли чиқиб Каламушнинг юзига қаради-ю, гап нимада эканини дарҳол англади – лабларига қувноқ табассум инган Каламуш худди эмизикли чақалоқ сингари тамшаниб-тамшаниб уйқуга кетган эди. Афтидан, ҳамон олис сибизға навосига берилиб қулоқ солаётганга ўхшарди.

VIII б о б

ҚУРБАҚАНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

ёхуд ол-а, бўлди томоша!

Орқасидан эшик ёпиларкан, Қурбақа зах, бадбўй зиндонга тушганига тамоман ишонди. Энди ҳаммаси абас бўлди. Энди у билан ташқи дунё орасида ўрта асрлардан қолган қалъа, мустаҳкам зулмат ўчоги ғов бўлиб турарди. Англияning тенгсиз катта кўчаларида худди ижарага олгандек бирорвнинг машинасини елдек учирив юришга энди йўл бўлсин! Ўша фараҳли дамлар энди рўё, хомгина хаёл... Шуларни ўйларкан Қурбақанинг юраги баттар сиқилди, ўзини тап этказиб ерга ташлади, бениҳоя умидсизликка тушди ва беихтиёр кўзларидан ёш тирқираб чиқди.

– Ҳаммаси барбод бўлди! – деб вайсаб йифлай бошлади у товушини баралла кўтариб. – Қурбақанинг обрў-эътибори ҳам бир пул бўлди! Э-э, барибир эмасми – ўша обрўнинг ҳам онаси ни фалон қиласай!.. Ёруғ дунёда Қурбақага ўрин

қолмади. Серпул, меҳмондўст, ҳазилкаш бойвачча энди йўқ, ўлган! Вой-дод! Дод-эй!.. Бу ердан кутулиб бўпсан, нима қилсанг – ўз бошингга бало бўлдинг! Ўзингга-ўзинг қилдинг! – деб бошига муштлаб йиғларди Қурбақа. – Ахир, автомобилини ўғирлаб қочганинг рост-ку, яна эгаларининг тумшуғи тагидан олиб қочдинг! Бақалоқ полициячиларни бўралаб сўқдинг, оғзингдан боди кириб – шоди чиқди! – У бўғриқиб-бўғриқиб йиғларди. Йиғлаб-йиғлаб сал ҳовуридан тушгач, яна санай бошларди: – Воҳ, шунчалик аҳмоқ бўламанми! Қилмиш-қидирмиш, дейдилар. Ажаб бўлди, хўб бўлди. Асримизнинг охиригача ана шу зиндонда суюкларим чириб кетмаса, ўзимдан ўчим чиқмайди, ўзимдан норози бўлиб кетаман! Унгача мен билан танишлиги учун кеккайиб, гердайиб юрадиган махлуклар номимни пақкос унутиб юбормасалар борми, ўзимнинг башарамга ўзим туфурман!.. Оҳ, донишманд Бўрсиқ, фидокор Каламуш, оқил Кўрсичқон! Азизларим, қайдасизлар?! Қабоҳат йўлига кириб кетаётганимни билиб, бу йўлдан қайтармоқчи бўлган экансизлар, дўстларим! Афсуски, бадбахт Қурбақа зоти пастлигига борибди! – деб хитоб қилди у.

Қурбақа бир неча ҳафта мобайнида афсус-надомат чекди, аламини қўз ёшларидан олди. Овқат ейишдан буткул бош тортди, оғзига туз-намак олмади. Унинг пулдорлардан эканини билиб олган кекса назоратчи ялтоқланиб ҳар хил шириналлар, тансиқ таомлар таклиф этиб кўрди.

– Кўнглингиз тусаган нарсани айтинг, таксир, ҳаммасини муҳайё қиласман! – деди назоратчи. – Нима, ҳаққим сизда қолиб кетармиди, бир кун узар-

сиз, – деб қарз-қавола бериб туришга рози эканини ҳам ишора қилиб қўйди.

Лекин, Қурбақа уни яқин йўлатмади.

Дарвоқе, қамоқхона назоратчисининг «супра-қоқди» – кенжатой арзанда қизи бор эди, у енгилелпи юмушларда отасига қарашиб турарди. Ўша қиз жониворларни жуда яхши кўрарди: уйида битта канарейка, уч-тўртта ола сичқон, битта олмахон бокарди. Канарейкасини баъзан қамоқхонага ҳам олиб келарди. Тушдан кейин фақат мудрашдан бошқа ташвиши бўлмаган маҳбусларнинг атайлаб жигига тегиши учун қафасни қамоқхона деворидаги михга илиб қўйиб роса сайратарди. Кечалари қушчасини меҳмонхонадаги стол устига қўйиб, қафас тепасига салфетка ташлаб қўярди.

Бир куни Қурбақага қўзи тушган ўша қиз отасига:

– Анави жониворнинг аҳволини кўриб, ичим ачишяпти. Озиб-тўзиб кетибди, бечора! – деди меҳри товланиб. – Биласиз-ку, ҳайвонлар жондилим. Унга қараб турсам майлим? Ўзим парвариши қиласман.

– Билганингни қил! Бу Қурбақанинг ғингшигани жонимга тегди! Ўлгудек қурумсоқ, хасис, димоғдор экан ўзиям. Ҳайвон ҳам шунақа бўладими?! – деди отаси зардали оҳангда.

Қиз ўша куниёқ Қурбақанинг камерасига ташриф буюрди.

– Ҳой, Қурбақа! Димоғдорликни йиғиштир! Бўлди энди! – деди у камерага кириб бораркан. – Қани, мундок ўтири-чи! Кўз ёшларингни арт! Ўргилиб кетай сендан! Кел, оз-моз тамадди қилиб ол! Қара, буни ўзим пиширганман, жуда мазали таом!

Бир-бирининг устига тўнтарилган тарелкада сабзавотдан тайёрланган қовурма туради. Қовурилган карамнинг хушбўй ҳиди шу заҳоти бутун камерани тутиб кетди. Фуссага ботиб, камера ўртасида кўкрагини ерга бериб ётган Қурбақанинг иштаҳаси очилиб кетди. «Ие, ҳаёт мен ўйлаганчалик bemazaga ўхшамайди-ку», деб ўйлади Қурбақа. Лекин, ҳамон ўжарлик қилар, оёқларини полга гурс-гурс уриб, инжиқлик қилар эди. Юпангиси келмасди. Шунда қиз:

— Бор-э, келиб-келиб сенга ялинаманми, битлики! — деди-ю, камерани тарк этди.

Аммо карамнинг хушбўй таровати камерани тарк этмас, гупиллаб димоққа уриларди. Қурбақа жазавадан тушган кезлари уёқ-буёқни ҳидлаб кўрарди, сўнг ўйга толарди. Хайрият, яхши нарсаларни ўйлай бошлади: у дастлаб, мужоҳидларни, муҳожирларни, шеъриятни, мумтоз шоирларни эслади. Сўнг қиёмига етмаган ишлар, бепоён ўтлоқлар, жазирама, ўтлаб юрган мол-қўйлар, полизлар, пайкаллар, кўкатлар, ҳиди димоқни ёрадиган қовунлар, асаларилар ғужғон ўйнаётган итогиз гуллар, идиш-товоқларнинг жаранг-журунги, уёқ-буёққа сурилаётган стол-стулларнинг товуши, меҳмонлар гурунгги бир-бир хаёлидан кечди. Шулар тўғрисида ўй суриб ўтиаркан, назарида, камера сал ёришгандек, зулмат пардаси хиёл кўтарилгандек бўлди. Энди дўстлари тўғрисида, уни кутқариш учун қўлларидан нималар келиши ҳақида ўй сура бошлади. Беихтиёр адвокатлари ёдига тушди. Оббо, овсар-эй, нега уларни судга чақирмадим, деб афсусланди. Ахир, улар судда Қурбақани ҳимоя қилиш шарафига ноил бўлганидан бошлари осмон-

га етарди-ку! Охири ўзининг устамонлиги, тадбиркорлиги ҳам ёдига тушди: ақл-фаросатини ишга солса нима бўлади?.. У ширин хаёлларга берилиб, фам-ғуссани буткул унутди.

Орадан анча-мунча фурсат ўтгач, камерага назоратчининг қизи қайтиб кирди. Унинг қўлидаги мис чойгумда чой, ёғда қовурилган қатлама бор – қатлама қип-қизил қилиб пиширилган бўлиб, қатламларидан худди мумкатақдан оққан асалдек мой сирқиб турар эди. Қатлама ҳиди иштаҳани қитикларди. Курбақанинг кўз ўнгидага иссиққина ошхонаси, ўчоқли меҳмонхонаси гавдаланди: оёққа суйкалаётган мушук эркаланиб миёвлайди, қафасдаги канарейка оҳиста сайрайди. У ўрнидан туриб, ўтирди: кўзларини артди ва қатламадан бир бурда олиб оғзига солди, хинд чойидан хўплади. Бир оздан кейин тилига тушган тушов ҳам ечилди: ўзи ҳақида, туриш-турмуши, дўстлари, обрў-эътибори тўғрисида тўлқинланиб сўйлади.

Назоратчининг қизи фаросатлигина эди: мундоқ синчиклаб разм солса, нон-чойдан кўра, сухбат Курбақага кўпроқ наф бераётир. Шу боис:

– Ҳовли-жойингиз тўғрисида гапириб беринг! – деб карашма қилди.

– Бизнинг кошонамиз Буюк Британия оролида яккаю ягона. Эҳтимол, бунақаси Оврўпада ҳам то-пилмаса керак! Барча қулайликларга эга! – деб гердайди Курбақа. Иморатнинг асосий қисми XIV аср услубида қурилган, аммо замонавий технология ютуқлари билан зийнатланган. Ибодатхона, почтахона бир қадам. Спорт майдончаси ҳам бор.

– Ву-уй-й, мунча яхши! – деди қўлларини чапак қилиб оёқлари орасига тиқар экан назоратчи-

нинг етилган арзандаси. – Лекин, мен ҳовлингизни узок муддатга ижарага олмоқчи эмасман, ўзингизга буюрсин! Хўш, кани, давом этинг-чи! Йўқ, шошмай туриңг, мен ҳозир яна иссиқ чой билан қатлама келтираман!

Қиз дикир-дикир сакраб ташқарига чиқиб кетди-ю, дам ўтмай чой, қатлама келтириди. Қурбақа қатламани буклаб-буклаб оғзига тикди, устидан чой ичди. Корни тўйгач, хийла кучга тўлгандек хис этди ва қайиқ турадиган бандаргоҳ, балиқ боқиладиган ҳавза, қадимий девор билан ўралган полиз, чўчқахона, отхона, молхона, капитархона, товуқхона, кирхона, чинни идишларга лиқ тўла буфет, кийим-бош жавони (бу айниқса қизга жуда ёқди), зиёфатхона, меҳмонхона, ётоқхона, ётоқхонадан тўғри кириладиган ҳаммомга, ўйинкулги тўғрисида завқланиб ҳикоя қилиб берди. Охирида ашула айтиб юборди. Кейин қизиқ-қизиқ латифалар сўйлади. Хуллас, мириқиб кўнгил чигилини ёзди. Кези келганда қиз унинг дўст-ёрлари ҳақида сўраб-сuriштириди. Ажаб-ажаб ҳикояларни жон қулоғи билан эшилди. Қиз ҳайвонларнинг қўлга ўргатилганини кўпроқ яхши кўрарди. Аммо, бу тўғрида гапириб ўтирмади. Чунки Қурбақанинг иззат-нафсига тегиб қўйиши мумкин эди. Кетиш олдидан қиз Қурбақанинг остига похол тўшаб берди, кўзани тоза сувга тўлдириб келди. Хайрхўшлашаётган пайтларида Қурбақа илгаргидек қувноқ, мағрур бўлиб қолган эди. У зиёфат чоғи айтадиган қўшиқлардан бирини димоғида хиргойи қилганча похол устига чиқиб кулча бўлиб ётди ва бирпасда донг қотиб ухлаб қолди. Ширин тушлар кўрди.

Хибсхонадаги ғамгин кунлар ўзаро қызғин сұхбатлар билан ўта бошлади. Қурбақанинг аянчли қисмати бора-бора назоратчининг қизини жиддий ташвишлантиради. Унинг назарида арзимас бир жиноят учун бечора махлұқнинг азоб чекиб, қамалиб ётиши Англиядек демократик мамлакат учун жуда-жуда шармандали ҳол эди. Қурбақа бўлса, борган сари ўзига бино қўйиб, гердайишни канда қилмасди. Қизнинг муносабатини ўзича талқин қилишга уринарди: қизи тушмагур, нихоятда дилбар эди; боз устига, ўлгудек севиб қолганди, шартта уйланиб қўя қолай деса, ўргада ер билан осмонча ижтимоий тафовут бор... Ана шу нарса Қурбақани кўп диққат қиласди.

Навбатдаги учрашув чоғи қиз одатдагидан кўра хийла паришон кўринди. Қурбақанинг саволларига ҳам пойинтар-сойинтар жавоб қайтарди. Ҳатточи, ҳазил-хузуллар мутлақо ёқмади.

– Қурбақа, гапимга қулоқ солинг, – деди қиз бир пайт. – Қамоқхонада кир-пир ювиб юрадиган битта холам бор.

– Хўш-хўш? – деди Қурбақа қизиқсиниб. – Нима бўпти? Кир ювса юаверсин, тирикчиликнинг айби йўқ. Менинг холаларим ҳам кир ювиб рўзғор тебратишади.

– Шошмай турсангиз-чи, мунча маҳмадона бўлмасангиз! – деди қиз қошларини чимириб. – Хуллас, ўша холам мухбусларнинг кирларини ювади. Душанба куни эрталаб кирларни уйига олиб кетади, жума куни кечга яқин олиб келади. Бугун пайшанба. Мана, мен нимани ўйлаб ўтирибман: сизда пул бор, бойсиз – бойман деб қулоқ-миямни еб қўйдингиз-ку, тўғрими?! Холам эса нихоятда камбағал. Сиз

унга оз-моз пул берсангиз, мол-дунёингиз камайиб қолмайди. Шу баҳонада унинг күнглини топасиз, келишасизлар-да! У сизга кўйлак, рўмол беради. Сиз эса кирчи хотин қиёфасида бу ердан чиқиб кетасиз, вассалом! Ҳеч ким билмайди, чунки қадди-коматингиз жуда ўхшайди.

– Бекорчи гап! – деди Қурбақа жаҳли чиқиб. – Менинг қадди-бастим жудаям келишган, хўпми! – дея хурмача юриш қилиб кўйди.

– Холамникиям хушбичим! Уни бироров хунук деяптими? – деди қиз аразлаб. – Э-э, боринг-э, билганингизни қилинг! Ношукур! Мен яна жон куйдирив ўтирибман-а!

– Дарров хафа бўляпсизми? Нима дедим, ахир! Раҳмат, миннатдорман! – деди Қурбақа шоша-пиша. – Лекин гап шундаки, Буюк Британияга донғи кетган жаноб Қурбақа қандайдир кирчи хотин қиёфасида кўчада юрса ва бирорта таниш-билишни учратиб қолса, нима бўлади?! Мен нима деган маҳлук бўламан?! Бу ёғини ҳеч ўйладингизми?!

– Ундей бўлса, азизим, шу ерда чириб-сассиб кетгунча ўтираверинг! Менга нима! – деди қиз шартакилик билан.

Қурбақа ўз хатосини дархол бўйнига олди.

– Сиз оқиласиз, меҳрибонсиз! – деди у тўлқинланиб. – Мен-чи, ўз фойдасини билмайдиган битта овсарман, холос. Қўйинг, овсардан ҳам гина қилиб ўтирасизми!.. Майли, мен рози, мен кўндим... Холангиз билан қачон учрашамиз?

– Бу энди бошқа гап! – деди қиз жилмайиб. – Бўпти, эртагача хайр!

Эртаси куни қиз Қурбақанинг камерасига кирчи холасини эргаштириб келди. У ўзи билан сочиққа

ўроғлик кийим-бош келтирган эди. Кампир учрашувга олдиндан ҳозирлик кўрган эди. Улар узоқ мунозара қилиб ўтирмадилар: тадбиркор Қурбақа стол четига териб қўйган тилло совғалар учрашув тақдирини бирпасда ижобий ҳал қилди-кўйди. Қурбақа кампирнинг чит кўйлагига, фартугига, шол рўмолига, увадаси осилиб қолган сийнабандига эга бўлди. Кампирнинг охирги шарти шундан иборат бўлдики, энди унинг оғзига латта тиқиб, қўл-оёғини боғлаб, бир бурчакка ётқизиб қўйиш лозим эди. Чунки кампир қайсиdir сийقا романда айнан мана шунақа эпизодни ўқиган экан. Бу хийланайранг Қурбақани қойил қолдирди: у назоратчининг қизига ўз холасининг оёқ-қўлини боғлашга жон-жон деб ёрдам берди. Шундай қилинмаса, кампир бечора жиноий жавобгарликка тортилиши ҳеч гап эмасди.

– Қани, энди сизнинг навбатингиз: устингиздаги кийим-бошни ечиб ташланг! – деб амр қилди қиз.

Киз кула-кула холасининг чит кўйлагини унга зўрға кийдирди; тумаларини қадади, сўнг шол рўмолини елкасидан ташлаб, кўкрагидан айлантириб боғлади; сийнабандга хожат бўлмади-ю, аммо чепчикни бошига қўндириб, резина кулокчинларини тортиб, ияги остидан боғлаб қўйди.

– Холагинамнинг ўзгинаси бўлдингиз-ку! – деб қиқирлаб кулди назоратчининг қизи. – Оқ йўл, омадингизни берсин! Сизни буёққа қайси йўлдан бошлаб келишган бўлса, ўша йўлдан кетинг. Агар бирортаси гап отса, ҳартугул, эркак зоти итмижоз бўлади – кампирларга ҳам илиқаверадилар, уларга парво қилманг, тўғри юринг, алангламанг!

Курбақанинг юраги така-пука бўлаётган эса-да, лекин қизга сир бой бермасдан дадил қадам ташлаб йўлакка чиқди ва шундагина англадики, ниҳоятда хатарли ишни бошлаб қўйибди! Шукрки, дастлаб ҳаммаси хамирдан қил суғургандек осон кечди: ҳатто сал-пал уялди, чунки бу ишларда аёлларнинг улуши бор эди – танба урилган, қулфланган эшиклар чит кўйлак кўриниши билан дарҳол ланг очиларди. Курбақа андак каловланиб қолса, нариги эшик ёки дарвоза олдида турган соқчи ўзи чақириб қоларди, йўл кўрсатарди, кружкасидаги чойдан ҳўплаб-ҳўплаб, ҳайҳайлаб, бўл-чи, бўл, деб қисталанг қиласарди.

– Нима, битта сени деб дарвоза ёнида кечаси билан ўтириб чиқаманми! – деб дағдаға қиласардилар.

Баъзан кўзига қон тўлган соқчи «кампир»ни секин бурчакка қисмоқчи бўларди: шуниси хавфли эди. Чунки буни асло ҳазил деб бўлмасди, қипқизил ахлоқсизлик эди, холос. Бироқ, Курбақа ўзини қўлга олишга, шароит билан ҳисоблашишга мажбур: шунинг учун кирчи хотин товушига мос равишда қарғаниб қўяр, шилқимни силтаб ташларди.

Қамоқхонадан чиқиладиган сўнгги дарвозага етгунча гўё бир йил йўл юрди ўзиям. Боз устига, қоровулхонада қарта ўйнаб ўтиришган сокчилар:

– Онахон, қани, қулбамизга марҳабо! Бир пиёла майимиз бор! – дейишиб тихирлик қилдилар.

Аммо, уларнинг шалоқ гап-сўзларига эътибор бермади: ҳатто қулочини ёзиб, чотини кериб турган охирги соқчининг зам-замалариға ҳам парво қилмади – шундоққина қўлтиғининг остидан

ўтиб кетди. Дарвозадан лип этиб ташқарига чиқди. Унинг орқасидан қамоқхонанинг оғир дарвозаси фийқ этиб ёпилди. У озодликка чиққан эди.

Курбақа қалтис вазиятдан осон қутулганига шод эди. Энди нима бўлишини хаёлига ҳам келтирмасди. Алвон чироқлари ялтираб турган шаҳар томон жадал борарди. У бир нарсани аниқ билардики, агар хавф-хатардан халос бўлишни истаса, гавжум жойлардан тезроқ жуфтакни ростлаши лозим. Ана шундай ўй-хаёллар билан кетиб борар экан, шаҳар чеккасида лов-лов ёнаётган гулхан диққатини жалб этди. Унинг қулоғига паровоз чинқириғи, вагонларнинг «шарақ-шуруқ» этиб уланиши эшитилди.

– Ох, иш ўнгидан келса, ҳеч гап эмас! – деди ўзича мамнун бўлиб. – Ҳозир менга темир йўл бекатидан бошқа нарса керакмас. Бахтимга, бекатга бориш учун шаҳар оралаб санғиб юрмайман энди!

У бекатга борди-ю, шоша-пиша жадвални кўздан кечира бошлади: ярим соатдан сўнг уйи тарафга битта поезд жўнар экан.

– Ошиғим икки марта олчи тушди, яшасин! – деб қувониб кетди Қурбақа ва патта олиш учун кассага югурди.

Касса туйнугига оғзини тираб туриб, Қурбақа ўз уйига яқин жойлашган битта қишлоқнинг номини айтди ва пулинни олиб узатиш мақсадида ҳеч иккиланмай нимчасининг чўнтағига қўлини тиқди... Ие, чўнтақ тўсиқ эди; э-э, каллаварам, ахир бу кирчи кампирнинг чит кўйлаги-ку! Қурбақа бир илож қилиб чўнтақка қўлини тикиш учун яна бир бора жиддий уриниб кўрди, лекин... Бу орада навбатда турган йўловчиларнинг сабр косаси тўлди: бирин-кетин жағлар ишга тушди – бекор турган-

дан кўра, гап отиб, биронинг тъбини хира қилиб турган яхши-да!.. Ахийри Қурбақа не мўъжиза юз бердики, қўлини чўнтақка тиқди: тиқди-ю, лекин чўнтақка эмас, бўшлиққа тиқибди! Ие, чўнтақ қани? Дарвоқе, чўнтақ нимчада эди. Хўш, нимча қани?.. Оббо, падарингга лаънат-эй! Энди эсига тушди: нимчаси камерада қолибди-ку! Ҳамёни ҳам нимча чўнтағида эди. Ҳаммаси камерада қолибди: калитлар, гугурти, соати, ёндафттарчаси, ҳисобкитоб дафтари, бари-бари энди йўқ.

Чорасиз қолган Қурбақа нокулай вазиятдан кутулиш учун қиёфасига жиддий тус берди ва аслзода зиёлиларга хос оҳангда кассирга:

– Менга қаранг, пулим ҳам, ҳамёним ҳам уйда қолибди. Илтимос, иложи бўлса, битта патта берсангиз. Пулини борган заҳотим жўнатиб юбораман. Каминани Буюк Британияда яхши танийдилар, – деди.

Кассир унга разм солди-ю, бошидаги алмисоқдан қолган қулоқчинга кўзи тушиб, пиқир-пиқир кула бошлади ва аранг ўзини босиб:

– Гапларингизга асло шубҳаланмайман, хоним! – деди. – Қолаверса, биринчи марта шунақа қилиқ қилаётганингиз йўқ. Марҳамат, туйнукни бўшатиб қўйинг, бошқаларга халақит берманг!

Қурбақадан кейин навбатда турган мўйсафидинг тоқати тоқ бўлди, шекилли. У астойдил Қурбақани нарига итариб юборди. Итаргани майли, лекин жўрттага «азизам!» деб қўйди пичинг аралаш. Қурбақанинг ғазаби қайнаб кетди-ю, аммо ўзини босди.

Ниҳоятда умидсизланган Қурбақа перронда вагонлар ёнидан ўтиб борар экан, бурнининг икки

тарафидан тинимсиз күз ёшлари оқарди. Унга энг алам қилган жойи шу бўлдики, озиб-ёзиб қамоқдан қутулиб чиқсангу уйинг поезда бир қадам бўлса-ю қандайдир ярамас расмиятчилик оқибатида, арзимаган беш-тўрт сўмни деб ҳеч қаёққа кетолмасанг-а! Ҳадемай, унинг сири фош бўлади: ана ундан кейин катта томоша бошланади! Қувакув, ушла-ушла, қоча-қоч... Уйим куйди деявер, Қурбақа! Яна киshan, яна зиндон, бир бурда нонгаю бир қултум сувга кўзларинг ниғорон бўлади. Қамоқхона муддати энг камида икки баробар узайтирилади, назорат ҳам икки хисса кучайтирилади – ана, қочиб кўр-чи! Энди нима қиламан, нетаман? Қочиб қаёққа ҳам борарадим, тез югурга олмайман. Жасадим таниш – Буюк Британияда мени ҳамма танийди... Энг камида битта сенаторча нуфузга эгаман. Шошма, балки бирорта вагоннинг эшигидан аста кириб олсам-чи? Баъзан ўқувчилар патта олишга пули қолмаган пайтлари вагондан-вагонга ўтишиб, манзилга омон-эсон етиб боришадику! Нима, мен улардан камманми?.. Қурбақа ўз хаёллари билан мубтало бўлиб, паровознинг шундоққина ёнига келиб қолганини ҳам сезмади. Мундок қараса, ғўлабирдай битта машинист паровоз ичидаги ўралашиб юрибди: унинг бир кўлида латта, бошқасида мойдан – паровознинг у ер-бу ерига эринмасдан ёғ суряпти.

– Момой, мунча хомуш кўринасиз? – деб сўради машинист бекорчиликдан.

– Э-э, сўраманг! – деб бирдан хўнграб юборди Қурбақа. – Пешонам шўр экан, болам! Худо урди мени! Пулимни йўқотиб кўйдим, энди кетолмаяпман! – деб баттар бўкириб йиғлай бошлади.

– Аттанг, яхши бўлмабди-да, эҳ, аттанг! – деди машинист бош чайқаб. – Пул бўлмаса, уйга кетолмасанг – бу жуда ёмон-да, ёмон! Кампир, чатоқ бўлибди, чатоқ! Бола-чақалар, невара-чеваралар борми ўзи?

– Ҳаммасидан бор, ўргилай! Ҳаммасидан бор! – деб кўз ёшларини енгларига артди Қурбақа-кампир. – Лекин, ҳаммаси шўх, доим гугурт ўйнашади! Чироқни тўнтариб юборишса борми,вой, уйим куяди-ку, уйим куяди! – деб баттаруввос солди.

– Назаримда, кирчи хотинга ўхшайсиз, тўғрими?

– Тўғри, – деб тасдиқлади Қурбақа.

– Бундок қиласиз, бўлмасам, – деб бирдан таклиф қилди кекса машинист, – мен машинистман, доим кир-чир юраман; жуфти ҳалолим бўлса киримни ювишдан безор бўлиб тез-тез отасининг уйига қочиб кетади... Хўш, деганда, устбошим кир юрса, майли-ку, лекин хотинсиз юриб бўлмайди. Хў-ўш, – деб иягини қашлади-да, давом этди: – Буниси ҳам майли, ҳозир гап бунда эмас. Гап шундаки, мен қонунга хилоф равишда сизни манзилга элтиб қўяман. Ёнимда кетаверасиз, аслида, бундай ҳол жиноят ҳисобланади, лекин овлоқ жойларда қонунни бузиш мумкин. Хуллас, холис хизматим эвазига сиз ҳам ҳожатимни чиқарасиз – яъни кирларимни ювиб берасиз? Розимисиз?

– Розиман, – деди Қурбақа шоша-пиша.

– Қолганини кейин кўрамиз, – деб илова қилди машинист маънодор.

Машинист будкасига чиқиши билан Қурбақағам-қайғудан фориғ бўлди. Албатта, умрида кирпир ювган эмас, бундан кейин ҳам ювиш ниятийўқ. Ишқилиб, ваъда берди – буёғи баҳайр бўлсин. Агар уйига омон-эсон етиб олса – бас, пули кўп; машинистнинг қанча кир-чири бўлса, ҳаммасини ювишга етиб-ортадиган миқдорда пул жўнатади – ўзи бирорта хотинни ёллаб кирини ювдириб олаверади. Унга нима фарқи бор, бари бир гўр эмасми? Балки, ўзининг хотинидан унумли фойдалангиси келиб қолар?..

Нихоят, бекат назоратчиси кичик байроқчани силкитди, шекилли, машинист қаттиқ-қаттиқ сигнал чалиб, унга жавоб берди ва поезд аста турган жойидан қўзғалди. Бепоён далалар, ўрмонлар, отлар, мол-қўйлар ортда қола бошлади. Қурбақа эса қадрдон гўшасига тобора яқинлашиб бораётганини ҳис қиласиди. Ётоқхонасидаги иссиқ кўрпаси, столдаги мазали таомлар, дўст-ёрларининг азиз қиёфалари кўз олдидан лип-лип ўтарди. Агар дўстлари унинг саргузаштларини эшитишса борми, роса офарин айтишади-да!.. Шуларни ўларкан Қурбақа бирдан завқланиб кетди ва иргишлиб-қийқириб, дикир-дикир сакраб чала-чулпа ашула айта бошлади. Машинист унга қараб ҳайрон бўларди, албатта. Чунки умрида анча-мунча кирчи хотинларни учратган бўлсада, аммо бунақасига биринчи марта дуч келиши эди.

– Жуда шўх кампир экансиз, – деб сирли кўзқисиб қўйди машинист.

Курбақа хўракка парво қилмади.

Анча масофа босиб ўтилди. Энди уйга бориб қандай овқат пиширтирган маъқул эканини жиддий ўйлаш керак. Дарҳақиқат, Қурбақа айнан мана шу

масала борасида жиддий бош қотирди... Ўй суришдан чарчаб, мундок кўзларини очса, машинист паровознинг четки дарчасидан энганиш, орқа тарафга ҳайрону лол бўлиб тикилиб-тикилиб қаарди, нимагадир синчиклаб қулоқ тутарди. Кейин у кўмири юкланган мослама устига чиқди-да, вагонларнинг тепасидан бўйлаб, яна орқа тарафни хийла кузатди. Жойига қайтиб тушаркан:

– Уф-ф, бошим қотиб қолди... Бир бало бўлди, шекилли, – деди гарданини қашлаганча. – Бугун хисобидан шу йўналишда қатнайдиган охирги поезд бизники эди. Жадвал бўйича шундай. Аммо, орқамиизда яна битта поезд изма-из келмаётган бўлса, отамнинг арвоҳи урсин! Ана, товуши ҳам эшитиляпти!

Ўз-ўзидан буриша бошлаган афт-башарасини Курбақа аранг эпақага келтириб олди. Аммо, умуртқада пайдо бўлган оғриқнинг оёқка тарқалишини тўхтатиб бўлмади, мадори қуриди ва:

– Буёғи нима бўлади? – деб пичирлади-ю, чўккалаб қолди.

Осмонда ой кўринди, атроф сутдек ёришиб кетди. Яна кўмирхона тепасига чиқиб, орқа тарафни кузатиб келаётган машинист:

– Ана-ана, энди аниқ кўриняпти! – деб қичқирди. – Битта паровознинг ўзи экан! Тезлиги катта. Чамамда, бизни қувлаб келяпти!

Ҳамон чўк тушиб ўтирган Курбақа талвасага тушиб, бошини чангаллади: зўр бериб бирор чоратадбир излай бошлади, лекин миясига асло жўяли фикр келмасди.

– Тезлигини янаем оширди! Ҳозир бизга етиб олишади! – хитоб қилди машинист. – Тавба, па-

ровознинг устига ҳам одамлар чиқиб олишибди! Лекин кўринишлари ғалати. Қадимги замонлардаги соқчиларгами, жаллодларгами ўхшайдилар – қўлларидағи ойболталарини силкитишаپти... Уларнинг орасида полициячилар ҳам бор, қўлларида дубулға. Эски-туски қозончаларни бошларига қўндириб олган тасқаралар нима қилиб юришибди?! Анави фуқаро кийимидағи исковичларни танидим. Улар исковичлар! Ҳў-ӯ, тўппончаларини бизга ўқталишаپти-ку! Ана, бакиришаپти: «Тўхта, деяпман, тўхтагин!» – деди машинист.

Курбақа машинистнинг оёғига ўзини таппа ташлади-да:

– Сиздан ўтинаман, мени қутқаринг! Майли, хизматкорингиз бўлай! Майли, хотинлик қиласай! Лекин, хотинлик қилолмайман! Чунки мен кирчи хотин эмасман, Қурбақаман!.. Мен сиздан ҳеч нарсани яширмайман. Ҳаммасини айтиб бераман, фақат мени қутқаринг! Ахир Буюк Британияда мени ҳамма танийди-ку! Жуда катта ер-мулким бор, Ҳиндистонда клублар очганман, Покистонда қиморхонам бор... Бироқ, тақдир экан, ўзимизнинг баҳти қаро мамлакатимизда қамалиб қолдим: бундан бир неча соат аввал авахтадан қочдим! Агар мени қўлга туширишса, яна зинданга ташлайдилар ёки пешонамдан отиб ташлайдилар! – деб юм-юм йифлай бошлади.

– Тўғрисини айтинг-чи, нима учун қамалган эдингиз? – деб сўради машинист унга қаттиқ тикилиб.

– Э-э, арзимаган иш, – деб қўл силтади Курбақа. – Мен галварс билмасдан бировнинг машинасига ўтириб қўйибман, эгаси овқатланаётган

экан, машина қаровсиз қолибди... Үғирлаш ниятим йүқ эди, факт бир айланиб келмоқчи бўлдим... Шўхлигим тутди, шекилли. Мен қайдан билай, суд бунақа ишларни қаттиқ қоралар экан...

Машинист жиддий ўйга толди.

– Тўғриси, жиддий қовун туширганга ўхшайсиз! Бўлмаса, қамашмас эди. Аслида, сизни ушлаб беришим керак. Лекин, эр бошига иш тушса, томошабин бўлиб туриш эркакка ярашмайди. Хў-ўш, машина-пашина билан бир пуллик ишим йўқ, ўёғи ўзингизга сийлов! Бироқ, паровозимда ўтирган чоғимда полициячилар ғиди-би迪 қилишса, тамом – жоним чиқиб кетади. Боз устига, жониворларнинг кўз ёшларини кўришга тоқатим йўқ, эзилиб кетаман! Курбака, сиз дикқат бўлманг: бўпти, ёрдам бераман! Қани, бизга етиб олишсин-чи!

Улар бир тану, бир жон бўлишиб, паровоз ўтхонасига кўмир ташлай бошлишди: кураклар тинмасди, ўтхона гуриллар, учқунлар чирс-чирс сачарар; паровоз эса пишқирганча шитоб билан елиб бораради. Айни пайтда орқадагилар ҳам бекор ўтиришмасди, чоғи. Борган сари ўртадаги масофа қисқаради.

Нихоят, машинист қоп-қора кир латта билан пешона терларини артиб, қаддини ростлади-да:

– Қочиб кутулиб бўлмайди, шекилли, – деди ғамгин товушда. – Уларнинг юки енгил, паровозлари ҳам бизникидан кучли. Энди бошқа бир йўли бор. Гапимга яхшилаб қулоқ солинг: яна озгина юрсақ, узун туннел келади. Ундан нариси қалин ўрмон. Туннелга кираверишда иложи борича тезликни пасайтираман. Ўз-ўзидан равшанки, орқадагилар ҳам ҳалокатга учрамаслик учун тезликни пасайтиради-

лар... Туннелдан чиқишимиз баробарида тормозни босаман – тезлик ниҳоятда пасаяди, шу пайт сиз пастга сакрайсиз ва тўппа-тўғри ўрмонга тушасиз. Ундан сўнг, тек қўйинг, қанча керак бўлса, қанча хоҳлашса, мени қувлашаверсин! Диққат-диққат, сакрашга тайёр бўлиб туринг! – деб огоҳлантириди у.

Ўтхонага яна кўмир ташладилар. Поезд туннелга кирди. Паровознинг пишқириши, вагонларнинг тарақ-туруқ товуши кучайди. Токи сутдек ойдин, топ-тоза, осуда ўрмонзорга чиқилгунча шовқин-сурон қулоқ-мияни еб қўйди. Машинист буғни беркитиб, тормозни босди. Қурбақа паровознинг нарвонидан пастга туша бошлади. Поезд тезлиги оддий одамнинг қадам ташлашига тенглашдию:

– Энди сакранг! – деб қичқирди машинист.

Қурбақа бир сакраб унча баланд бўлмаган кўтарма устига юмалаб тушди. Сўнг дарҳол оёққа турди-да, ўрмон ичкарисига ўзини урди. У буталар орасидан кўрдики, поезд тезликни кучайтириб, бурилишдан кейин ғойиб бўлди. Шу ондаёқ пишқириб, чийиллаганча туннелдан иккинчи паровоз отилиб чиқди. Паровоз устидаги курама гуруҳ бор овозда:

– Ҳай-ҳай, тўхта! Тўхта, дейман, тўхта! – деб бўкиришарди.

Бу лаққилар ёнгинасидан ўтиб кетган заҳоти Қурбақа қамоқхонадан халос бўлганидан кейин биринчи марта мириқиб қаҳқаҳа отди. Бироқ, қорнини чангаллаб думалаб ётишга унинг вақти зик эди. Қоронғи туша бошлаган, ўрмон совукроқ эди. Боз устига, у бегона; қоринга на озиқ-овқат, на пул бор. Дўстлари эса олисда. Дам ўтмай, паровозларнинг

товуши ҳам, гумбур-гумбури ҳам тинди. Ўрмон жимжит эди. Дастрлаб, Қурбақа хийла гарангсиб қолди. Бирорни учратиб қолишдан ҳайиқиб ўрмон ичига қараб кетди. Ҳозир иложининг борича темир йўлдан узоклашмоқ лозим эди.

Қамоқхонада ўтказилган дамлардан сўнг соқин ўрмон ҳам унга шубҳали кўринарди, худди ёвуз бир ниятни режалаштириб турганга ўхшарди. Тентакқушлар тинмай шовқин-сурон кўтаришарди. Гўё ҳар бир дараҳтнинг панасида биттадан соқчи пойлаб тургандек, ҳозир ҳаммаси ёпирилиб чиқишиб, уни қуршаб оладигандек туялар эди. Пастлаб учган Бойқуш қанотлари унинг елкасини елпиб ўтди-ю, Қурбақанинг нақ ўтакаси ёрилди: кимдир уни шартта ушлагандек бўлди, ўзиям эсхонаси чиқиб кетди! Манфур Бойқуш эса масхаралаб, «ха-ха-ха» қилиб ғойиб бўлди. Бир пайт Қурбақа кўзини катта очиб мундок қараса, йўлнинг устида Тулки чўнқайиб ўтирибди. У Қурбақани бош-оёқ синчиклаб кўздан кечирди-да, ишшайганча:

– Салом, кирчи хотин! Ҳисоблаб кўрсам, ўтган хафтада бир пой пайпоқ, битта ёстиқжилд кам чиқди. Билиб қўйгинки, яна қаллоблик қиласиган бўлсанг, қўлгинангни уриб синдираман! – деди тишларини ғичирлатиб.

У шундай деди-ю, Қурбақага қараб яна бир марта совуқ тиржайди. Сўнг лик-лик этиб оёқ учида жўнаб қолди. Унинг юришлари шаҳарлик сатанг жувонларни эслатарди. Қурбақа унинг кетига боплаб солиш учун чор-атрофдан тош қидирди, лекин тополмади. Ўзича жиғибийрон бўлди.

Излаб-излаб Қурбақа битта қари дарахтнинг кавагини топди: у ерга хас-хашак, хазон тўшади ва оч-наҳор бўлишига қарамасдан аста чўзилди. Ўзиям ўлгудай чарчаган экан-да, эрталабгача донг қотиб ухлади.

IX б о б

ҲАММАМИЗ ҲАМ ДАРБАДАР

аммо ўз уйига зор!

Каламушнинг юраги нимагадир ғаш, нимагалигини ўзи ҳам билмасди. Далалар кумуш либосга бурканган, маймунжонлар қизариб пишган, ўрмонга хазонрез оралаган бўлишига қарамай, ҳали ёз фасли авжида, ҳаво иссиқ, осмонда қуёш чараклайди, ҳозирча аёзли тунлар бошланмаган эди. Фақат боғ-роғларда қушларнинг жўровоз хониши камайиб қолган бўлиб, фаслнинг фарқига бормайдиган айрим қушларнинг овози эшитиларди, холос. Ҳаммаёқни қарға босиб кетди, атрофда хижрон кайфияти хукм сурарди. Каккулар товуши анчадан буён эшитилмас, табиат фусункори бўлмиш бирталай қанотли дўстлар кўринмай қолди. Кунсайнин саодатли дамлар узоқлашиб бораради.

Фикри-зикри осмонда бўлган Каламуш учеб ўтаётган қушлар галасини кузатарди, уларнинг кўпчилиги жануб томон кетаётганини кўриб турарди. Ҳатто тунлари кўрпага бошини ўраб ётган чоғларида ҳам қушлар инларида безовталанаётганини, ҳар лаҳзада учеб кетишга тайёр эканликларини илғаб қоларди.

Табиат меҳмонхонаси ҳам мавсумий эди. Шунга кўра, меҳмонлар лаш-лушларини шитоб билан

йиғиштиришиб, ижара ҳақини тұлашиб жүнаб қолардилар. Жамоат овқатланадиган дастурхон атрофи тобора сийраклашарди. Кимсасиз хоналарга қулф осилади. Полға түшалған гиламлар йиғиштириб олинади. Хизматчиларга жавоб берилади. Яңги мавсумгача меҳмонхонада қишлийдиган турғун ижарачилар ҳам умумий оқымдан четда қолмайдилар. Таниш-билишлари билан хайр-хўшлашадилар, режа тузадилар, маслаҳатлашадилар, иссиқроқ хоналарга кўчиб ўтадилар.

Бундай пайтда бошинг қотади, беихтиёр асабийлашиб, маъюс тортиб қоласан. Ҳамма нарсадан норози бўлаверасан. Хўш, бу ғавғоларнинг нима кераги бор? Одамлар каби бир жойда муқим яшаш мумкин эмасми? Ахир, шу ерда ҳам бир умр яшаш мумкин-ку? Мавсум охирида меҳмонхона ўзгача файзга киришини булар қаёқдан билсинлар! Бирор марта мавсум охиригача турганларида-ку, албатта, билардилар. Балки, ўшанда: «Гапларингиз мутлақо тўғри! Бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ!» дейишарди. Ҳозир эса фақат битта гапни топиб олишган: «Сизларга ҳавасимиз келади, лекин иложимиз йўқ-да! Бошқа фурсат бўлиб қолар. Худо хоҳласа, келаси йили, албатта, учрашамиз! Ҳозир вақтимиз зик, автобус кутиб турибди...» Шундай дейишади-да, табассум ила бош эгишиб, жуфтакни ростлайдилар! Сиз бўлсангиз, бармоғингизни тишлаб қолаверасиз. Қай ахволга тушганингизни фақат ўзингиз биласиз.

Каламуш ўтроқлашган жонивор, у кўчманчи эмас. Ким кўчса – кўчаверсинг, аммо у ҳеч қаёққа кетмайди, шу ерда муқим яшайди. Бироқ, атрофида рўй бераётган воқеалар негадир юрагини ғаш

қиларди. Бундай кўча-кўч, ур-сур кезлари бирорта ишга қўлинг бормайди... У қамишзор соҳилни тарк этди, бепоён далалар томон йўл олди. Қовжираган яйловларни ортда қолдирди. Кумушдек товланаётган, солланиб, сирли шивирлаб турган сербошоқ буғдойзор қаърига шўнғиди. Мана шу ерларни тез-тез кўнгли тусаб қоларди. Буғдойзор шитирлатиб чопиб юришнинг гашти бўлакча бўлади! Ҳатто бошинг узра тип-тиниқ осмон ҳам ўзгача кўринади. Гоҳ ғир-ғир шабада эсади, гоҳида қўрғошиндай оғир сукунат чўқади. Бундан ташқари, миттивой ошналари ҳам бирталай. Улар ялқов, бекорчихўжалар эмас, мудом турмуш ташвишлари билан андармон бўладилар. Бечоралар тиним нелигин билмайдилар, лоақал бир дақиқа кети ер искамайди: доим қимир-қимир, ғимир-ғимир... Бироқ, керак бўлса, гап сотишга ҳам, кўнгиллари тусаган меҳмонни чақириб, зиёфат беришга ҳам фурсат топадилар. Бугун эса ишлари бошларидан ошибб-тошиб ётибди: қўпчилик бир тану жон бўлиб, ўра қазирди. Қишда bemalol юриш учун лаҳим кавларди, баъзилари бир жойга ғуж бўлиб олишиб, бўлажак маконнинг тарҳини-режасини жиддий муҳокама қиласдилар. Дарҳақиқат, яшаш жойинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлади. Омбор ҳам қўл узатса етадиган жойда бўлиши керак... Баъзи чаққонбойлар чанг ўтириб қолган жомадонларни, кутиларни ташиб келтиришарди. Бошқалар эса қўли қўлига тегмай кўч-кўронни йиғиштириш билан овора. Қаёққа қараманг, қишига ғамланган буғдой, сули, арпа хирмонларига кўзингиз тушади. Ёнғоқларнинг ўн хилидан сараланганди: қора қайнин ёнғоги, ўрмон ёнғоги, тош ёнғоқ, кампир ёнғоқ, юқа пўчоқ ёнғоқ,

ҳатто юонон ёнғоги ҳам бор! Уни албатта, бирорта бизнесмен Юнонистондан олиб келган бўлиши керак.

– Ана, Каламушжон ҳам келдилар! – деб овоза қилди бирори меҳмонга кўзи тушган заҳоти. – Қадамларига ҳасанот, Каламушжон! Зап вақтида келдингиз-да! «Ёш келса – ишга», дейдилар, қани, ўзингизни би-ир кўрсатинг-чи!

– Оббо, ҳозирдан ногора қоқяпсизларми! – деди қовоғини осилтириб Каламуш. – Ҳали қиш келишига жуда эрта эмасмикан?

– Тўғри, сал эртароқ. Лекин, кейин пушаймон қилиб ўтиргандан кўра, ҳозирдан ҳаракат қилган афзал, – деб изоҳ берди дала сичқони. – Бундан ташқари, эрта-индин даҳшатли машиналар тартар этиб бостириб келишади: қулоқ-мияни еб қўяди. Вақт ғаниматида ашқол-дашқолларимизни, қишлоғимизни бир ёқлик қилиб олмасак бўлмайди. Ҳозир бирорвнинг ғамини ейдиган замон эмас, бозор иқтисодига ўтиляпти – ҳамма ўзим бўлай дейди, кўрпанинг кўпроқ қисмини ўз устига тортади. Агар кеч қолсак, барча яхши ерларнинг эгаси чиқиб қолади, ха! Шу учун бекор ётгандан кўра, бекор қимирлаган маъқул, шекилли. Яна қайдам, бу ҳам бир омади гап-да!

– Омади гап эмиш! – деб пичинг қилди Каламуш. – Омади гап бунақа бўлмайди! Ахир, кунни қаранглар, кунни! Бунақа ажойиб кунларда қайик-пайиқда сайр этиб, ўйнаб қолиш керак. Иш қочиб кетармиди? Бугун битмаса, эртага битади-да!

– Афсус, жўражон, афсус! – деб бош чайқади Сичқонбоши. – Бугун-эрта асло бўш вақтимиз йўқ. Ўзингиз кўриб турибсизки, боладан-чақага

уриниб ётибмиз... Ҳатто қироличамиз туғилган кунини ҳам бунчалик уюшқоқлик билан нишон-ламас эдик!

Каламуш норози қиёфада шартта орқасига бурилди-да, шитоб билан уч-тўрт қадам ташлади, аммо бош кийимлар қутисига туртиниб, ағдарилиб тушди, ётган жойида қаттиқ сўкинди:

– Э-э, бошингга фалон қилай! – деди у.

– Кўзга қараб юриш керак-да, дўстим! – деб гап қотди Сичқонбоши хўмрайиб. – Фалокат оёқ остида бўлади. Шунинг учун кеккайиб, осмонга қарамасдан оёқ остига қараб юриш лозим. Ҳушёр бўлинг, нарида тўрвалар бор! – деб огоҳлантириди. – Яххиси, дамингизни олиб ўтирамайсизми? Бизнинг ишимиз ҳам тугайди, ахир!

– Гайрат-шижоатларингга қараганда, Милод байрамигача ишдан бўшамайсизлар, чоғи, – деб тўнғиллади Каламуш ва ҳеч нарсага қарамасдан жўнаб кетди.

У қадрдон дарёсига таъби тирриқ бўлиб қайтиб келди. Садоқатли кўхна дарё на кўч-кўронини йиғишиди, на учишга шайланади, на қочишга ва на қиши ғамини ейди!.. Каламушнинг юzlари сал ёришиб, тиржайди ва соҳилдаги тол шохида ўтирган қалдирғочни тасодифан кўриб қолди. Сал ўтмай, қалдирғочлар бир-бирининг атрофида парвона бўлишарди, бири учиб-бири қўнар, сўнг чуғур-чуғур қилишиб, ниманидир қизғин муҳокама этишарди.

– Нима, аллақачон? – деб қичқирди Каламуш уларга яқинроқ бориб. – Нима шошилинч экан? Сизларни бирор қувляяптими? Ёки бирор нарсадан қуруқ қоляпсизларми? Гапни қаранглар-a!

– Жаноб, бизга гапиряпсизми? – деб сўради биринчи Қалдирғоч ҳайрон бўлиб.

– Ҳа, сизларга айтяпман!

– Ие! – деб шерикларига юзланди Қалдирғоч. – Бировларнинг гапига қулоқ солиш уят эмасми, жаноб?

– Эр-хотиннинг маҳрам гапларига қулоқ солиш уят бўлади. Лекин, бошқаси уят бўлмайди! – деб чўрт кесди Каламуш.

– Вой, бу Америка кашф этилган пайтда топилган қонунми ёки иштонсиз юрадиган ҳиндуларнинг ахлоқ-одоб қоидасими?! – деб пичинг қилди биринчи Қалдирғоч.

– Ке қўй, у билан баҳслашмайлик! – деди иккинчиси.

– Баҳслашмоқчи бўлмасаларинг, нега саволимга жавоб бермадиларинг?! – деб дағдаға қилди Каламуш.

Биринчи Қалдирғоч пиқ этиб кулиб юборди.

– Саволингизга жавобимиз шуки, биз ҳали ҳеч қаёққа кетаётганимиз йўқ, – деди босик товушда иккинчи Қалдирғоч. – Биз шунчаки маслаҳатлашиб ўтирибмиз, холос. Кенгашли иш – тўзимас, дейдилар. Ахир, қайси томонларга кетишимизни, қаерларда тўхтаб ўтишимизни, тахминан, келишиб олишимиз керакми? Акс ҳолда, сайр-саёҳатнинг маъниси қайда қолади?

– Маъниси?! – деб елка қисди Каламуш. – Ҳали сизларнинг сайр-саёҳатларингда маъни бормикан?! Иссиқ бағридан жой берган, бошпана берган юртни, дўстларни бир пулга олмасдан, ҳайё ҳуйт, деб кетасизлар-у, яна маъни деб дод-вой қиласизлар! Шундоқ экан, бекорга сафсата сотиб ўтиришдан не

фойда? Менга, ҳеч бўлмаса, шуни тушинтириб беринглар!

– Тушунмаяпсиз, – деб нолиди иккинчи Қалдирғоч. – Қандай тушинтирсам экан-а, ҳайронман?! Биласизми, баъзан бир жойга кўнгил қўямиз, меҳр қўямиз. Кейин ширин хотиралар тинчлик бермай қўяди, жуда ширин хотиралар! Биринчи-иккинчи-учинчи муҳаббатимиз бирин-кетин хаёл кўзгусидан ўта бошлайди, кечалари ухлолмай, охвоҳ қилиб чиқамиз... Хўш, бундай пайтда нима ҳам қила олардик, қўлимиздан ёки қанотимиздан нима келарди?! Бир-биримизнинг оғзимизни пойлаймиз, тиқ этган товушга илҳақ бўлиб, қулоқ тутамиз... Таниш ҳидлар, ажаб ошёнлар дилимизни ўртайди, юрак қурғур ҳам ўша томонларга талпинаверади...

– Ҳеч йўқ, битта қиши шу ерда ўтказингларчи! – деб таклиф қилди Каламуш. – Қолсангизлар, боримизни ўртада баҳам кўрадик, ҳеч нарсамизни аямас эдик. Сизлар ҳам кетиб қолсаларинг, бутун борлиқ ҳувуллаб қолади, ахир!

– Ростини айтсам, бир марта мен шу ерда қишилагани қолганман, – деб сухбатга аралашди учинчи Қалдирғоч. – Қавм-қариндошларим кетдилар, мен қолдим. Дастреб, ҳаммаси кўнгилдагидек кечди. Аммо, кейинчалик тунлар шунақаям узайиб кетдики, асти сўраманг! Боз устига, ҳаво совуқ, рутубатли, йилт этган қуёш кўринмайди. Дала-тузда оғизга солгудек озуқа учрамайди, очдан ўлишимга бир баҳя қолди. Охири «бор-э!» дедим-у шартта жанубга жўнаб юбордим. Бўлмаса, тарашадек қотиб қолишим ҳеч гап эмасди. Баҳтимга, шимолдан эсаётган кучли шамолга йўналишим мос тушиб қолди – қанотимни ёзиб, ухлаб кетавердим. Лекин

ўшандаям Ҳимолайми, Ғумалайми деган тогни ошиб ўтаётганимда шунақанги қор довонларига дуч келдимки, бунақасини етти ухлаб тушимда ҳам кўрмагандим! Йўл юриб, йўл юрсам ҳам мўл юриб, ахийри, кўм-кўк кўл сатҳига, илиққина водийга етиб борганимда онадан янги туғилгандай бўлдим. Ўтган кунларни энди унутиб бўларканми! У кунларни елкамнинг чуқури кўрсин! Ундан кунларни қайтадан бошимдан кечиргандан кўра, террорчиларга қарши ғазовотда шахид бўлиб кетганим минг марта афзал!.. Биз жанубга кетамиз, жанубга!

– Ҳа, жанубга кетамиз! Жанубга салиб юриши қиласиз, – деб баробарига чуғурлашди қалдирғочлар. – Эсингдами, илк бор учрашув...

Улар «илк учрашув» тафсилотларини шунақаям берилиб таърифлай бошладиларки, сал нарида Каламуш турганини пақкос унудилар. Каламуш эшитаётганиларига асло ишонгиси келмасди, оғзи ланг очилиб қолган эди. Туйқусдан шу пайтгача қалбининг туб-тубида пинҳон бўлган аллақандай сирли ҳис-туйғулар ғимирлай бошлади: жанубпаст қушларнинг бепарда ҳикоялари унинг асов тойчоини жунбишга келтириб юборди. Энди қалбидагалаён кўтарилди: у ҳам умрида бир марта жанубга борса борибди-да, илк учрашувнинг хушбўй атридан маст бўлиб ётди... Орадан анчамунча фурсат ўтгач, кўзларини очиб теварак-атрофга аланглади: дафъатан, қаерда эканини англай олмади. Англаб етгач эса, дарё ҳам, кўм-кўк далалар ҳам кўзига шунақаям шумшук, хунук кўриниб кетдики, ҳатто яшагиси келмай қолди.

– Ундан бўлса, бу ерда пишириб қўйибдими? Нега келасизлар?! – деб ғазаби қўзиб саволга тутди

Каламуш. У шу тобда ўзидан ҳам, қалдирғочлардан ҳам ўч олмоқчи эди.

– Қизиқ экансиз-ку! Бүекларни ҳам күнгил тусаб қолса, нима қилайлик? Ахир, ҳар гулнинг ҳиди бошқа бўлади! – деб эътиroz билдири биринчи Қалдирғоч. – Чаманзорлару ғуж-ғуж чивин босган кўлмакларнинг, подалару подавонларнинг, ғалазору ўроқчиларнинг ҳиди ўзгача бўлади. Оҳ!.. Ибодатхона пештоқидаги уяларимизни соғинамиз...

– Каккунинг сайрашини фақат ўзим яхши кўраман, деб ўйлайсизми? Янглишасиз, бизам яхши кўрамиз! – деб лукма ташлади иккинчи қалдирғоч.

– Хуллас, айланиб-ўргилиб Англия ҳавзаларида сокин чайқалиб турган нилуфарларни соғиниб қоламиз. Соғинч бизга ҳамиша йўлдош бўлади. Шунақа яратилган бўлсак, нима қилайлик?! – деди учинчи Қалдирғоч.

Қалдирғочлар яна чуғур-чуғур гапга тушиб кетдилар. Энди улар ложувард денгизлар, сарғимтирикумликлар, сахролар, калтакесаклар визиллаб юрадиган харобалар тўғрисида сухбатлашарди.

Юрагига ғулғула тушиб, безовта бўла бошлаган Каламуш улардан нари кетди: дарёning шимолий соҳилидаги тепаликка чиқди-да, аста чўзилиб ётди. Нигоҳини Даунс тоғ тизмаларига қадади: жанубни тўсиб турган чегара чизиқларини кўрди, ундан нарисини кўра олмади – Каламуш учун дунё ўша чегара чизиқларида тугайди. Наҳотки, аслида ҳам шундай бўлса?.. Жануб тушунчаси Каламушнинг кўнглига бутунлай яп-янги маъно олиб кирди. Жануб унинг қалбига инқилоб бўлиб, ялангоёқ чартистлар ҳаракатидек тўс-тўполон қилиб кирди... Ажабо, ҳатто тоғ тизмаларига туташ мусаффо ос-

мон ҳам сехрли «қалпоқча» ваъда қиларди гўё. Ёруғ дунёда шунча яшаб, ҳамма нарсани кўрдим- билдим, энди оёғимни узатиб, бандаликни бажо келтирсам ҳам бўлаверади, деб юради. Чучварани хом сана-ган экан! Ҳали тилсимот ўёқда экан: тоғнинг бериги томони бўшлиқ экан-у, нариги томони сехрли диёр экан... Каламуш бунга шак-шубҳа қилмасди. У томонларда асов тўлқинлар, қайрилма ҳошияли дарё-лар, серкуёш сахролар, ям-яшил зайдунзорлар, ипга тизилгандек қатор-қатор оромгоҳлар... Қудратли кемалар тизилиб турган сокин бандаргоҳлар... Ўша кемалар маржон оролларига ҳам, борса-келмас кўрфазларга ҳам бора олади!

У сапчиб ўрнидан турди-да, яна дарёга юзланди: ҳозир кўнгли дарёни эмас, тупроғи кўпчиб турган йўлни қўмсарди. Йўлга қараб кетди. Йўлга чиққач, қуёш тафтига дош беролмай, ўзини салқинга олди. Лоп этиб хаёлига, мана шу йўл шоҳкўчага элтади-ку, шоҳкўчадан ўша ажойиботлар дунёсига бо-риш мумкин, деган фикр келди. Балки, шоҳкўча жаҳонгашта азamatларга тўладир? Балки, ўша аза-матларни ғаройиб саргузаштлар кутаётгандир?

Бирдан қулоғига қадам товушлари чалинди: ўёқ-буёққа аланглаган эди, рўпарасидан беҳолгина оёғини судраб келаётган бир махлукқа кўзи тушди. Ҳайҳотки, йўловчи ҳам ўзига ўхшаш битта Каламуш эди; аъзойи бадани, афт-ангори чангга белан-ган шўртумшуқ! У яқин келди-ю, ажнабийларга хос мулизамат билан саломлашди. Сўнг бир оз каловла-ниб турди-да, илиқ кулумсиради ва унинг ёнгинаси-га, салқин майса устига ўтириди. Ўлгудек чарчагани шундоққина кўриниб турарди. Шу боис Каламуш қавмини дарҳол савол-жавобга тутмади. Ҳайвонлар

жисмонан чарчаган пайтларида ўн оғиз гапиришдан кўра, ўн дақиқа сукут сақлашни афзал биладилар.

Йўловчи хушбичимгина бўлиб, очиқ чехрали, елкалари салгина туртиб чиққан, оёқлари ингичка ва узун-узун, кўзларининг четларини ажин босган, жажжи қулоқларига тилла балдоқчалар тақиб олган эди. Эгнида оҳори тўкилган қўкишроқ, жун фуфайка; серямоқ иштонида доғ-дуғлар кўзга ташланади – иштон ҳам қачонлардир кўк рангда бўлганини пайқаб олиш мумкин. Кўлида кўк дастрўмолга тугилган бўғча бор.

Бир оз ўтиргач, йўловчи чукур уф-ф тортди ва ҳавони ҳидлаб-ҳидлаб, атрофга назар ташлади.

– Бу ниманинг иси? Беданикими? – деб сўради. – Анави тарафда моллар ўтлаб юрган бўлса керак-а? Комбайнлар тирилляяпти. Хув, ўрмон устида қишлоқ мўриларидан чиққан тутун юзиб юрибди. Якин ўргада дарё ҳам бор, шекили. Ана, қарқараларнинг товуши эшитиляпти... Кечирсинлар, янгишмасам, ўзлариям ўша томонлардан келган бўлсалар керак-а? Афtingиздан, чучук сув ҳавзасида яшайдиган маҳлукқа ўхшайсиз. Ҳаммаёқ жимжит, осойишталик. Гўё хаёт тўхтаб қолганга ўхшайди, қимиrlаган жон кўринмайди. Биродар, ҳаётингиз чакки эмас, ишонаверинг!

– Худога шуқр, нолийдиган жойимиз йўқ, – деди Каламуш босиқлик билан. Лекин унинг товушида негадир одатдаги қатъият йўқ эди.

– Мен бўлсам, асло бундай демасдим, – деб эҳтиёткорлик билан гап қистирди йўловчи. – Ўлай агар, бу тарафлар хосиятли жойларга ўхшамайди. Ҳа, гапимга ишонаверинг – бошимиздан кўп савдолар ўтган, – деб бошига шапатилаб қўйди. –

Мана, олти ойдирки, шу томонларда очин-түқин, товонларим шилиниб дайдиб юрибман. Күп нарсаларни ўз кўзларим билан кўрдим... Аммо, яна жанубга қайтиб кетгим келяпти, кўнгил ўша ёқларга талпиняпти. Начора, ўз уйинг – ўлан тўшагинг, деб бекорга айтишмас экан-да!

– Демак, ўёқлар буёқлардан бошқачароқ эканда? – деб ўйчан ахволда савол берди Каламуш. – Ўзларини қайси томонлардан шамол учирди? – деди. Аслида, йўловчидан «қаён боряпсиз?» деб сўрамоқчи эди, лекин жавоб илгаритдан маълум бўлгани учун ўша саволни ичига ютди.

– Кичик бир фермадан келяпман. Ўша ерда бирров тўхтаган эдим, – деб лўндагина жавоб қайтарди йўловчи. – Ҳув анави тарафда, – деб шимол томонга ишора қилди. – Мен сизга айтсан, биродар, каминанинг қаердан келаётганининг ҳозирча ахамияти йўқ. Ҳаммаси яхши бўлди, мен кутгандан ҳам аъло бўлди! Маза қилдим, гап йўқ! Худога беадад шукрки, мана энди ёнингизда соғ-саломат турибман. Анча-мунча йўл ортимда қолди, ўёқ олис, лекин олдиндагиси, яъни кўнгилдагиси яқин, жуда яқин!

Унинг чақнаб турган кўзлари уфққа қадалди: у гўё қандайдир сирли бир товушга, бу атрофда ҳукм сураётган меҳнат ва мусиқа садоларига асло ўхшамайдиган, ўзгача товушга интиқ бўлиб кулоқ солаётганга ўхшарди.

– Сиз бу ерликларга ўхшамайсиз, – деб эътироф этди Каламуш комил ишонч билан. – Фермерлар орасида ҳам сизга ўхшashi учрамайди.

– Топдингиз, зеҳнингиз ўткир экан! – деди йўловчи. – Биродар ўзим асли денгиз Каламуши

бўламан. Истанбулда (эски номи Константинополь) туғилганман. У ерда ҳам бегонароқмиз. Ҳечқиси йўқ, яшаса бўлади. Истанбул деган шаҳарни эшитганмисиз? Қулинг ўргилсин жой. Дунёга машхур кўхна шаҳар! Норвегия қироли Сигурд тўғрисида эшитганмисиз?.. У олтмишта кемаси билан Истанбул устига бостириб бориб, жавоҳирлар, тиллолар, дурмарваридлар билан зийнатланган шаҳар кўчаларидан викор билан ўтади. Кейин қирол ва унинг рафиқаси шарафига жанговар кемаларининг бирида зиёфат берилади. Бу ҳангомаларни эшитган бўлсангиз керак, албатта. Сигурд ватанига қайтганидан кейин ҳам кўпгина лақма норвеглар Истанбул шахрида қолиб кетадилар. Чунки улар қиролнинг ҳарбий гвардияси га ёлланган эдилар. Ўшанда асл наасби норвеглардан бўлган менинг бобокалоним ҳам қиролга тортиқ қилинган кемалардан бирида қолади. Денгизчиларнинг умри сувда ўтади. Сувда ўтмай, қайда ўтсин! Бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ, тўғрими?.. Ҳа, менинг туғилган жойим – Истанбул. Лекин, ватаним у ер эмас. Лондон билан Истанбул ўртасидаги ҳар қандай кўнгилочар бандаргоҳ – менинг Ватаним, бўйтими?! Ҳамма бандаргоҳларни беш қўлимдай биламан, мени ҳам яхши билишади. Қайси соҳилга тушмай, барибир, худди ўз уйимдагидек эмин-эркин юравераман.

– Жаҳонгашта махлуқ экансиз-ку! Дунёда сиз бормаган жой қолмаган бўлса керак-а?! – деб оғзининг суви қочиб сўради Каламуш. – Ойлаб қуруқликка чиқмайсизми? Озиқ-овқат, чучук сувтанқис, атрофингиз Баҳри муҳит...

– Ҳой-ҳой, нафасингизни сал иссиқроқ қилинг! – деб эътиroz билдириди Сувкаламуш. – Бун-

дай гапларни асло тилга олманг! Ундей кунлардан худо асрасин! Мен олис сафарларга бормайман, балки савдо-сотиқ билан шуғулланадиган кемаларда юраман, бандаргоҳлардан олислаб кетилмайди. Аслида, мен қуруқликда ҳам, сувда ҳам ўзимни эмин-эркин ҳис этаман. Айниқса, жанубдаги бандаргоҳлар жон-дилим! Э-э, шу қадар муаттар ҳидлар тараладики! Ох, маза! Кечалари лангар чироқлари чараклаб туради. Мафтункор манзара! Бунақаси бўлмайди!

– Қойил, қандингизни уринг! – деди Каламуш андак истиҳола қилиб. – Малол келмаса, бирорта саргузаштингизни гапириб берсангиз? Жуда билгим келяпти! Қани, уддабурон сайёҳ кулбай вайронасига қайтгач, ўчиқ олдида чордона қуриб олиб, ёр-дўстларини қандай қилиб ҳанг-манг қилиб қўяр экан?! Тўғрисини айтсам, биродар, хаётим негадир зерикарли тус ола бошлади.

– Кўриб турганингиздек, охирги саёҳатим шарофати туфайли мана шу жойларга келиб қолдим, – деб гап бошлади Сувкаламуш. – Ҳартугул, чакки эмас. Қуруқлиқдаги бир фермада ризқ-насибамизни териб едик. Бўпти, умрим китобини безаб турган бир саёҳат тафсилотларини сўйлаб бера қолай...

...Одатдагидек, ҳаммаси рўзгордаги ғиди-бидидан бошланди. Рўзғорда ҳаловат йўқолгач, Истанбулдан Юнонистон оролларига, Левантага жўнаётган битта кемага чиқиб олдим. Афсонавий денгизлар оша афсонавий мамлакатга йўл олдик. Ўша кунлари қуёш ёндираман дерди, тунлар ҳам ниҳоятда дим эди. Хуллас, саёҳат бошланди. Қайга борсақ, қайси бандаргоҳда тўхтасак, эски танишларни учратардик, улар билан оғиз-

бурун ўпишардик. Кун чошгоҳ бўлганда бирорта соя-салқин жой топиб, ухлаб олардик. Оқшом бўлди дегунча юлдузли осмон остида базми жамшид куардик, томоқлар хириллаб қолгунча ашула айтардик, роса хумордан чиқардик-да! Кейин шимолга бурилиб, Адриатик денгизига йўл олдик. Қахрабодек қизғимтири, яшил, ҳаворанг соҳиллар бўйлаб юзиб кетдик. Йўл-йўлакай истаган бандаргоҳда тўхтаемиз, лангар ташлаймиз улуғвор кўхна шаҳарларни чарчаб қолгунимизча кезамиз. Бир куни қуёш найза бўйи кўтарилиган пайт Венеция тупроғига қадам қўйдик. Ў-ў, Венеция! Каламуш халқи учун дунёда ундан ортиқ фаровон шаҳар бўлмаса керак. Хоҳлаганча айш-ишрат қил, ўйна-кул, ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Толиксанг борми, катта сой бўйида давра қурасан, тун узун, дўстёрлар билан истаганча кайфу сафо қиласан. Бoshинг узра кавкабистон, олам тўла мусика, сувда ялтироқ қайиқлар солланиб юзиб юради. Қайиқлар бир-бирига шу қадар усталик билан жипслаштирилганки, улар устидан юриб, бемалол нариги соҳилга ўтишинг мумкин! Озиқ-овқат мўллигини айтмайсизми? Балиқнинг минг хили бор. Кўйинг, ҳаммаси бир четда турсин, фурсат ғанимат, ғаройиб ҳикоя эши-тинг!

У бирдан жим бўлиб қолди. Каламуш бўлса, йўловчининг сўзларини тинглаб ўтириб, аллақачон хаёлот дарёсига чўкиб кетган эди: кўз ўнгидагүйимтири соҳиллар, ажаб-ажаб тўлқинлар намоён бўлиб, девор ортидан келаётган ғаройиб кўшиклар қулоғига чалинарди.

– Шундай қилиб, яна жанубга отландик, – дея ҳикоясини давом эттириди Сувкаламуш. – Ита-

лия соҳиллари бўйлаб юзиб кетдик, Палермога етиб бордик. Мен ўша жойда кема билан хайрхўлашиб, bemalol ҳордиқ чиқариш учун соҳилга тушиб қолдим. Азалдан бир кемада узоқ юролмайман: эркимни қўлдан бериб қўйгандек, мутаассиблашиб қолгандек бўлавераман. Боз устига, Сицилия менга жуда ёқади. Шикорга чиқадиган, майшат қиласидиган гўшалар бисёр. У ерда таниш-билишларим ҳам кўп. Уларнинг туриш-турмуши кўнглимга яқин. Сицилияда узоқ вақт қолиб, дўстларим билан роса улфатчилик қилдим. Кунларнинг бирида кўнгил суст кетди-ю, имкон топиб, Сардина билан Корсика ўртасида қатнайдиган тижорат кемасига чиқиб олдим. Оҳ, маза! Юз-кўзларингга, кўксингга майин шабада урилади, томчилар тинимсиз томчилайди!

– Боя нима дедингиз?.. Трюомми – кеманинг ости қисми иссиқ эмасмикан? – деб суриштириди Каламуш.

– Нима деяпсиз?! Мендек моҳир денгизчи у ерда нима қиласди? Ўйлаб гапиряпсизми?! – деди Сувкаламуш жаҳли чиқиб. – Мен кема дарғасининг хонасидан бошқа жойда ётмайман-ку!

– Буни қаранг-а, лекин сизга ҳам осон эмас экан! – деб ҳамдардлик билдириди Каламуш.

– Албатта, кема командалига қачон осон бўлиди? – деди жиддий оҳангда Сувкаламуш. У яна кўз қисгандек бўлди-ю, гапини давом эттириди: – Корсикадан куруқликка кетаётган вино ортилган кемага чиқиб олдим. Юриб-юриб, кечаси Алассиога кириб бордик. Лангар ташладик. Вино бочкаларини сувга тушириб, бир-бирига қатор қилиб маташтиридик. Кейин денгизчилар ашулани вата-

ванг қўйишиб, бочкаларни соҳилга қаратиб тортиб кетдилар. Бочкалар сувда қалқиб-қалқиб борарди, худди сув сатҳида ўйнашиб юрган дельфинларни эслатарди. Қирғоқдаги қумлиқда отлар шай турган экан: шу заҳоти чавандозлар ҳайқириғи остида тарақа-туруқ қилишганча шаҳар ичкарисига судраб кетишиди. Ҳамма бочкалар жўнатилгач, ювиниб-тараниб, қиттак-қиттак қилишиб, то тонггача чақчақлашдик. Хуллас, чарчоғимизни ёз-дик. Ҳадемай тонг отди. Мен бемалол дам олиш мақсадида қалин зайдунзор томон йўлга чиқдим. Оролма-орол, бандаргоҳма-бандаргоҳ юзиб юравериб роса эзилиб кетган эканман! Шуйтиб, меҳмондўст дехқонлар даврасида беташвиш, беғалва яшадим. Ётаман-тураман, тураман-ёта-ман, жуда зерикиб кетсам, тепаликка чиқаманда, олисларда ястаниб ётган мовий Ўрта Ер денгизини томоша қиласман. Дехқонлар бўлса, тиним нелигин билмайдилар: эртаю кеч меҳнат қиласидилар... Кейин гоҳ яёв, гоҳ кемада юриб Марселга етиб келдим. Бир вақт эски денгизчи қадрдоним учраб қолса бўладими! Унинг дўстлари ҳам бор экан. Э-э, роса яйрадик, нимасини айтасиз! Кемадан-кемага ўтиб, дуч келган жойда тўдалашиб чақчақлашиб ўтирадик. Қисқичбақаларни бурни-кулоғимиздан чиққунча едик-да, ўзиям! Ҳозир Марселнинг ўша қисқичбақалари тушимга кириб қолса, бақириб уйғониб кетаман.

– Эсим курсин, йўл босиб келяпсиз. Балки, қорнингиз очдир? – деб сўради Каламуш меҳри товланиб. – Гапларингизга оғзим очилиб, молга ўхшаб ҳўшшайиб ўтиришимни қаранг-а! Майли, ҳали ҳам кеч эмас. Энди сизни шундок қўйвормайман, ал-

батта, овқатланиб кетасиз! Уйда нима бўлса, ўртада баҳам кўрамиз, уйим унча олис эмас.

– Бу бошқа гап! – деди Сувкаламуш мамнун бўлиб. – Ростини айтсан, қорнимнинг пўстаги чи-киб кетди! Қисқичбақа тўғрисида гапиряпман-у, оғзимдан сўлакайим оқиб кетяпти! Биродар, егу-ликларни шу ерга олиб кела қолсангиз бўлмайдими? Пастга тушиб-чиқишга ҳеч тоқатим йўқда! Бу ер ҳам тинчгина экан, чақчақлашиб ўтириб овқатланаверардик. Сермазмун хаётимдан яна бир-икки шингил ҳикоя айтиб бераман. Ҳаётим ўзимга жуда ёқади. Гапларимни жон қулоғингиз билан эшитаётганингиздан билдимки, биз бир-бирилизга дилдош эканмиз. Бундан бағоят хурсандман! Уйингизга бораверардим-у, аммо, беҳазил айтаман, ўтиришим билан ухлаб қоламан. Ҳозир ҳам зўрға ўзимни идора қилиб ўтирибман.

– Майли, нима ҳам дердим. Мехмон отангдек улуғ, дейдилар. Сиз нима десангиз шу, – деб розилик билдириди Каламуш ва шошилинч уйига жўнади.

Каламуш уйга бориши билан саватни олди-да, уни меҳмоннинг таъбини ҳисобга олган ҳолда (ҳартугул, меҳмон ажнабий эди) сархил ноз-неъматлар билан тўлдира бошлади: бир қулоч кела-диган фарангি булкаси, саримсоқ аралаштирилган сосиска, пишлок, тўйимли шарбат шишалар... Зилзамбил саватни кўтариб, изига қайтди.

Икковлон саватдаги нарсаларни йўл четига олишар экан, Каламуш ўз номига ўқилаётган ҳамдсанолардан уялиб, икки лунжи қип-қизил бўлиб кетганини ҳис этди.

Қорнига овқат киргач, Сувкаламуш янги қувват билан яна бир мароқли ҳикоясини бошлаб юборди. Шу баҳонада содда Каламушни ипсиз боғлаб олиб, дунёни айлантириб келди: Испания, Лиссабон, Оporto, Бордо, Корнуулл, Девон бандаргоҳлари билан атрофлича таништириди. Ахийри кучли шамол, бўрон, довул каби табиий оғатлар енгиб ўтилди ва энг сўнгги қўнимгоҳга келиб тушдилар. Худди мана шу жойда улар навбаҳорни қарши олдилар: бойчечак тердилар, ялпиз ҳидларидан маст бўлдилар ва шодхуррамлик билан мамлакат ичкарисига йўл олдилар. Энди осойишта ферма ҳаёти чарчоқ дилга малҳам бўлади. Охир-оқибат ҳар қандай сайёхнинг жонига тегадиган денгиз машмашаларининг бети қурсин!

Каламуш ҳанг-манг бўлиб ўтиради, вужудини зўр ҳаяжон чулғаган эди. У ростакамига денгиз дарвеши ортидан қолмай эргашиб юради. Тўфонли кўрфазларда, бўронлар забтига олган соҳилларда, сув ялаб турган овлоқ бандаргоҳда тентираб юради. Ҳаёт қайнаган кафтдек шаҳарчалару илонизи дарёларни ортда қолдириб, Сувкаламушнинг охирги манзили – кўримсиз фермага етиб келдилар-у, Каламушнинг ҳафсаласи бирдан пир бўлди. Энди уёкка қадам босишни ҳам, у ҳақда эшлишишни ҳам истамасди.

Шундай қилиб, улар овқатланиб бўлишди. Қорин тўйгач, дарбадар сайёҳга яна куч кириб, товуши хийла дадиллашди, кўзларидан ўт чақнай бошлади. У бокални лим-лим қилиб қирмизи винога тўлдирди-да, кўзларини лўқ қилиб Каламушга тикилган кўйи тўлқинланиб қадаҳ сўзи айтишга киришди. Унинг кўзлари ўйнаб турарди, қадаҳда эса вино жимирлар ҳолатий уйқашлик Каламушни тамоман

ром қилиб қўйди. Гоҳ Сувкаламушнинг қўзлари жимириласа, гоҳида қадаҳдаги вино ўйноқларди... Ажабтовур сухбат эса бир маромда давом этарди, охири кўринмасди. Баъзан тантанали нутққа, баъзан сирли хонишга айланиб кетарди. Лангарни тортиб олаётган денгизчилар қўшиғи ҳам, шамол титратиаётган арқон товуши ҳам, балиқчининг хушнуд хиргойиси ҳам, қайиқдан тараалаётган гитара куйи ҳам – сухбат мавзуси бўларди. Бир тингланг-а, у бўроннинг увлашига ўхшамайдими? Дам ҳазин, дам ғазабнок... Қийқириқми, қулоқни батанг қиласидиган ҳуштак товушими? Денгиздаги тўлқин мисоли баланд-паст, түя ўркач эмасми? Сеҳрланиб қолган қулоқ ҳамма гапни эшитадими? Ёки фақат гапни эшитади, холосми? Қушларнинг чуғурчугури, соҳилга аёвсиз урилаётган тўлқиннинг шалоплаши, денгиз қаърига сургаланиб кетаётган қум-шагал товуши, тошларнинг тарақлаши ҳам эшитиладими? Албатта, ҳамма-ҳаммаси эшитилиб турарди. Барча товушлар ўз маънисига, маъни остидаги ҳикматга эга эди.

Юраги қафасни ёриб чиққудек бир алфозда дукурлаётган Каламуш гоҳ-гоҳ бу бандаргоҳда содир бўлаётган гаройиб саргузаштларни, пичоқбозликни, тўдалашиб қочиб бораётган безориларни, дўстона учрашувларни, улфатчиликни, саҳна томошаларини кўриб, кузатиб ўтиради. У баъзан олис оролларга хазина қидириб борарди, баъзан сокин кўрфазда қармоққа балиқ илинтириб кунни ўтказарди. Омади чопса, сув остидаги бебаҳо жавоҳирлар устига тўр ташларди, сон-саноқсиз чиганоқларни тортиб оларди... Кейин рутубатли кунлар бошланади: қоп-қоронғи кечада кема

тумшуғига бир нарса келиб қарсилаб урилади – кутилмаганда мудхиш фалокат рўй беради... Бирдан оппоқ туман қаърида улкан юк кемаси кўринади-ю, ваҳшат солиб устингга бостириб келаверади... Тушми бу ёки ҳакиқат?

Нихоят, уйга қайта бошлайсан. Қадрдон бўлиб қолган бандаргоҳнинг порлаб турган чироқларини охирги марта кўриб қоласан... Шолп этиб лангар ташланади. Ҳорғин денгизчилар бандаргоҳнинг жинкўчаларига таралиб кетадилар. Рўпарада уйингнинг қирмизи пардалари кўринади. Ох, қандай маза!

Кейин қўққисдан уйғониб кетди гўё. Дарбадар сайдёх ўрнидан кўтарилди, аммо тинмай вайсади – мовий кўзларини унга тикиб туради.

– Камина ҳамон йўлдаман, – деди Сувкаламуш дона-дона қилиб. – Ҳали чанг-тўзонли йўллар олдинда: жанубга жўнайман, таниш бандаргоҳ ёнидаги тоққа чирмашиб кетган шаҳарчага бораман. Эҳ-хе, яна олис масофаларни босиб ўтишим лозим!.. Қир-адирдаги уйларнинг қорамтири дарвоздасидан пастга қарасанг, тош зинапоялар, бирбирига ёпишиб ўсган гиёҳзор, гиёҳзор охирида эса зилол сув денгиз ялт-юлт этиб кўринади. Кўхна бандаргоҳ қозикларига, ҳалқаларига ранг-баранг қайиқлар қантариб қўйилган бўлади. Болалигимда мен уларга ўғринча чиқиб олишни яхши кўрардим. Соҳилга шитоб билан урилаётган тўлқинлар устида чорлоқлар тўшини сувга уриб парвоз этадилар. Кўпиклашган қирғоқда кумушсимон балиқлар галалашиб юрадилар. Шундоқ деразангнинг остидан улкан кемалар кечакундуз ўтиб туришади: баъзилари манзилга этиб келади, бошқалари олис

сафарга кетади. Бандаргоҳда ҳар турли кемалар қўноқ бўлади. Равшанки кунлардан бирида бизга аталгани ҳам ташриф буюради. Мен пешонамга битганини сабр-тоқат билан кутавераман: вақти-соати етса, лангар занжиридан ўрмалабми ёки қайиқ орқалими унга чиқиб оламан. Бир пайт дengизчилар қўшиғидан ё тапир-тупур қадам товушидан ёхуд занжирларнинг ғичир-ғичиридан чўчиб уйғонаман. Мундоқ кўзимни очиб қарасам, елканлар ёзиб юборилган бўлади: кемамиз шаҳарчанинг оппоқ-оппоқ уйларини ортда қолдириб, олға босади. Аста-секин тезлик ортиб боради. Бандаргоҳга кираверишдаги бурундан ўтилгач, елканлар янада баландроқ кўтарилади: жанубга шитоб билан йўл оламиз. Очиқ денгиз бағридаги тўлқинларни шиддатли равишда кесиб ўтаверамиз, шамолда кемамиз бир томонга сал оғиб қолади. Лекин жанубга интилишимиз асло тўхтамайди. Олға! Биродар, олтин дамлар, қайтмас кунлар ўтиб боряпти: жануб йўлларингизга мунтазир! Отланинг, бўлинг, ҳа, бўла қолинг! Бахт қуши бошингизга фақат бир марта қўнади, ҳадеб қўнавермайди – ғанимат фурсатни бой берманг! Қалб нидосига қулоқ туting, кейин афсусланиб юрманг! Бу асло мушкул иш эмас, эшикни ёпасиз, вассалом! Бор-йўғи бир қадам, остона ҳатлаб ўтасиз, холос. Карабсизки, исқирт эски ҳаёт ортингизда қолиб, яп-янги ҳаёт бошланади!.. Кейинчалик мункиллаб қолган пайтларингизда ҳам ўтираверасиз бу ерда – дарё бўйида ёш-ялангларни оғзингизга қаратиб, бирорвга гап бермай ўтираверасиз! Бўпти, келишдик, орқамдан етиб боринг – йўлда учрашамиз! Ҳали ёшсиз, оёғингизда қувватингиз бор. Биз энди

қаридик, шартимиз кетиб, партимиз қолди. Албатта сизни кутаман! Мени айтди дейсиз, жануб ишқида гул-гул ёниб, чопқиллаб орқамдан етиб борасиз!

Вайсақи оғиз ёпилди, товуш тинди. Тинганда ҳам майда-чуйда ҳашаротнинг ғинг-ғинги каби бир зумда сўнди-қолди. Боядан бери анграйиб ўтирган Каламуш ўзига келиб, мундок атрофига қараса, дарбадар сайёҳдан дарак йўқ: узокда нуктадек доғ кўринарди, холос.

У ўрнидан сапчиб туриб кетганини ўзи ҳам билмай қолди. Сўнг, ортиб қолган емишларни эринмай йиғишириб, саватга солди. Уйига жўнади. Қандай етиб келиб, ичкарига қандай кирганини деярли пайқамади. Ғайритабиий тарзда йўл анжомларини, керакли ва кераксиз лаш-лушларини сафар халтасига жойлади. Ниҳоятда ўйчан, ҳаракатлари суст эди. Худди ойпарастларга ўхшаб хонада тентираб юради. Оғзи очилиб қолган, гўё бир нарсага диққат билан қулоқ солаётган каби. Ниҳоят, сафар халтасини елкасига ташлади, сафарбоп пишиқ-пухта ҳасса танлаб олди – кўлида уёқ-буёғини айлантириб кўрди. Маъқул келди, шекилли. Кейин шошмасдан остона ҳатлаб ўтди-да, ирим учун остоная бир-икки туфлади. Ва эндинга қаддини ростлаб, юрмоққа ҳозирланган пайтда осмондан тушдими ёки ердан чиқдими – билмади, билмай қолди, қараса, пешонасида Кўрсичқон турибди.

– Тайёргарлик зўр-ку! Йўл бўлсин, Каламуш-жон? – деб сўради у.

– Қаёққа борардим, жўра. Ҳамма бораётган томонга – жанубга кетяпман, – деб минғирлади Каламуш, уялганидан Кўрсичқоннинг юзига қарамай. – Ҳали борадиган манзил аниқ эмас. Кема қай тараф-

га кетса, ўша тарафга бораман. Денгизда нималар бўлишини худо билади.

У иккиланмасдан, дадил олға қадам ташлади: бу ҳол қарори қатъий эканини яққол кўрсатиб турарди. Нима қиласини билмай, эсанкираб қолган Кўрсичқон зудлик билан унинг йўлига кўндаланг бўлди ва кўзларига тик қаради. Во ажаб, бу кўзлар сирдош дўсти, қадрдени бўлмиш Каламушнинг кўзларига сира-сира ўхшамасди! Бу кўзлар совук йилтиарди, узоқ-узоқларга ҳаракатсиз тикилиб турарди. Кўрсичқон вақтни бой бермасдан, шартта Каламушга ташланди, маҳкам кучоқлаб олди ва зўрға ичкарига судраб кирди. Уни ерга ётқизиб, устига миниб олди, қимири этмай босиб тураверди. Аввалига Каламуш роса типирчилади, хийла қаршилик кўрсатди. Сўнг бирдан ҳолсизланиб, шалпайиб қолди ва титраб-қақшаб кўзларини юмди. Кўрсичқон унинг кўлтиғидан суюб ўрнидан турғазди-да, креслога ўтқазди. Мажолсиз Каламуш креслода ғужанак бўлиб олди, дир-дир титрай бошлиди. Бирпасдан кейин маълум бўлдики, Каламуш унсиз йифларди. Кўрсичқон эшикни яхшилаб танбаллади, сафар халтани ғаладонга солиб, устидан кулғ урди. Кўнгли тинчигач, дўстининг ёнидаги стулга аста ўтирди. Ғаройиб юқумли хуружи даф бўлишини кута бошлиди. Ҳиқ-ҳиқ этиб Каламуш уйқуга кетди. Уйкуси беҳаловат кечди: дам-бадам чўчиб кетар, тинимсиз сандирақларди. Аллақандай Сицилия тўғрисида, Сицилия мафияси ҳақида, комисsar Катани борасида айқаш-уйқаш сафсата сотарди; кейин Жовани Бокаччо ҳақида, «Декамерон» романи тўғрисида валақлади; «э-э, Бокаччо ҳам, Сервантес ҳам қип-қизил кўчирмачилар! Улар

араб ва Шарқ эртакларини ўзлаштириб, ўзлариники қилиб олганлар. Охир-оқибат, Шарқ халқларининг муаллифлик хукуқи тикланиши керак! Ўзим жанубга омон-эсон етиб борай, иннайкейин, бу иш билан маҳсус шуғулланаман!» деб худди адвокатлардек нутқ ирод қилди Каламуш... Бўлган-бўлмаган гаплардан бехабар Кўрсичқон ҳайрону лол эди: дўстини жинни-пинни бўлиб қолдимикан деса, гаплари унчалик ҳам бемаънига ўхшамайди; соғмикан деса, Шарқ халқларининг муаллифлик хукуқи тўғрисидаги даъво Кўрсичқонга хийла баҳсли туюлди. Қолаверса, Италия билан Испания адабиётининг ота-боболарини ёмонотлиқ қилиш Кўрсичқонга унчалик маъқул бўлмади... Нима бўлса-да, Каламуш вайсаб-вайсаб, донг қотиб ухлаб қолди.

Ич-етини еб ўтирган Кўрсичқон фурSATдан фойдаланиб, уйнинг ўёқ-буёгини йиғишири бошлиди. Юмушларни тугатиб, хонага қайтиб кирди. Оқшом чўккан, хона гира-шира ёруғ эди. Каламуш уйғонибди. Лекин, миқ этмасдан, хомуш ўтиради. Кўрсичқон хавотирланиб, дўстининг кўзларига синчков тикилди: худога шукрки, кўз қорачиқлари жойига қайтиби – тентаклик аломатидан Каламуш фориғ бўлибди. Кўзлари илгари қандай бўлса, ўшандай эди – тиник, жигарранг. Кўрсичқон дўстининг ёнига чўқди-да, кўнглини кўтарди ва нима бўлганини сўраб-суриштира бошлиди.

Каламуш нечоғлик уринмасин, аммо барибир бетоблиги сабабларини тушунтириб бера олмади. Ахир, асосан, нозик имо-ишоралардан иборат бўлган ҳодисани унақасига талқин этса ҳам бўлади, бунақасига ағдарса ҳам бўлаверади-да! Қулоқлари остида рўёдек эшитилиб турган хаёлий денгизнинг

хаёлий қўшиқларини насрий ва насроний тилга ўгириб, таржима қилиб бўларканми? Денгиз дарвешининг ниҳоясиз хотираларини қолипга солиб, ҳикоя қилиб бўларканми?.. Каламуш боягина содир бўлган воқеаларни ҳатто ўзи ҳам аниқ-равшан идрок этишдан ожиз эди шу тобда. Ўзи яхши билмайдиган нарсалар тўғрисида бирорга қайтиб тушунча берсин! Шундоқ бўлгач, Кўрсичқонга нима дейиши мумкин?

Кўрсичқон англадики, ўша мавҳум касаллик хуружи энди Каламушни тарқ этган эди. Каламуш изтироб чекавериб, эзилиб кетган бўлса-да, хийла лоқайд кўринса-да, лекин худога шукрки, эс-хуши жойида эди. Фақат кундалик турмуш ташвиларига бефарқ бўлиб қолганди. Балки, бу ўткинчи кайфиятдир? Ким билади, дейсиз. Истиқболда эшик қоқиб турган янги мавсумнинг фараҳбахш кунлари хаммаси аён бўлади.

Кўрсичқон эҳтиёткорлик юзасидан ғалла ўримиғими, ҳосил байрами мавсумидан гап бошлади. Буғдойлар ғарам-ғарам қилиб босиб қўйилибди, аравага қўшилган отлар юқ оғирлигидан аста-секин одимламоқдалар. Пичанлар ғанак қилинибди. Чўкиртиканак қолган далаларда оқшом чоғи ой шуъласида сайр қилишнинг гашти ўзгача бўлади... Богларда олмалар қип-қизил бўлиб пишган, ўрмондаги ёнғоқлар эса қўнғир тусли ғилофини ечиб, улоқтиради... Банкаларга мураббо, қиём ёпилди... Мавзу мавсумдан-мавсумга сакрарди: ҳар мавсумнинг ўзига яраша таровати, сурури, роҳатижон дамлари бўлади... Кўрсичқон шулар ҳақида гапираётиб, бирдан тўлқинланиб кетди ва ўзини тутолмай қўшиқ айтиб юборди!

Аста-секин Каламушга жон кирди, ўтирган ўрнида қаддини андак ростлади ва ахён-ахён сухбатга аралашиб турди. Кутылмаганда нурсыз кўзлари жавдирағ қолди, хаёли паришон... Оббо, яна бир бало бўлди, шекилли?! Кўрсичқон шу заҳоти унинг ҳолатини сезди ва аста хонадан ташқарига чиқди-да, зум ўтмасдан қўлида қоғоз-қалам билан қайтиб келди. Ёзув қуролларини дўстининг ёнидаги столга қўйди-да:

– Шеър-пеър машқ қилмаганингизга ҳам анча бўлди, – деб луқма ташлади Кўрсичқон. – Қаёқдаги бўлмағур хомхаёллар тўғрисида бош қотириб ўтиргандан кўра, тўрт қатор шеър ёзганингиз афзал-ку! Ҳар ҳолда, ҳеч бўлмаса, авлодларимизга ижодий меросингиз қолади. Қани, бир уриниб кўринг-чи, балки ҳали истеъдодингиз сўнмагандир?..

Каламуш ёнида турган қоғоз-қаламни эрин-чоқлик билан нари суриб қўйди. Кўрсичқон эса шундай бўлишини олдиндан сезгандек, аллақачон бошқа хонага чиқиб кетган эди. Вой, эпчил бўлмай қолгур, Кўрсичқон-эй! Бирпасдан сўнг у астагина мўралади: борлиқни, бор дунёни унутган Каламуш столга мук тушган кўйи қалам тебратарди. У қитир-қитир этказиб қоғоз қораларди-да, теран ўйга чўмарди. Сўнг қаламнинг учини лаби билан ҳўллаб, яна ёзиш билан машғул бўларди. Синчиклаб кузатилса, Каламуш ёзишдан ҳам кўра кўпроқ қаламнинг учини ҳўллаш билан овора эди.

Нима қилаётган бўлса-да, барибир эмасми? Муҳими Каламуш соғайиб кетса бас! Кўрсичқонга шундан бошқа ҳеч нарса керак эмас.

Х б о б

ҚОЧОҚ ҚУРБАҚАНИНГ «КҮРГАН-КЕЧИРГАНЛАРИ»

ёхуд ҳеч кимсанинг бошига тушмасин зинҳор!

Қурбақа паноҳ топган дараҳт каваги шарққа қараган бўлиб, эрта тонгдаёқ кўзига қуёш нури тушди ва барвақт уйғонди. Оёқлари уюшиб қолибди, ўзиям хийла совқотибди. Боз устига алоқ-чалоқ туш кўрибди. Тушида гўё қаҳратон қиши эмиш, ойнаванд ётоқхонасида мириқиб ухлаётган эмиш. Бир пайт кўрпа-ёстиққа жон кириб, улар дод-вой қилишиб, ошхонадаги ўчоқ ёнига қочиб чиқибдилар. Қурбақа уларга ялинниб-ёлворармиш, яхмалак бўлиб қолган тош йўлда ялангоёқ ҳолда орқаларидан югуарармиш, улар тутқич бермасмиш. Йўлнинг эса поёни кўринмасмиш... Ҳар ҳолда, камоқхонада совук тошга тўшалган похол устида ухлашга ўрганиб қолган эди. Бўлмаса, у каллаи саҳарлаб уйғониб кетарди. Қанийди шу тобда бошини буркаб ётадиган иссиқ кўрпачалар бўлса! Э-э, унақа кўрпачалар ёдидан ҳам чиқиб кетди.

У аста ўрнидан турди, кўзларини ишқалаб анча ўтирди. Сўнг увишган оёқларини обдан уқалади. Деразалари панжарадор уйини қўмсаб, атрофига жавдиради. Бирдан юраги дукуллаб кетди: энди ҳаммасини эслади, эс-хуши жойига келди. Ахир, у камоқдан қочди-ку, уни ёвуз полициячилар изма-из таъқиб қилдилар-ку! Бироқ, у ҳозир озод эди, озод!

Озодлик! Биргина шу сўзнинг ўзи, у ҳақда ўйлаш мингта кўрпа-тўшакдан минг марта афзал эмасми? Унинг викор билан қадам қўйишини интиқ кутиб, «Наинки ором, ҳатто хизмат бўлса, бош

устига! Ўйна-қул, жоним тасаддуқ! Азиз бошингга фалокат тушдими? Парво қилма, ўзим мададкорман! Ҳаммасига ўзим балогардонман!» деб турган ёруғ дунёга кўзи тушаркан, шу заҳоти аъзойи баданига илиқлик югурди. У бир силтаниб, баданига ёпишиб қолган хазонларни қоқиб туширди. Қўли билан бошини тозалади. Сўнг қуёш нурида ял-ял ёниб турган офтобшувоққа чикди. Совуқ еб, дилдирарди. Қорни оч эди, кўнгли озарди. Аммо, руҳан тетик, хотиржам. Мириқиб ухлаганиданми, кечаги ғам-андухлар барҳам топган эди.

Ушбу дақиқаларда мусаффо осмон ҳам, бокира тонг ҳам, бутун олам ҳам фақат битта ўзиники эди гўё. Шудринг кўнган шоҳ-шаббалар оралаб юрди. Ҳувуллаган ўрмон ҳам унга тобедек туюларди. Ўрмон этакларидан ям-яшил далалар бошланиб кетди. Далалар ҳам ўзиники, ҳаммасига битта ўзи хўжайин! Нимани хоҳласа, кўнгли нимани тусаса ўшани қиласи. Йўллар ҳам унинг қадам босишига мунтазир, муштоқ... Фақат дилингдаги дардингни тинглайдиган битта сухбатдош бўлса, янада ажойиб иш бўларди. Қурбақа гарангсираб қолди: қаёққа боришни билмасдан боши қотди; бирордан йўл сўрай деса, атрофда тирик жон учрамасди. Гуноҳсиз одамларга маза, улар бирордан қочиб юрмайдилар. Ана шунақа гаплар. Хўш, Қурбақа-чи?.. Бунақа пайтларда кўзинг тиниб қоларкан. Пешона шўр бўлгач, бошга кетма-кет кўргилик тушаверади... Ҳозирнинг ҳар дақиқаси бебаҳо эканини билиб туриб, лекин гунг-соқов бўлиб олган йўлни тепиб-тепкилаб ташлагиси келарди Қурбақанинг. Хайрият, тепса-тебранмас бу қишлоқнинг йўл ёқасида сой кўринди. Йўл билан сой гўё қўл уш-

лашиб келаётган оға-иниларни эслатарди. Бирок, иккови ҳам соқов эди.

– Топишмай қўшмозор бўлгурлар-эй! – деб қарғанди Қурбақа. – Қиёматнинг ҳам охири бўлади. Қани, сабр-тоқат қилиб бораверай-чи, бир жойдан чиқарман!

У ноилож сой бўйлаб кетаверди.

Сой бурилган жойга етганда битта от кўринди: у нихоясиз ғамга ботгандай бошини осилтириб келарди. Бўйнидаги тўқимга боғлаган арқон гоҳ таранглашар, гоҳ салқи тушарди, сувга тегиб келарди. Арқон адогида сув томчилари ялтиради. Қурбақа индамасдан отни ёнгинасидан ўтказиб юборди ва кейин нима бўлишини кутиб турди. Дам ўтмай, дағал тўши билан сувни ёриб келаётган мўъжазгина шатак-кема кўринди. Шатак устига михлаб қўйилган ёғоч ажабтовур рангга бўялган, шатакка мос эди. Шатак-кемада биттаю битта йўловчи бўлиб, у кенг соябонли шляпа кийиб олган бесўнақай, бақалоқ хотин эди. Бақувват қўллари билан рул дастасини тутганча шатакни бошқарив келарди.

– Саломлар бўлсин, хоним! Каллаи сахарлаб буёкларда нима қилиб юрибсиз? – деб сўради Бақалоқ хотин яқин келиб.

– Бошига иш тушмаса, қайси аҳмоқ аzonда санғиб юради?! – деб зардали жавоб қайтарди Қурбақа. – Битта қизимни эрга берган эдим, уйлик-жойлик эди. Тўсатдан хабар келиб қолди, ўшаникига кетяпман. Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да! Онанинг кўнгли болада бўлар экан. Нимасини айтай, эгачи, ўзингиз ҳам биласиз-ку! Буёқда ишларим бошимдан ошиб-тошиб ётибди, биттагина

кирхонам бор, ўшани бировга бериб келяпман. Ўчакишгандек, йўлда ҳамёнимни йўқотиб қўйдим. Боз устига, йўлни билмайман. Қизим бечора бўлса... Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да!

– Қизингиз қаерда яшайди? – деб сўради шатакчи хотин.

– Дарё томонда яшайди. Курбақанинг макони деган жой бор-ку, ана ўша тарафда яшайди. Балки, эшигандирсиз?

– Бўлмасам-чи! Ўзим ўша ёққа кетяпман. Мана шу сой Қурбақа маконига сал етмасдан дарёга кўшилади. Уёғи ҳеч қанча қолмайди. Келинг, шатакка чиқиб олинг, элтиб қўяман! – деди Бақалоқ хола меҳрибонлик билан.

У шатакни қирғоққа яқинлаштириди. Қурбақа миннатдорлик изҳор қилди-да, уриниб-суриниб шатакка чиқди ва: «Бахтингга барака, Бақажон! Манглайнингда холинг бор экан, шекилли. Илойим, ишларинг ҳамиша ўнгидан келаверсин!» деб ўзича қувонди.

– Кир юваман денг-а? – деб луқма ташлади Бақалоқ хоним йўлда давом этаркан. – Яхши хунарингиз бор экан.

– Э-э, меникдай корхона ер юзида йўқ! – деб мақтаниб юборди Қурбақа. – Ўзиям факат казо-казоларнинг кирларини юваман. Улар кимнинг совунига кир ювишни билишади-да, ҳар қандай касга ишонавермайди. Мен эса, ўз ишимнинг пири бўлиб кетганман: тозалаб юваман, ғижимини қолдирмасдан дазмоллайман...

– Ҳамма ишни битта ўзингиз бажарасизми? – деб сўради Бақалоқ хоним мулоийм товушда.

– Йўғ-Э, унда анави хизматкор қизларни нега ушлаб ўтирибман! – деб жавоб берди Қурбақа ўйламай-нетмай. – Қора ишларни ўшалар қилиш маса, менга нима кераги бор? Сўқимга боқармидим! Ўзлариям йигирматта... Қизларни биласиз-ку, ҳали ёш бироз ўйинқароқ. Шундай пайтларда дўқ қилиб уришиб тураман.

– Икковимиз ҳам бир хил эканмиз, – деб Қурбақанинг гапларини маъқуллади Бақалоқ хотин. – Уларнинг арқонини сал бўшатсангиз – бас, дарров шўхлик қилишади. Шунинг учун доим кўркитиб туриш керак. Ўзингиз кир ювишни яхши кўрасизми, айланай?

– Яхши кўрганда қандоқ! – деди Қурбақа мамнуният билан. – Енгимни шимариб, тоғорага қўлларимни тиқсам борми, шунақаям роҳатланаманки, во-во-во-ей! Бировга айтиб юрманг-у, лекин дунёда бунақа мазажон иш йўқ!

– Сизга рўпара қилган толеимдан айланай! Қаранг-а, келиб-келиб, икковимиз учрашиб қоламизми-а? – деди шатакчи хотин ўйчан.

– Нималар деяпсиз? Тинчлики ўзи? – деб бе佐вталаниб сўради Қурбақа.

– Менга яхшилаб разм солдингизми? – деди шатакчи хотин маънодор оҳангда. – Ахир, биз ҳамкасб эканмиз-ку, айланай! Кир ювишни мен ҳам яхши кўраман. Аммо, яхши кўрмасам ҳам, барибир шу ишни қиласверардим. Кир ювиш ҳам, аслида, эрга тегишдек бир гап: биров яхши кўриб тегади, биров яхши кўрмасдан тегади. Бироқ, ҳар икки ҳолда ҳам оқибат ўзгармайди: унисиям бола туғади, бунисиям. Нима дедингиз?.. Лекин, рости ни айтсам, бўзчининг моккисидек уёқдан-буёққа

қатнайвериш жонимга тегди. Эрим ўлгудек такасалтант, ҳатто мана шу шатак-аравани бошқариб, уёққа бориб-келишга ҳам бўйни ёр бермайди. Ҳаммаси менинг гарданимда. Яхшиямки, от эслигина, уни эркаксиз ҳам бошқариш мумкин. Эр дегани сал жонсарак бўлса-да! Бизники боқибегам, дунёни сув босса, тўпифига чиқмайди. Мана, бугун эрталаб ҳам: «Сен боравер, ўзим изингдан етиб оламан», деди-ю, итини эргаштириб қуён овлагани жўнади. Ит билан кетдими – тамом, хуфтонгача қайтиб келмайди. Ити ҳам ўзига ўхшайди: ўхшатмаса, учратмас экан! Бунақада кир ювишга қўл тегадими?!

– Э-э, қўйинг, ўша кир-пирларнинг падарига лаънат! – деди бу мавзу меъдасига урган Қурбақа. – Ундан кўра, қуён овидан гапирсангиз-чи, қуён овидан! Барагина қуён гўштини пиёс билан қовуриб, дастурхонга тортсангиз-а? Оҳ, оҳ!

– Олдимда кир турса, бошқа ҳеч нарса кўзимга кўринмайди! – деди норози бўлиб шатакчи хотин. – Ҳайронман, кир турганда қуён ови юракка сиғар эканми?! Ана, каютанинг бурчагида кир дегани ўюлиб ётиби! Ишонмасангиз, кириб кўринг!.. Агар бирортасини ювиб берсангиз, кўп савобга қолардингиз-да, эгачи! Барибир бекор ўтирибсиз, ундан кўра... Каютада тоғора ҳам, совун ҳам, чойгумда иссиқ сув ҳам бор. Сойдан сув олинадиган пакир ҳам бурчакда туриби. Қалай?!

– Иложи бўлса, мен шатакни бошқара қолсанчи? – деб ялинчоқ товушда сўради Қурбақа. – Кирни эса ўзингиз хоҳлагандай юваверасиз. Билиб бўладими, тағин мен бирортасини чатоқроқ ювиб қўйсам... Менинг ювганим сизга ёқадими-йўқми?

Ахир, ҳар кимнинг ўз услуби бўлади. Келинг, мен шатакни бошқара қолай!

– Шатакни?! – деб қошларини чимирди семиз хотин. – Нима бало, шатакни бошқариш осон деб ўйляпсизми? Қолаверса, шатакни бошқариш жуда зерикарли машғулот, одам зик бўлиб ўлай дейди! Аслида, мен сизни хурсанд қилмоқчиман, холос. Йўқ, деманг, эгачи! Бирвой-вой-вой-во-оо-еъ, деб маза қилганингизни томоша қилай-чи!

Курбақанинг боши қотди. Кўзлари аланг-жаланг, қутулиш чорасини қидира бошлади: сой соҳилига сакраб, қочиб кетай деса, соҳил йироқ – бути йирилиб кетиши мумкин. «Модомики, бундай савдо бизнинг бошга тушган эканми, демак тақдирга тан бермоқ лозим. Нима, кир ювиш қўлимдан келмайдими? Бу ишни ёш бола и-и қилиб ўтириб ҳам бажараверади!» деб ўзига таскин берди хаёлан. У дадил юриб каютага тушди: тоғора, совун ва бошқа ашқол-дашқолларни олди. Бурчакда уюлиб турган кир кийимлардан қўлига илинганини кўтариб ташқарига чиқди. Бир пайтлар кирхона дегазвасидан тасодифан кўриб қолган манзарани шуурида қайта жонлантирди ва аста-секин кир ювишга тушди. Курбақа умрида бунчалик азият чекмаган эди: борган сари хуноби ошар, кирлар эса оқариш ўрнига нукул бўзраярди, холос. Вақт имиллаб ўтарди. Жиғибийрон бўлаётган Курбақа кирларни муштлаб-муштлаб қўярди, аммо лаънати кирлар ҳамон тоғорадан ишшайиб қараб туришарди. У елкаси оша шатакчи хотинга бир-икки назар ташлади: унга нима, парвойи палак, рўпарасига тикилганча шатак-аравани бошқарив борарди. Курбақанинг бели оғриди, бармоқлари тиришиб, тарам-тарам

бўлиб қолди. Эсиз, бармоқлар! Уғижиниб, пичир-пичир қилиб, шунақаям айниб сўкиндики, бай-бай-бай! Ҳатто маст-аласт денгизчилар ҳам бунақа сўкинишни билмасалар керак! Устига-устак, со-вун қурғур пирт-пирт этиб қўлдан силлиқиб чиқиб кетаверар уни тогора ичидаги тутиб олиш ҳам осон эмасди.

Бир пайт шарақлаган қаҳқаҳадан ўзига келди. Секин қаддини тиклаб қараса, шатакчи хотин мириқиб кулаётир: ўтирган ўрнида жасадини орқага ташлаб юборган, кўзларидан ёш тиркираб чиқар эди.

– Боядан бери нима қилаётганингизни зимдан кузатиб ўтирибман, – деб кула-кула изоҳ берди шатакчи хотин. – Ёлғонни ямламай ютар экансиз, чоғи. Мени айлантирмоқчи бўлдингизми? Кўрдим, қанақа кирчи хотин экансиз! Умрингиз бино бўлиб, ошхонадаги қозон сочиқдан бошқа нарсани ювмаган бўлсангиз керак. Тўғрими?

Қурбақанинг юрак-бағрини боядан бери ўртаб юборган алам бирпасда тилига кўчди:

– Ҳе-е хирингламай ўлгур, пасткаш! Ёғ бочка! – деб ўшқирди у ўзини тутолмасдан. – Оғзингга қараб гапир! Мени ким деб ўйладяпсан! Билмасанг, мана, менинг кимлигимни билиб олгин: Буюк Британияда ҳамма танийдиган ва ҳамма ҳурмат қиласидиган ўша жаноб Қурбақа каминаи камтарин бўладилар! Тақдир экан, бошимга мусибат тушди. Бироқ, сенга ўхшаш зоти пастларнинг устимдан кулишига асло йўл қўймайман!

Шатакчи хотин яқин келди-да, унга тикилиб қаради. Сўнг: – Шошма, гапинг чинга ўхшайди-ку! – деб хитоб қилди. – Шунақами ҳали!

Хе-е башаранг курсин! Бетовфиқ! Қалтирамай ўл, ярамас! Топ-тоза шатагимга чиқиб олганини қаранглар-а, итвачча! Ҳозир мен сени... – У шатакнинг рулини қўйиб юборди-да, даст ўрнидан турди. Шитоб билан келиб Қурбақанинг олд ва орқа оёқларидан маҳкам ушлади. Қўллари бақувват эди.

Ёпирай! Қурбақанинг кўз ўнгига дунё чир-пир айланар, қулоклари остида шамол ғувларди. Бир пайт осмони фалакка учиб кетди ва шалоп этиб сувга тушди. Қуриб кетсин, сув бирам совуқ эдикি! Лекин ҳозир юрагини ўртаётган аламли изтироблар олдида сувнинг совуқлиги ҳам эсига келмасди. У оғзидан сув пуркаб, лойқадан кўзлари ачишиб, зўр-базўр ёруғ дунёга чиқди ва биринчи галда яна шатак қуйруғида қаҳқаҳа отиб турган бақалоқ хотинга кўзи тушди. Қурбақа ўқчиб-ўқчиб, унга мушт кўрсатди:

– Шошмай тургин, ҳали онангни кўрсатиб кўяман! – деб пишқирди.

Қурбақа қирғоққа караб сузди: кирчи хотиннинг чит кўйлаги жиққа хўл бўлиб кетганди. Сузиш жуда мушкул эди, соҳилга етиб олиш душвордек туюларди. Ҳартугул, бир амаллаб қирғоққа етиб борди, лекин қирғоқ ниҳоятда тик эди, ундан юқорига чиқиб олиш қийин эди. Аммо, у тирмашиб қирғоққа чиқди. Чиқди-ю, дармони қуриб, сулаийиб қолди. Хийла вақт ўтгач, ўзига келди. Кейин рўдапо кўйлагининг этагини кўтарди-ю, аламдан бўғриққан ҳолда шатакни қувиб кетди. У шатакка етиб борган пайтда ҳам Бақалоқ хотин ҳамон қаҳқаҳа отарди.

– Ҳа, водийларни яёв кезиб кўринг-чи, шоввоз! – деб қичқирди хотин. – Агар суробингиз тўғри бўлиб қолмаса, майли, сизга тан бераман!

Қурбақа шу тобда шатакчи хотинга муносиб жавоб қайтарди, таъзирини бериб қўйиши мумкин эди. Бироқ, арzon-гаров даҳанаки жанг билан мунозарани якунлаш ниятида эмасди, тузукроқ ўч олиши истарди. Қулай имкон туғилган заҳоти дарҳол олдинга югуриб ўтди-да, отнинг жиловидан ушлади ва шатак уланган арқонни ечиб ташлади-ю, отга миниб олди. Оёқлари билан отнинг бикинларига никтаган эди, бедов елдек учди.

– Ҳой, ялмоғиз! Хайр энди яхши қол! Мени кутгил ва мен қайтарман! – деб кесатди Қурбақа. – Ўч олиш мана бундай бўлади, ярамас.

У от бошини қир-адир томон бурди, бедов хилват йўлдан елиб кетди. Анча юрилгач, Қурбақа атайлаб орқасига бурилиб қаради: шатак сойнинг нариги соҳилига ўтиб қолибди. Бақалоқ хотин жонжхаҳди билан бақираварди.

– Тўхта! Тўхта деяпман, безори!

– Э-э, бу ашула менга эскидан таниш! Уни полициячилардан ҳам эшитганман, – деб қўйди Қурбақа ўзича мийигида куларкан.

Бахтга қарши, шатакка қўшилган отлар узоқ ма-софага чопиб боролмас экан. Сал фурсатдан сўнг бедов ҳарсиллаб-ҳарсиллаб, лўқиллаб йўргалай бошлади. Майли, қимирлаган қир ошади. Ҳар ҳолда, анави шатакка ўхшаб бир жойда михланиб тургани йўқ-ку! Секин бўлса-да, олға кетяпти. Лекин, ўзиям зўр тадбир топдими? Қурбақа от устида офтобга тобланиб бораркан, ана шуларни ўйларди. У от жиловини ҳали сўқмоқ тарафга, ҳали катта кўча томонга бурарди. Қандай қилиб бўлса ҳам илонжининг борича сой соҳилдан юрмасликка ҳаракат қиласарди. Йўл бўйи фактат бир нарсани, яъни қорни

түйиб овқат еган күнни эсламасликка тиришарди. Ҳадемай сой узокларда қолиб кетади.

Юриб-юриб, охири қүёш тафти элитиб, мудрай бошлади. От аста түхтади ва бўйини чўзганча шитир-шитир этказиб ўтлашга кириши. Қурбақа от устидан ўмбалоқ ошиб тушай деди-ю, лекин ўз вақтида уйғониб қолди. Кўзларини катта-катта очиб, атрофига алланглади, ҳайрон бўлди. Ҳар ерларда қоялар туртиб чикқан, папоротниклар ўсиб ётган яйловда туради. Ҳув нарида лўлиларнинг соябонли исқирт араваси кўзга ташланарди. Араванинг шундок ёнгинасида тўнтарилган пақир устида узокларга лоқайд тикилган кўйи бир киши трубка чекиб ўтиради. Унинг олдида гулхан ловлов ёниб туради. Гулхан устига осилган қозонча биқир-биқир қайнарди. Ундан хушбўй ҳид таратиб буғ кўтарилади. Ажабо, бу ниманинг ҳиди бўлди экан? Димоқни ёраман дейди-я! Қурбақа шу пайтгача ҳеч қачон оч қолмаган экан. Мана, энди англаб етдики, очман деб юрган кезлари асло очлик эмас, шунчаки очинқираш экан, холос. Ҳозир ҳақиқатан оч қолганини яққол ҳис қилди. Агар зудлик билан бирорта тадбир ўйлаб топмаса, ҳолига маймунлар йиғлайди! У кашандада лўлига бошдан-оёқ синчков разм солди. Хўш, уни инсофга келтириш мумкинми? Бир илож қилиб кўнглига йўл топгани маъқулми? Ёки эркакчасига муштлашиб қўя қолгани яхшимикан? Мафтункор ҳид оғушида хаёл суриб, лўлидан кўз узмай тураверди. Лўли қимир этмасди. Оғзида трубка, кўзларини лўқ қилиб Қурбақага бақрайганча ўтиради.

Бир пайт лўли оғзидан трубкасини олди ва хотиржамлик билан:

— Отингизни сотмайсизми? — деб сўради.

Курбақа ҳар балони кутган бўлса-да, лекин бундай саволни асло хаёлига келтирмаган эди. Шу боис хийла эсанкираб қолди. Албатта, ўшанда лўлилар от жаллоблиги билан машғул бўлишини, бу борада уларга teng келадиган сайис ҳам, синчи ҳам бўлмаслигини Қурбақа билмасди. Лўлилар эса қулаг имкониятни ҳеч қачон бой бермасдилар. Отни сотиш режаси йўқ эди-ю, аммо лўлининг таклифи бир ҳисобда унга маъқул тушди. Чунки мўмай пулга эга бўлиб, қорнини ҳам тўйдирив олиши мумкин эди.

— Нима, гижинглаб турган саманимни сотаманми? Ўйлаб гапиряпсизми? Отимни сотиб юборсам, мижозларимнинг кирини қандай ташийман?! Кейин бунақа юввош отни қайдан топаман? Қолаверса, мен отимни жуда-жуда яхши кўраман, — деди Қурбақа сир бой бермай.

— Нима бўпти? Бирорта эшак-пешакни ҳам яхши кўриш мумкин-ку? — деди лўли пинак бузмай.

— Тавба, нега ўзингизни гўлликка соласиз! Бундай отни сотиб бўларканми?.. Қолаверса, кўрпангизга қараб оёқ узатсангиз-чи, бой бобо! Кўряпсизми, бу зотдор от: битта мавсумда мингта байтални қочиради! Бир пайтлар пойга чопиб совриндор ҳам бўлган. Унда сиз от билан эшакнинг фарқига бормай юрардингиз, ҳа! Агар яхши отни чиндан танийдиган бўлсангиз, мана, ўзингиз кўриб турибсиз. Энди мен мақтаниб ўтиришим шартми? Аммо, отни сотиш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Ҳай, майли, сиз айтгандек бўлсин, дейлик. Ҳўш, қанча бермоқчисиз?

Лўли яна бир бора отни синчилаб кўздан ке-чирди. Сўнг Қурбақага ҳам бошдан-оёқ синовchan назар солди-да:

– Туёғига бир шиллингдан бераман! – деди катъий оҳангда. Сўнг жойига қайтиб бориб, яна пакир устига ўтириди ва индамасдан трубкасини тутатаверди. Гўё энди унга икки дунё баробар эди.

– Туёғига бир шиллингдан, холосми? – деб қичқирди Қурбақа жазаваси тутиб. – Шошманг, аввал ҳисоб-китобимни топиб олай-чи... Ҳаммаси қанча бўлади? – У бир сакраб отдан тушди-да, ўтлай бошлаган отнинг тизгинини қўйиб юборди. Сўнг лўлининг ёнига бориб ўтириди ва бармоқларини букиб-букиб, санашга тушди: – Ҳар бир туёғига бир шиллингдан, демак бор-йўғи тўрт шиллинг. Шундайми? Яна қўшмайсизми?.. Йўқ, бўлмайди. Тўрт шилингга ҳозирги замонда от сотилмайди, – деди.

– Зоримиз бор-у, зўримиз йўқ! Ихтиёр ўзингизда, – деди лўли. – Хўп, майли, мендан кетса – кетибди, ана, беш шиллинг бераман! Шундай ҳам асл баҳосидан нақдгина саккиз пенс қиммат сўраяпман. Энди ўртага бошқа гап сиғмайди!

Қурбақа ўтирган ўрнида анча ўйланиб қолди. Нима қилиш керак? Бир ёқда корин сурнай чалиб ётибди. Чўнтағида ҳемири ҳам йўқ. Ҳали манзил олис. Уйига қачон етиб бориши номаълум. Душманлари эса унинг пайида қузғундек изғиб юришибди. Шундай вазиятда беш шиллинг ҳам катта пул, албатта. Лекин ҳозир от ҳам арzon эмас-да! Шундайликка шундай-ку, аммо от унга қимматга тушибдими?! Қанчага сотса, ҳаммаси соф фойда бўлади-ку! Ҳеч ким ундан солик-полик ушлаб қолмайди. Охири у бир тўхтамга келди, шекилли:

– Ҳой, лўли! Энди гапимга қулоқ солинг! – деди қатъиятли оҳангда. – Агар олти ярим шиллинг нақд берсангиз ва анави қозонингиздаги овқатдан тўйгунимча ейишга рухсат берсангиз, ана, олинг – от сизники! Эгар-жабдуқни ҳам, абзалини ҳам, жиловини ҳам сизга ҳадя қиласан! Маъқулми? Гапларим ёқмаса, уёгини ўзингиз биласиз. Ҳар ким ўз йўлига кетаверади. Лекин, айтиб қўяйки, бу отга харидор ҳар қадамда учраб туради!

Лўлининг капалаги учиб кетди; ўзича бир нималар деб ғулдуради. Афтидан, куппа-кундузи борбудингни шилиб кетишдан ҳам уялишмайди-я, деди, шекилли. Ўйлаб-ўйлаб, охири лўли иштонининг чуқур чўнтағига қўлини тиқди ва канопдан тўқилган ғужалоқ ҳамёнини чиқарди. Бир неча бор санаб-санаб, ундан олти шиллингу олти пенс ажратди ва пулни Курбақанинг қўлига тутди. Сўнг, ўрнидан туриб, соябон араванинг устига чиқиб кетди. Бирпас ўтгач, катта миска, пичноқ, санчқи, қошиқ кўтариб, қайтиб тушди. Қозонни қийшайтириб, мискага биқирлаб қайнаб турган сардакли шўрва қуиди. Шўрвамисан, шўрва эди ўзиям! Қулинг ўргилсин шўрванинг ичида каклик, кирғовул, жўжа, ҳар хил қуёнлару паррандадаррандаларнинг гўшtlари муҳайё эди. Курбақа қувонганидан йиғлар ҳолатда қалт-қалт титраб, шўрва тўла мискани тиззалари устига қўйди: апилтапил хўр-хўр этказиб ича бошлади. Хўб ичди, кўп ичди. Лўли ҳам танти экан: Қурбақанинг кўнгли тусаганча шўрва қуйиб бераверди. Умри бино бўлиб, ёрилгудек аҳволда илк бора овқатланиши эди ўзиям. Ахийри, у ҳарсиллаб ўрнидан турди. Лўли билан қуюқ хайр-хўшлашди. Хўрсиниб-

хўрсиниб отининг ёлини силади. Дарё ўзанларини яхши биладиган лўлидан йўлни қайта-қайта сўраб олди-да, кўтаринки кайфиятда йўлга равона бўлди. Энди у эски Қурбақага ўхшамасди; эгнидаги рўдапо кўйлак ҳам аллақачон қуриб қолган эди; чўнтағида пули бор, ҳадемай дўстлари билан дийдор қўришади. Насиб этса, хатардан фориғ бўлди ҳисоб. Аммо-лекин, шўрвадан тўйиб-тўйиб ичиб олгани зўр бўлди-да! Мана, энди хотиржам, кориннинг ғами йўқ. Бардам-бақувват. Гўё ҳар қандай жасоратга қодир эди.

У шодлигидан терисига сифмай борарди. Кўрган-кечирганларини бир-бир кўз олдидан ўтқазарди, ўзининг устакорлигига, тадбиркорлигига қойил қоларди. Ўзидан ўзи мағурланиб қўярди.

– Аслида, Буюк Британиянинг миллий ифтихори ҳам ўзим бўлишим керак! – дерди у кўксига муштлаб. – Қандингни ур, азамат! Дунёда хеч ким сенга бас кела олмайди. Қора кузгуналар сени зиндонбанд этдилар, ҳар қадамингга биттадан соқчи қўйдилар, тун-кун ҳар босган қадамингни кузатиб ўтиридилар. Сен-чи? Мисли қўрилмаган ақл-заковатинг туфайли, бекиёс жасоратинг туфайли душманларни гафлатда қолдиридинг, озодликка чиқдинг, озодликка! Орtingдан паровозда қувладилар, яна тишидан-тирноғигача қуролланган ёвуз полициячилар қувладилар. Лекин, ҳаммаси шармандаю шармисор бўлдилар – сен тутқич бермадинг! Англашилмовчилик бўлиб, сойга ҳам тушиб чиқдинг: лаънати хўппа семизнинг кўнгли кир экан, ғаламис экан. Бўлмаса, сени сойга улоқтириб юборармиди? Майли, отса отибди-да, шунга ҳам ота гўри қозихонами?! Лекин, уни жуда бопла-

динг: отини миниб олиб қочдинг, айтганингдек, қылмишига ярашасини күрсатиб қўйдинг, бир умрга татийдиган сабоқ бердинг унга! Энди эсидан чиқармайди, ўла-ўлгунча эслаб юради, қарғаб юради. Майли, қарғайверсин, қарғиши ўзини уради. Нима, зарар кўрдингми? Мана, отни сотдинг, чўнтакка пул тушди, қоринга овқат! Уддабуронлик шунчалик бўлади-да! Қандингни ур, лочин! Дунёда сендан омадлироқ Қурбақа бормикан? Сендан машхур Қурбақа бормикан бу дунёда? Сендан хубличим Қурбақа бормикан?.. Йўқ, йўқ, йўқ ва яна бир марта йўқ!

Қурбақа борган сари ўзига бино қўярди, терисига сифмасдан қувонарди. Шундай завққа тўлиб бораётшиб, беихтиёр илҳоми жўш уриб, ўзига бағишлиб қасида тўкиб юборди. Атрофда уни тинглайдиган жонзот бўлмаса-да, ўша қасидани ашула қилиб баралла айта бошлади:

*Дунёда голиблар сонсиз-саноқсиз,
Тарих битиклари эмасдир юқа.
Голиблар ичра ким тенгсиз десангиз:
Фақат, фақат, албат жсаноб Қурбақа!*

*Дунёда кўп олим, аҳли донишлар,
Мутаффакир бўлсин ҳар aka-ука.
Бироқ, барчасини қиёс этсалар,
Енгиб чиқар жсаноб Қурбақа!*

*Тошқиндан соғ-омон қолган ҳайвонлар,
Ёшланган кўзлари мисоли соқقا.
Айтсалар юракдан олқишу шонлар,
Муносиб унга ҳам жсаноб Қурбақа!*

*Савлат түкиб ўтса вазмин, сервиқор,
Хаттоки, ҳарбийлар түхташар тақقا.
Ким у? Қиролмикан ё вазир айёр?
Йўқ, асло адашманг, у Жаноб Қурбақа!*

*Канизаклар ичра шўх Қиролича,
Кўчага боқди-ю, ушлади ёқа:
«Билинглар, ким экан сухсур йигитча?»
Дедилар: «У жасур, жаноб Қурбақа!»*

Қурбақа қўшиқ оҳангига мос равишда қадам ташларди, қадам олишга мослаб қўшиқ айтарди. Қўшиқ борган сари авжга чиқиб борарди. Афусуки, баъзан хурсандчиликнинг умри ҳам қисқа бўлади.

Қишлоқ йўли бир неча чақиридан сўнг уни катта шоҳкўчага олиб чиқди. Аланг-жаланг қилиб, шоҳкўчага чиқаркан нохос узоқдаги қора нуқтага кўзи тушиб қолди. Шоҳкўча ўртасидаги ўша қора нуқта бир оздан сўнг доғға, кейин шарга айланди ва тобора шу тарафга яқинлашиб келаверди. Унинг турқи танишга ўхшарди. Ниҳоят, Қурбақанинг қулоғига «Би-бип-бип!» деган сигнал эшитилди.

– Бу бошқа гап! – деди у ҳаяжонланиб. – Яшасин! Мен айнан шу нарсани соғинган эдим. Ҳозир йўловчиларни тўхтатаман. Ҳийла-найрангларимни ишга соламан. Албатта, омадим келади! Чунки мен омадли маҳлуқман. Наҳотки, улар мени манзилимга элтиб қўйишга кўйнмасалар? Ўлибдими, кўнишади. Йўлда уларни аста авраб кўраман... Лекин, маконимга машинада кириб борсам, оламшумул воқеа

бўларди-да! Бўрсиқ ҳам менинг кимлигимни бир кўриб қўярди!

У комил ишонч билан катта кўчанинг ўртасига чиқди-да, машинага қўл кўтарди. Машина ўртача тезлиқда келарди. Қишлоққа яқинлашгач, тезлиги-ни янада пасайтирди... Бирдан Курбақанинг ранг-рўйи окариб кетди, юраги товонига тушиб қолди гўё. Азбаройи қўрқанидан дағ-дағ титрай бошлиди, оёқларидан жони чиқиб, икки букилганча йўлга юзтубан йиқилди. Не тонгки, ўша машъум куни «Қизил шер» меҳмонхонасининг ҳовлисидан Курбақа ўғирлаб қочган автомобиль айнан шу машина эди. Ўриндиқлардаги йўловчилар ҳам ўша ошхонада тамадди қилган жаноблар эди. Бахти қаро Курбақа катта кўчада шалпайиб ётаркан, ўзига-ўзи пичирлади:

– Тамом! Энди ҳаммаси тамом бўлди! Қўлимга яна кишан солинади, яна полициячилар кетимга тепишади! Яна қамоққа тушаман, нон-сувга куним қолади! Вой худойим-эй, мунча меҳрибонсан! Ўзим аҳмоқман, каллаварамман! Аҳмоқ бўлмасам, куппа-кундуз ашула айтиб юраманми?! Яна, ўзимни мадҳ этадиган ашула айтиб юрганим-чи! Ундан кўра, қоронғи тушгунча хилватроқ жойда жуфтлаб ўтирумайманми? Уйга қоронғи тушганидан кейин борсам ҳам бўларди-ку! Ўзим маразман, мараз!

Машина тўхтовсиз Курбақанинг устига бостириб келаверди... Хайрият, шофёрда инсоф бор экан, шекилли, ёнгинасида тўхтади – эзид кетмади! Шунисига ҳам шукр! Машинадан икки киши сакраб тушди-да, йўлда ётган жониворни кўздан кечира бошладилар. Бир оздан кейин, биттаси:

– Оббо, расво бўлибди-ку! – деди ачиниб. – Кари кампир экан. Кийимиға қараганда, кирчи хотинга ўхшайди. Бечора ҳушидан кетиб қолибди. Иссиқ урдимикан. Яқин орадаги бирорта қишлоққа элтиб қўймасак, балога қолмайлик! Эҳтимол, уни танийдиган одам учраб қолар?

Курбақани оҳиста кўтаришиб, машинага чиқардилар ва ўриндиққа ётқизиб қўйишиди. Машина ўрнидан қўзғолди.

Йўловчилар бечора «кампир»га ниҳоятда ачинишарди. Уларнинг гап-сўзларини тинглаб, «хайрият, танишмади!» деб қўйди Курбақа ўзича. Сўнг астагина аввал бир кўзини очди, кейин иккинчисини ҳам очди.

– Қаранглар, ўзига келди! – деб юборди суюниб кетган йўловчилардан бири. – Кўкрагига шамол тегиб, енгил тортди, шекилли. Хоним, аҳволингиз қалай?

– Энди сал тузукман, шукр, – деди Курбақа хаста товушда. – Жаноб, сиздан бағоят миннатдорман! Отангизга раҳмат!

– Бизни жуда қўрқитиб юбордингиз-ку! Кўп гапирманг, илтимос, яна бирпас ором олинг! Ҳаммаси яхши бўлади.

– Раҳмат, – деди Курбақа. – Фақат битта илтимосим, олдинга – шофёргизнинг ёнига ўтиб ўтирсан, дейман. Юзимга шабада яхшироқ тегардидида, дарров ўзимга келиб қолардим!

– Тўғри фикр айтдингиз, хоним! Қаранг-а, биз буни ўйламабмиз! – деди ёнидаги киши. – Жорж, машинани бир дақиқага тўхтат!

Улар кўмаклашиб, Курбақани машинанинг олдинги ўриндиғига ўтказдилар. Сўнг машина йўлида давом этди.

Олдинга ўтгач, Қурбақа ўзини бутунлай ўнглаб олди. Кўзлари, одатдагидек, олма-кесак тера бошлади. Шу тобда яна эски дарди қўзиб қолган, яна рулни эгаллаб олгиси, машинани ўзи бошқаргиси келар эди. «Нима қиласай, ахир! Ўзим шунақаман! Устига-устак, тақдирнинг ўзи мушкулимни осон қилиб турибди. Фақат бир ҳайдаб кўраман, холос. Қачонгача ўзимни ўзим қийнайман... Бор-э, нима бўлса бўлди!» деб ўйлади у. Ва ёнидаги шофёрга юзланди-да:

– Кечирасиз, жаноб, машинангизни озгина ҳайдаб кўрсам майлими? – деб илтимос қилди. – Сизга қараб ўтириб, жуда-жуда ҳайдагим келяпти. Унчалик қийин эмасга ўхшайди. Агар рулни берсангиз, менам машина мингандман, деб дугоналаримга мақтаниб юрадим!

Ҳайдовчи шунақаям қаҳ-қаҳ отиб кулдики, машина соҳиби беихтиёр:

– Нима гап? – сўради орқадан.

Ҳайдовчи унга «кампир»нинг илтимосини айтди.

– Тасанно, хоним! – деди соҳиб Қурбақани лол қолдириб. – Файратингизга қойилман!.. Жорж, қани, дарҳол хонимга рулни беринг-чи! – деб амр қилди. – Фақат ўзингиз ёнида кўз-қулоқ бўлиб ўтиринг... Жаноблар, сизлар асло қўрқманлар, ҳеч нарса бўлмайди.

Машина «ғийқ» этиб тўхтади. Қурбақа билан ҳайдовчи ўрин алмасиб ўтирдилар. Ҳайдовчининг кўрсатмалари гарчи Қурбақанинг энсасини қотираётган бўлса-да, аммо диққат билан тинглади, сўнг хушёрликни оширган ҳолда машинани аста ўрнидан қўзғатди.

Орқа ўриндиқдан қарсак янгради, улар Қурбақага таҳсин айтишарди.

– Ие, бу хоним зўр шофёр экан-ку! Наҳотки, оддий кирчи хотин рулга ўтириши билан машинани хайдаб кетаверса?! Ё тавба!

Курбақа тезликни салгина оширди, кейин яна газни босди... Борган сари тезлатаверди. Бирдан орқадаги йўловчилар типирчилақ қолишиди.

– Ҳой, ҳаддингиздан ошманг-да! Секинроқ ҳайданг! Нима бало, жонингизда қасдингиз борми? Ие, бу кампир жинни-пинни бўлиб қолганга ўхшайди-ку!

Бундай кесатиқлар Курбақанинг жаҳлини чиқариб юборди ва эс-ҳуши бошидан учди.

Ҳайдовчи жанжалга чек қўймоқчи бўлди, аммо Курбақа уни тирсаги билан туртиб юборди ва газни охиригача босди. Мотор зўриқиб кетди, юзкўзларга кучли шамол урила бошлади. Машина ўқдай учиб борарди. Курбақа тамоман ўзини идора қилолмай қолди.

– Кирчи хотин эмиш! Ана сенга кирчи хотин! Ха-ха-ха! – деб қичқирди Курбақа. – Кимсан, машхур машина ўғрисиман! Қамоқдан қочдим! Менга хеч қандай қамоқхона дош беролмайди! Чунки мени Курбақа дейдилар, галварслар! Агар қилт этмай ўтирсаларинг, машина ҳайдашни сизлар ҳам ўрганиб оласизлар! Ҳозир рулда довюрак пойгачи ўтирибди! Ха-ха-ха!..

Юраклари ёрилгудек бўлиб қолган йўловчилар қий-чув кўтаришиб, бирдан Курбақага ёпишдилар.

– Ушланглар уни! Тезроқ бўлинглар! – деб амр қилди соҳиб. – Қўйиб юборманглар! Машинамиз-

ни ўғирлаган бадкор махлук шу экан! Күл-оёғини боғланглар! Кишан солинглар! Полицияга элтиб берамиз! Даф бўлсин, ярамас!

Надоматлар бўлғайким, улар аввал Курбақани машинадан тушириб, сўнг унга ташланишлари лозим эди. Аммо, ҳозир тескари иш тутдилар. Яъни, аввал Курбақанинг оёқ-қўлини боғлашиб, кейин машинани тўхтатмоқчи бўлдилар. Натижада, бошқарувсиз қолган машина қасир-кусур этиб йўл ёқасидаги дарахтларга бориб урилди! Ўйдим-чукурлардан сапчиб ўтиб кетди ва билчиллаган ҳовузга ботиб қолди.

Ё тавба! Курбақа худди қалдирғочдек осмонда ёй ясад, тўхтовсиз учиб бораради: ўзиям шундай маза қиласдики, қанийди шу тобда қанот чиқариб юборса-ю, учар Курбақага айланиб қолса!.. У ўзининг ширин хаёлларини поёнига ҳам етказмаган эдики, бирдан момик майсалар устига гуп этиб тушди! Бахти бор экан! Бўлмаса, тил тортмай ўлиши ҳам ҳеч гап эмасди! Тезда ўзини ўнглаб олиб, ўрнидан турди-ю, машина томонга қаради: машина ҳовузнинг ўртасида белигача сувга ботиб турар; ҳайдовчи ҳам, йўловчилар ҳам балчиқда ти-пирчилар эдилар. Курбақа орқа-олдига қарамасдан қочди. У ям-яшил бутазор оралаб, ўтлоклару дала-ларни ғув-ғув кесиб ўтар эди. Охири ҳолдан тойди, мадори қуриди, нафаси оғзига тикилиб, оёғини кўтара олмай қолди. Ўпкаси босилиб, мияси салпал ишлай бошлагач, боягина рўй берган ҳодиса эсига тушиб, аввал тиржайди. Сўнг росмана кулди, кейин шунақаям кулдики, кула-кула ичаклари узилиб кетаётди. Корнини чангллаб бута остига буқчайганча ўтириб қолди.

— Ха-ха-ха-хах, хү-хү-хүх! — деб у мириқиб ранг-баранг оханга куларди. — Отангга раҳмат, Курбақа! Мени Курбақа дейдилар! Фақат оламан, ҳеч қачон ҳеч кимга олдирмайман! Машинага миниб олиш ҳийласини ким ўйлаб топди? Озгина кўкрагимга шамол тегсин деб, ким шоғёрнинг ёнига ўтиб ўтириди? Лаққи бойваччаларни ким балчикқа ботириб ташлади? Ким осмонда қалдирғочдек парвоз қилди? Ким омон-эсон майсазорга қўнди?.. Ҳаммаси Курбақа, Курбақа, Курбақа! Яш-шавор, азамат! Иш мана бундай бўпти! — Дабдурустдан яна ашула айтгиси келиб қолди-ю, товушини баралла қўйиб, куйлай бошлади:

*Машина елар гув-гув, шув-шуув,
Йўллар қолар тинимсиз ортда.
— Уни балчиққа тиққан ким?
— Жаноб Курбақа, шайтонча, албатта!*

Тасанно, беш кетдим, Курбақажон! Қойил сенга! Юз марта, минг марта қойилман!..

Орқа тарафдан, олис-олислардан қандайдир товуш қулоққа чалингандай бўлди. Курбақа ўтирган жойида тошдек қотиб қолди. Э-э воҳ, бу не даҳшат бўлдийкин? Наҳот, шўри қуриган бўлса?.. Иккита дала нарисида оёғига чарм қўнжли маҳси кийиб олган шофёр билан семиз-семиз бир жуфт полициячи кўринди. Улар жон-жаҳдлари билан Курбақа тарафга югуриб келишарди!

Курбақа ўрнидан иргиб турди. Атрофига яна бир бора аланг-жаланг тикилди. Сўнг шунақаям қочдикни, асти қўяверасиз!

— Каллам қурсин! Эшак эканман! — деб ўзини ўзи сүкди у. — Ўзига бино қўйган эшак бўлмасам, эҳтиёт чора-тадбирини ўйлаб топиш ўрнига бақириб-чакириб, ашула айтиб ўтирармидим! Дунёда менга ўхшаган аҳмоқ бошқа учрамаса керак...

У орқасига ўгирилди-ю, ўтакаси ёрилди: не кўз билан кўрсинки, қувиб келаётган азаматлар жуда яқинлашиб қолган эдилар! Қурбақа тезликни янада ошириди, жони ҳалқумига келди... Дам-бадам орқасига ўгирилиб қарайди: таъқибчилар тобора яқинлашиб келишарди. Оббо, адойи тамом бўлади, шекилли. Нима қилса экан? Хўш, бундан ортиқ яна нима қилиши мумкин? Қочиш бўлса, шунчалик бўлади-да! У бундан ортиғига қодир эмас-ку! Ўзи хўппа семиз, оёқлари калта-калта – худди оёқлари тушов солиб қўйилган отга ўхшаб, сакраб-сакраб югуради. Шунчалик чопяптики, отасига раҳмат! Лекин, улар етиб олишмаса гўргайди! Мана, орқадан қадам товушлари эшитиляпти, чоғи. Ўзи бўлса, қўрқитик оралаб югуради: қаерда кетаётганини ҳам мутлақо билмасди. Фақат олға интиларди, олға! Орқадан эса ҳозирдан ғалаба нашу намосини суреб, кўзлари сузилиб келаётган анави гўрсўхта полициячилар билан, калтафаҳм ҳайдовчи ҳаллослаб келишарди. Ҳатто уларнинг «пиш-пиш» этган товушлари ҳам эшитила бошлади... Қўққисдан Қурбақа оёқлари остидаги қаттиқ ерни ҳис этмай қўйди: гўё ҳавода муаллақ осилиб қолгандек туюлди. Осилиб тургандек туюларди-ю, аммо шув-шув этган шабада эшитиларди. Бир пайт «шалоп» этган товуш чиқди: Қурбақа қорни билан сувга тушган эди. Қорни ёрилиб кетаёзди, кўзларидан ўт чақнаб кетди ўзиям!

Шиддатли оқим уни ўз ихтиёрига қўймасдан бир ёқларга оқизди-кетди. Минг чиранса ҳам, минг уринса ҳам асло сувга бас келолмади. Англадики, у шошилишда дарёга учиб тушган экан... У лопиллаб оқиб борар экан, иложи борича чўкиб кетмасликка тиришарди, сув сатҳида кўпроқ юришга ҳаракат қиласарди. Қўлларини чўзиб, дуч келган хастга, хашакка ёпишарди. Ҳатто қамиш, қамғақ қўлига илинарди-ю, лекин оқим зўрлигидан улар ҳам тагтомиридан юлиниб кетарди – Курбақани тутиб қолишга ожизлик қилишарди.

– Агар яна бир марта машина ўғирласам... – деб қасам ичмоқчи бўлди Курбақа, аммо оғзига сув тиқилиб ғўлдираб қолди, чўкди. Сув сатҳига чиққач, яна: – Иккинчи марта ўзимга бағишлаб шеър ёки қасида тўқисам... – деб яна қасам ичмоқчи бўлди, лекин яна чўкди. Бирпасдан сўнг тагин сув юзасида башараси кўринди ва: – Иккинчи марта ўзимга бино қўйсам ёки ашула айтсан... – деб хирқиради.

Шу алфозда димиқиб-димиқиб, охири қирғоқ ўпирилиб тушган жойга етиб борди: рўпарада катта кавак кўриниб турарди. Курбақа ўша тарафга талпинди ва яқинлашган пайтида икки қўли билан кавакка маҳкам тирмашиб олди. Осиланган кўйи бир оз дам олди-да, сўнг чираниб-чираниб, юқорига ўрмалади, бир амаллаб кавакка кириб олди. Ҳансираф-ҳансираф атрофига аланглади-ю, милт-милт этиб турган бир нарсага кўзи тушиб қолди. Аста ўша томонга яқин борди. Яқинроқ борган эди, милт-милт теварагида қандайдир башара намоён бўлди, унга бу башара жуда таниш туюлди. «Демак, таниш нусхалардан бўлса керак» – хаёлидан ўтказди Курбақа... Таниш нусханинг ҳаммаёгини

майин жун қоплаган бўлиб, қулоқлари жажжигина, мўйлови жигарранг, истараси ҳам иссиқ. Бўлди, танид! Ахир, бу – Каламуш-ку!..

ХІ б о б

НЕЧУН ЯНА КЎЗЛАРИНГДА ЁШ?

ёхуд «сиз ўшами?..»

Каламуш қўнғир қўлчалари билан Қурбақанинг қўлтиғидан олиб, ёнига тортиб чиқарди. Қурбақа бош-оёқ лойга ботган бўлса-да, тўрт мучаси соппасоғ эди. Боз устига, эски қадрдонини учратиб, бағоят хурсанд бўлиб кетди. Шукрки, энди у қувди-қувдидан ҳам, ушла-ушладан ҳам, қоча-қочдан ҳам халос бўлди. Энди устидаги рўдапосини улоқтириб ташлаб, хотиржам яшаши мумкин.

– Каламушжон, сиз билан охирги марта қўришганимиздан бери бошимга тушмаган қўргилик қолмади! – деб хитоб қилди Қурбака. – Қўйинг, мен гапирмай, сиз эшитманг! Қамоқхонадаги жабру ситамларга, азоб-уқубатларга мардона чидадим! У ердан битта хотиннинг уст-бошини ижарага олиб, никоб остида жуфтакни ростладим. Галварс соқчиларни, лақма полициячиларни доғда қолдирдим! Эҳ-хе, ҳийла-найранглар ўйлаб топавериб, устаси фаранг бўлиб кетдим. Мен қилмаган иш қолмади ҳисоб: ҳатто от ўғирладим, уни сотиб, мўмай пул топдим. Номардларни росаям ноғорамга ўйнатдим-да! Лекин ақл-фаросатдан қисилмаган эканман, айниқса, охирги ҳунарим ҳаммасидан ошиб тушди! Бунақаси ҳеч кимнинг тушига ҳам кирмаган бўлса керак. Шошманг, ҳаммасини бир бошдан гапириб бераман...

– Қурбақабой, бачкана гап-сўзларни йиғиши-ринг-да, қани, юқорига чиқинг! Эшитяпсизми? – деди Каламуш қовоғини осилтириб. – Устингиздаги нима? Худди алвастига ўхшаб қолибсиз-ку! Уни ечиб ташланг! Бет-қўлингизни ювинг! Уёқ-буёғингизни эпақага келтириб олинг! Шунақаям исқирт бўлиб кетибсизки, маҳлуқлик сиёғингиз қолмабди! Ҳадеб ғиди-биди қиласвермасдан, бўлинг, тепага чиқинг! Кейин сизга бир гап айтаман.

Курбақа гап қайтармоқчи бўлди, «қамоқхонада бунақа буйруқлардан тўйдим, менга буйруқ берманг» дейишга оғиз жуфтлади-ю, аммо шайтонга ҳай берди. Дафъатан шляпа қозиқ тепасидаги кўзгуда ўз аксини кўриб қолди-ю, исқирт-палид бўлиб кетганига юз фоиз ишонди. У итоатгўйлик билан Каламушнинг кийимхонасига йўл олди. Астойдил ювинди-таранди, уст-бошларини алмаштириб, ўзини кўзгуга солиб кўрди. Туриб-туриб ўзини жуда яхши кўриб кетди. Шундай маҳлуқни, кирчи хотинга ўхшайсиз, дейиш учун ғирт аҳмок бўлиш керак, деб ўйлади.

Каламушнинг кийимларини кийиб, ошхонага қайтиб тушганда тўкин дастурхон унга мунтазир бўлиб турарди. Бирдан иштаҳаси очилиб кетди. Лўлининг қўлидан овқат еганидан кейин озмунча томошалар бўлиб ўтдими! Шу тобда қорни яна сурнай чала бошлаган эди. Овқат маҳали Курбақа кўрган-кечирғанларини ҳикоя қилиб роса ўзини ўзи мақтади.

– Кўрган-кечирғанларингизни китоб қилиб ёзинг! – деб маслаҳат берди Каламуш пичинг аралаш. – Агар китобингизни чартистлар ҳаракати-

нинг бир юзу эллик йиллигига бағишласангиз борми, нақ Нобель мукофотини беришади!

– Ростданми! – деди Қурбақа күзлари чақнаб. – Қандай яхши, қандай соз!

Курбақа жавраб-жавраб чарчади. Каламуш босиқлик билан гап бошлади.

– Қулоқ солинг, Бақабек! – деди каламуш ҳамон заҳарханда қилиб. – Сизни хафа қилмоқчи эмасман. Шундоқ ҳам кўрадиганингизни кўрибсиз! Лекин мақтанишдан уялсангиз бўлармиди? Ахир сизни занжирбанд қилишиб, зиндонга ташлашибди. Оч-нахор қолибсиз, хўрланиб, шарманда бўлибсиз-ку! Янатағин, хотин кишининг кийимини кийиб қочибсиз! Биласизми, кимлар хотин кишининг кийимини кийишади? Унақа махлуқларни «ҳариф» дейишади!.. Буларнинг нимаси қувонарли экан? Хўш, гапи-ринг! Битта машина ўғирлаб, шунча кўргиликларни бошингиздан кечирдингизми? Наҳотки, бесамар ўтаётган умрингизга ачинмасангиз? Наҳотки, ўша машинадан ҳам, ўғирлиқдан ҳам ҳеч қандай фойда йўқлигини билмасангиз?! Хўп, ана, машина ми-нибсиз. Нима бўпти? Ҳузур қилдингизми? Фалокат рўй бериб, ажалингиздан беш кун бурун ўлиб кетишингизга бир баҳя қолибди-ку! Тағинам, майиб-мажруҳ бўлиб қолмаганингизга шукр қилинг! Агар ўзингизни абор қилиш ниятида бўлсангиз, марҳамат, билганингизни қиласверинг! Қачон эсингиз киради, а?! Қачон ёр-биродарларингизнинг юзини ерга қаратмайдиган бўласиз?! Сизнинг дастингиздан кўча-кўйда бошимизни кўтариб юролмай қолдик-ку! Э-э, онасини... бунақа ҳаётнинг!

Курбақанинг ўзига хос фазилатларидан бири шунда эдики, у дўстларининг оғир гапларини ҳам

кўтараарди, кўнгилда кек сақламасди. Баъзан ўз гапини маъкул қилиш учун ўлиб-тирилар, ҳеч кимга гап бермас, аммо ўзига қарши айтилган фикр-мулоҳазалар билан ҳам ҳисоблашарди. Керак бўлса, ноҳақлигини мардона тан оларди. Ҳозир эса, Каламуш уни бамаънилиқда айблаётган, бунга Қурбақанинг ўзини ҳам ишонтиришга ҳаракат килаётган бўлса-да, лекин ўз хатосини тан олишни истамасди. «Барибир зўр иш қилдим!» деб ўзича пи-чирип-пицир қиласди. Гоҳ-гоҳ томоғини тақиллатиб кўяр, шиша пўкагини очганда чиқадиган товушга ўхшатиб ғалати сас чиқаарди... Охири Каламуш ҳам гапириб-гапириб чарчади. Қурбақа чуқур хўрсинди.

– Каламушжон, гапларингиз тўғри! – деди Қурбақа самимий оҳангда. – Ҳар галгидек, сиз ҳақсиз! Мен галварсман, калласи йўқ аҳмоқман! Мақтанчоқман, ўзимга бино кўйганман. Бундан кейин ўзимни тузатаман, одоб-ахлоқни ўрганаман... Машина масаласига келсак, очиғини айтсам, ундан ҳам кўнглим совиб кетди. Ҳозиргина миямга антиқа фикр келиб қолди. Айтайми? – деб сўради тилёғламалик билан.

– Айтинг! – деди Каламуш хўмрайганча.

– Айтадиган бўлсам, анави моторли қайиқ борку... Ие, нега дарров лабингизни буряпсиз?! Ахир, гапнинг бердисини ҳам эшитинг-да! Агар эшитишни истамассангиз, бўпти, гапирмайман... Келинг, қаҳвани ичиб олайлик! Кейин мириқиб тамаки ту-татамиз. Сўнгра, сафаримиз қариди – секин-аста маконимга қайтсам ҳам бўлади. Бориб, уй-пуйдан хабар олайнин, ўзимнинг уст-бошларимни кийиб олайнин. Дарбадарлик ҳам жонимга тегди. Энди

күлдан келганча рўзгор тебратаман, уйда ўтираман. Иложи бўлса, уй олдида кўркамгина битта боғча барпо этаман. Ошна-оғайниларим ташриф буюрсалар, олдиларига дастурхон ёзаман, хизматларини қиласман – дуоларини оламан. Хўп, маконимга бора қолай!

– Қанақа макон?! – деб сўради Каламуш ҳайратланиб. – Нима бало, ҳали хабарингиз йўқми?

– Нимадан?! – деди Қурбақа капалаги учиб. – Гапирсангиз-чи, нима бўлди ўзи? Тинчликми?

– Жўрттага ўзингизни гўлиқка солиб, оқсичонлар билан латчаларни кўрганим йўқ, демоқчи бўляпсизми?! – деб столни муштлади Каламуш.

– Уларни илгари кўрганман. Ёввойи чакалакзорда яшайдилар. Чакана безорилар-да! Лекин бошқа гапни эшитганим йўқ. Эшитган бўлсам, майли, «жўжахўroz» бўлай! – деб қасам ичди Қурбақа.

– Эшитмаган бўлсангиз, ўнг қулоғингиз билан ҳам, сўл қулоғингиз билан ҳам эшитиб олинг. Улар сизнинг уйингизга кириб олишиб, маконингизни эгаллаб олдилар!

Курбақа тирсагини столга, жағини кафтлари-га тиради-ю, елкалари силкиниб-силкиниб йиғлаб юборди: кўзларидан оқаётган шашқатор ёшлар стол устига томчилай бошлади.

– Хўш, кейин нима бўлди? – деб хиққилаганча сўради у. – Айтаверинг, кейин нима бўлди? Кўркмасдан айтаверинг, асосий зарбани кўтардим-ку, энди буёғига bemalol чидайман.

– Ўша фалокат рўй бергач, яъни машина мояросига аралашиб, дом-дараксиз кетганингиздан кейин... – деди Каламуш каловланиб.

– Биламан, гапираверинг, – деб бошини силкитиб, тасдиқлади Қурбақа.

– Хуллас, бу ерда гап болалаб кетди, – деб давом этди Каламуш руҳан қийналиб. – Ҳатто Ёввойи чакалакзорларга ҳам миш-миш тарқалиби. Бирор ундей дейди, бирор бундай... Соҳил ахли сизга жуда ачиндилар: «Буюк Британияда ҳақиқат йўқ! Агар бизда ҳақиқат бўлса, Шимолий Ирландия Британия қироллиги таркибидан ажралиб чиқмоқчи бўлармиди?! Мана, Қурбақа ҳам ноҳақ жазоланди! Ҳозир одам ўлдирган қотил ҳам саккиз йилдан ортиқ озодликдан маҳрум этилмайди. Лекин, бечора Қурбақамизни йигирма йилга қамашибди! Пора бермаган-да, агар у ҳам бошқаларга ўхшаб пора берганида борми, ўн беш кундаёқ озодликка чиқарди!» дейишиди. Бундай гап-сўзларда жон бор эди, албатта.

Аммо, Ёввойи чакалакзор ахли бошқача фикр билдирилар: «Қурбақа ҳақли жазоланди. Ҳақиқат бор экан-ку! Бедодликнинг ҳам чегараси бўладида! Танобини тортиб, жуда тўғри қилишди! Энди, Қурбақанинг куни битди, буёқларга ўлигини ҳам юборишмайди!.. Шимолий Ирландия масаласига келсак, аслида, ирландларнинг ўзлари ахмок! Ахмок бўлишмаса, ўзларидан чиқсан Жеймс Жойсдек улуғ ёзувчини Оврўпага ҳайдаб, дарбадар қилиб қўйишармиди?! Унга денгиз соҳилида дан-ғиллама иморат куриб беришмасмиди?! Биттагина ёшгина қизни қўйнига солиб қўйишса, ёзувчи ҳеч қаёққа кетмасди! Эркак зоти излаган нарсасини уйидан тополмаса, дайдиб кетади-да!» дейишиди улар. Инсоф юзасидан айтганда, буларнинг гапларида ҳам жон бор эди.

– Түғри, – деб маңқуллади Қурбақа.

– Ҳайвон халқи калтабин бўлар экан-да! – деди Каламуш афсусланиб. – Лекин Кўрсичқон билан Бўрсиқ жуда қаттиқ туришди. «Нима бўлсаям Қурбақа қайтиб келади, мана кўрасизлар! Ўшандা сизлар билан саломлашамиз! Агар уни отиб юборишиша ҳам келади!» дейишди қайта-қайта.

– Мен уларнинг садоқатига ҳеч қачон шубҳа қилган эмасман, – деди Қурбақа мамнун бўлиб.

– Тўғриси, улар сизнинг суллоҳ эканингизни ҳам, ҳамёнингизни ишга солиб, жаҳаннамнинг оғзидан омон-эсон қайтиб келишингизни ҳам жуда яхши билишарди. Шундай қилиб, сиз қайтгунча уйингизга кўз-кулоқ бўлиб туришга, вақтинча сизниги кўчиб ўтишга қарор қилдилар... Бироқ, кейин ҳаммаёқ ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Етти ухлаб тушимизга кирмаган воқеалар содир бўлди. Ёмғир чеълаклаб қуйиб турган зим-зиё тунда Ёввойи чакалакзор безорилари тиш-тироғигача қуролланиб, маконингизга бостириб киришибди. Айни ўша пайтда ўз отасини ҳам танимайдиган сассиқ кузанлар боғчангизни орқа тарафдан айланаб ўтишибида-да, ҳовлингиз билан хизматгоҳни эгаллаб олишибди. Бошқа томондан оқсичқонлар ойнаванд билярдхонани эгаллашибди... Ҳамма нарсадан бехабар Кўрсичқон билан Бўрсиқ ўчоқ олдида оловга тобланиб, тамаки чекиб ўтиришаверишибди. Чунки ўша каллакесарлар ёвуз ниятларини амалга оширган пайтда кўчада ит туғул, бит ҳам юрмасди-да! Бироқ, ғафлатда қолган Кўрсичқон билан Бўрсиқ жуда қаттиқ қаршилик кўрсатишибди. Охири таслим бўлишга мажбур бўлишибди. Икковини ҳам кўпчилик бўлиб роса

дүйпослашиб, таҳқирлаб күчага ҳайдаб юбориб-дилар.

– Шунақами? – деб Қурбақа негадир илжайди. Сүнг, оғзини танобини тортиб, қиёфасига жиддий тус берди.

– Ўша машъум кечадан бери уйингизда Ёввойи чакалакзор текинхўрлари истиқомат қилишяпти, – деб давом этди Каламуш. – Жимгина юришса ҳам гўрга эди. Одобсизларча қилаётган қилиқлари, юриш-туришлари беихтиёр қон босимингни ошириб юборади. Улар то тушгача сассиб ухлайдилар. Кейин бирин-кетин уйғонишиб, нонушта қилишади. Уёқ-буёқни йиғиштиришни билмайдилар, ҳаммаёқни ахлатхонага айлантириб юборишиди. Озиқ-овқатларингизни еб битиришди, чоғи. Куни бўйи айнимга ашулалар айтишади, сизни калака қилишади: қамоқхонани, полициячиларни, қозиларни кўкларга кўтариб мақтайдилар, яшшамагурлар! Яна-тағин, учраган махлукқа: «Биз бу ерда абадулабад яшаймиз!» дейишармиш...

– Шунақамикан?! – деб калтакни олиб ўрнидан туриб кетди Қурбақа. – Шошмай туришсин, мен уларга кўрсатиб қўяман!

– Ўзингизни босинг, Қурбақа! – деди унинг орқасидан Каламуш. – Ҳозир барибир фойдаси йўқ! Борманг уёққа!

Аммо, Қурбақа шитоб билан йўлга тушган эди. Уни ҳеч қандай куч тўхтатиб қололмасди: бенихоя ғазабланган, қизарип-бўзарип кетган эди. Тўқмоқни елкасига ташлаган кўйи ғўлдираб, сўкиниб, оғзидан боди кириб-шоди чиқиб борар эди. Дарвозахонасига етиб борган ҳам эдики, девор ортидан сариқ қалпоқ кийган милтиқли сассиқ кузан кўринди.

– Ким у? Түхта! – деди сассиқ кузан таҳдидли товушда.

– Лүттивозликни йигиштиинг! – деди Қурбақа нафратини яширмай. – Ким билан гаплашаётганингизни билмаяпсизми? Қани, азамат, бу ердан қорангизни ўчиринг-чи!

Сассиқ кузан пачакилашиб, гап талашиб ўтирамади: индамасдан қўлидаги милтиқ қувурини Қурбақага тўғрилади-да, тепкини босди. Қурбақа ўзини ерга ташлаб қолишга зўрға улгурди: ўқ «визз» этиб боши устидан учиб ўтди. Даҳшатга тушган Қурбақа ирғиб ўрнидан турди-ю, орқаолдига қарамасдан жуфтакни рослади. Орқа тарафдан сассиқ кузан бор товушда қаҳқаҳа отгани эшитилди. Ёлғиз қаҳқаҳа қий-чувларга аралашиб кетди. Қурбақа хийла узоклашиб кетган бўлса ҳам шовқин-сурон ҳамон эшитиларди. У Каламушни-кига бир аҳволда етиб борди ва бўлган воқеани сўзлаб берди.

– Мен сизга нима деган эдим?! – деди Каламуш жаҳли чиқиб. – Бошингизни балога гирифтор қилмоқчи бўлдингизми?! Кўрдингизми, ҳамма тарафга қуролланган соқчи қўйиб ташланган. Энди, сабр-тоқат билан қулай фурсат келишини кутишдан бошқа иложимиз йўқ.

Аммо, Қурбақа бекор ўтиришни истамасди. У қайиқни дарёга олиб тушди-да, уйининг чорбоги туташ соҳил томонга сузиб кетди. Эшкакларга энгашган қўйи атрофни синчиклаб кўздан кечирди. Атроф жимжит, қимир этган жон кўринмасди. Уйининг томлари уфқقا эниб бораётган қуёш нурида ялтираб қўриниб турарди. Том устига икки-учта каптар қўнган,

боғчаси ям-яшил эди: қайиқхонага элтувчи ирмоқ ҳам, тахта күпrik ҳам ҳувуллаб ётарди – гүё ҳамма-ҳаммаси унинг қайтишига интиқ эди. «Аввал қайиқ саройига боришим лозим», деб хаёлидан ўтказди Қурбақа. Бирдан жазаваси тутди-ю, қайиқни шартта ирмоққа бурди-да, дам ўтмай күпrikка етиб борди ва «клип» этиб остидан ўтди. Шу пайт ҳаммаёқ бирдан ола-тасир бўлиб кетди. Юқоридан катта харсангтош юмалаб, қайиққа тушди. Пачоғи чиққан қайиқ шу заҳоти чўкиб кетди. Қурбақа эса сувга ағдарилиб тушди ва жон талвасида сувни чапиллатиб суза бошлади. Бир пайт күпrik четига энганиш, унга қараб ҳиринг-ҳиринг кулаётган бир жуфт оқсичқонни кўриб қолди.

– Қурбақа, эҳтиёт бўл! Кейинги тош бошингга тушади! – деб қичқирди улардан биттаси.

Дарғазаб бўлган Қурбақа зўр бериб қирғоқ томон сузуб борарди. Сарқит оқсичқонлар ҳамон қийшангланиш, кулишдан тўхташмасди. Чунонам ханда отишардики, навбати билан икковини ҳам тутқаноқ тутиб қоларди.

Қурбақа оёқларини аранг судраб, Каламушнинг уйига қайтиб борди. Бўлган воқеаларни оқизмай-томизмай гапириб берди.

– Мен сизга нима деган эдим? Нима, хўқизнинг қулоғига танбур чертган эдимми! – деб ўшқирди Каламуш. – Менга қаранг, нима қилиб қўйганингизни биласизми?! Энг зўр қайифимнинг бошига етдингиз! Келтирган фойдангиз шу бўлди! Устингизга кийдириб қўйган уст-бошларимни ҳам расво қилибсиз! Қўйинг-э, сиз билан бир иш қилиб бўлмас экан! Бемаза қилиқларингизга дўст ҳам чи-даб туролмайди!

Қурбақа енгилтаклик қилиб қўйганини, хатоларини дарҳол бўйнига олди. Қайиқ чўкиб кетгани учун ҳам, уст-бошларини расво қилгани учун ҳам Каламушдан қайта-қайта узр сўради. Йиғламсираб, ер чизиб туриб гапирса, дўстлари дарҳол ён беринини яхши биладиган Қурбақа синалган ҳийласини ишга солди.

– Биламан, мен ўлгудек ўжар, қайсар эшакман! – деди Қурбақа пешонасига муштлаб. – Ишонинг, бундан кейин асло ҳовлиқмайман, фақат сизга итоат қиласман! Сиз чизиб берган чизикдан чиқмайман!

– Мана бу бошқа гап! – деб лаққа ишонди Каламуш. – Кун кеч бўлди. Қорнингиз ҳам роса очгандир-а? Ҳозир овқат келтиришади. Яхшилаб қорнингизни тўйдириб олинг... Анави масалага келсақ, шошилмаслик керак. Аввало, Кўрсичқон ва Бўрсиқни топиб, улар билан бафуржа кенгашмоқ даркор. Бундай қалтис ишда ўзбошимчалик ҳар доим панд беради.

– Тўғри айтасиз, Кўрсичқон ва Бўрсиқни топиш керак! – деди Қурбақа тилёғламалик қилиб. – Улар қаерда юришибди? Кўринишмайди?

– Хайрият, улар ҳам эсингизга келар экан! – деди Каламуш ўпкаланиб. – Сиз қимматбаҳо машиналарда, зотдор отларда ялло қилиб юрган кезларда улар кечани кеча, кундузни кундуз, дейишмасдан, оч-наҳор сизнинг мол-мулкингизни кўриқладилар! Калтак еб, емаган сомсалари учун ҳақ тўладилар. Тўғрисини айтсам, бундай вафодор дўстларга сиз муносиб эмассиз! Майли, бир куни кўзингиз мошдек очилади. Ўшанда қадрдонларимизнинг қадрига етмаганингиз учун кўп пушаймон қиласиз. Афсуски, унда кеч бўлади.

– Ношукур махлук эканимни биламан, – деди Курбақа товушига ҳазин тус бериб. – Ўзимга қўйиб беринг, ярим кечаси бўлса ҳам уларни топиб келаман. Албатта, улардан узр сўрайман... Ие, ниманинг овози эшитиляпти? Патнисда идиш-товоқ жаранглаяпти, чоғи. Ур-ра, овқат келди! Юринг, Каламушжон, бир оз тамадди қилиб оламиз!

«Вой, бечора-ей, қамоқхонада овқатдан тортилиб, анча очкўз бўлиб қолибди», деб ўйлади Каламуш, дўстига раҳми келиб. Сўнг, Курбаканинг орқасидан эргашиб ошхонага кирди. Курбақани астойдил меҳмон қилди: топган-тутганини унинг оғзига тиқди.

Улар қоринларини қаппайтириб, эндиғина креслога ястаниб ўтирган ҳам эдики, тўсатдан эшик тақиллаб қолди. Курбақа бир сапчиб тушди. Каламуш маънодор бош силкитиб қўйди-да, туриб бориб эшикни очди: остоңада жаноб Бўрсиқ кўринди.

Афтидан, жаноб Бўрсиқ ниҳоятда чарчаганга ўхшарди. Бир неча кун уй ҳаловатидан бенасиб юрган, шекилли. Афт-ангори қийшайиб, устбошларининг яғири чиқиб кетган эди. Аслида, Бўрсиқ азалдан ўзини парвариш қилишни билмасди, хозир эса тасқара бўлиб қолган эди. У жиддий ҳолатда Курбақанинг ёнига келди-да:

– Хуш келибсиз! Қадамларига ҳасанот! – деб кўл олишиб кўришди. – Ўз уйингиздан ажраблиб қолган бўлсангиз-да, барибир хуш келибсиз, хушвақт бўлингиз, деймиз-да! – деб дастурхонга яқин ўтириди.

Бундай кесатиқли муомала Курбақага оғир ботди. Шу пайт Каламуш пичирлаб унга таскин берди:

– Майли, күнгилга оғир олманг! – деди бир сирни биладигандек. – Қорни очган пайтларда у шунақа бўлиб қолади. Сиркаси сув кўтармайди, тажанг бўлади. Кейин асл ҳолига қайтади.

Курбақа билан Каламуш индамай ўтиришиб, Бўрсиқнинг овқатланиб бўлишини кута бошладилар. Бу орада эшик тақиллаб қолди. Каламуш маънодор бошини силкитиб қўйди-да, бориб эшикни очди: Кўрсичқон келган эди. Унинг уст-бошлари ҳам бир аҳволда ҳаммаёғи ифлос, кир-чир бўлиб кетибди.

– Ур-ра, дўстимиз келибди-ку! – деб қичкирди Кўрсичқон юзлари ёришиб. – Жуда зўр иш бўлибдида! – у хурсандчилигини ичига сифдира олмасдан Курбақанинг атрофида «гир-гир» айланиб, ўйинга туша бошлади. – Қаранг-а, тез орада қайтиб келишингизни сира ўйламаган эдик! Бир ҳийласини топиб, жуфтакни ростлаган бўлсангиз керак-а, туллак?! Вой, донишманд-эй!

Каламуш ташвишга тушиб, унинг биқинига туртиб қўйди. Аммо, вакт ўтган эди: мақтовдан Курбақа ўзини қўярга жой тополмай қолганди.

– Донишманд, дейсизми? Қўйсангиз-чи! – деб ўзини жўрттага камтар кўрсатишга уринарди Курбақа. – Бизга донишмандликка йўл бўлсин! Биз Оксфорд дорилфунунини битирмаганмиз, қўлимиизда гувоҳномамиз ҳам йўқ. Лекин, Буюк Британиядаги энг мустаҳкам зиндандан қочишига ақл-фаросатимиз етади! Поездни қўлга олиб, йўлга тушдик. Фақат кирчи хотин қиёфасида юришга тўғри келди. Лекин ҳаммасини лақиллатдим, тўғри келган жойга бориб, тўғри келган аҳмоқни «чув» туширавердим.

Қурбақа бирдан қовоқ-тумшуғини осилтириб ўтирган Каламушга күзи тушиб қолди-ю, дарров гапни бир юзу саксон даражага бурди:

– Шошманг, Кўрсичқонжон, жа-а унчалик бўлгани йўқ. Биласизми, ўзим овсарман. Каллам ишламайди, эшакман! Рости, ҳозир бир-иккита саргузаштимни гапириб берсам, ўзингиз шунга қараб хулоса чиқариб олаверасиз...

– Қани, эшитайлик-чи! – деди Кўрсичқон кулоқларини динг қилиб, ўзи эса дастурхонга яқин жойга ўтирди. – Овқат еб турсам майлимми? Кечирасиз, нонуштадан бери туз тотганим йўқ, – деди.

Қурбақа ўчоқ олдига тўшалган гиламча устида тик турган ҳолатда чўнтағидан бир сиқим кумуш танга чиқарди.

– Кўрдингизми? – деди у сиқимни очиб. – Хўш, бир лаҳзада шунча пул топиш мумкинми? Кўрсичқон, буни қандай топганимни биласизми?.. Бор-йўғи отфурушлик қилдим, холос.

– Кейин нима бўлди? – деб қизиқсиниб сўради Кўрсичқон.

– Бўлди, бас қилинг Қурбақа! Кўрсичқон, сиз ҳам бирорни гиж-гижламасдан, овқатингизни еб ўтираверинг! – деб қўшалоқ танбех берди Каламуш. – Унинг феълини биласиз-у, лекин жўрттага ўсмоқчилайсиз! Ундан кўра, бўладиган ишдан гапиринг! Уёқда нима гап бўляпти? Мана, Қурбақа қайтиб келди. Энди нима қиламиз?

– Уёқда бўлар иш бўлиб ётибди! – деб зардали жавоб қайтарди Кўрсичқон. – Энди нима қилишимиз борасида эса мен бир нарса дейишга ожизман. Ҳар куни Бўрсиқ икковимиз Қурбақанинг макони атрофида ўралашиб юрамиз, лекин ҳеч

қандай ўзгаришни сезмаймиз. Ҳар жойда битта соқчи, милтиқларининг қувури кўриниб туради. Тошбўрон қиласман дейишса, тошлари ҳам етарли. Хуллас, шунаقا гаплар-да! У ердаги иблислар жуда зийрак, бирор шарпани ҳам кўздан қочиришмайди. Бизни кўриб қолсалар, дархол қоринларини чанглаб қаҳқча ота бошлайдилар, маразлар! Шунаقا таҳқирлашга чидаш қийин экан.

– Ҳа, аҳвол чатоқ, – деди Каламуш ўйга толиб. – Биласизларми, энди нима қиласми? – деб дўстларига маънодор разм солди. – Ўйлаб-ўйлаб шундай хulosага келдимки, бошқа иложимиз ҳам йўқ, шекилли. Менимча, у...

– Йўқ, ундей эмас! – деб бўғиқ қичқирди оғзи тўла овқат бўлган Кўрсичкон. – Асло мумкин эмас! Мана, у нима қилиши лозим: ҳозир у...

– Бекорга овора бўлманглар! Мен барибир ундей қилмайман! – ўшқириб юборди Қурбақа. – Дарров буйруқ беришади, доим буйруқбозлик! Гап менинг уйим тўғрисида боряптими, бас, нима қилиш кераклигини ўзим айтаман, ўзим биламан! Хуллас...

Бирданига учкови ҳам бараварига жаврай бошлишди. Шунда Бўрсиқнинг чийиллаган товуши ҳаммасиникини босиб кетди.

– Ба-ас, деяпман! Бас қилинглар!

Ҳамма жим бўлди. Бўрсиқ уларга еб қўйгудек бир алфозда тикилиб турарди. Барча тош қотиб қолганига ишонч ҳосил қилгач, яна дастурхон тарафга бурилди-да, рўпарасидаги пишлоқقا қўл чўзди. Бу ажойиб жониворнинг одати шунаقا эдики, токи овқатланиб, тиззаларига тўкилган увоқларни териб-териб еб бўлмагунча ўзи ҳам лом-

мим демасди, бошқаларнинг гап сотиб ўтиришини ҳам жини сўймасди. Негадир Қурбақа бир нима демоқчи бўлиб безовталанар, Каламуш уни оғиз очиргани қўймасдан, тиззасидан босиб ўтиради.

Нихоят, Бўрсиқ қорнини тўйдирди-да, ўрнидан турди ва ўчоқ бошига бориб теран ўйга ботди. Кейин:

– Ҳой, bemaza Қурбақа! – деди қатъий товушда. – Сизда номус-ор борми ўзи, уятсиз! Агар отангиз раҳматли тирик бўлганида, нима деган бўларди?

Диванда чалқанча тушиб ётган Қурбақа бирдан қўллари билан юзини тўсиб олди ва шартта теска-ри тўнтарилди.

– Мен оқпадарман! – деб ўзини ўзи қарғаб ийглай бошлади.

– Майли, ўтган ишга саловат! – деди Бўрсиқ инсофга келиб. – Ҳадеб ийглайверманг, бўлар иш бўлди! Оқкан сувни қайтариб бўлмайди, оқи-иб кетади. Энди буёгини, нима қилиш кераклигини ўйлайлик. Менимча, Кўрсичқоннинг гапида жон борга ўхшайди. Улар ҳамма тарафга соқчи қўйиб ташлашган. Биласиз, оқсичқонлар бунақа ишга уста бўлишади. Шунинг учун Қурбақанинг уйига қўққисдан ҳужум қилиб, ишғол қиламиз, деб ўйлаш ғирт bemalънилик!

– Демак, ҳаммаси тамом бўлибида! – деб баттар хўнграб юборди Қурбақа. – Бундай дарбадар бўлиб юрганимдан кўра, аскарликка ариза бериб, бу ерларга қайтиб келмайдиган бўлиб кетганим афзал эмасми?

– Бўлди, ҳадеб дийдиё қилаверманг! – деди Бўрсиқ. – Ахир, маконни қўлга киритишнинг йўли фақат ҳужум эмас-ку! Қолаверса, мен ҳали такли-

фимни айтганим йўқ. Қулоқ солинглар, ҳозир мен сизларга муҳим бир гапни айтаман.

– Худо хайрингизни берсин, айта қолинг! – деб Қурбақа дивандан туриб ўтирди. Дарҳол кўз ёшларини артди. У азал-азалдан «муҳим гап»ни эшилса бас, бирпаста ўзгариб қоларди. Аммо, ўзи «муҳим гап»ни ичидаги сақлай олмасди: сир сақлайман, деб қасам ичарди-да, сўнг биринчи учратган маҳлукқа аста шипшишиб қўярди. Йўқса, юрагини ваҳима босиб, кечаси билан кўзига уйқу келмасди.

– Қурбақанинг уйи остидан лаҳим ўтган, – деди Бўрсиқ. – Ўша лаҳим соҳилдан бошланади. Ҳозир биз турган жойдан тиккасига макон марказига бориши мумкин.

– Бекорчи гапни қўйинг, – деди Қурбақа ишон-қирамай. – Қовоқхонадаги майхўрларнинг гапини гапириб нима қиласиз?! Ўз уйимни мендан ортиқ ҳеч ким билмайди. Мен сизга айтсан, уйимнинг остидан ҳеч қанақа лаҳим-паҳим ўтган эмас!

– Ҳой тирмизак! – деди Бўрсиқ жаҳли чиқиб. – Отангга иштон ечишни ўргатма, деган мақолни эшилганмисиз?.. Ҳа, балли, эшилган экансиз. Биз отангиз билан қалин дўст бўлганмиз. У киши менга ўзининг унча-мунча сирларини айтган. Уйларингнинг остидан лаҳим ўтганини ҳам отангизнинг ўз оғзидан эшилганман, билдингизми?! Тўғри, ўша лаҳимни отангиз кавлагани йўқ. Юз йил бурун ҳам, икки юз йил бурун ҳам ўша лаҳим бор экан. Отангиз раҳматли ўша лаҳимнинг нураган жойларини таъмирлаб, тузатиб қўйган, холос. Яхши-ёмон кунда бакор келиб қолади, деб ўйлаган бўлса керак. Ажойиб кунларнинг бирида мени

лаҳимга эргаштириб кириб, күрсатган. Аммо, «фақат ўғлим билмасин, у ёмон бола эмас-у, бир оз енгилтакроқ, ичидә сир сақлашни билмайды», деган эди раҳматли. «Агар вақти-соати етиб, керак бўлиб қолса, ўшанда айтарсиз», деб ваъда беришимни сўраган эди. Мана, ўша ваъдамга вафо қилдим. Энди сирни очадиган фурсат етди!

Ҳамма бирдан Қурбақага қаради: янгилик унга қандай таъсир қилганини кўриш қизик бўларди-да! Дастрраб, Қурбақа ўзгармади. Маъюс, сукут сақлаб ўтираверди. Кейин, дали-гули жонивор эмасми, дарров хушчақчақ бўлди-қолди.

– Бўпти, ана, сиз айтгандек, бир оз енгилтакроқ бўлсан бордирман! – деб очиқчасига тан олди Қурбақа. – Биласизлар, улфатларим жуда кўп. Шунинг учун биттасидан эшиганимни, адаштирибми, эсимдан чиқарибми, ишқилиб, бошқа бирорга айтиб қўйганимни ўзим ҳам билмай қоламан. Нима қиласай, ахир?.. Гаплашгим келади-да! Гапга чечанлигим учун ҳам дўстлар тез-тез бизниги тўпланишади. Майли, буларнинг ҳаммаси ўтган замоннинг гаплари. Хўш, Бўрсиқ, ўша лаҳимнинг қандай фойдаси тегиши мумкин?

– Яқинда ғалати янгиликдан хабар топдим, – деб давом этди Бўрсиқ. – Тунов куни Қундуз елкасига супургисини ташлаб, гўё иш ахтариб юрган фаррошдек Қурбақанинг дарвозахонасигача бориб-келди. Улар иш беришмабди-ю, лекин дарвозанинг нариги тарафидаги гап-сўзларни эшитиб олибди. Тахминан, эртага у ерда латчалар бошлигининг туғилган куни нишонланар экан. Ҳамма латчалар уруғ-аймоғи билан ошхонага тўпланишармиш. Демак, роса еб-ичишади, кайфу сафо қилишади.

Албатта, зиёфатга улар қурол-яроқ күтариб келишмайды. Бекурол келадилар.

– Аммо соқчилар жойларидан жилмасалар кепрак, – деди Каламуш гумонсираб.

– Албатта, соқчиларни назардан қочирмаслик даркор, – деб тасдиқлади Бўрсиқ. – Латчалар соқчиларга ўзларига ишонгандек қаттиқ ишонишади. Шунинг учун бамайлихотир ўтиришади. Худди ўша пайт бизга лаҳим бакор келади. Биз тўппатўғри ошхона ёнбошидаги омбордан чиқамиш!

– Ҳа-я, ўша идиш-товоқ омборида ғиж-ғиж тахта бор эди. Энди ҳаммаси тушунарли! – деб хитоб қилди Курбақа.

– Билдирмасдан идишхонага кириб оламиш! – деб қичқирди Кўрсичқон.

– Тўйпонча, қилич тақиб оламиш. Қўлимизда тўқмоқ, дубулға бўлади, – деб илова қилди Каламуш.

– Тўйатдан уларга хужум қиласмиш! – деди Бўрсиқ тўлқинланиб.

– Дўйпослаймиз, пийпалаймиз, яхшилаб адабларини берамиш! – деб Қурбақа ростакамига рақсга туша бошлади.

– Демак, энди бекорга талашиб-тортишиб, жанжаллашиб ўтирмасак ҳам бўлади, – деб сўзини якунлади Бўрсиқ. – Вақт алламаҳал бўлди, ётиб ухланглар! Қолган гапларни эртага эрталаб давом эттирамиз.

Хозир Қурбақанинг уйқуси келмаётган бўлсада, лекин тортишиб ўтиришни лозим кўрмасдан, эл қатори ўринга кирди. Кун ниҳоятда серташвиш ўтди. Ўзиям итдай чарчади. Қамоқхонага тушгандан бери биринчи марта боши ёстиқка, кураги

күрпачага тегяпти. Ох, бунақа ҳузур-ҳаловатни деярли унугиб юборган экан-ку! Қурбақа бирпас шириң хәёл суреб ётди-ю, дарров күзи илинди, донг қотиб ухлаб қолди. У тун бўйи алмойи-алжойи тушлар кўрди: роса қистов бўлиб турган пайтда бирдан йўл йўқолиб қоладими-ей, «ҳозир ютаман» деб сой қувлаб қоладими-ей, дўстлар даврасида ўтириб энди зиёфат ноз-неъматларига қўл чўзган пайтда хонага кир-чир юклаган шатак-арава бостириб кирадими-ей... Кейин якка ўзи нотаниш лаҳимда кетаётган бўлади, йўлак эгри-буғри, юриш қийин... Ахийри, ўзини ўз уйида кўрди: атрофида ёр-дўстлари уни табриклишар, шаънига оғаринлар айтишарди...

Эрталаб уйқудан кеч уйғонди. У турганда дўстлари аллақачон нонушта қилиб бўлган экан. Кўрсичқон кўринмасди. Афтидан, у бирорвга айтмасдан қаёkkадир ғойиб бўлган эди. Бўрсиқ эса гўё оқшомги гаплардан бехабардек бамайлихотир креслода газета ўқиб ўтиради. Каламуш эса анча-мунча қурол-яроқни кўтариб, хонада ивирсисб юрарди. У қуролларни тўрт тўп қилиб тахлади-да, тинмай пичирлай бошлади.

– Бу қилич Каламушга. Униси Кўрсичқонга. Анависи Қурбақага. Манависи Бўрсиққа. Мана, тўппончалар: бу Каламушга, униси Кўрсичқонга, анависи Қурбақага, манависи Бўрсиққа. – У мана шу тартибда қуролларни тақсимларди.

– Зўр! – деб хитоб қилди Бўрсиқ газета устидан Каламушга назар ташлаб. – Бироқ, шунча қуролга эҳтиёж бормикан? Агар соқчиларни четлаб лаҳимдан борадиган бўлсак, менимча, бизга қилич ҳам, тўппонча ҳам керак бўлмайди. Зиёфат-

хонанинг тўрт томонидан тўрталамиз тўқмоқ билан ташланиб қоламиз. Қарабсизки, беш дақиқада масала ҳал бўлади-қолади. Оқсичқону латчаларга қирон келтирамиз. Аслида, бу ишни битта ўзим ҳам бемалол удасидан чиқаман. Аммо, сизлар ҳам би-ир маза қилинглар-чи!

– Барибир эҳтиёт чорасини кўриб қўйсак зарап қилмайди, – деди тўппонча қувурини енги билан артиб, худди нишонни тўғрилаётгандек ҳолатга кирган Каламуш.

Бирпасда нонуштасини тугатган Қурбақа йўғон таёкни қўлига олди-да:

– Бирорвнинг уйини эгаллаб олиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман! – деб гўё душманга ҳамла қилди. – Мен уларга ўқитиб қўяман!

– Қурбақа, инглиз тилига иснод келтирмангда! Бизда «ўқитиб қўяман!» дейилмайди, балки «ўргатиб қўяман» дейилади, – дея танбех берди Каламуш.

– Намунча Қурбақага кун бермай қўйдингиз? – деб норозилик билдириди Бўрсиқ. – У жуда тўғри гапирияпти! Ё бошқа тилда гапирияптими? Ҳамма сўзлари инглизча бўлгандан кейин инглиз тили шу бўлади-да! Тўғрими?

– Узр, – деди Каламуш попуги пасайиб. – Мен унга «ўқитиб» қўймоқчи эмасдим, фақат «ўргатиб» қўймоқчи бўлдим, холос.

– Ахир, биз уларга «ўргатиб» ўтиromoқчи эмасмиз-ку! – деб баттар қайсарлик қилди Бўрсиқ. – Айнан уларни «ўқитиб», эс-хушларини жойига келтириб қўймоқчимиз!

– Мен бир нарса дедимми? – деди қовоғини осилтириб Каламуш. У астагина бир бурчакка

борди-да: – Ўқитибми, ўргатибми? Ўргатибми, ўқитибми? – деб тинимсиз тақрорлайверди.

Ахийри, Бўрсиқнинг тоқати тоқ бўлди, шекили:

– Бас қиласизми-йўқми?! – деб ўшқирди у.

Худди шу пайт хонага Кўрсичқон кириб келди. У ниҳоятда мамнун қўринарди.

– Роса бопладим! – деди у остона ҳатлаб ичкарига кирган заҳоти. – Оқсичқонлар шунақаям талвасага тушиб қолишидки!

– Ишқилиб, ўзингизга зиён етмадими? – деб хавотирланиб сўради Каламуш.

– Менга жин ҳам ургани йўқ! – деди Кўричқон мақтангиси келиб. – Эрталаб Қурбақанинг нонуштаси совиб қолмадимикан, деб ошхонага хабар олгани кирдим-у, ўша жойда миямга ажойиб бир фикр келиб қолди. Мундоқ қарасам, ўчоқ бошидаги илгакда Қурбақа кийиб келган кирчи хотиннинг уст-бошлари турган экан. Бирдан шумлигим тутди: шартта кийдим-у, тўппа-тўғри Қурбақанинг уйига жўнадим. Борсам, соқчилар жой-жойида туришибди, қўлларида милтиқ. Биттаси: «Тўхта, кимсан?» деб сўради. «Ассалому алайкум, оғалар!» дедим эгилиб-букилиб. «Бугун шошилинч ювиладиган кир-пирларинг борми?» Улар бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди-да, сўнг: «Соқчи постда турганда сенга иштонини ечиб берсинми?! Қани, жўна бу ердан!» деб ўшқирдилар. Мен эса, астагина: «Бошқа пайт келсам... иштонингизни ечиб бе-расизми?» деб сўрадим. Боплабманми-а, Қурбақа?!

– Шуям гап бўлдими, бемаза-ку! – деб баланд келди Қурбақа. Чунки Кўрсичқоннинг топқирлигига у ҳасад қилаётган эди.

– Оқсичқонларнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди! – деб ҳикоясини давом эттириди Кўрсичқон. – Бирпасда соқчибоши югуриб келди. «Хой, опа, эсингиз борлигига жўнаб қолинг. Акс ҳолда, иштоннинг ичидаги нима борлигини хозир сизга кўрсатиб қўяман!» дағдаға қилди у. Мен бўлсан, пинак бузмай: «Кўрсатадиганинг бўлса, кўрсатасанда, ҳезалак!» дедим.

– Э-э, Кўрсичқонжон, нега ундан қиласиз? – деб бош чайқади Каламуш.

Бўрсиқ кўлидаги газетани аста ёнига кўйди.

– Мундоқ назар солсан, баччағарларнинг қулоқлари динг бўлиб кетди. Бир-бирларига имоишора қилишяпти, – деб ҳаяжон билан гапини давом эттириди Кўрсичқон. – Шунда соқчибоши: «Э-э, алвастининг гапига қулоқ солманглар! Кўрмаяпсизларми, шаллақи экан-ку!» деди. «Биласизларми, сизларнинг кунларинг битиб қолган, ха! Буни аниқ биламан!» дедим. Улар хийла сергак тортишди. «Билгиларинг келаётган бўлса, айтаман, менинг қизим жаноб Бўрсиқнинг кирини ювади. Ишонмайсизларми? Бўпти, бугун тунда мингминглаб тиш-тирноғигача куролланган бўрсиқлар отхона тарафдан устиларингга қоплондек ташланади. Ана ўшанда ишонасизлар! Дарёдан эса олтита қайиқда каламушлар денгизчилар десантини ташлайдилар: улар ҳам тиш-тирноғигача куролланган. Улар хозир «Ё ўламиз, ё ўлдирамиз!» дейишиб доҳийларига қасамёд қилишяпти... Сизларни битта кўймай қириб ташлашади, асир олмайдилар. Қалай? Вакт борида қиличларингни қинига жойлаб, жуфтакни ростланглар! Йўқса, сизлар ҳам Московдан қувилган Наполеоннинг ҳолига тушасизлар! Агар

Ёввойи чакалакзорга қочиб борсаларинг, қолган-күтганларингни ўзларинг бокиб, семиртириб қўйган маҳлуқлар қиличидан ўтказади. Ватерлоо сабоқлари эсларингдан чиқмасин-а?!» Мен шундай дедим-да, дарҳол этагимни кўтариб, жуфтакни ростладим. Битта камарга кириб олиб, уёқда нима бўлаётганини кузатдим. Оқсичқонлар шунақаям саросимага тушдиларки, гала-гала бўлишиб gox у томонга югуришади, gox бу томон! Соқчибоши бўлса, дам ундан қилинглар, деб буйруқ беради, дам бундай қилинглар, деб. Бирпаста оқсичқонлар тўдалашиб митингга тўпланишди: «Лаънати латчалар қачонгача бизни аҳмоқ қилишади? Улар айш-ишрат қилишни билишади, холос. Бизни асло ўйлашмайди. Биз бўлсак конхўр бўрсиқларга ем бўлишимизни кутиб, қаққайиб тураверамизми? Мустақил иш кўриш фурсати етмадимикан?..» деган баҳс-мунозараларни ўз қулогим билан эшитдим.

– Эҳ, каллаварам экансиз, Кўрсичқон! – деб хитоб қилди Курбақа. – Ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилиб юборибсиз-ку! Энди ўша ялангоёқлар инқилоб қилиб юборишса нима бўлади?

– Кўрсичқон, анча-мунча қорни катта маҳлуқларга нисбатан сиз хийла акллироқ экансиз, – деди Бўрсиқ босиқлик билан. – Зўр тадбир ўйлабсиз! Яшанг! Бунинг самарасини ҳали ўз кўзимиз билан кўрамиз.

Ичини кемираётган ҳасаддан Курбақа ўзини кўярга жой тополмасди. Кўрсичқон қандай ка-ромат кўрсатганига сира ақли бовар қилмасди боёқишининг. У Бўрсиқнинг ҳамд-саноларига чи-дамасдан эндиғина ғавғо қўтармоқчи бўлиб тур-ган ҳам эдики, овқат тайёр бўлганини эълон қилдилар.

Улар давра қуриб ўтиришди-да, тўйиб овқатландилар. Овқатдан сўнг Бўрсиқ креслога жойлашиди ва:

– Дўстларим, бизни буюк ишлар кутяпти! Шунинг учун озгина мизғиб олмасам бўлмайди, – деб узр сўради-да, юзига рўмолчасини ёпиб, бирпасдан кейин ростакамига хуррак ота бошлади.

Жонсарак Каламуш ўзини қаерга қўйишини билмасди: жуда ҳаяжонланар, тинмасдан бўлажак курашга ҳозирлик кўрар, қурол-яроғ уюмидан нари кетмасди.

– Бу камар Каламушга, униси Кўрсичконга, анависи Қурбақага, манависи Бўрсиққа... – деб дуч келган нарсани жангчиларга тақсимларди.

У чаркоқ нималигини билмасдан ивиришиб юрар, жаврашдан толмасди.

Шу боис Кўрсичкон Қурбақанинг қўлтиғидан олди-да, уни ташқарига бошлаб чиқди ва тоза ҳавода тебранма ўриндиққа ёнма-ён ўтирдилар.

– Эшишимга қараганда, кўрган-кечирганларингизни китобот қилиб, Московда нашр эттирмоқчи эмишсиз. Инглиз тилида чоп этадиларми ё ўрис тилида? – деб қизиқсиниб сўради Кўрсичкон.

– Аввал инглиз тилида босиб чиқаришади. Кейин ўрис тилига таржима қиласдилар. Каминага халқаро мукофот берилгач, китобимни барча халқларнинг тилларига ўгиришга мажбур бўладилар. Кейин мен ўша битта китобимга бериладиган қалам ҳақига бир умр ишламасдан яшашим мумкин! – деб мақтанди Қурбақа.

– Қандай яхши! Демак, бундан кейин сиз машхур ёзувчи бўлиб кетар экансиз-да!

– Албатта, – деди Қурбақа камтарлик билан бошини қуий эгиб.

– Илтимос, күрган-кечиргандарнаны менга ҳам гапириб берсангиз! – деб илтимос қилди Күрсичқон.

– Бажонидил! – деб рози бўлди Қурбақа.

Қурбақанинг бирдан илҳоми жўшиб, күрган-кечиргандарига уйдирма-ёлғонларни мўл-кўл аралаштириб ҳикоя қила бошлади. Лекин, ҳақиқатга хиёнат қилмаслик учун бир нарсани эътироф этмоқ лозимки, Қурбақа қанчалик лофт урмасин, қанчалик ёлғон аралаштирумасин, барибир унинг ҳикояси тингловчида жуда катта қизиқиш уйғотади. Худди «бўлган воқеа»дек ёрқин таассурот қолдиради. Хўш, бу жиҳатдан қаралса, Қурбақада чинакам ёзувчилик истеъоди борлигига ким шубҳа билдиради? Ҳеч ким, албатта. Шунинг учун, азиз ўкувчилар, мабодо китоб дўконлари пештахталарида Қурбақанинг «Кўрган-кечиргандарим» номли ёстиқдек китобига қўзингиз тушса, неча пул бўлишидан қатъи назар, харид қилинг! Асло пулнингизга куймайсиз! Маза қилиб ўқийсиз, кулақула ўласиз ёки ичагингиз туюлиб, касалхонага тушасиз! Ишонмайсизми? Ишонмасангиз, аввало, «Кўрган-кечиргандарим»ни топиб ўқинг!

XII б о б

ДАРБАДАРНИНГ ҚАЙТИШИ

ёхуд улуг ватан муҳорабаси

Қоронги туша бошлагач, Каламуш ҳаяжон ичра дўстларини меҳмонхонага таклиф этди. Ҳар бир маҳлукни алоҳида тўп қилиб қўйилган қурол-

аслаха ёнига тик турғазиб қўйди ва ҳаммадан ўз қурол-яроғини тақиб олишни сўради. У ҳар бир жангчининг қуроли тўғри тақилган-тақилмаганини эринмасдан текшириб кўрар, керакли йўл-йўриқлар берарди. Шундай қилиб, белларга чарм қайиш тақилди, чап томонга қиличлар осилди, ўнг томонга эса тўппончалар қистирилди. Полициячилар тўқмоғи, бир нечта қўл-кишан, дока, бинт, ёпишқоқ сурп, сувдон ва бутербродлар олинди.

Тайёргарлик қизғин борар экан, Бўрсиқ гап қистирди:

– Каламушжон, майли, ҳаммаси сиз айтгандек бўла қолсин! Биз рози, биз кўндинк. Лекин, менга қолса, қўлимдаги тўқмоқни ўзи етарли эди.

– Хўп денг, бир сафар менинг айтганимни ҳам қилинг! – деб ялинди Каламуш. – Ахир, керакли тошнинг оғири йўқ, дейдилар-ку!

Ҳозирлик кўриб бўлингач, Бўрсиқ бир қўлига чироқни, иккинчи қўлига тўқмоқни ушлади-да, баралла товушда:

– Қани, ватан учун олға, жаноблар! – деди. – Менинг ортимдан Кўрсичқон юради. Мен ундан бениҳоя миннатдорман! Кейин Каламуш, ундан кейинда Қурбақа юрсинлар! Қани, кетдик! Менга қаранг, Бақабек, йўлда «вакиллаш» қатъиян ман этилади! Акс ҳолда, шу ерда қолганингиз маъқул. Агар буйруқни бажармасангиз, уруш даври қонунига кўра, ҳарбий дала судининг қарори билан тўхтовсиз отиб ташланасиз!

Капалаги учиб кетган Қурбақа шоша-пиша Бўрсиқ тайин қилган жойига бориб турди. Жанговар гурух қўзғалди. Бўрсиқ уларни дарё соҳилига бошлаб кетди. Соҳилга етиб борилгач, нишабликка сак-

раб тушдилар ва сув сатҳидан озгина баландроқда бўлган кавакка рўпара бўлдилар. Биринчи бўлиб Бўрсиқ кавакка кирди. Кўрсичқон билан Каламуш ҳам командирдан ўrnак олишиб, ҳеч иккиланмай кавакка кириб кетишиди. Навбат Қурбақага етганда ишнинг пачаваси чиқди: у пастга энаётиб сирғалиб кетди-ю, «шалоп» этиб сувга ағнаб тушди. Бақириқ товушини эшитган дўстлари дарҳол орқаларига қайтишиб, Қурбақани сувдан тортиб чиқаришиди. Яхшилаб силкитишиб-силкитишиб қуритишиди. Сўнг, унга тасалли беришиб, тикка турғазиб қўйишиди. Бўрсиқнинг эса ғазаби қўзиб кетди.

– Агар яна бир марта хунар кўрсатадиган бўлсангиз... – деб тўппонча дастасини маҳкам қисиб қўйди Бўрсиқ. – Тушундингизми?

– Тушундим, – деди Қурбақа бошини эгиб.

– Хўш, нимани тушундингиз? – деб баттар жававаси тутиб сўради Бўрсиқ.

– Отиб ташлайсиз...

– Мана бу бошқа гап! – деди сал чиройи очилиб Бўрсиқ. – Тушинадиган махлуқнинг садафаси кетсанг арзийди-да!

Ана шу машмашадан сўнг гуруҳ лаҳимга кирди. Энди душманга қўқис зарба бериш операцияси чинакамига бошланган эди.

Лаҳимнинг ичи хийла совуқ, зим-зиё қоронғи, зах эди. Унинг устига, ниҳоятда тор бўлиб, тик туриб юришнинг иложи ҳам йўқ экан. Аъзойи бадани ҳўл бўлгани учунми ёки яқин орада омонсиз жанг бўлишидан қўрқаётгани учунми Қурбақа дағ-дағ титрай бошлади. Чироқ анча илгарилаб кетган, ғира-ширада беихтиёр тобора ортда қолаётган эди. Бир пайт Каламушнинг огоҳлантиргани эшитилди:

– Тез-тез қимирланг, Қурбақа! Орқада қолиб кетманг! – деди у.

«Коронғида жудаям орқада қолиб кетдим, шекилли. Тағин, Бўрсиқ анави гапини амалга ошириб қолмасин», деб ўйлаган ва бундан юраги ёрилаётган Қурбақа бирдан қадамини тезлатди. Тезлатганда ҳам шу қадар тезлатибдики, катта тезлиқда бориб, «гурс» этиб олдинда кетаётган Каламушга урилди! Мувозанатни йўқотиб қўйган Каламуш «гурс» этиб олдида кетаётган Кўрсичқоннинг устига қулади! Каламушнинг оғирлигини кўтара олмаган Кўрсичқон бечора бўлса, олдинда кетаётган Бўрсиқнинг устига қулабди! Бирпастда ҳамма айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Дастрлаб, Бўрсиқ орқа тарафдан рақиб зарба берган бўлса керак, деб ўйлади: тор жойда тўқмоқ ёки қиличдан фойдаланиш имконияти бўлмагани учун дарҳол тўппончасига ёпишди; сал бўлмаса, Қурбақанинг биқинидан дарча очиб қўяй деди. Кейин аслида нима бўлганини англади-ю:

– Энди бу палакат «вақ-вақижон»дан кутулмасак бўлмайди! – деб ўшқирди.

Хаётдан тамоман умидини узиб қўйган Қурбақа ҳик-ҳик йифлай бошлади.

– Бўрсиқжон, майли, агар Қурбақа яна бир марта ҳарбий интизомни бузса, майли, бизларни ҳам деворга тираб туриб отиб ташлай қолинг! Биз ўз ҳаётимизни кафилликка берамиз, Қурбақанинг бир қошиқ қонидан кечинг! – дейишди Кўричқон билан Каламуш бирварақайига.

– Бўпти, лекин мендан ўпкаламайсизлар! – деди Бўрсиқ жиддий.

Кейин яна жанговар юриш давом эттирилди. Энди сафнинг охирида Қурбақанинг елкаси-

дан маҳкам қучиб олган Каламуш келарди. Улар оёқларини судраб босишарди, йўлни пайпаслаб кўришар, бот-бот тўхтаб атрофга диққат билан қулоқ солишар, қўлларини тўппонча тепкисидан асло узмай борардилар. Бир жойга етганларида Бўрсиқ яна тўхтади.

– Етиб келдик, шекилли. Ҳозир биз уйнинг тагида турган бўлсак керак, – деди у.

Бўғиқ товушлар элас-элас қулоққа чалина бошлиди. Бундай товуш тепадан, бошлари устидан келарди. Ана, мавхум қичқириқ янгради! Сўнг полга депсиниб урилаётган оёқ товушлари эши билди. Кейин столни муштлаётгандек бир овоз келди.

Бундан Қурбақа чинакам даҳшатга тушди.

Бўрсиқ шунчаки хўрсинди-да:

– Занғар латчалар-эй, итдай яирашяпти-ку! – деди.

Лаҳим аста юқорига ўрлади: энди орқа оёқларга зўр беришга тўғри келарди. Жанговар гурух босиқлик билан олға силжирди. Тепадан яна товуш эши билди. Бу гал «ур-ра, ур-ра!» деган қичқириқлар аниқ-равшан қулоққа чалинди. Кейин «дупур-дупур» этган товушлар ҳаммаёқни босиб кетди. Столлар тинимсиз муштланар, идиш-товоқлар биринкетин синиб туради.

– Роса етилиб қолишибди-ку, текинхўрлар! Лекин, хурсандчилик қилишни билишар экан! – деди Бўрсиқ. – Олға, жаноблар!

Қадамлар илдамлашиб, ҳаш-паш дегунча, идишхонага чиқиладиган туйнук остига етиб борилди.

Ошхона шу қадар тўс-тўполон эдики, бирор сеизиб қолади, деб ҳадиксираб ўтиришга ҳожат йўқ эди.

– Қани, азаматлар, ҳаммамиз бирданига «ҳа» дейлик! – деб буюрди Бўрсиқ.

Тўрталаси бирданига елкаси билан туйнук қоп-қоғини кўтариб ташлашди. Кейин бир-бирларининг қўлларидан тортишиб, идишхонага чиқиб олдилар. Энди улар билан ашаддий душманлар ўртасида факат битта эшик бор эди, холос. Душман эса беармон кайф-сафо қиласди.

Ошхонадаги шовқин-сурон қулоқни қоматга келтирарди. Бир пайт шовқин негадир пасайди. Йўғон товушли битта маҳлук нутқ ирод этмоққа тушди.

– Хуллас, хурматли жамоа, қимматли вақтингизни олиб ўтирумайман (қарсаклар). Бироқ ўтирумай туриб (шодон қийқириқ) сахий хўжайинимиз бўлмиш Қурбақа жаноблари шаънига бир оғиз илиқ гап айтишга ижозат бергайсизлар! Ҳаммамиз ул олийжаноб ҳазратни (қаттиқ қулги) ўта сипо, қўли очиқ жонивор эканини жуда яхши биламиш! (Шодон хитоблар).

– Ўша аблахни ўзимга қўйиб берасизлар! Ўзим бир адабини бериб қўяман! – деди Қурбақа фижиниб.

– Ўзингизни босинг! Ҳарбий интизом эсингиздан чиқмасин! – деб огоҳлантирди Бўрсиқ. Бир оз сукут сақлади-да, қўшиб қўйди: – Ҳамма тайёрлансин! Ҳозир бошлаймиз! Диққат!

Ошхонадан нотаниш товуш эшитилди:

– Битта қўшиқ айтиб беришимга рухсат бергайсизлар! Бу қўшиқни Қурбақага атаб маҳсус ижод қилганман! – Давомли қарсаклар янгради.

Шундан сўнг товушининг йўғонлигига ва ўзини ниҳоятда беодоб тутаётганига қараганда, латчаларнинг бошлиғи бўлган маҳлук қўшиқ айта бошлади:

*Курбақа томоша истаб,
Шодмон күчага чиқмии...*

Бўрсиқ қаддини ростлади, тўқмоқни боши узра баланд кўтарди ва дўстларига юзланиб:

– Олға, олға, олға! – деб қичқирди-ю, эшикка ўзини урди.

Эшик ланг очилган заҳоти ошхонада қиёмат кўпди!

Мисли кўрилмаган тўс-тўполон, қий-чув бошлиниб кетди.

Талвасага тушиб қолган латчалар ўзларини тўғри келган тарафга урадилар: столларнинг остига кириб кетишар, деразадан пастга сакрардилар. Юраги ёрилаётган сассик кузанлар эса ўчоққа, мўрига биқиниб олишган эди. Стол-стуллар остинустун тўнтирилар, шиша ва чинни идишлар чилчил синарди... Хуллас, тўрт баҳодир бирваракайига бостириб кирган пайтда ошхонада ана шундай ваҳима хукм сурарди. Ҳайбатли Бўрсиқнинг чакка соқоллари, мўйлови ҳурпайиб қолган бўлиб, у қулочкашлаб тўқмоқ туширас, тўқмоқ ҳавода чийиллаб товуш чиқарарди. Кўрсичқон терлайвериб қорайиб кетган, у хам қовоғини осилтирганча тўқмоғини ишга соларди, лекин жанговар хитобини оғзидан туширмасди: «Бўш келма, Кўрсичқон, Бўш келма, Кўрсичқон! Қадимий қурол-аслаҳа намуналарини белига тақиб олиб, тирик тарихий музейга айланиб қолган Каламуш бўлса, дадил-дадил қилич уриб, жангда алоҳида ўрнак кўрсатарди. Иззат-нафси топталган, шу пайтгача аламини ичига ютиб юрган Қурбақа ҳозир аслига нисбатан икки баробар катталашиб, ваҳшатли товуш чиқариб қурилларди.

– Шунақами ҳали? Курбақа күчада юрсинми энди? Мана, күчада юрса! Мана, күчада юрса! – деб тұқмоқларди у. Тұс-тұполон оломонни ёриб ўтиб, Курбақа тұппа-тұғри нотиқ Бошлиқнинг устига борарди.

Улар тұрт нафар эди, холос. Саросимага тушиб қолған латчалар күзига эса рақиб аскарлари олам-жахон бўлиб кўринарди: кўкиш, кўнғир, сап-сарик, қора-кура ботирлар орқа-олдига қарамасдан уртұқмоқ қилишарди гўё. Бечора латчаларнинг юраги ёрилиб, чинқирганча тум-тарақай қочишарди. Эшик-тешикка, ўчок-мўрига ўзларини уришар, ишқилиб, ажал тұқмоғидан омон қолсалар ҳисоб эди.

Жанг узоққа чўзилмади. Тұрт баҳодир ошхонани гир айланишиб, дуч келған латчанинг бошига тұқмоқ билан зарба бердилар: беш дақиқа мобайніда ошхона душмандан озод қилинди. Синган дераза ойналаридан майсазорда дод-фарёд күтариб қочиб бораётган латчаларнинг товушлари қулоққа чалинарди. Ошхонада ўндан ортиқ чалажон ярадорлар узала тушиб ётишарди. Кўрсичқон уларнинг қўлларига шошилинч равишда кишан соларди. Бўрсиқ тұқмоғига суюниб нафасини ростлаб, пешонасидан оқаётган терларини қўли билан сидириб-сидириб кўярди.

– Кўрсичқон, асл жангчи экансиз! Мен сизга тан бердим! – деди Бўрсиқ. – Ташқарини бир қаранг-чи, анави соқчиларингиз нима қилишаётган экан? Назаримда, улардан осон қутулмасак керак.

Кўрсичқон деразадан сакраб, ташқарига чиқиб кетди. Бўрсиқ икки аскарига тинчроқ юмуш буюрди:

– Стол-стулларни тұғрилаб қўйинглар! Пичоқ, қошиқ, санчқиларни йиғишириңглар! Идиш-то-

воқлар жой-жойига қўйилсин! Иложи бўлса, кечки тамадди учун қолган-қуттган озиқ-овқатлар излаб топилсин!.. Ростини айтсам, қоринлар ҳам очқаб кетди! – деди у қорнини силаб. – Қурбақа, чаққон-чаққон қимирланг! Мана, уйингизни озод қилдик. Энди сиз бизни меҳмон қиласиз!

Қурбақа фақат бир нарсадан ўкинарди, наҳотки, Бўрсиқ уни мақтаб қўймаса? Нима, Кўрсичқондан кам жойи борми? Унга ҳам «асл жангчи экансиз!» деб қўйса, мақтов ёрликлари камайиб қоладими? Ахир, Қурбақа ҳам ўзига хос равишда жасорат на-мунасини кўрсатди: нотиқ Бошлиқни тўқмоқ билан уриб, столнинг нариги тарафига учириб юборди-ку! Бундан ортиқ яна нима қилиш мумкин?.. Майли, бу кунлар ҳам ўтар-кетар. Ишқилиб, номардларга куни қолмаса бас!.. У Каламушга қўшилиб, буйруқни бажаришга киришди. Бирпасдан кейин улар жўжа гўшти, дўлта, аччик-чучук топиб келдилар. Ошхона бурчагида хушбўй фарангি булочкалари, мой, пишлоқ бор экан. Ҳаммасини дастурхон устига қўйдилар ва эндини овқатланишга ўтиришган ҳам эдики, ойнаванд эшиқ остонасида бирталай қурол-аслаҳани кўтариб олган Кўрсичқон кўринди.

– Буйруғингиз адо этилди, жаноб қўмондон! – деб ахборот берди Кўрсичқон. – Борсам, чала мурдалар қилич кўтариб туришибди! Лекин, оқсичқонларнинг асосий қисми ошхонада дод-фарёд бошланиши биланоқ қурол-ярокларини ташлашиб, хайр-маъзурни насия қилишиб жуфтакни рослаб қолишган экан! Юракларига олдиндан ғулғула солиб қўйгандим-да! Бояги юрагида ўти борлари ҳам латчаларнинг тўдалашиб, қочиб келишаётганини кўрибди-ю, «Булар сотилганлар,

хоинлар!» деган қарорга келишибди. Натижада ўртада қонли тўқнашув рўй берибди. Бечора латчалар бир илож қилиб, Қурбақанинг уйини ташлаб қочмоқчи бўлармиш, улар эса ўтказгани қўймасмиш. Ур-ийқит, «мушт кетди-гўшт кетди» авж олибди. Бир-бирига чирмашиб, роса юмдалашибди, юмалашибди. Кўпчилиги дарёга ғарқ бўлибди. Охири, ҳаммаси қочиб кетибди. Мана, мен қурол-яроқларни кўтариб келавердим. Энди, Қурбақанинг макони бизнинг ихтиёrimизга ўтди!

– Дунёда қанча мақтов бўлса, ҳаммасига муносиб жангчи экансиз, Кўрсичқон! – деб хитоб қилди Бўрсиқ лунжларини тўлдириб овқат чайнар экан. – Энди дўстим, яна бир илтимосим бор. Кейин бемалол овқатланасиз. Кетма-кет топшириқ бераётганим учун узр, албатта. Лекин бу галги топшириқни сиздан бошқа маҳлук бажара олмайди. Ҳатто Каламушга ҳам ишониб бўлмайди. Чунки у шоир. Шоир бўлмаганида унга ишонса бўларди. Сизнинг йўрифингиз бутунлай бошқача. Хуллас, анави полда сулайиб ётган аплаҳларни юкорига олиб чиқиш кепрак: ўзингиз тепасида туринг, улар ётоқхоналарни тозалашиб, тартибга келтиришсин. Чангларни артишсин, каравотларнинг ости ҳам қолмасин! Тоза чойшабларни ёзишиб, ястиқ-жилларни алмаштиришсин, кўрпанинг бир учини қайириб қўйишни ҳам унудишишмасин. Ҳар бир хонага бир тоғора иссиқ сув, топ-тоза сочиқ, совун киритиб қўйишсин! Ана ундан кейин, таъбингиз кўтарса, ҳаммасининг кетига бир-бир тепинг! Қорасини ўчирсинглар, ярамаслар! Ўзингиз буёққа қайтинг, мана, овқатларингиз мунтазир бўлиб турибди! – деб дастурхонга ишора қилди. – Сиздан бағоят миннатдорман, Кўрсичқон!

Фармонбардор Күрсичқон түкмөкни күлига олди-да, асиirlарни сафга тизди. Сүнг:

– Күзгол! – деб буйруқ берди.

Гурух тапир-тупур қилганча юқорига күтарила бошлади.

Орадан анча-мунча вакт ўтгач, Күрсичқон ошхонага қайтиб тушди ва:

– Ҳамма хоналар тозаланди! Буйруғингизнинг ҳар бир банди алоҳида эҳтиром билан адo этилди, жаноб қўмондон! – деб ахборот берди қаққайиб тургани кўйи. – Аммо, уларнинг кетларига тепишга ор қилдим. Чунки шундоқ ҳам тавбасига таяниб қолишибди, – деб илова қилди. – Қолаверса, амр-фармонларни сидқидилдан бажардилар, тавба-тазарру қилдилар: «Қилган ишимиздан пушаймондамиз! Ҳаммасига ўша нотик Бошлиқ билан оқсичқонлар айбдор. Улар бизни йўлдан уришиди. Лекин ўзимизнинг гуноҳимиз – бўйнимизда!» дейишиди, газандалар! Агар биз энди уларга бирор юмуш буюрсак, дарҳол бажарадилар. Шунга ваъда беришди. Ҳаммасини кўлига биттадан булочка бе-риб, орқа эшиқдан чиқариб юбордим.

Кўрсичқон дастурхонга яқин ўтириди. У яхна тилни яхши кўрарди. Иштаҳа билан суюмли таомини тушира бошлади. Ниҳоятда ҳасади жунбишга келиб турган бўлса-да, аммо Қурбақа ўзини бино-ийдек тутди.

– Азизим Кўрсичқон, барча хизматларингиз учун чин кўнгилдан ташаккур айтаман! – деди Қурбақа тўлқинланиб. – Айниқса, эрталаб оқсичқонлар кўнглига ғулғула солиб, жуда тўғри иш қилган эдингиз! Баракалла!

Қурбақанинг гаплари Бўрсиқни ҳаяжонлантириб юборди.

– Мана бу бошқа гап! Мана буни... тушунган ва тушунадиган махлукнинг гапи деса бўлади! – деди Бўрсиқ жиддий оҳангда.

Шундай қилиб, кечки овқат хурсандчилик билан ниҳоясига етди. Бекиёс жасорат намуналари, ҳарбий синоат устунлиги туфайли Қурбақанинг ота-мерос макони душмандан озод қилинди. Дўстлар узун-қисқа бўлишиб ётоқхоналарга тарқалишди.

Одатдагидек, Қурбақа эрталаб кечроқ уйғонди. Меҳмонлар аллақачон нонушта қилиб бўлгандилар. Дастанурхонда тухум пўчоқлари, суви қочган нон бурдалари, иликроқ қаҳва қолган эди, холос. Бошқа емиш кўринмасди. Агар хонадонида дўстлари меҳмон эканини ҳисобга олинмаса, шу тобда Қурбақа яна руҳан тушкунликка тушиб қоларди. Ошхона деразасидан ҳовлидаги майсазор устида ўтирган Каламуш билан Кўрсичқон кўриниб турарди. Улар бир-бирларига латифа айтиб беришарди, шекилли. Чунки бирдан иккови ҳам хаҳолаб юборишарди. Тинмай оёқларини силкитишарди. Қурбақа аста ошхонага кириб бориши билан креслода газета ўқиб ўтирган Бўрсиқ бошини кўтарди. Унга қараб боз силкитиб кўйди. Бўрсиқнинг феълатворини яхши билиб олган Қурбақа чурқ этиб оғиз очмади. У индамай дастанурхон бошига ўтириди-ю, қолган-қутган емишларни кавшай бошлади ва нонушта қилгандай бўлди. Вақти-соати келганда булар билан, албатта, ҳисоб-китоб қилишни кўнглининг бир четига туғиб кўйди. У дастанурхон бошидан энди турмокчи бўлган пайт Бўрсиқ томдан тараша тушгандек:

– Узр, Қурбақа! – деди. – Мени маъзур кўрсингар, лекин бошқа илож йўқ. Эрталаб сизга оғир битта топшириқни ҳозирлаб ўтирибман. Биз Буюк ғалабамизни муносиб нишонламасак уят бўлади. Катта зиёфат қиласиз. Халқимиз ҳам шундай фикрда экан. Қолаверса, қоидаси шунақа.

– Жуда улуғ фикр, зўр иш бўлиди! – деб ялтоқланди Қурбақа ўйлаб-нетиб ўтирмасдан. – Сизлар нима десаларинг, мен розиман. Аммо, каллаи сахарда шу иш шартмикан? Ҳали-бери сўфиникига ҳам сув тегмаган бўлса керак! Яна қайдам...

– Сўфини ўз ҳолига қўйинг! Сиз аввал ўзингизни ўйласангиз-чи. Хўш, сизникига қачон сув тегади? Қирқ йилда бир мартами? Ўшандаям та-садифан сой-пойга учиб тушсангиз сув тегиб қолади. Сўфиникига эса ҳар куни аzonда сув тегади! Шунинг учун бундан кейин бирор гапни гапиришдан олдин мундок ўйлаб кўринг, ўйлашни ўрганинг! Акс ҳолда, мен ҳали уруш ҳолатини ҳам, фавқулодда ҳарбий ҳолатни ҳам бекор қилганим йўқ! Тушундингизми?! – деди Бўрсиқ жаҳли чиқиб.

– Тушундим, – деди Қурбақа кўзлари ёшланиб.

– Нимани тушундингиз?! – деди Бўрсиқ негадир баттар тутокиб.

– Отиб ташламоқчисиз, – деди Қурбақа хик-хик этиб. – Шуни тушундим.

– Ҳа, баракалла! Тушунган махлуқнинг садақаси кетсанг арзийди-да! – деб алқаб қўйди Бўрсиқ. – Тушунган бўлсангиз, гап бундай: зиёфат кечкурун бўлади. Аммо, таклифномаларни ҳозир тарқатиш лозим. Мана шу ишни сизга ишониб топширмоқчиман. Ўйлайманки, ишончимни оқласангиз керак.

— Албатта, оқлайман ишончингизни, — деди Курбақа кўзларини уқалаб.

— Раҳмат!.. Энди анави столга ўмганингизни бериб ўтириңг! Қоғоз-қалам олинг ва қошига ҳаворанг сиёҳда «Курбақанинг макони!» деган иборани босма ҳарфларда ёзинг! Сўнгра ҳамма дўстларимизни биттама-битта оқшомги зиёфатга таклиф этинг, ҳеч ким эсингиздан чиқмасин! Таклифнома матнини Каламушга бир кўрсатиб олинг; ҳар ҳолда Каламушнинг шоирлиги бор, сўзларнинг луғавий маъносини оз-моз тушунади. Агар тезроқ харакат қиласангиз, таклифномаларни тушгача жўнатиб юборамиз. Мен эсам ҳозир зиёфатнинг таомномасини ёзиб бераман. Ҳеч ким бекор ўтирмайди.

— Шундай ажойиб кунда Кўрсичқонга ўхшаб уйда ўтираманми? — деди Курбақа норози бўлиб. — Ўйлаб гапиряпсизми ўзи? Таклифнома ёзиш пакана мирзоларнинг иши-ку! Нима, мен сизга энди мунший бўлиб қолдимми?! Ундан кўра, ҳовли-жойимни мундоқ айланиб юрсам, хизматкорларимга иш-пиш буюрсам яхши эмасми? Бу уйда мен хўжайнинманми ёки оқсочманми?! Ҳой, қўмондон, сизда инсоф борми ўзи?! — деб хитоб қилди Курбақа. Сўнг бирдан қўллари билан юзини чангллади-ю, ўкраб йиглаб юборди. — Туф, тилимга куйдирги чиқсин! Илтимос, мен нонкўрнинг бир қошиқ қонидан кечинг! Мен... мен... битта ойимчани севиб қолганман. У ўша қамоқхонада назоратчининг қизи эди... Шунинг учун эс-хушим жойида эмас. Оғзимга келган гапни қайтармайдиган бўлиб қолдим. Агар ўзингиз бош-қош бўлиб, мени уйлаб қўймасангиз, билмадим, кейин нима бўлар экан! Яна бир марта мен аҳмоқни маъзур кўринг,

Бўрсиқжон! Отам бўлинг, Бўрсиқжон!.. Бўпти, зиёфатга буюртма бераверинг! Мана, биз хизматингизга тайёрмиз! Қамишдан бел боғлаб хизмат қиласиз!

Бўрсиқ унга ер остидан шубҳали назар ташлади. Афтидан, Қурбақа ростдан ҳам ошиқ бўлиб қолганга ўхшарди. Чунки тўрт мучаси соғ маҳлуклар тентакнамо иржайиб турмайдилар.

– Афсус, кўргилик экан-да, жин урсин! – деб пицирлади Бўрсиқ ва Қурбақага юзланиб: – Бўпти, хотиржам бўлинг, зиёфатни омон-эсон ўтказиб олайлик. Кейин тўй масаласини бафуржга гаплашамиз. Битта хотин бўлса, албатта, олиб берамиз! – деб ошхонага чиқиб кетди.

Унинг орқасидан эшик ёпилиши билан Қурбақа столга энгашди: боя Бўрсиқка норозилик билдираётган пайтида миясига ажойиб фикр келиб қолган эди – албатта, таклифномаларни ўзи ёзади, лекин нима деб ёзишни ҳам ўзи билади. Матнни зинҳорбазинҳор шоир Каламушга кўрсатмайди. Авваламбор, душман устидан қозонилган Буюк ғалабага қўшган шахсий хиссасини бўртириб кўрсатиши керак. Нима, асосий қаҳрамонлардан бири экани ёлғонми? Хўш, латчаларнинг нотиқ Бошлигини ким ер тишлатди?.. Бундан ташқари, ота-маконини озод қилгунча бошидан кечирган саргузаштларни ҳам Бош ғояга, яъни Қурбақани қўкларга кўтаришга хизмат қиладиган ғояга бўйсундириши, мослаштириши лозим. Сўнг таклифноманинг биринчи сахифасига зиёфат кечасининг дастурини илова қиласи. Дастур тап-тайёр. Мана, матн:

1. Нутқ (кеча давомида ягона эмас). Нотиқ Қурбақа.

2. Маъруза. Қисқача мазмуни. Бизнинг қамоқ тизимимиз. Кўхна Англияning сув йўллари. От-

фурушлик ёхуд от савдоси масалалари. Мулк, мулький хукуқ ва мажбуриятлар. Ер тўғрисида, Типик инглиз заминдори. Маърузачи Қурбақа.

3. Қўшиқ (куйини ҳам муаллиф басталаган). Ижрочиси Қурбақа.

4. Бадиий қисм (бастакор бошқариб боради) Ижрочиси Қурбақа.

Режаси бағоят ўзига ёкиб қолди. Шу боис тушгача столдан бош кўтартмади. Тушга яқин ҳамма таклифномалар ёзиб бўлинди. Ўтирган ўрнида керишиб-керишиб, эндиғина қўзғалмоқчи бўлиб турган эдики, эшиқдан битта хизматкори мўралади.

– Тақсир, қандайдир исқирт, ерпакар латча келиб, титраб-қақшаб турибди. Хизмат-пизмат йўқми, деб сўраяпти, – деди.

– Яхши, ҳозир чиқаман, – деб Қурбақа ташқарига чиқди.

Остонда кеча тириклиайн асир олинган латчалардан бири ялтоқланиб, қўл қовуштириб турарди. Қурбақа оҳиста унинг бошини силади. Сўнг бир даста таклифномаларни унинг қўлига берди.

– Зудлик билан эгаларига топширилсин! Унвонлари кўрсатилган, – деди Қурбақа амирона товушда. – Оқшом ўзинг ҳам келгин. Хизматинг учун бир шиллинг ҳақ бераман!

Бечора латча хурсандчилигини ичига сифдира олмай, дикир-дикир сакраб, хонадонни тарк этди.

Эрталабдан бери соҳилда яйраб-яшнаб юришган дўстлари ошхонага қайтиб келдилар ва иккичи марта нонушта қила бошлидилар. Кўрсичон Қурбақани зимдан кузатди: дили хуфтон бўлса керак, деб ўйлади. Лекин, Қурбақа жуда қувноқ

күринарди, керилиб ўтиарарди. Бундай ҳолни кўриб, Кўрсичқон ташвишга тушиб қолди. Каламуш билан Бўрсиқ маъноли кўз уриштириб олдилар.

Тамадди қилиб бўлингач, Қурбақа димоғдорлик билан қўлларини чўнтағига тиқди. Сўнг, виқор билан:

– Сизлар кўнгул тусаган ишни қиласверинглар! – деди. – Мен эсам, хизматкорларимдан хабар оламан. Нима керак бўлса, тортинмай сўрайверинглар!

Қурбақа оқшомги зиёфат пайтида сўзлайдиган нутқини, маъруzasини боғ айланиб юриб, пишириб олмоқчи эди. Лекин, Каламуш унинг қўлидан маҳкам ушлаб қолди. Қурбақа типирчилаб, қутулиб кетмоқчи бўлган эди, иккинчи қўлидан Бўрсиқ ушлади. Қурбақа бирдан ҳовуридан тушди. Фанимат фурсат бой берилганди. Икки қўлтиғидан сургалашганча уни чекиш хонасига олиб ўтдилар. Стулга ўтқазиб қўйишди. Эшикни зичлаб ёпдилар. Сўнг Бўрсиқ билан Каламуш Қурбақанинг рўпарасига келишиб, тик турдилар. Бундан Қурбақа хавотирга тушди.

– Қурбақа, ўнг қулоғингиз билан ҳам, сўл қулоғингиз билан ҳам яхшилаб эшитиб олинг! Ҳозир зиёфат хусусида маслаҳатлашиб оламиз. Авваламбор, сиз билан бунақа оҳангда гаплашаётганимиз учун бизни маъзур тутасиз! – деди Каламуш. – Бироқ, бошқа иложи ҳам йўқ. Қисқаси, зиёфат чоғи ҳеч қандай нутқбозлик, ваъзхонлик бўлмайди! Ашула-пашула ҳам айтилмайди! Тушундингизми? Сиз билан гап талашиб ўтиришга вақтимиз йўқ!

Қурбақа сири фош бўлганини дархол англади. Улар сезиб қолишибди, демак дилидаги гапларни билиб юрганлар. Мана, ўз вақтида отни

қамчилабдилар. Ширин хаёллар, асал орзулар абас бўлди, барбод бўлди.

– Мухтасаргина, сермазмун битта ашула айтсам майлими? – деб илтимос қилди Қурбақа йифламсираб.

– Миқ этиб оғиз очмайсиз! – деб жеркиб берди Каламуш, Қурбақа йифламсираб турганини кўрган ҳолда. – Сизга ашула айтиш ярашмайди, сариқ чақалик нафи тегмайди. Аксинча, мактантанчоқлик, манманлик ўзингизни обрў-эътиборингизга путур етказади, холос. Ишончимиз комилки, нуткингиз ҳам, маърузангиз ҳам фақат лоф-қофлардан, уйдирмалардан иборат бўлади.

– Қуруқ сафсатабозликка тоқатимиз йўқ, – деб илова қилди Бўрсиқ.

– Биз сизнинг фойдангизни кўзлаб гапиряпмиз, Қурбақа, – дея давом этди Каламуш. – Эртами-кечми ҳаётингизни бошқатдан бошлишингиз лозим бўлади. Энди бундай яшаб бўлмайди-ку, ахир! Ҳозирдан эътиборан ҳаётингизда туб бурилиш бошланиши керак! Ёки бошингизни иккита қилиб кўйганимиздан кейин ҳам лўттибозликни давом этираверасизми?!

Қурбақа ўтирган ўрнида бир қалқиб кетди. Майнин жилмайиб, юзини ерга қаратди. Хийла пайт ўй суриб ўтирди.

– Майли, энди мардона таслим бўламан... Чунки мен ўша қизни ўзимдан ҳам ортикроқ яхши кўраман, – деди Қурбақа паст товушда. – Тўғрисини айтсам, зиёфат чоғи маҳлуклардан олқиши олмоқчи эдим. Нодонман-да! Такаббурлик доим орқамдан эргашиб юради. Аммо, сизлар ҳақ гапни айтяпсизлар! Мен ноҳақман. Буни ўзим

ҳам биламан. Бугундан бошлаб бошқача бўламан, ўзимни ўзим қатъий тарбиялайман. Дўстларимга, суюкли ёримга муносиб бўлишга ҳаракат қиласман! Ишонтириб айтаманки, ҳеч қачон юзларингни ерга қаратмайман! – Курбақа рўмолчасини бурнига босган кўйи гандираклаб-гандираклаб ташқарига чопиб чиқиб кетди.

– Бўрсиқ, мен чўчқа эканман! Оқ-оппоқ чўчқадан фарқим қолмабди! – деди Каламуш афсусланиб. – Инсоф деган нарса қолмабди менда! Тўғрими, сиз нима дейсиз?

– Тўғри, – деб эътироф этди Бўрсиқ. – Лекин, шунақа қилмасак ҳам бўлмасди-да! Ростакамига турмуш қурмоқчи бўлса, этагини йиғиштириб олсин-да! Қачонгача биз унга энагалик қиласми, ахир?! Ёки яна дўст-душманнинг олдида юзимиз шувут бўлсинми?

– Ўзи асрасин! – деди Каламуш. – Яхшиямки, анави исқирт латча олиб кетаётган таклифномаларга кўзим тушиб қолди: бир-иккитасини мундоқ кўздан кечирсам, имло хатолари ғиж-ғиж. Майли, саводхонлигини қўя турайлик. Аммо, мазмунига асло чидаб бўлмайди! Барча таклифномаларни тортиб олдим, мусодара қилдим. Ҳойнаҳой, ҳозир Курбақа бечора бандаргоҳга бориб, қайтадан таклифнома ёзаётган бўлса керак. Ўйлайманки, бу гал инсоф билан ёзади.

– Кошкийди! – деди Бўрсиқ хўрсиниб.

* * *

Зиёфат арафасида Курбақа кўринмай қолди. У ётоғига қамалиб олиб, маъюсгина хаёл суриб ўтиради. Бошини кафтига тираган кўйи жуда узоқ

ўйлади, ўйлайверди, боши торс ёрилиб кетай деди. Ахийри, юзлари сал ёришди, лабларида майнин табассум пайдо бўлди. Уялинқиради. Секингина ўрнидан туриб, эшикни ичкарисидан қулфлади, дераза пардаларини тушириб қўйди. Сўнг, хонадаги барча стулларни тўплаб, ярим доира ясади-да, ҳаяжон ичра уларга қараб бир-бир таъзим бажо келтириди. Икки-уч марта томоқ қирди. Кейин кўзлари чақнаб, зав-шавқقا тўлиб, хаёлий томошабинларга юзланганча жарангдор товушда куйлаб юборди.

ҚУРБАҚАНИНГ ЯНГИ ҚЎШИГИ

*Суюнчи беринг, жаноб Қурбақа келибди!
Уйлар тўполон, хонадон нотинч,
Дўстлар қувнашар, молхона нотинч,
Отлар безовта –
жаноб Қурбақа қайтиб келибди!*

*Дераза бузилган, эшик узилган,
Жондорлар сиғмас...
Бириси ўлган, бириси қолган,
Латчалар билмас –
жаноб Қурбақа қайтиб келибди!*

*Ур, чал! Дўмбиранг янграт!
Жарчи, бургуни чал.
Аскарларни сафга тиз!
Замбарак отилсин, машина юрсин!
Ахир, ғолиб қаҳрамон қайтибди!*

«Ур-ра, ур-ра!» деб қолинг,
Дўстларим, қичқиринг!
Олқишиланг, овоз борича,
Шукур қилинг, ботирингиз бор!
Ахир, голиб Қурбақангиз шон қучди бу кун!

У қўшиқни авж пардаларда куйлади. Ниҳоятда таъсирчан эшитилди. Охирги нақоратини бир неча марта такрорлагач, қўшиқни яна бошидан бошлиди...

Сўнг чукур-чукур хўрсинди. Тароқни сувга тиқиб хўллади-да, соchlарининг ўртасидан рамзий фарқ очди. Сочлари юзининг икки тарафига силлиқ бўлиб тушгунча роса таради гўё. Кейин аста эшикни очди ва оҳистагина меҳмонхонага тушди.

Меҳмонхонада уни шодон қарсаклар билан чин юракдан қарши олдилар. Ҳамма Қурбақани омон-эсон қайтиб келгани билан чин юракдан муборакбод этарди. Бир неча маҳлуқ аёвсиз жангда кўрсатган жасоратини алоҳида мақтади, шаънига оғаринлар айтдилар. Негадир Қурбақа камгап бўлиб қолган эди.

– Жуда унчалик эмас. Кўйинглар-э! – деб камтарона жавоб қайтарарди. Баъзан ҳадеб битта гапни такрорлайвермаслик ниятида: – Йўқ, аксинча бўлган эди! – деб қўярди.

Ўчоқ ёнида дўстларини оғзига қаратиб ўтирган Кундуз бирдан Қурбақани кўриб қолди ва:

– Тасанно, дўстим! – деб қучоқ очиб яқинлаша бошлиди. – Лекин, мен шу ерда бўлганимдами, нима қилишни ўзим билардим! – У Қурбақани маҳкам қучоқлаб, икки юзидан чўллп-чўллп этказиб ўпди. – Энди ижозат бергайлар. Камина миллий

қаҳрамонимизни елкамга миндириб хонани бир айланиб чиқсам! – деди Қундуз эски удумни эслатиб.

– Э-э, күйсангиз-чи! – деб Қурбақа унинг қуҷоғидан бўшалиб чиқди. – Барча оғирлик Бўрсиқнинг зиммасига тушди, ҳамма ишни ўша бажарди, – деди Қурбақа товушини қўтариб. – Жангда Бўрсиқ қўмондон бўлди. Сичқон билан Каламуш энг қалтис топшириқларни адо этишди. Улар тап тортмай ўлим билан юзма-юз келишди... Мен бўлсам, таъминот масалалари билан шуғулланадиган оддий пиёда аскар вазифасини бажардим, холос. Ҳеч қандай жасорат қўрсатганим йўқ!

Ҳамма ҳайратдан ёқа ушлади. Наҳот, бу ўша – ўзлари билган мақтанчоқ Қурбақа бўлса?! Қурбақа эса пинак бузмай камтарона савол-жавоблар билан чекланарди, холос. Мехмонлар билан самимий салом-алик қиласарди. Гоҳида махлукларнинг диққат марказида турганини ҳис этарди-ю, қизариб кетарди, ноқулай аҳволга тушиб қоларди.

Зиёфат дастурхонига Бўрсиқ энг тансиқ таомларни буюртма берган эди. Шу боис дастурхон бекаму кўст безатилганди. Сухбат қизғин давом этарди. Ҳазил-мутойиба, қаҳқаҳа тинмасди. Қурбақа хонадон соҳиби сифатида тўрда ўтиарди, ўзини ниҳоятда сипо тутарди; ён-веридаги меҳмонларнинг кўнглини овлашга ҳаракат қиласарди. Вақти-вақти билан Бўрсиқ билан Каламушни зимдан кузатиб қўярди ва уларнинг ҳайрон бўлиб ўтиришганини, бир-бирлари билан маъноли кўз уриштириб олишаттаганини кўриб, ич-ичида хурсанд бўларди.

Айрим меҳмонлар, айниқса, ёш-яланглар зиёфат бир оз зерикарлироқ ўтаётганидан норо-

зи бўлишиб, бир-бирларига шикоят қила бошлиди. Бир пайт улардан биттаси столни қаттиқ муштлади-да:

– Қадаҳ сўзи эшитайлик! Қурбақа бирор нима десин! Ашула бўлсин! – деб қичкирди.

Қурбақа бошини қимирилатиб, миннатдорлик ишорасини билдириди. У нутқ сўзлаш ўрнига меҳмонларнинг олдига ширинликлару тансиқроқ таомларни суриб қўярди.

– Олинглар, ахир! Нега ҳеч нарса емаяпсизлар? Олишиб ўтиинглар-да! Айтмоқчи, бола-чақалар ўйнаб-кулиб юришибдими?.. Шукр, шукр! – деб Қурбақа аслзодаларга хос муомала қиласди.

Шу тарзда зиёфат ниҳоятда ширин ўтди. Тўстўполон бўлмади.

Бизнинг Қурбақа босар-тусарини билмайдиган эски танишимизга асло ўхшамасди. Ишқилиб, кўз тегмасин!

* * *

Фуқаролар мухорабасининг якунловчи қисми ва энг чўқиси Қурбақанинг меҳмонхонасидаги зиёфат бўлди, десак янглишмаймиз.

Тўрт кадрдон жонивор кейинчалик ҳам шодхуррам ҳаёт кечирдилар, даврон сурдилар. Уларнинг осойишта ва ширин турмушига ҳеч ким қайта раҳна солмади. Қурбақа дўстлари билан маслаҳатлашиб, тилло занжирли битта жавоҳир медальон сотиб олди ва изҳори муҳаббат битилган мактубга қўшиб уни назоратчининг арзанда қизига жўнатди. Бўрсиқнинг фикрича, ўша мактуб камтарлик ва олийжаноблик рамзи экан. Ҳатто паровоз машинисти ҳам эсдан чиқарилмади:

кўрсатилган илтифот ва махлуқсеварлиги учун унга қимматбаҳо совға-саломлар юборилди. Бўрсиқнинг қатъий талаблари оқибатида шатак-кема бошқарувчиси бўлмиш кирчи хотин ҳам излаб-излаб топилди.

– Жентелменни оддий Бақадан фарқлай олмайдиган бўрдоқи хотиннинг додини бериш керак! Мен жуда тўғри қилганман! – деб битта гапда туриб олди Қурбақа.

Аммо, Бўрсиқ бу ишни ҳам шундок қолдирмади: кирчи хотин йўқотган отининг баҳосидаги пулга эга бўлди. Ўша хотинга берилган пул катта эътирозларга сабаб бўлмади. Чунки лўли отнинг баҳосини деярли тўғри айтган экан.

Хозир тўрт қадрдан кўнгиллари тусаган пайтда, айниқса, ёзнинг иссиқ кунларида Ёввойи чакалакзорда бемалол сайр қиласидилар, мириқиб ҳордиқ чиқариб қайтадилар. Уларга ҳатто кечалари ҳам ҳеч қандай хавф-хатар таҳдид қилмайди. Ёввойи чакалакзор ахли уларни учратган жойларида бошлари ерга теккудек бўлиб таъзим қиласидилар, ҳурматларини жойига қўядилар. Она латчалар бўлса, уяларининг оғзига кичкинтойларини кўтариб чиқишади-да:

– Ана, қарагин! Ҳув нарида кетаётган зот – жаноб Қурбақа бўладилар! Кўрдингми?.. Ёнидаги жаноб Каламуш! Ундай жангчи ҳали дунёга келгани йўқ, болам!.. Ҳув наридаги зот эса, отанг тез-тез таърифини келтириб турадиган жаноби Кўрсичон бўладилар! – деб имо-ишора қиласидилар.

Агар ёш болалар ҳадеб шўхлик қиласалар борми, уларни дарров тинчлантириб қўйиш учун: «Ана, қарагин! Ҳув ана, Бўрсиқ келяпти! У ҳозир

сени еб қўяди!» деб қўрқитишади. Албатта, бундай ёрлиқ Бўрсиқнинг номига асло муносиб эмасди. Чунки Бўрсиқ жамоатни унча ёқтирмаса-да, ёлғиз, якка хўжалик тартибида яшашни афзал кўрса-да, аммо болаларни жон-дилидан севарди. Уларсиз туролмас, қўни-қўшниларнинг болаларини опичлаб, ўйнатиб юради... Лекин, нима қилсин, номи салпалигина қулоққа ғалати эшитилади-да! Ҳечқиси йўқ, тушунмовчилик кўникма ҳосил бўлгунча давом этади, холос.



МУНДАРИЖА

Субхидам ёғдуларига чулғанган хаёл	3
I боб. Соҳилда.....	9
II боб. Олис сафар	28
III боб. Ёввойи чакалакзор	47
IV боб. Жаноби бўрсиқ.....	66
V боб. Қадрдон уй	85
VI боб. Жаноби курбака	106
VII боб. Субхидамдаги сехрли наво.....	127
VIII боб. Қурбақанинг саргузаштлари	141
IX боб. Ҳаммамиз ҳам дарбадар.....	161
X боб. Қочоқ курбақанинг «кўрган-кечирганлари».....	188
XI боб. Нечун яна кўзларингда ёш?	213
XII боб. Дарбадарнинг қайтиши.....	238

Адабий-бадиий нашр

КЕННЕТ ГРЕХЕМ

ТОЛЗОРДАН ЭСГАН ШАМОЛ

Kucca

Таржимон Тилаволди Жўраев

Мухаррир	<i>M. Якубджанова</i>
Бадиий мухаррир	<i>У. Сулаймонов</i>
Техник мухаррир	<i>Л. Хижсова</i>
Кичик мухаррирлар:	<i>Д. Холматова, Г. Ералиева</i>
Мусаххих	<i>З. Кудратов</i>
Компьютерда саҳифаловчи	<i>К. Голдобина</i>

Нашриёт лицензияси АI № 158. 14.08.2009.
Босишига 2016 йил 27 июня руҳсат этилди.
Бичими $80 \times 100^{1/32}$. «Газетная пухлая» қоғози.
«Times New Roman» гарнитурасида оғсет
усулида босилди. Шартли босма табоби 12,21.
Нашр табоби 11,76. Адади 3000 нусха.
Буюртма № 16-428.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.
e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz